

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ  
НАЗАРИЯСИ**

**(Ўқув қулланма)**

**ТОШКЕНТ - 2013**

**Маърузалар матнини тайёрлашда катнашганлар:**  
Т.Т.Жўраев, С.Михмонов, А.Шарипов, Ж.Жабборова, Д.Жалолова,  
Д.Бабабекова, З.Г.Аллаберганов, Я.Б.Мустафақулов.

Иқтисодий-ижтимоий тараққиёт назарияси бўйича тайёрганланган мазкур ўқув кўлланмада Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва олий ўқув юртларида бакалаврлар тайёрлаш давлат андозасининг талаблари ҳисобга олинган. Ҳар бир мавзу мазмунини ёритишида Республика Президенти И.Каримов асарларидан, Республика қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан кенг фойдаланилган.

Маърузалар матни бир-бири билан мантиқан боғланган икки қисмдан иборат бўлиб, уларда макроиқтисодёт ва жаҳон хўжалигига оид мавзулар ўрин олган. Айниқса, хозирги замон ривожланган бозор иқтисодиётининг қонун-қоидаларига, молия, кредит, банк ва пул тизимининг ролига катта эътибор берилган.

Маърузалар матни барча йўналишдаги бакалаврлар учун мўлжалланган.

**Тақризчилар:** **М.И.ЮЛДАШЕВ** –и.ф.д., проф.  
**Д.ТОЖИБОЕВА** – и.ф.н., проф.

**Масъул муҳаррир:** **Т.ЖЎРАЕВ** – и.ф.д., проф.

**Маърузалар матни Тошкент Молия институти қошидаги  
Олий ўқув юртлараро илмий-услубий Кенгаш мажлисида  
муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.**

# **1-МАВЗУ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ЎЛЧАМЛАРИ**

## **РЕЖА:**

1. Миллий иқтисодиёт тушунчасининг мазмуни ва унинг макроиқтисодий кўрсаткичлари
2. Ялпи миллий маҳсулотнинг мазмuni, таркибий қисмлари ва ҳаракат шакллари.
3. Номинал ва реал ЯИМ кўрсаткичлари.
4. Ялпи миллий маҳсулотни ҳисоблаш усуллари.
5. Жаҳон молиявий иқтисодий инқизорзининг ЯИМ ва иқтисодий фаолликка таъсири.

### **1. Миллий иқтисодиёт тушунчасининг мазмуни ва унинг макроиқтисодий кўрсаткичлари**

Ҳаммага маълумки, ўтмишда Ўзбекистон иқтисодиёти собиқ совет иттифоқи иқтисодиётининг таркибий қисми ҳисобланиб, мустақил миллий иқтисодиёт деб бўлmas эди. Бизга бир ёқлама ривожланган пахта якка ҳокимлигига, хом-ашё ишлаб чиқаришга ва бой минерал - хом-ашё ресурсларидан назоратсиз, аёвсиз фойдаланиш асосига қурилган, ёнилғи, ғалла ва бошқа кўпгина ишлаб чиқариш ресурслари ҳамда истеъмол товарларининг таъминланиши бўйича марказга қарам бўлган иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди. Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов қайд қилиб ўтганларидек, «Ўзбекистон бир ёқлама иқтисодиётга – марказга бутунлай қарам, издан чиқсан иқтисодиётга эга бўлган» мамлакат<sup>1</sup> эди.

1991 йил сентябридан буён ўтган қисқа давр мобайнida иқтисодий мустақилликни қўлга киритиб, мамлакатимиз ҳудудидаги барча табиий, минерал – хом ашё бойликларидан мамлакатимиздаги бутун иқтисодий ресурслар ва қувватлардан ўз халқимиз ва унинг келажаги манфаатлари йўлида фойдаланиш имкониятига эга бўлдик<sup>2</sup>.

Янги энергетика, машинасозлик ва бошқа саноат тармоқларининг вужудга келиши, қўплаб йирик иншоотлар, корхоналар, завод ва фабрикалар қурилганлиги, ёнилғи ва ғалла

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда». Т. «Ўзбекистон», 1999 й. 6 бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда». Т. «Ўзбекистон», 1999 й. 8 бет.

мустақиллигига эришилганлиги иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, изчил ўсиш суръатлари миллий мустақил иқтисодиётни мустаҳкамлаш сари қилинган ҳаракат натижаларидир.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган янги, мустақил ривожланаётган, ўз халқи, миллати манфаатларига хизмат қиласиган миллий иқтисодиёт шаклланиб бормоқда.

Миллий иқтисодиёт, алоҳида мамлакат миқёсида барча тармоқлар ва соҳаларни, микро ва макро иқтисодиётларни, функционал иқтисодиётни, кўплаб инфратузилмаларни ўз ичига олган яхлит иқтисодиётдир.

**Макроиктисодиёт** – бу мамлакат миқёсида, унинг алоҳида секторлари ва жаҳон хўжалиги даражасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини бир бутун қилиб бирлаштирган иқтисодий тузилмасидир.

Миллий хўжаликнинг таркиб топган тузилиши ижтимоий меҳнат тақсимоти ривожининг натижаси ҳисобланади.

Макроиктисодиёт ўз ичига миллий иқтисодиёт, унинг мулкий секторлари ва жаҳон хўжалиги даражасидаги ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини олади.

- Миллий иқтисодиёт Алоҳида мамлакат миқёсида мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган ҳамда меҳнат тақсимоти орқали ўзаро боғланган тармоқлар, соҳалар ва инфратузилма муассасаларидан иборат иқтисодий тузилмалар.
- Иқтисодиёт секторлари Иқтисодиётнинг мулкий тавсифига кўра алоҳи-далашган хусусий, кооператив, давлат ва аралаш секторлардан иборат бўғинларидир.
- Жаҳон хўжалиги Халқаро меҳнат тақсимоти орқали халқаро иқтисодий муносабатлар иштирокчисига айланган алоҳида миллий давлатлар иқтисодиётлари мажмуасидир.

Миллий иқтисодиётнинг иқтисодий ўлчамлари макроиктисодий кўрсаткичларда ўз ифодасини топади.

**Макроиктисодий кўрсаткичлар** миллий (ёки жаҳон) иқтисодиётнинг ҳолатини, фаолият қилиши ва унинг натижаларини

ифодалайди.

Миллий иқтисодиёт меъёрида фаолият қилиш ва барқарор ўсиши учун барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро боғлиқлиги ва мувозанатли ривожланиши талаб қилинади.

Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳажми ва уларнинг ўсиши бир қатор қўрсаткичлар тизими орқали, микро ва макроиқтисодий даражада аниқланиб, таҳлил қилинади. Кўпгина микро қўрсаткичлар ёрдамида корхоналар фаолиятига баҳо берилиб ва улар иқтисодиётининг ривожланиш тамойиллари аниқланса, макроиқтисодий қўрсаткичлар орқали бутун иқтисодиётнинг ҳолати унинг ўсиши ёки орқага кетиши таҳлил қилиниб, хулоса чиқарилади. Улар ёрдамида давлат ўз иқтисодий сиёсатини белгилайди. Бу тизимга кирувчи турли хил қўрсаткичлар, **биринчидан**, бизга маълум вақт оралигидаги ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисоблаш ва миллий иқтисодиётнинг фаолият юритишига бевосита таъсир қилувчи омилларни аниқлаш имконини беради. **Иккинчидан**, макроиқтисодий қўрсаткичлар тизими, ЯММ ни унинг ҳаракатининг барча босқичларида, яъни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва пировард натижаларидан фойдаланиш босқичларида кўргазмали шаклда акс эттиришга имкон беради.

Ниҳоят мазкур қўрсаткичлар тизими мавжуд ресурслар ва улардан фойдаланишнинг мос келиши (тенглиги) кузатилганда, мамлакатдаги умумий иқтисодий мувозанатлик ҳолатини акс эттиради.

Бутун миллий иқтисодиётининг умумий ҳолатини тавсифловчи муҳим макроиқтисодий қўрсаткичлар - **ялпи миллий маҳсулот (ЯММ), ички миллий маҳсулот (ИММ), соф миллий маҳсулот (СММ), миллий даромад (МД), ишчи кучи бандлиги, ишсизлик, инфляция ва бошқа шу кабилар ҳисобланади**.

Бу қўрсаткичлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги барча хўжаликлар иқтисодий фаолиятининг умумий ва пировард натижаларини қамраб олади.

Шу сабабли макроиқтисодий қўрсаткичларни миллий иқтисодиёт ҳолатига боғлиқ равишда қуидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

**1. Миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш имкониятини тавсифловчи қўрсаткичлар.** Булар мамлакатнинг иқтисодий ресурс салоҳиятини, ер ости ва ер усти бойликлари зҳиралари ҳамда табиий ресурслари ҳажмини тавсифловчи қўрсаткичлар.

**2. Миллий иқтисодиёт фаолият қилишини тавсифловчи кўрсаткичлар.** Булар бандлик, ишсизлик, инфилляция, истеъмол, жамғарма ва инвестициялар даражаси, нархлар даражаси ва унинг ўзгариши, савдо айланмаси, тўлов баланси ҳолати ва бошқалар.

**3. Миллий иқтисодиёт фаолиятининг натижаларини тавсифловчи кўрсаткичлар.** Ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми (ЯММ ва унинг ҳаракат шакллари).

**4. Миллий иқтисодиёт натижаларидан фойдаланиш ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар.** Булар ЯИМ да истеъмол ва жамғарма нисбати, иш ҳақи ва бошқа омилли даромадлар даражаси, ЯИМ да инвестициялар улуши ва бошқалар.

Миллий иқтисодиётни ўрганишда макроиктисодий таҳлилдан фойдаланилади. Макроиктисодий таҳлил ресурсларнинг тўлиқ бандлигига эришиш, инфляцияни энг кам даражага келтириш, ишсизликни камайтириш орқали макроиктисодий мувозанатликни ва пировард натижада иқтисодий ўсишни таъминлаш муаммоларига қаратиласди.

Макроиктисодий таҳлилда яхлит иқтисодиётга тегишли ўртача микдорлардан фойдаланилади.

Булар нархларнинг ўртача даражаси, фоизнинг бозор ставкаси, инфляция, бандлик, ишсизликнинг ўртача даражаси ва ҳ.к.

Миллий иқтисодиётни таҳлил қилишда иқтисодий моделлардан ҳам қўлланилади. **Макроиктисодий моделлар**-иктисодиёт ва унда рўй берадиган реал воқейликнинг мантиқий (назарий), микдорий (математик) ва график ўлчамларда абстракт тасвиrlанишидир.

#### **Асосий макроиктисодий моделлар қуйидагилар.**

- доиравий оқимлар (айланишлар) модели
- ялпи талаб ва ялпи таклиф (AD-AS) модели
- товарлар микдори ва пул массаси (IS-NM) модели
- Филлипс, Лаффер эгри чизиқлари

## **2. Ялпи миллий маҳсулотнинг мазмуни, таркибий қисмлари ва ҳаракат шакллари**

**Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)** – миллий хўжаликларда бир йил давомида вужудга келтирилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб тушиши мумкин бўлган тайёр пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор нариҳдаги қийматидан иборат бўлади.

Демак, ЯММ миллий иқтисодиётда йил давомида ишлаб

чиқарилган барча пировард маҳсулот (хизмат)ларнинг бозор нархидаги суммасидир. Биз биламизки, жорий йилда ишлаб чиқилган барча маҳсулотлар сотилмаслиги мумкин, уларнинг бир қисми заҳираларни тўлдиради. Яъни ЯММ ҳажмини ҳисоблаб топишда заҳираларнинг ҳар қандай ўсиши ҳисобга олиниши зарур, чунки ЯММ ёрдамида жорий йилдаги барча маҳсулотлар (сотилган ва сотилмаган) ҳисобга олинади.

Миллий ишлаб чиқаришнинг ялпи ҳажмини тўғри аниқлаш учун, мазкур йилда ишлаб чиқарилган барча маҳсулот ва хизматлар бир марта ҳисобга олиниши зарур. ЯММ ҳажмини топишда сотилган ва қайта сотилган маҳсулотларни кўп марта ҳисобга олишларни бартараф қилиш учун, миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган қўшилган қийматлар йиғиндиси олинади.

**Кўшилган қиймат** – бу бирон бир субъект томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматидан етказиб берувчилардан сотиб олинган ва истеъмол қилинган хом-ашё ва материаллар қиймати чиқариб ташлангандан кейин қолган қисмининг бозор қиймати.

Бошқача айтганда **кўшилган қиймат** – бу корхона ялпи маҳсулотидан ёки ишлаб чиқарган маҳсулотининг бозор нархидан (амортизация ажратмасидан ташқари) жорий моддий харажатлар чиқариб ташланган миқдорига teng.

Иқтисодиётда йиллик ишлаб чиқариш ҳажмининг кўрсаткичи ЯММ билан бирга, унинг таркибий қисмлари сифатида ҳисобланиш мумкин бўлган бир қатор ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар мавжуд бўлишини билдирадики, улар миллий иқтисодиётнинг турли томонларини тавсифлаб беради.

ЯММ кўрсаткичига соф экспорт (экспорт ва импорт ўртасидаги фарқ) киради. Аммо турли мамлакатларда ташқи савдо фаолиятининг салмоғи кескин фарқланади. Шу сабабли миллий иқтисодиёт ривожланиш даражасини таққослаш учун ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичидан фойдаланилади. ЯИМ маълум вакт давомида (бир йилда) мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилишга тайёр пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор нархларидаги қийматидир. У барча ишлаб чиқариш субъектларида қўшилган қийматлар йиғиндиси сифатида чиқади.

ЯММ ва ЯИМ ишлаб чиқариш ялпи ҳажмининг кўрсаткичи сифатида битта муҳим камчиликка эга. Улар мазкур йилда ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган, асосий капиталнинг ўрнини қоплаш учун зарур бўлган қийматни ҳам ўз ичига олади.

**ЯММдан жорий йилда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган асосий капитал қиймати ёки йиллик моддий харажатлар суммаси айриб ташланса соф миллий маҳсулот (СММ) кўрсаткичи ҳосил бўлади.**

**ЯММ – моддий харажатлар йиллик суммаси = СММ**

Шундай қилиб, СММ моддий харажатлар амортизация ажратмаси суммасига камайтирилган ЯММ сифатида чиқади.

СММ қийматига давлат томонидан ўрнатиладиган эгри солиқлар суммаси киради. Эгри солиқлар давлат томонидан ўрнатиладиган нархга қўшиладиган харажат ҳисобланади. Бундай солиқлар оғирлиги истеъмолчи зиммасига тушади ва унинг ҳисобига ўзларининг даромадининг бир қисмини сарфлайди. Шунинг учун ҳозирги даврда ҳисоб тизимида СММдан эгри солиқлар чиқариб ташланса миллий даромад (МД) кўрсаткичи ҳосил бўлади деб кўрсатилади.

**СММ – бизнесга эгри солик= миллий даромад.**

Амалиётда ишлаб чиқарилган ва фойдаланилган МД фарқланади. **Ишлаб чиқарилган МД** – бу янгидан яратилган товар ва хизматлар қийматининг бутун ҳажми. **Фойдаланилган МД** – бу ишлаб чиқарилган МДдан йўқотишлар (табиий оғатлар, саклашдаги йўқотишлар ва ҳ. к.) ва ташқи савдо қолдиғи чиқариб ташланган миқдорга тенг.

Иқтисодий фанда МД истеъмол ва жамғариш фондига ажратилади. **Истеъмол фонди** – бу миллий даромаднинг жамият аъзоларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини ҳамда бутун жамият эҳтёжларини (таълим, мудофаа ва ҳ. к.) қондиришни таъминлашга кетадиган қисми. **Жамғариш фонди** – бу миллий даромаднинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, суғурта резервларини қўпайтиришга сарфланадиган қисмидир.

Миллий даромадни, омилли даромадлар барча турларини (амортизация ажратмаси ва бизнесга эгри солиқлардан ташқари) қўшиб чиқиши йўли билан ҳам аниқлаш мумкин.

Шахсий даромад кўрсаткичини топиш учун миллий даромаддан уй хўжаликлари қўлига келиб тушмайдиган даромадларнинг юқоридаги учта турини (ишлаб топилган) чиқариб ташлашимиз ҳамда жорий меҳнат фаолиятининг натижаси ҳисобланмаган даромадларни унга қўшишимиз зарур.

**Миллий даромад** - ижтимоий суғурта ажратмаси - корхона фойдасига солиқлар - корхонанинг тақсимланмайдиган фойдаси – соф фоизлар (давлатнинг трансферт тўловлари) + фоизлар шаклида

олинган даромад + давлат қарзлари бўйича фоиз = шахсий даромад.

Шахсий даромаддан даромад солиқлари тўлангандан кейин, уй хўжаликларининг тўлиқ тасарруфида қоладиган даромад шаклланади.

Солиқлар тўлангандан кейинги даромад шахсий даромаддан шу даромад ҳисобидан тўланадиган солиқлар миқдорини чиқариб ташлаш йўли билан ҳисобланади.

Солиқлари тўлангандан кейинги даромад уй хўжаликлари энг охирида эга бўладиган даромади ҳисобланиб, алоҳида шахс ва оиласалар ўз тасарруфида бу даромадларнинг бир қисмини истеъмол учун сарфлайди ва бошқа қисмини жамғармага йўналтиради.

Макроиктисодий кўрсаткичларнинг қараб чиқилган таҳлилига асосланиб, бу кўрсаткичлар бутун тизими нисбатини кўргазмали тасаввур қилишимиз мумкин бўлади.

**Ички ялпи маҳсулот – моддий харажатлар = СММ.**

**Соф миллий маҳсулот - эгри солиқлар = МД.**

**Шахсий даромад** - шу даромад ҳисобидан даромад солиқлар – мажбурий тўловлар = солиқлар тўланандан кейинги ихтиёридаги шахсий даромад.

Ихтиёрида қоладиган даромад уй хўжаликлари томонидан истеъмол ва жамғарма мақсадларида ишлатилади.

Ихтиёрида қоладиган даромад = истеъмол сарфлари + жамғарма миқдори

### 3. Номинал ва реал ЯИМ кўрсаткичлари

ЯММ ёрдамида миллий иқтисодиётда товар ва хизматлар ишлаб чиқариш йиллик ҳажмини ҳисоблашга ҳаракат қилинади.

ЯММ йил давомида ишлаб чиқарилган барча пировард товарлар ва хизматларнинг бозор нархидаги суммаси бўлганлиги учун товарнинг ўзи, унинг нафлилиги кўпаймаган ҳолда баҳолар ошиши эвазига унинг ҳажми ошиб кетиши мумкин. Баҳо ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ҳар хил элементларини ягона умумий асосга келтиришнинг энг кенг тарқалган кўрсаткичи сифатида фойдаланилади. Шунинг учун ялпи миллий маҳсулотга баҳо беришда номинал ва реал миллий маҳсулот ҳисобга олинади. Жорий бозор баҳоларида ҳисобланган миллий маҳсулот **номинал миллий маҳсулот**, ўзгармас баҳоларда ҳисобла34нган миллий маҳсулот эса **реал миллий маҳсулот** деб юритилади. Ҳар хил йилларда ишлаб чиқарилган ЯММ қийматини фақат нарх ўзгармаган тақдирда ўзаро

таққослаш мумкин бўлади. Бундан ташқари нарх даражаси бизга иқтисодиётда инфляция (нарх даражасининг ўсиши) ёки дефляция (нарх даражасининг камайиши) ўрин тутганлигини ва унинг миқёси қандайлигини билиш имконини беради.

Нарх даражаси индекс шаклида ифодаланади. Нарх индекси жорий йилдаги маълум гуруҳ товарлар ва хизматлар тўплами нархлари суммасини, худди шундай товарлар ва хизматлар миқдорининг базис даврдаги нархлар суммасига таққослаш орқали ҳисобланади. Таққослашнинг бошланғич даври "базис йил" дейилади. Агар айтилганларни формула шаклига келтирсак, у қуйидаги кўринишни олади:

$$\text{Нарх индекси} = \frac{\text{жорий йилдаги товарларнинг нархи}}{\text{базис йилидаги товарларнинг нархи}} * 100$$

Амалиётда қатор ҳар хил товар ва хизматлар тўплами ёки истеъмол саватининг нарх индекси ҳисобланади. Фарб мамлакатлари ва хусусан АҚШда бу индекслар ичида энг кенг қўлланиладигани истеъмолчилик товарлари савати нархлари индекси ҳисобланади. Унинг ёрдамида типик шаҳар аҳолиси сотиб оладиган, истеъмолчилик товар ва хизматларнинг 300 турини ўз ичига оловчи бозор саватининг қайд қилинган нархлари ҳисобланади. Аммо нархнинг умумий даражасини ҳисоблаш учун ЯММ нарх индексидан фойдаланилади. ЯММ нарх индекси анча кенг тушунча бўлиб, у ўз ичига нафақат истеъмолчилик товарлари, балки инвестицион товарлар, давлат томонидан сотиб олинадиган ҳамда халқаро бозорда сотилган ва сотиб олинган товарлар ва хизматлар нархларини ҳам олади. ЯММ нарх индекси, номинал ЯММ ни реал ЯММга айлантириб ҳисоблаш имкониятини беради.

**Номинал ЯММ шу маҳсулот ишлаб чиқарилган даврда амал қилиб турган нархларда ифодаланган ишлаб чиқариш ҳажмини билдиради.**

Маълум йил учун ЯММ нарх индексини қандай қилиб ҳисоблаш мумкинлигини кўрсатувчи оддий шартли мисол келтирамиз. 2008 йил Республикализ иқтисодиётида 36839,4 млрд. сўмлик ЯИМ ишлаб чиқарилган. 2007 йил ЯИМ қиймати 33797,6 млрд. сўмни ташкил қилган.

2008 йилга ЯММ нарх индексини аниқлаш учун, 2008 йилдаги маҳсулотлар нархлари суммасини худди шу ҳажмдаги ва турдаги товарларнинг 2007 йил нархлари суммасига бўлиш зарур, яъни  $36839,4:33797,6=1,09$  ёки 109,0 %.

Агар биз ЯММ нарх индексини қатор йиллар учун ҳисобласак,

олинган индекслар бизга уларни солишириб таҳлил қилиш имконини беради.

Жорий йилдаги номинал ЯММни реал ЯММга айлантиришнинг анча оддий ва тўғридан тўғри усули номинал ЯММни нарх индексига бўлишдир, яъни,

Реал ЯММ=номинал ЯММ/НИ

Нарх индексини аниқлаш формуласини қўйидагича тасвирлаш мумкин:

$$P_i = \frac{P_1 - P_0}{P_0};$$

P<sub>i</sub>-нарх индекси

P<sub>1</sub>-жорий йилдаги нарх

P<sub>0</sub>-базис даврдаги нарх.

Жорий йилда базис йилга нисбатан нарх даражасининг ўсиши инфляцияни, пасайиши эса дефляцияни кўрсатади.

#### 4. Ялпи миллий маҳсулотни ҳисоблаш усуллари

Миллий маҳсулотни ҳисоблашда миллий ҳисоблар тизимидан фойдаланилади.

**Миллий ҳисоблар** – бу ЯММ ни ишлаб чиқариш, миллий даромадни тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланишини тавсифлайдиган ўзаро боғлиқ макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимиdir. Миллий ҳисоблар тизими деганда мамлакатдаги хўжалик юритувчи субъектлар сарф - харажатларини ва ишлаб чиқарган маҳсулот (ва хизматларни) лар ҳисобига олинган даромадларни ҳисоблаш (бухгалтерия) тизимини тушуниш зарур.

**Миллий ҳисоблар тизими** (МХТ) икки томонлама ёзув қоидасига асосланган баланслашган жадваллар тўплами бўлиб, унда макродаражадаги бир иқтисодий битим натижалари ҳам харажатлар ва ҳам даромадлар сифатида акс этади.

МХТ БМТнинг статистика комиссияси томонидан ишлаб чиқарилган стандартларни ўз ичига олиб, улар стандарт ҳисоблар ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичлардан иборатdir.

МХТнинг бош кўрсаткичи - ЯММ (ЯИМ) бўлиб, унинг барча босқичларидағи ҳаракати бўйича маълумотлар МХТ орқали ҳисобга олинади.

Бундай ҳисоблар халқаро статистикада стандарт тизим сифатида 1953 йилдан бошлаб қўлланила бошлади. Ҳозирги даврда дунёning

100дан ошиқ мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам мазкур тизим кенг қўлланилади.

**МХТ ғоясининг вужудга келиши, ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиш босқичлари қўйидагилардан иборат.**

- Миллий ҳисобларнинг дастлабки услубий асослари Ф.Кенэ томонидан ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг натурал ва қиймат кўрсаткичлари ўртасидаги нисбатлар нуқтаи назаридан илгари сурилган.

- МХТнинг назарий асосларини яратиш ва уни ишлаб чиқишига Ж.Кейнс, А.Боули, Ж.Кларк, С.Кузнец, Р.Стоун, Р.Фриш каби иқтисодчилар катта ҳисса қўшган.

- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг статистика бюроси «Миллий даромадни аниқлаш ва Миллий ҳисобни ташкил қилиш» тўғрисидаги маъruzасини эълон қилган (1947й.) ҳамда шу асосда Р.Стоун раҳбарлигида ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳисобга олиниб МХТ ишлаб чиқилган.

- Миллий ҳисоблар стандарт тизими БМТ статистика комиссияси томонидан ишлаб чиқилиб, 1953 йилдан бошлаб қўлланила бошлаган.

- 1968 йилда МХТнинг анча такомиллашган андозаси киритилган. Унда харажатлар ва ишлаб чиқариш жадвали, молиявий ҳисбот, бозор ва нобозор секторлар ажратиб кўрсатилган.

1993 йилда БМТ МХТнинг такомиллашган янги стандартини тасдиқлаган. Унда иқтисодиёт секторлари, стандарт ҳисоблар ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг номланиши бирмунча ўзгартирилган.

Миллий ҳисоблар асосини йиғма баланслар ташкил қиласди. Бунга даромад ва харажатлар баланси мисол бўлиши мумкин. Даромадлар хўжалик бирликлари ва аҳоли умумий даромадлари (иш хақи, фойда, даромадларнинг бошқа турлари, амортизация) суммасини акс эттиради. Харажатлар тўртта гурухдан иборат бўлади: истеъмол, инвестициялар, давлат хариди, соф экспорт. Миллий ҳисоблар макроиқтисодиётнинг меъёридаги – мувозанатли ҳолатга эришиш даражасини аниқлашга ёрдам беради.

**МХТнинг асосий камчилиги-бу** миллий ишлаб чиқаришнинг умумий натижаси ҳисобланган ЯММ (ЯИМ) реал ҳажми ошиши ёки камайишини тақазо қилувчи бир қатор омилларнинг оқибатларини ҳисобга олмайди. Булар:

- бозордан ташқарида амалга ошириладиган операциялар. Масалан, уй қуриш билан ва шахсий уй таъмири билан шуғулланувчи

дурадгор меҳнатининг натижалари;

- бўш вақтнинг кўпайиши ҳисобига фаровонлик даражаси ортиши. Жумладан, ҳақ тўланадиган таътил ва байрам кунлари кўпайиши оқибатида;

- маҳсулот сифат тавсифининг яхшиланиши;
- алоҳида шахс ва оилалар турмуш даражасидаги ўзгаришлар;
- сув, ҳаво ва атроф мухитнинг ифлосланиши;
- яширин (хуфёна) иқтисодиёт ва фаолиятнинг натижалари.

ЯММ (ИММ) уч хил усул билан ҳисобланиши мумкин:

**Биринчи усул** – бу ЯММни ҳисоблашга қўшилган қийматлар бўйича ёндашув. Бунда миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари бўйича яратилган қўшилган қийматлар қўшиб чиқилади (ЯИМ тармоқ ва ишлаб чиқаришлар бўйича). Бу усул билан ҳисобланган ЯММ (ИММ) алоҳида тармоқларнинг шу маҳсулотини яратишдаги ўрнини ва ҳиссасини аниқлаш имконини беради.

### **ЯММ (ЯИМ)ни қўшилган қийматлар бўйича ҳисоблаш (шартли мисол)**

*1-жадвал*

№	Ишлаб чиқариш босқичлари	Материал ёки оралиқ маҳсулот нархи (сўм)	Қўшилган қиймат (сўм)
1.	Кўйчилик фермаси	— 0600	600 (=600-0)
2.	Жунни қайта ишловчи корхона	— 1000	400 (=1000-600)
3.	Кўйлак ишлаб чиқарувчи	— 1250	250 (=1250-1000)
4.	Улгуржи савдо	— 1750	500 (=1750-1250)
5.	Чакана савдо	— 2500	750 (=2500-1750)
	Сотиш умумий қиймати	7100	
	Қўшилган қиймат		2500

Масалан, Ўзбекистонда ЯИМда 2008 йилда тармоқ соҳалари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш улуши қуйидагicha:

**ишлаб чиқариш тармоқлари – 43,3%**

**хизмат кўрсатиш соҳалари – 45,3%**

**соғ солиқлар – 9,3%**

Республикада ЯИМ нинг тармоқлар бўйича тузилиши ва унинг ўзгариши қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

*2-жадвал*

Кўрсат-	Йиллар
---------	--------

<b>кичлар</b>	<b>2000</b>	<b>2001</b>	<b>2002</b>	<b>2003</b>	<b>2004</b>	<b>2005</b>	<b>2006</b>	<b>2007</b>	<b>2008</b>
Саноат	14,2	14,1	14,5	15,8	17,5	20,7	22,1	24,0	22,3
Қишлоқ хўжалиги	30,1	30,0	30,1	28,6	26,4	25,0	24,0	21,7	19,4
Қурилиш	6,0	5,8	4,9	4,5	4,8	4,9	5,1	5,5	5,6
Хизматлар соҳси	37,2	38,2	37,9	37,4	37,2	38,4	39,5	39,4	43,3
Соф соликлар	12,5	11,9	12,6	13,7	14,1	11,0	11,1	9,5	9,3

**Иккинчи усул** – бу ЯММ (ЯИМ)ни ҳисоблашга сарф-харажатлар бўйича ёндашув.

Бунда мазкур йилда ишлаб чиқарилган барча маҳсулот (хизмат)лар ҳажмини сотиб олишга қилинган бутун сарфлар қўшиб чиқилади. Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган пировард маҳсулотларни мамлакат ичida хўжаликнинг учта субъекти – уй хўжаликлари, давлат, тадбиркорлар ҳамда ташқаридан чет эллик истеъмолчилар сотиб олиши мумкин. (З-жадвал)

**Уй хўжаликларининг истеъмолчилик сарфлари.** Бу кундалик товарларга, хизматларга, узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол буюмларига ва бошқаларга қилинадиган сарфлардир.

**Инвестицион сарфлар** тадбиркорлик секторининг асосий капитални ялпи жамғаришга қиласидиган сарфлардир. **Инвестицион сарфлар** асосан учта қисмдан иборат: а)тадбиркорлар томонидан машина, ускуна ва станокларнинг барча хариди; б)барча қурилишлар; в) заҳираларнинг ўзгариши.

Биринчи груп элеменларнинг “инвестицион сарфлар” таркиби киритилиш сабаби аниқ, қурилишларнинг унинг таркиби киритилиши, ўз-ўзидан аниқки, янги фабрика, омбор ёки **эливатор** қурилиши инвестициялар шакли ҳисобланади.

ЯИМ таркиби заҳираларининг кўпайиши, яъни ишлаб чиқарилган, лекин мазкур йилда сотилмаган барча маҳсулотлар киритилади. Бошқача айтганда ЯИМ ўз ичига йил давомидаги заҳиралар ва эҳтиёtlар барча ўсишининг бозор қийматини олади. Заҳираларнинг бу ўсиши ЯИМга жорий ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичи сифатида қўшилади.

Заҳиралар камайганда, у ЯИМ ҳажмидан чиқарилиши зарур. Заҳираларнинг камайиши йил давомида миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилгандан кўпроқ маҳсулот сотилганлигини билдиради. Бошқача айтганда жамият мазкур йилда ишлаб чиқарилган барча маҳсулотни

ва бунга қўшимча олдинги йиллардан қолган заҳираларнинг бир қисмини истеъмол қилган бўлади.

Миллий ҳисоблар тизимида ЯИМни ҳисоблашда ялпи, хусусий ва ички инвестициялар тушунчасидан фойдаланилади. Хусусий ва ички инвестиациялар мос равища хусусий ва миллий компаниялар амалга оширадиган инвестицион сарфларни билдиради. Ялпи инвестиациялар ўз ичига жорий йилда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган машина, ускуна ва қурилмаларнинг ўрнини қоплаш учун мўлжалланган барча инвестицион товарлар ишлаб чиқаришни, ҳамда иқтисодиётда капитал қўйилмалар ҳажмига ҳар қандай соф қўшимчаларни олади. Ялпи инвестиациялар моҳиятига кўра истеъмол қилинган асосий капитални қоплаш суммасидан ва инвестицияларнинг ўсган қисмидан иборат бўлади. Бошқа томондан соф хусусий ички инвестиациялар тушунчаси жорий йил давомида қўшилган инвестицион товарлар суммасини тавсифлаш учун ишлатилади. Уларнинг фарқини оддий мисолда анча аниқ тушунтириш мумкин. Фараз қиласилик, Республикаиз иқтисодиётида 2008 йил 20000 млрд. сўмлик, инвестицион товарлар (ишлаб чиқариш воситалари) ишлаб чиқарилган бўлсин. Аммо ЯИМни ишлаб чиқариш жараёнида шу йили 15000 млрд. сўмлик машина, ускуна ва бошқа инвестицион товарлар истеъмол қилинган. Натижада бизнинг иқтисодиётга 5000 млрд. сўмлик жамғарилган капитал қиймати қўшилади. Шу йили ялпи инвестиациялар 20000 млрд. сўмни соф инвестиациялар фақат 5000 млрд, сўмни ташкил қиласи. Икки кўрсаткич ўртасидаги фарқ, 2008 йилги ЯИМ ҳажмини ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилган ва истеъмол қилинган капитал қийматини ифодалайди.

Ялпи инвестиациялар ва амортизация (шу йили ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган асосий капитал ҳажми) ўртасидаги нисбат, иқтисодиёт юксалиш, турғунлик ёки таназзул ҳолатида жойлашганлигини тавсифлаб берувчи кўрсаткич (индикатор) ҳисобланади.

Ялпи инвестиациялар амортизациядан ортиқ бўлса, иқтисодиёт юксалиш босқичида жойлашади, унинг ишлаб чиқариш қувватлари ўсади. Масалан, бизнинг юқоридаги мисолда таъкидланганидек, 2008 йил ялпи инвестиациялар 20000 млрд. сўмни, ишлаб чиқаришда истеъмол қилинган инвестиция товарлари ҳажми 15000 млрд. сўмни ташкил қиласи. Бу иқтисодиётда шу йил охирида 5000 млрд. сўмлик инвестицион товарлар кўп бўлганини билдирадики, инвестицион товарлар таклифининг кўпайиши, иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш

кувватларини кўпайтиришнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Турғун иқтисодиёт ялпи инвестициялар ва амортизация тенг бўлган вазиятни акс эттиради. Бу иқтисодиётда мазкур йилда ЯИМни ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган воситаларни қоплаш учун зарур бўлган миқдорда асосий капитал ишлаб чиқариши билдиради. Бошқача айтганда, соф инвестициялар тахминан нолга тенг бўлади, ишлаб чиқариш кувватлари кенгаймайди.

Ялпи инвестициялар амортизацияга қараганда кам бўлса, яъни иқтисодиётда ишлаб чиқарилганга қараганда капитал кўпроқ истеъмол қилинса, ноқулай вазият вужудга келади. Бундай шароитда иқтисодиётда инвестицияларнинг қисқариши рўй беради. Бу йил охирида капитал ҳажми йил бошида мавжуд бўлгандан кам бўлиб қолишга олиб келади. Масалан, "Буюк турғунлик" даврида, аникроғи 1933 йил АҚШда ялпи инвестициялар ҳаммаси бўлиб 1,6 млрд. дол. ни, йил давомида истеъмол қилинган капитал - 7,6 млрд. дол. ни ташкил қилган. Шундай қилиб, инвестицияларнинг соф қисқариши 6 млрд. дол. га тенг бўлган.

**Давлат сарфлари** – бу маҳсулотларни ва иқтисодий ресурсларни, хусусан ишчи кучини сотиб олишга давлатнинг (бошқарувнинг қуи ва маҳаллий органлари билан бирга) қилган барча сарфларини ўз ичига олади.

**Чет элликларнинг миллий иқтисодиёт товарларига сарфлари** худди мамлакат ичидаги истеъмолчилик сарфлари каби миллий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Шу сабабли ЯИМни сарфлар бўйича ҳисоблашда товар ва хизматларга чет элликларнинг сарфлари, яъни **экспорт қиймати** ҳам қўшилади. Бошқа томондан, истеъмолчилик ва инвестицион сарфлар ҳамда давлат маблағларининг бир қисми импорт қилинган, яъни чет элда ишлаб чиқарилган товарларга сарфланади. Миллий ишлаб чиқариш умумий ҳажми асоссиз ошиб кетмаслиги учун импорт ҳажми ЯИМдан чиқарилади. Бунинг учун экспорт ва импорт миқдорлари ўртасидаги фарқ аниқланади. Бу фарқ товар ва хизматларнинг соф экспорти ёки оддий қилиб соф экспорт дейилади. Соф экспорт ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Агар экспорт импортдан ортиқ бўлса, бу ижобий, экспортдан импорт ортиқ бўлса салбий бўлади.

Қараб чиқилган сарфларнинг тўрт тоифасига нотижорат муассасалар (касаба уюшмалар, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар ва ижтимоий ташкилотлар) сарфлари ва моддий айланма воситалари заҳирасидаги ўзгаришларни қўшиб чиқиши йўли билан ЯИМ (ЯИМ) ҳажми аниқланади.

2008 йил Ўзбекистонда ЯИМ номинал қийматда 36839,4 млрд. сўмни ташкил қилиб, у таркибан қуидагида бўлган.

**Пировард истеъмолга сарфлар – 27997,9 млрд. сўм (76%)**

**Ялпи жамғарма – 8657,3 млрд. сўм (23,5%)**

Учинчи усул – бу ЯММ (ЯИМ) ни даромадлар бўйича ҳисоблаш.

Мазкур йилда ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ҳажмидан олинган барча даромадлар уй хўжаликлари ихтиёрига иш ҳақи, рента тўловлари, фоиз ва фойда шаклида келиб тушади. Шу сабабли бу усулда ЯММ (ЯИМ) пировард маҳсулот ҳисобидан олинган ана шу барча даромадларни қўшиб чиқиш орқали аниқланади.

ЯММ (ЯИМ)ни даромадлар бўйича ҳисоблашда уй хўжаликлари, корхона ва давлат муассасаларининг дастлабки, яъни тақсимланган даромадларини меҳнат ҳақи ва ялпи фойдага (рента, ссуда фоизи ва тадбиркорлик фойдаси ва х. к.) ажратиш мумкин. ЯММ (ЯИМ)ни мазкур усул бўйича ҳисоблашда даромадларнинг барча суммасига истеъмол қилинган асосий капитал қиймати (амортизация ажратмаси) ва бизнесга эгри солиқлар суммаси ҳам қўшилади.

Агар ЯММни ҳисоблашнинг охирги икки усулини оддий тенглик шаклида тасвирласак:

**Мазкур йилда ишлаб чиқарилган ЯИМни сотиб олишга**

**сарфлар ҳажми = Мазкур йилда ишлаб чиқарилган ЯИМдан олинган пул даромадлари суммаси.**

Маҳсулотни ишлаб чиқаришга нима сарфланган бўлса, бу мазкур маҳсулотни ишлаб чиқаришга ўзининг ишчи кучи ва моддий ресурсларини бозорда сотишга қўйганлари учун даромад ҳисобланади.

**ЯММ (ЯИМ)ни ҳисоблашга сарфлар ва даромадлар бўйича ёндошув  
3-жадвал**

<b>Миллий маҳсулот ҳажмини сарфлар суммаси бўйича ҳисоблаш</b>	<b>Миллий маҳсулот ҳажмини даромадлар суммаси бўйича ҳисоблаш</b>
1. Уй хўжаликларининг истеъмолчилик сарфлари + 2. Тадбиркорларнинг инвестицион сарфлари + 3. Товар ва хизматларни давлат харид	1. Даромад билан боғлик бўлмаган сарф ва тўловлар а) амортизация, б) эгри солиқлар + 2. Иш ҳақи + 3. Рента тўловлари

қилиш +	+
4. Чет элликлар сарфи +	4. Фоиз +
5. Нотижорат муассасалари сарфи +	5. Фойда
6. Моддий айланма воситалар захирасидаги ўзгаришлар	
ЯММ (ЯИМ)	ЯММ (ЯИМ)

ЯММ (ЯИМ)ни ҳисоблашда унинг таркибига кирган даромадлар ва даромад билан боғлиқ бўлмаган сарфлар (амортизация ва эгри солиқлар) нинг алоҳида турларини тўлароқ қараб чиқамиз.

Асосий капиталнинг кўпчилик турларининг фойдали хизмат муддати узоқ даврни ташкил қиласди. Инвестицион товарларни сотиб олишга қилинадиган сарфлар ва уларнинг унумли хизмат муддати амалда бир даврга тўғри келмайди. Шу сабабли корхоналар инвестицион товарларнинг фойдали хизмат муддатини ҳисоблайди ва уларнинг умумий қийматини бутун хизмат муддатига teng тақсимлайди. Асосий капиталнинг йил давомида ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган ва яратилаётган маҳсулотга кўчган қиймати **амортизация ажратмаси** дейилади. Амортизация ажратмаси асосий капитал турлари бўйича ҳар йили ажратиб борилади. Масалан, тўкув дастгоҳининг қиймати 5 млн. сўм, хизмат муддати 10 йилга teng. Йиллик амортизация ажратмаси 0,5 млн. сўмни (5:10) ташкил қиласди.

Амортизация ажратмаси шу йил ишлаб чиқарилган маҳсулот (ЯММ) қиймати таркибига ишлаб чиқариш харажатлари сифатида кириб, маҳсулот сотилиши натижасида пул шаклида қайтиб келади ва амортизация фонди ҳисобида тўпланиб боради. Бу фонд маблағларидан истеъмол қилинган асосий капитални қайта тиклаш, яъни янги инвестицион товарлар сотиб олиш ва амал қилиб турганларини капитал ремонт қилиш ва таъмирлаш учун фойдаланилади. У ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва кредит ресурсларининг манбаи ҳам ҳисобланади.

Корхона харажатларнинг бошқа тури эгри солиқлар корхоналар учун ишлаб чиқариш харажатлари сифатида чиқади ва шу сабабли маҳсулот нархини оширади.

Бундай солиқлар ўз ичига акциз тўловлари, сотишдан

олинадиган солиқлар, мулк солиғи, лицензия ва божхона тўловларини олади.

Даромадларнинг энг муҳим тури иш ҳақи тадбиркорлар ва давлат томонидан ишчи кучини тақдим қилганларга тўланади. Даромадлар кўплаб қўшимчалар, ижтимоий суғурта тўловлари ва нафақа таъминотининг ҳар хил хусусий фондлари, ишсизлик нафақалари ва бошқа ҳар хил мукофот ҳамда имтиёзларларни ҳам ўз ичига олади. Иш ҳақига бу қўшимчалар иш кучини ёллаш билан боғлиқ бўлган харажатининг бир қисми сифатида чиқади ва шу сабабли корхонанинг иш ҳақи тўлашга умумий сарфларининг таркибий қисми сифатида қаралади.

## **5. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирознинг ЯИМ ва иқтисодий фаолликка таъсири.**

Хозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иктисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қиласди. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иктисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутнинг, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қиласди. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир хусусиятли жиҳати – жаҳоннинг бир мамлакатида рўй берадиган ижтимоий-иктисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади.

**« ... молия-банқ тизимидағи инқироз жараёнлари деярли**

бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талофотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдигини топмоқда»<sup>1</sup>.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози миллий хўжалик ривожадаги иқтисодий фаолликнинг турли шакллари ва ишлаб чиқариш натижаларига ўз таъсир кучига эга бўлади. Жумладан, кейинги йилларда ривожланган мамлакатларда сурункали бюджет тақчиллиги ва салбий ташқи савдо сальдосининг кузатилаётганлиги жаҳон молиявий инқирозининг вужудга келишининг асосий омилларидан айни вақтда унинг натижаларидан бири ҳисобланади (4-жадвал).

### **Дунёning айрим мамлакатлари ташқи савдо сальдосидаги ўзгаришлар (млрд.АҚШ долл.)**

4-жадвал

<b>Мамлакатлар</b>	<b>1996 йил</b>	<b>2007 йил</b>
<b>Ривожланган мамлакатлар, жами</b>	<b>46,2</b>	<b>-798,8</b>
АҚШ	-120,2	-854,7
Япония	65,4	81,0
Европа Иттифоқи	88,5	-228,0
Бошқалар	12,5	202,2
<b>Ривожланаётган мамлакатлар, жами</b>	<b>-87,5</b>	<b>509,7</b>
Хитой	7,2	562,0
Яқин Шарқ ва Африка	5,9	311,0
Бошқалар	-100,6	-363,3

Ривожланаётган мамлакатлар савдо балансида ижобий сальдо ўсаётган шароитда айрим ривожланган мамлакатлар ташқи савдо балансидаги йирик миқдордаги тақчилликнинг вужудга келиши дунё мамлакатлари валюта захираларининг ўзгаришига олиб келди. Хусусан, кейинги йилларда Хитой, Япония, Яқин Шарқ мамлакатлари валюта захиралари кескин ўсади. Маълумотларга кўра, сўнгги пайтларда халқаро валюта захираларининг 3,4 трлн. доллари, яъни жами захираларнинг қарийиб 59% Осиёning 10 та йирик мамлакати ҳиссасига тўғри келмоқда.


<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 5-б.

Ривожланган мамлакатлар, айниқса, АҚШ давлат ташқи қарзи микдорининг ўсиб борганлиги ва уни ЯИМга нисбатан салмоғи ўсганлиги инқирозни кучайишининг асосий омилларидан бири бўлди (1-расм).

1-расмдан кўриниб турибдики, кейинги 4 йил мобайнида хусусан, АҚШ ва айрим Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари (Қирғизистондан ташқари) ташқи қарзларининг ялпи ички маҳсулотларига нисбатан салмоғи ортиб борган. Хусусан, 2008 йилда АҚШ ташқи қарзларининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи қарийб 90% ни ташкил қилган. Бу кўрсаткич Россияда 37% ни, Қозоғистонда 102% ни, Украинада 64% ни ташкил этган. Қирғизистонда эса кейинги 3 йил мобайнида пасайиш тенденцияси кузатилиб 2008 йилда 81% ни ташкил қилган.

Хозирда кўплаб мутахассис ва эксперталар томонидан жаҳон молиявий инқирозининг глобал тус олиши ва иқтисодий инқироз жараёнларининг кучайиши рецессия ва иқтисодий пасайишни, инвестицион фаоллик қўлами чекланиб боришини, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши ҳамда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талофотлар содир бўлиши мумкинлиги эътироф этилмоқда.

### **Жаҳондаги айрим давлатлар ташқи қарзининг ЯИМга нисбатан динамикаси, фоизда**




**1-расм**

Хусусан, 2008 йилда жаҳон миқёсида бевосита хорижий инвестициялар оқими 20% гача пасайганлиги кузатилган. 2009 йилда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг камайиши, бевосита хорижий инвестициялар қўламининг ҳамда халқаро савдо ҳажми қарийб (15% га) нинг пасайиши эҳтимол қилинмоқда. Бу ҳолат эса ишсизлик даражасининг ортиши билан боғлиқ жиддий ижтимоий муаммоларни

келтириб чиқариши мумкин (2-расм).


## **Ривожланган мамлакатларда 2007-2008 йилларда ишсизлик даражаси ва 2009 йил истиқбол кўрсаткичлари**



**2-расм**

Мазкур инқироз глобал молиявий бозорнинг асосий таркиби ва жаҳоннинг асосий молиявий марказлари ҳисобланган йирик фонд бозорларини ўз ичига оловчи мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатди. Хусусан, ривожланган мамлакатлар ЯИМнинг ўсиш суръатлари кейинги йилларда аҳамиятли даражада пасайиб кетди (3-расм).

## **Ривожланган мамлакатларда 2007-2008 йилларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари ва 2009 йил истиқбол кўрсаткичлари**



**3-расм**

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатларида кескин ўзгариш содир бўлган. Инқироздан жиддий азият чекаётган Буюк Британия ва Германияда 2009 йилда ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришида 2008 йилга нисбатан 0,1% ва 0,2% га пасайиш кутилмоқда.

Жаҳон молиявий инқирози МДХ мамлакатларини ҳам четда

қолдирмади. Инқоз Россия, Украина ва Қозоғистонда ўзининг жиддий салбий оқибатларини намоён қилди.

Россияда асосан иқтисодиётнинг реал секторида фаолият юритувчи етакчи компаниялар акцияларининг нархлари кескин тушиб кетди. Бу ҳолат биринчи навбатда жаҳон энергетика ресурслари бозоридаги нобарқарор конъюнктуранинг вужуга келиши натижасида содир бўлди.

«Қозоғистон иқтисодий мўъжизаси» деган ном билан танилаётган Қозоғистондаги «очик иқтисодиёт» сиёсати ва стихияли тавсифга эга бўлган жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёни глобал молиявий инқироз шароитида ўзининг жиддий камчиликларига эгалигини кўрсатди.

Президентимизнинг «...тобора чукурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иктисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади»<sup>1</sup> деган сўзларини яна бир бор эсга олиш муҳимдир. Ўз навбатида Ўзбекистоннинг глобаллашув жараёнларидаги иштироки ҳам ушбу инқироз оқибатларининг маълум даражада иқтисодиётимизга ўз таъсирини кўрсатиши мумкинлигидан дарак беради.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, молиявий инқирознинг республикамиз иқтисодиётига таъсири бошқа ривожланган ва айrim қўшни давлатлардагига қараганда мазмунан фарқ қиласди. Агар бошқа мамлакатларда бу жараёнлар бевосита молия тизимининг издан чиқиши ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин қисқариб кетиши, кўплаб йирик корхоналарнинг ёпилиши орқали намоён бўлса, бизда жаҳон хомашё бозорларида талабнинг сусайиши туфайли нархларнинг кескин пасайиши ҳамда бунинг оқибатида экспорт даромадларининг сезиларли камайиши, асосий савдо ҳамкорларимизнинг харид қобилиятининг пасайиши натижасида ташқи савдо айланмасининг қисқариши орқали намоён бўлади.

Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирининг жиддий бўлмаганлигини қўйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

- мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига инқи-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 11-б.

роз оқибатлари аҳамиятли таъсир кўрсатадиган даражада интеграциялашмаганлиги, мамлакатимизда катта ҳажмдаги хорижий капитални ушлаб турувчи компания ва молиявий институтларнинг йўқлиги;

– хусусийлаштириш механизми ва шарт-шароитлари натижасида деярли барча устав фондларининг корхоналарнинг реал хусусий активлари билан таъминланганлиги;

– маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танланганлиги;

– давлат бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини аниқ белгилаб олинганлиги;

– Ўзбекистонда молиявий-иктисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги;

– оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилганлиги;

– аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги;

– давлатнинг молиявий-иктисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли экани, уларнинг ҳимоя механизmlари қанчалик кучлилиги билан изоҳланади.

Хозир Ўзбекистоннинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 13,3% ни ташкил этмоқда, экспорт ҳажмига нисбатан эса 31% дан ошмайди. Бу ўз навбатида мамлакатимизнинг ҳалқаро даражадаги тўлов қобилиятга эгалигини ифодалайди.

Республикамизда доимо қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатларга, имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этилди. Натижада миллий иқтисодиётимизнинг ҳалқаро кредитлар бозоридаги конъюнктурага кескин боғлиқлигини ва молиявий инқирознинг салбий оқибатларининг олди олинди.

2007-2008 йилларда ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ҳажми 2,5 мартадан кўпроқ ошди. Бу ҳолат миллий иқтисодиётимизнинг юқори инвестицион салоҳиятга эга бўлаётганлиги ва ҳукуматимиз томонидан яратилаётган қулай инвестицион муҳит билан бевосита боғлиқдир.

Натижада 2008 йилда 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, уларнинг 70% тўғридан-

тўғри жалб қилинадиган инвестициялар улушига тўғри келади. Жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ривожланиши учун стратегик аҳамиятга эга бўлган реал секторларини модернизация қилишга йўналтирилган.

Инвестиция дастури доирасида 2009 йилда 1,8 миллиард АҚШ долларидан ортиқ хорижий инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланганлиги истиқболдаги барқарор иқтисодий ўсиш жараёнлари кузатилиши кутилаётганлигидан далолат беради. Мазкур хорижий инвестицияларнинг 75% тўғридан-тўғри инвестициялар улушига тўғри келади.

## **Асосий таянч тушунчалар**

**Рента тўловлари** - хўжаликларнинг (юридик ва жисмоний) шахсларнинг ердан фойдаланганлиги учун ер эгаларига тўланадиган тўлов бўлиб у ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг харажатларига қўшилади.

**Фоиз** – ссуда капитали эгаларига тўланадиган даромад ёки қарзга олинган капиталнинг фоизда ифодаланган нархи

**Макроиқтисодиёт** – моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларини яхлит бир бутун қилиб бирлаштирган миллий иқтисодиёт даражасидаги иқтисодиётдир.

**Миллий ҳисоблар тизими** – ЯММ (ИММ) ва миллий даромадни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланишни характерлайдиган ҳамда ўзаро боғлиқлигини кўрсатадиган ҳисоблар мажмуаси.

**Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)** – миллий иқтисодиётда бир йил давомида вужудга келтирилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб тушадиган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор нархларидаги суммаси.

**Кўшилган қиймат** – ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматидан сотиб олинган ва унумли истеъмол қилинган хом ашё ва материаллар қиймати чиқариб ташлангандан кейин қолган қисмининг бозор қиймати.

**Ички миллий маҳсулот (ИММ)** – йил давомида мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор нархларидаги қиймати.

**Соф миллий маҳсулот (СММ)** – Ялпи ички миллий маҳсулотдан уни ишлаб чиқариш учун сарфланган моддий харажатларни чиқаргандан кейин қолган маҳсулот.

**Миллий даромад** – янгидан вужудга келтирилган қиймат бўлиб, СММдан эгри солиқларни чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади.

**Шахсий даромад** – миллий даромаддан ижтимоий суғурта

ажратмалари, корхона фойдасидан олинадиган солиқлар ва корхонанинг тақсимланмай қолган фойдасини чиқариб ташлаш ҳамда ахоли қўлига келиб тушадиган ижтимоий (давлатнинг трансферт тўловлари) тўловлар суммасини қўшиш йўли билан аниқланади.

**Номинал ЯММ** – жорий нархларда ҳисобланган ЯММ.

**Реал ЯММ** – нархларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб, доимий нархларда ҳисобланган ЯММ.

**Оралиқ маҳсулот** – ишлов бериш, қайта ишлаш ва қайта сотиш мақсадларида сотиб олинган маҳсулотлар.

**Пировард маҳсулот** – ишлаб чиқариш жараёни якунланган, шахсий ва унумли истеъмол қилишга тайёр бўлган маҳсулотлар.

**Хуфёна иқтисодиёт** – ЯММни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва ундан фойдаланишнинг расмий иқтисодиётдан яширин қисми.

### **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Макроиқтисодий кўрсаткичлар нималар ва улар миллий иқтисодиётда қандай рол ўйнайди?
2. ЯММ ва СММ бир-биридан нима билан фарқланади? СММ ва миллий даромад-чи?
3. ЯММ ҳаракат шакллари тавсифини беринг.
4. ЯММ қандай усулларда ҳисобланади? Уларнинг фарқи нимадан иборат.
5. Номинал ва реал ЯММ тушунчаларини изоҳланг. Уларнинг фарқини кўрсатинг.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси. Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон - буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мағсадимиз-жамиятни демократлашириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
4. Каримов и.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/И.А.Каримов, - Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008

йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йўналишларига бағишлиланган вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

6. Каримов И.А., Энг асосий мезон – хаёт ҳақиқатни акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009, - 24 б.
7. Шодмонов Ш., Алимов Р.Ў., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002.
8. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси – Т.: Ўқитувчи, 2002.
9. Джумакулов Т.Т., Сафарова З.Т. Использование трудов И.Каримова в преподавании экономической теории и его вклад в её развитие: Учебное пособие. – Т.: Изд-во мет.лит-ры им. Абу Али ибн Сино, 2002.
10. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси иккинчи китоб: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2003.
11. Тарасевич Л.С., Гребенников П.И., Леусский А.И. Макроэкономика: Учебник М: Юрист-Издат, 2003.
12. По, А. Самуэльсон, Вильям Д. Норд Хаус. Экономика: Пер. с англ. – М.: «Лаборатория Базовых знаний» 2000.
13. Экономическая теория: Учеб. Для студ. Высш. Учеб. Заведений. Под. Ред. В.Д.Камаева. -7-е изд, перераб и доп. – М.: «Гуманитарное издательство цент ВЛАДОС» 2002.
14. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Москва., 1962. Стр. 332
15. Mill J.S. On the Definition of Political Economy; and on the Method of Investigation Proper to it. In: Tssays on Some Unsettled Questions of Political Economy. L., p 133-137
16. Walras L. Elements of pure Economics. Translated by Jaffe W.Homewood, Richard D.Irwin, 1954. pp. 88-89.
17. Ўлмасов А., Вохобов А. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.
18. Шодмонов Ш.Ш., Фофуров У. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.
19. Слагода В.Т. Основы экономической теории: учебник. \_ М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2009. – 272с.
20. Гукасян Г.М., Маховикова Г.А., Амасова В.В. Экономическая теория, 7-е изд. – СПБ.: Питер, 2010. 240с.
21. Борисов Е.Ф. Экономика: учеб. – М.: Проспект, 2009, 320с.
22. Воробьев Е.М. Экономическая теория. Курс лекций. М.: Эксмо, 2008, 272с.
23. Лачанов Ю.Н. Новая экономическая теория – новая классика: Революционный прорыв во всех представлениях ЛКИ, 2008, 104с.

24. Экономическая теория: учеб. Под. Ред. И.П.Николаевой. – 2-е изд., Перераб. И. доп. – М.: Проспект, 2009, 576с.

## **2-МАВЗУ. ЯЛПИ ТАЛАБ ВА ЯЛПИ ТАКЛИФ НАЗАРИЯСИ**

### **РЕЖА:**

1. Ялпи талаб тушунчаси ва унинг ҳажмига таъсир қилувчи омиллар.
2. Ялпи таклиф тушунчаси. Ялпи таклиф таркиби ва унга таъсир қилувчи омиллар.
3. Ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанатлик ҳамда унинг ўзгариши. Ялпи талаб ва ялпи таклиф модели.

#### **1. Ялпи талаб тушунчаси ва унинг ҳажмига таъсир қилувчи омиллар**

Ялпи талаб - бу барча истеъмолчилар, яъни аҳоли, корхоналар ва давлат нархларнинг ўртача даражасида сотиб олиши мумкин бўлган турли товарлар ва хизматларнинг умумий ҳажмини, ёки миллий иқтисодиётдаги реал пул даромадлари ҳажмини билдиради. Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда, нарх даражаси қанча паст бўлса, истеъмолчилар (мамлакат ичидағи ҳамда чет элдаги) миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг шунча катта қисмини ва аксинча, нарх даражаси қанча юқори бўлса, шунча кам қисмини сотиб олади. Шундай қилиб, нарх даражасининг ошиши, бошқа шароитлар ўзгармай қолганда ялпи талаб ҳажмининг камайишига сабаб бўлади. Аксинча, нарх даражасининг пасайиши ялпи талабнинг ошишига олиб келади. Ялпи талабга нархдан ташқари таъсир қилувчи омилларнинг ўзгариши ҳам миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига олиб келади.


Нарх даражаси ва талаб билдирган миллий ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги бу тескари боғлиқлик 1-чизмада аниқ ифодаланган.

Ялпи талаб ҳажмига таъсир этувчи нархдан ташқари омиллар қуидагилардир:

**1. Истеъмолчилик сарфларидағи ўзгаришлар.** Нарх даражасининг ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ҳолда, нархдан ташқари бир ёки бир нечта омиллар таъсирида истеъмолчилар хариди ҳажмида ўзгариш рўй берини мумкин. Бу истеъмолчи фаровонлиги, истеъмолчининг кутиши, истеъмолчининг қарзлари ва солиқларнинг ўзгариши натижаси ҳисобланади.

**Истеъмолчининг фаровонлиги** истеъмолчи эга бўлган барча

молиявий активларга (акция ва облигация) ҳамда уй ва ер каби кўчмас мулкларга эгалигига боғлик бўлади. Уларнинг реал қийматининг кескин камайиши товар харид қилишининг камайишига олиб келади. Истеъмолчилик сарфларининг қисқариши натижасида ялпи талаб камаяди. Аксинча моддий ва молиявий қимматликлар реал қийматининг ошиши натижасида, нархларнинг мавжуд даражасида истеъмолчилик сарфлари ўсади. Бунга, акция курсининг кескин ошиши, хатто нархлар даражаси ўзгармай қолганда истеъмолчи фаровонлигининг ўсишига олиб келишини мисол қилиб келтириш мумкин. Уй ва ер реал қийматининг кескин камайиши, нарх умумий даражасининг ўзгаришига боғлик бўлмаган ҳолда истеъмолчи фаровонлигининг пасайишига олиб келади.



**Ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми 1-чизма.** Ялпи талаб эгри чизифи.

**Истеъмолчининг кутиши.** Истеъмолчилик сарфлари ҳажмидаги ўзгариш, истеъмолчининг нархлар ва даромадлар даражасидаги келажакдаги ўзгаришларни олдиндан билишига боғлик. Масалан, агар одамлар келажакда ўзларининг реал даромади кўпаяди, деб ҳисобласа, улар жорий даромадларининг кўпроқ қисмини сарфлашга тайёр бўлади. Натижада бу даврда истеъмолчилик сарфлари кўпаяди, жамғариш эса камаяди ва ялпи талаб ортади. Аксинча, агар одамлар келажакда ўзларининг реал даромадлари камаяди деб ҳисобласа, уларнинг истеъмолчилик сарфлари ва демак, ялпи талаби қисқаради. **Худди шундай инфляциянинг кутилиши** бугунги ялпи талабни оширади. Чунки истеъмолчилар нархлар ошгунча товарларни харид қилиб қолишга ҳаракат қиласади. Аксинча, яқин келажакда нархлар пасайишининг кутилиши, бугунги истеъмол микдорининг камайишига олиб келади.

**Истеъмолчи қарзлари.** Истеъмолчи қарзлари кўп бўлганда, у жорий даромадини қарзларга тўлаб, ўзларининг бугунги сарфларини қисқартириш мумкин. Аксинча, истеъмолчи қарздор бўлмаса, улар бугунги сарфларини кўпайтиришга тайёр бўлади.

**Солик.** Даромад солиғи ставкасининг камайиши, нархларнинг мавжуд даражасида истеъмолчилик сарфларини кўпайтиради, солиқларнинг ошиши истеъмолчилик сарфларини камайтиради.

**2. Инвестицион сарфлар.** Инвестицион сарфлар, яъни ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш, ялпи талабнинг нархдан ташқари муҳим омили ҳисобланади. Нархларнинг мавжуд даражасида корхона сотиб олиши мумкин бўлган янги ишлаб чиқариш воситаларига инвестицияларнинг камайиши ялпи талабнинг камайишига, аксинча корхона сотиб оладиган инвестицион товарларга инвестицияларнинг кўпайиши ялпи талабнинг кўпайишига олиб келади. Инвестицион сарфларни ўзгартириш мумкин бўлган нархдан ташқари омилларни алоҳида - алоҳида қараб чиқамиз.

**Фоиз ставкалари.** Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда, фоиз ставкасининг ошиши, инвестицион сарфларнинг камайишига ва ялпи талабнинг қисқаришига олиб келади. Бу ерда гап мамлакатда пул массаси ҳажмининг ўзгариши оқибатида фоиз ставкаларининг ўзгариши ҳақида гап кетади. Пул массасининг кўпайиши фоиз ставкасини камайтиради ва шу орқали капитал қўйилмалар ҳажмини кўпайтиради. Аксинча, пул масасининг камайиши фоиз ставкасининг ошишига ва инвестицияларнинг қисқаришига олиб келади.

**Инвестициялардан кутиладиган фойда.** Капитал қўйилмалардан юқори фойда олишнинг кутилиши инвестицион товарларга талабни оширади ва аксинча, истиқболда инвестицион дастурлардан фойда олиш ноаниқ бўлса, инвестицияларга сарфлар камайиш тамойилига эга бўлади, демак, ялпи талаб ҳам камаяди.

**Солиқлар.** Корхонадан олинадиган солиқларнинг кўпайиши капитал қўйилмалардан олинадиган фойданинг камайишига ва демак, инвестицион сарфлар ва ялпи талабнинг қисқаришига олиб келади. Аксинча, солиқларнинг қисқариши бундай фойдани ва инвестицион сарфларни кўпайтиради.

**Технология.** Янги ва такомиллашган технология инвестицион сарфларни ва шу орқали ялпи талабни рағбатлантириш тамойилига эга бўлади.

**Ортиқча қувватлар.** Ортиқча қувватлар, яъни мавжуд

фойдаланилмайдиган асосий капиталнинг кўпайиши, янги инвестицион товарларга талабни ва натижада ялпи талабни камайтиради. Ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилганда тадбиркорлар кўпроқ машина ва ускуналар сотиб олишга тайёр бўлади, демак инвестицион сарфлари кўпаяди.

**3. Давлат сарфлари.** Нархларнинг мавжуд даражасида, миллий маҳсулотда давлат харидининг кўпайиши ялпи талабнинг ўсишига олиб келади. Бунга давлатнинг ўз армиямизни тузиш тўғрисидаги қарори мисол бўла олади. Давлат сарфларининг камайиши ялпи талабнинг қисқаришига олиб келади. Масалан, янги автомобиль йўли қуришга давлат сарфларининг қисқариши шундай натижага олиб келади.


**4. Соф экспортдаги ўзгариш.** Соф экспортнинг кўпайиши ялпи талабни ҳам кўпайтиради. Биринчидан, экспортнинг юқори даражаси, чет элларда бизнинг товарларга бўлган талабни оширади. Иккинчидан, импортнинг қисқариши ўз товарларимизга ички талабнинг кўпайишини тақозо қиласи. Соф экспорт ҳажмини аввало чет давлатлардаги миллий даромад ва валюта курслари ўзгартирали. Чет мамлакатларда даромадлар даражаси ошганда, уларнинг фуқаролари ҳам ўзларининг товарларини ва ҳам чет элларда ишлаб чиқарилган товарларни кўпроқ миқдорда сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Чет элларда миллий даромаднинг камайиши эса қарама-қарши натижа беради: бизнинг экспортнинг соф ҳажми қисқаради.

**Валюта курслари.** Бошқа валюталарга нисбатан миллий пул курсининг ўзгариши соф экспортга ва демак ялпи талабга таъсир кўрсатади. Фараз қилайлик, иенанинг доллардаги нархи ўсади. Бу шуни билдирадики, доллар иенага нисбатан қадрсизланади ва иена курси кўтарилади. Доллар ва иена ўртасидаги янги нисбат натижасида япониялик истеъмолчилар иенанинг маълум суммасига кўпроқ доллар олиши мумкин. Демак, япониялик истеъмолчилар учун америка товарлари япониянига қараганда арzonроқ бўлади. Шу билан бирга америкалик истеъмолчилар долларнинг маълум суммасига камроқ япония товарларини сотиб олиши мумкин. Бундай ҳолда кутиш мумкинки, Америка экспорти ўсади, импорти камаяди. Соф экспортнинг кўпайиши ўз навбатида АҚШ ялпи талабининг кўпайишига олиб келишини билдиради.

## **2. Ялпи таклиф тушунчаси. Ялпи таклиф таркиби ва унга таъсир қилувчи омиллар**

**Ялпи таклиф – мавжуд нарх даражасида сотиш мумкин бўлган, сотишга чиқарилган ва тайёрланган турли-туман товарлар ва хизматларнинг ҳажмидир.** Бу нархларнинг ҳар хил мумкин бўлган ўртача даражасида миллий ишлаб чиқаришнинг мавжуд реал ҳажмини кўрсатади. Анча юқори нархлар қўшимча товарлар ишлаб чиқариш учун рағбат яратади. Нархларнинг паст даражаси товар ишлаб чиқаришнинг қисқаришига олиб келади. Шу сабабли нархлар ва миллий ишлаб чиқариш ҳажми ўртасида тўғридан-тўғри ёки бевосита боғлиқлик ма вжуд бўлади.

Бу боғлиқлик таклиф эгри чизигида аниқ акс этади. Ялпи таклиф эгри чизиги учта кесмалардан иборат.



**2-чизма.** Ишлаб чиқариш реал ҳажми. Таклиф эгри чизиги.

**I. Ётиқ кесма.** Расмдаги  $Q_t$  нуқта тўлиқ бандилик шароитида миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг потенциал даражасини кўрсатади. Ётиқ кесма миллий ишлаб чиқариш потенциал ҳажмидан анча кам бўлган ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмини ўз ичига олади. Бу кесма иқтисодиёт чукур таназзул ёки депрессия ҳолатида эканлигини, кўплаб машина, ускуна ва ишчи кучи фойдаланилмаётганлигидан гувоҳлик беради. Фойдаланилмаётган ресурслар ҳаракатга келиши мумкин, лекин бу нарх даражасига хеч кандай таъсир кўрсатмайди. Бу кесма яна ишлаб чиқариш реал ҳажми қисқарганда ҳам товарлар ва ресурсларга нархи эски даражада қолишини билдиради. Шундай қилиб, ётиқ кесма миллий ишлаб чиқариш ҳажми ўзгарганда ҳам нарх даражаси доимий қолишини кўрсатади.

**II.**  $Q$  ва  $Q_t$  нуқта ўртасидаги оралиқ кесма миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмининг кўпайиши, нарх даражасининг ўсиши

билан бирга боришини кўрсатади. Бу ишлаб чиқаришнинг тўлиқ қувват билан ишлай бошлаганидан, корхоналарнинг анча эски ва кам самарали ускуналардан фойдалана бошлаганлигидан гувоҳлик беради. Ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиб бориши билан қўшимча ишчилар ҳам ишга жалб қилинади. Шу барча сабабларга кўра маҳсулот бирлигига қилинадиган ҳаражатлар ортади, корхоналар ишлаб чиқаришининг рентабелли бўлиши учун товарларга анча юқори нарх белгилайди. Шу сабабли оралиқ кесмада миллий маҳсулот реал ҳажмининг қўпайиши нархларнинг ўсиши билан бирга боради.

**III. Тик кесма иқтисодиёт ўзининг тўлиқ ёки табиий даражасига эришганлигини кўрсатади.** Бунда иқтисодиёт ишлаб чиқариш имкониятигининг шундай нуқтасида жойлашадики, бунда қисқа муддатда ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтиришга эришиш мумкин эмас. Нархнинг тўхтовсиз ошиб бориши ҳам ишлаб чиқариш реал ҳажмининг қўпайишига олиб келмайди, чунки иқтисодиёт тўлиқ қувват билан ишлай бошлайди. Қисқача айтганда, бу кесма миллий ишлаб чиқариш ҳажми доимий бўлиб қолиши, нарх даражаси эса ўзгариши мумкинлигини кўрсатади.

**Ялпи таклиф ҳажмига таъсир қилувчи омиллар.** Ялпи таклифга нархдан ташқари бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Бу омиллардан бир ёки бир нечтасининг ўзгариши ялпи таклифнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Ялпи таклифнинг нархдан ташқари бу омиллари битта умумий ҳусусиятга эга: агар улар ўзгарса, маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш ҳаражатлари ҳам ўзгаради. Натижада ялпи таклиф эгри чизиғи жойини ўзгартиради.

### **Ялпи таклифга нархдан ташқари таъсир қилувчи омиллар.**

**1. Ресурслар нархининг ўзгариши.** Ресурслар нархи - тайёр маҳсулот нархидан фарқ қилиб, ялпи таклифнинг муҳим омили ҳисобланади. Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда, ресурслар нархининг ошиши маҳсулот бирлигига ҳаражатларнинг қўпайишига, ресурс нархларининг пасайиши эса ҳаражатларнинг камайишига олиб келади. Ресурс нархларига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Ресурслар таклифининг қўпайиши улар нархини пасайтиради ва натижада маҳсулот бирлигига ҳаражатлар камаяди. Ресурслар таклифининг камайиши эса қарама-қарши натижага олиб келади. Энди алоҳида ресурслар таклифи ўзгаришининг ялпи таклифга таъсирини қараб чиқамиз.

**Ер ресурслари** – янги ерларнинг очилиши, суғориш, янги

техник такомиллашувлар туфайли кўпайиш мумкин. Ер ресурслари таклифининг кўпайиши ерга бўлган сарфларнинг камайишига олиб келади ва шу орқали маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларни пасайтиради. Ирригация қурилмалари шаҳобчаларининг кенгайиши, интенсив дехқончиликни қўллаш туфайли ер ресурсларининг камайиши қарама-қарши натижага олиб келади.

**Ишчи кучи (Мехнат) ресурслари.** Корхона харажатларининг асосий қисми ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тўлаш учун кетадиган харажатлар ҳисобланади. Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда, иш ҳақининг ўзгариши маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатлар даражасига сезиларли таъсир кўрсатади. Мавжуд ишчи кучи (мехнат) ресурсларининг кўпайиши иш ҳақининг пасайишига, уларнинг камайиши эса иш ҳақининг ошишига олиб келади.

**Капитал.** Агар жамият асосий капитал заҳирасини ўстириб борса, ялпи таклиф ўсиш тамойилига эга бўлади. Масалан, агар жамият ўз даромадининг асосий қисмини тежаб, уни инвестицион товарлар сотиб олишга йўналтирса, ялпи таклиф ўсади. Худди шундай асосий капитал сифати яхшиланганда ишлаб чиқариш харажатлари камаяди ва ялпи таклиф кўпаяди. Корхона ўзининг эски, сифати паст бўлган қурилмаларини, янги ва анча такомиллашган қурилмалар билан алмаштириши бунга мисол бўла олади. Агар мамлакатда асосий капиталининг миқдори камайса ва сифати ёмонлашса, ялпи таклиф қисқаради.

**Тадбиркорлик лаёқати.** Вакт ўтиши билан мамлакатда тадбиркор кишилар сони кўпаяди ва бу ялпи таклифга таъсир кўрсатади. Масалан кейинги вактда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга асосий эътиборни қаратилиши бундай фаолият билан шуғулланишга ҳаракат қилувчи кишилар сонининг кўпайишига олиб келиши муқаррар ва бу ўз навбатида ялпи таклифни оширади.

**Импорт ресурслар нархлари.** Чет эллардан ресурслар импорти миллий иқтисодиётда ялпи таклифнинг кўпайишига олиб келади. Импорт ресурсларига нархларнинг пасайиши миллий иқтисодиётда ялпи таклифни оширади, нархнинг ошиши эса ялпи таклифни камайтиради. Кейинги даврда импорт ресурсларга нархнинг ўзгаришига олиб келаётган асосий омиллардан бири - валюта курсларининг ўзгариб туриши ҳисобланади. Бу қандай рўй беришини тушуниб олиш учун чет эл валюталарининг сўмга нисбатан нархи

тушади, яъни сўмнинг қиймати кўтарилади деб фараз қиласиз. Бунда корхоналарга ҳар бир сўм учун кўпроқ чет эл валюталари олиш имконияти вужудга келди ва бу миллий ишлаб чиқарувчилар учун чет эл ресурсларининг сўмда ифодаланган нархи тушганлигини билдиради. Бундай шароитда миллий корхоналар чет эл ресурслари импортини кўпайтиради ва ишлаб чиқаришнинг мавжуд даражасида маҳсулот бирлигига харажатларнинг камайтиришга эришади. Аксинча, чет эл валюталарининг сўмга нисбатан нархлари ошган тақдирда, яъни сўм қадрсизланганда импорт ресурслари нархлари кўтарилади. Натижада бу ресурсларнинг импорти камаяди, маҳсулот бирлигига харажатлар ортади.

**Бозордаги ҳукмонлик.** Ресурсларни етказиб берувчиларнинг бозордаги ҳукмонлигининг сусайиши ёки кучайиши ҳам ресурс нархларига ва ялпи таклифга таъсир кўрсатиши мумкин. Бозордаги ҳукмонлик - нархларни рақобат мавжуд бўлган шароитдагидан анча юқори ўрнатиш имкониятидир. Кейинги 20 йил давомида ОПЕК мамлакатлари бозор монополиясининг вужудга келиши ва ҳалокатга учраши бунинг ишончли мисоли бўлиб хизмат қилиши мумкин. 70-йилларда ОПЕК мамлакатлари нефт нархини ўн мартараб оширишга эришди, бу маҳсулот бирлигига харажатларни қескин кўпайтириди. 80-йил ўрталарида ОПЕК мамлакатларининг бозордаги ҳукмонлигининг сезиларли сусайиши, аксинча ишлаб чиқариш қийматининг камайишига олиб келди.

**2. Унумдорлик** - бу миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмини фойдаланилган ресурс миқдорига нисбати, бошқача айтганда, унумдорлик - бу харажат бирлигига ишлаб чиқаришнинг ўртacha ҳажми ёки ишлаб чиқариш реал ҳажми кўрсаткичи:

*Унумдорлик = Ишлаб чиқарилган реал ҳажми  
Иқтисодий ресурс харажатлари*

Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда бир ишчи ҳисобига кўпроқ миқдорда машина ва ускуналардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш; анча билимли ва малакали ишчи кучини қўллаш каби омилларнинг ўзаро таъсири унумдорликнинг ўсиши ва ялпи таклифнинг ошишига олиб келади.

Қисқача қилиб айтганда, маҳсулот бирлигига харажатлар камайганда унумдорликнинг ошиши ялпи таклифнинг ошишига, аксинча, унумдорликнинг камайиши натижасида маҳсулот бирлигига

ҳаражатларнинг кўпайиши ялпи таклифнинг қисқаришига олиб келади.

3. Ҳуқуқий нормаларнинг ўзгариши. Корхоналар ўз фаолиятида амал қиладиган ҳуқуқий нормаларнинг ўзгариши, маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларни ва ялпи таклифни ўзгартириши мумкин.

Ҳуқуқий нормалар ўзгаришининг икки тури мавжуд:

а) солиқ ва субсидияларнинг ўзгариши,

б) давлат томонидан тартибга солиш характеристи ва усулларининг ўзгариши.


Корхоналардан олинадиган солиқлар (кўшилган қиймат солиғи, иш ҳақи фондидан олинадиган солиқлар)нинг кўпайиши маҳсулот бирлигига харажатларни кўпайтириши ва ялпи таклифни қисқартириши мумкин.

Корхонага давлат томонидан бериладиган субсидияларнинг ортиши ёки солиқ юкининг камайиши ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради ва ялпи таклифни оширади.


Давлат томонидан тартибга солиш характеристи ва усулларининг ўзгариши ҳам кўп холларда маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларини ва шу орқали ялпи таклифни ўзгартиради.

### **3. Ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанатлик ҳамда унинг ўзгариши**

Ялпи талаб эгри чизиги ва ялпи таклиф эгри чизиги кесишган нуқта нархнинг мувозанатли даражаси ва миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли реал ҳажмини кўрсатади (3 - чизма).



Ишлаб чиқарипнинг реал ҳажми  
а) оралиқ кесмасидаги мувозанатлик



Ишлаб чиқарипнинг реал ҳажми  
б) ётиқ кесмасидаги мувозанатлик

### **3 - чизма. Ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанати.**

Ишлаб чиқарилган ва сотиб олинган маҳсулот реал ҳажми тенг бўлганда, иқтисодиётда мувозанатликка эришилади. Фараз қилингки, мамлакатдан ялпи талаб ва ялпи таклифнинг ўлчамлари қуидаги маълумотлар билан характерлансин.

#### **Ялпи таклиф:**

##### ***ишилаб чиқарилган товарлар ва хизматлар жами***

млрд. сўм. - 2788,1

% ҳисобида - 87,3

Шу жумладан:

##### ***Товарлар***

млрд. сўм. - 1614,2

% ҳисобида - 50,5

##### ***Хизматлар***

млрд. сўм. - 1173,9

% ҳисобида - 36,8

#### **Ялпи талаб:**

Шу жумладан:

##### ***Пировард истеъмол учун сарфлар***

млрд. сўм. - 2665,0

% ҳисобида - 83,4

Улардан:

##### ***Уй хўжаликлиари сарфлари***

млрд. сўм. - 1173,9

% ҳисобида - 36,8

##### ***Давлат бошқарув органлари сарфлари***

млрд. сўм. - 629,9

% ҳисобида - 19,7

##### ***Уй хўжаликлирига хизмат қилувчи нотижорат корхоналар сарфлари***

млрд. сўм. - 26,3

% ҳисобида - 0,8

##### ***Ялпи жамгарма***

млрд. сўм. - 529,5

% ҳисобида - 16,6

Ушбу йилда барча пул даромадларининг 529,5 млрд. сўми (16,6%) ялпи талабга айланмаган, яъни жамғарилган.

Ялпи талаб ўзгармай қолганда, ялпи таклифнинг ўзгариши иқтисодиётда иккита ҳар хил оқибатларга олиб келади.

**Биринчидан**, ялпи таклифнинг қисқариши нарх даражасининг ўсишини тақазо қилиб, инфляцияга олиб келади.

**Иккинчидан**, миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг кўпайиши нарх даражасининг пасайишига сабаб бўлади.

Ялпи талаб эгри чизифи ялпи таклиф эгри чизифини ётиқ кесмада кесиб ўтса, нарх даражаси миллий ишлаб чиқариш мувозанатли реал ҳажмининг шаклланишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Тик кесмада ишчи кучи ва ишлаб чиқариш қувватлари тўлиқ фойдаланилади, шу сабабли ялпи талабнинг кенгайиши факат нарх даражасига таъсир кўрсатади яъни уни оширади. Миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми эса ўзгаришсиз қолади. Оралиқ кесмада ялпи талабнинг кенгайиши миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг кўпайишига ва нарх даражасининг ошишига олиб келади.

Агар ётиқ кесмада ялпи талаб камайса, миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми камаяди, нарх даражаси эса ўзгаришсиз қолади. Тик кесмада нарх тушади, миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми эса тўлиқ бандлик даражасида қолади. Оралиқ кесмада миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми қисқаради ва нарх даражаси пасаяди. Айни пайтда бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, оралиқ ва тик кесмаларда ялпи талабнинг қисқариш вазиятни мураккаблаштирувчи омиллар таъсирида бирданига нархнинг пасайишига олиб келмаслиги мумкин. Бу мураккаблик шундан иборатки, товарлар ва ресурслар нархи пасайиш тамойилига эга бўлмайди. Шу сабабли айрим иқтисодчилар бундай тамойилга храповикли самара сифатида қарайди.(храповик-бу механизм бўлиб бу ғилдиракни орқага эмас олдинга харакат қилишга ёрдам беради). Храповикли самара шунга асосланадики, нарх осонлик билан ошади, лекин қийинчилик билан пасаяди. Шу сабабли ялпи талабнинг ошиши нарх даражасини кўтаради, лекин талаб камайганда, қисқа давр ичida нархнинг тушишини кутиш мумкин эмас. Нима учун нарх пасайиши тамойилига эга эмас деган саволга жавоб бериш қийин бўлсада, унинг айрим сабабларини кўрсатиш мумкин. Биринчидан, иш ҳақи корхона умумий харажатларининг асосий қисмини (70-75 фоиз) ташкил қилиб, қандайдир давр ичida пасайиши тамойилига эга булмайди. Чунки ишчиларнинг асосий қисми шартнома (касаба

уюшмалар орқали) бўйича ишлайди ва шартнома муддати тугагунча иш ҳақини пасайтириш таъкиқланади. Бошқа сабаби, тадбиркорлар иш ҳақи даражасини пасайтиришни хохламаслиги мумкин. Бунинг иккита сабаби бор. Бир томондан анча паст иш ҳақи ишчиларнинг меҳнат унумдорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу билан бирга анча паст иш ҳақи маҳсулот бирлигига меҳнат сарфларини камайтиrsa, анча паст меҳнат унумдорлиги эса меҳнат сарфларини оширади. Агар улар иш ҳақини пасайтиришга қарор килса, малакали ишчи кучидан ажраб қолиши мумкин. Нархнинг пасайиш тамойилига эга эмаслигининг икkinchi сабаби шундан иборатки, жуда кўпчилик корхоналар етарли даражада манопол мавқега эга бўлади ва бу уларга талаб камайганда хам нархнинг пасайишига қарши туриш имконини беради.

Ялпи талаб ва ялпи таклиф моделлари (ялпи талаб ва ялпи таклифни мувозанатга келтиришга турли хил ёндашувлар):

### **1. Классик модел (ёндашув)**

- Иқтисодиёт ишлаб чиқариш омиллари тўлиқ бандлиги шароитида амал қиласди. Шу сабабли ишлаб чиқариш ҳажми ўзининг потенциал даражасига teng келади;
- Нарх, фоиз ставкаси ва иш ҳақи мослашувчан бўлиб, уларнинг ўзгариши бозор мувозанатини сақлаб туради;
- Ишлаб чиқариш омиллари миқдори секин ўзгариши сабабли, тўла бандлик шароитида ялпи таклиф реал ишлаб чиқариш ҳажмини, ялпи талаб эса нарх даражасини белгилайди.

### **2. Кейнсча модел (ёндашув):**

- Нарх, иш ҳақи, фоиз ставкаси ва бошқа номинал миқдорлар нисбатан ўзгармас, шу сабабли бозор тебранишларига жуда секинлик билан мослашади;
- Реал кўрсаткичлар (ишлаб чиқариш ҳажми, бандлик ва х.к.) аксинча, тез мослашувчан бўлганлиги сабабли бозор тебранишларига нисбатан тез жавоб беради.

## **Асосий таянч тушунчалар**

**Ялпи талаб** - бу барча истеъмолчилар, яъни аҳоли, корхоналар ва давлат нархларнинг ўртача даражасида сотиб олиши мумкин бўлган турли товарлар ва хизматларнинг умумий ҳажмини, ёки миллий иқтисодиётдаги реал пул даромадлари ҳажмини билдиради.

**Ялпи таклиф** - бу мавжуд нарх даражасида сотиш мумкин

бўлган, сотишга чиқарилган ва тайёрланган турли-туман товарлар ва хизматларнинг ҳажмидир.

**Храоповикли самара** - ялпи талаб ошганда нархнинг ўртача даражаси кўтарилиши, лекин талаб камайганда, қисқа давр ичида нарх пасайиш тамойилига эга бўлмаслигини кўрсатади.

**Унумдорлик** - бу миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг фойдаланилган ресурслар миқдорига ёки ҳаражат бирлигига тўғри келадиган нисбий миқдори.

### **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Ялпи талаб ва ялпи таклифни таҳлил қилиш нима учун зарур?
2. Ялпи талаб нима? Нима учун талаб эгри чизиги ўзгаради? Ялпи талабга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. Ялпи таклиф нима? Ялпи таклиф эгри чизигидан учта кесмани тасвирланг ва улар нимани кўрсатишини тушунтиринг?
4. Ялпи таклифга қандай омиллар таъсир кўрсатади?

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси. Т.: Ўзбекистон, 2003.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон - буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

3. Каримов И.А. Бизнинг бош мағсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

4. Каримов и.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/И.А.Каримов, - Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йўналишларига бағишлиланган вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

6. Каримов И.А., Энг асосий мезон – хаёт ҳақиқатни акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009, - 24 б.

7. Шодмонов Ш., Алимов Р.Ў., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002.

8. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси – Т.: Ўқитувчи, 2002.
9. Джумақулов Т.Т., Сафарова З.Т. Использование трудов И.Каримова в преподавании экономической теории и его вклад в её развитие: Учебное пособие. – Т.: Изд-во мет.лит-ры им. Абу Али ибн Сино, 2002.
10. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси иккинчи китоб: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2003.
11. Тарасевич Л.С., Гребенников П.И., Леусский А.И. Макроэкономика: Учебник М: Юрист-Издат, 2003.
12. По, А. Самуэльсон, Вильям Д. Норд Хаус. Экономика: Пер. с англ. – М.: «Лаборатория Базовых знаний» 2000.
13. Экономическая теория: Учеб. Для студ. Высш. Учеб. Заведений. Под. Ред. В.Д.Камаева. -7-е изд, перераб и доп. – М.: «Гуманитарное издательство цент ВЛАДОС» 2002.
14. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Москва., 1962. Стр. 332
15. Mill J.S. On the Definition of Political Economy; and on the Method of Investigation Proper to it. In: Tssays on Some Unsettled Questions of Political Economy. L., p 133-137
16. Walras L. Elements of pure Economics. Translated by Jaffe W.Homewood, Richard D.Irwin, 1954. pp. 88-89.
17. Ўлмасов А., Вохобов А. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.
18. Шодмонов Ш.Ш., Фофуров У. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.
19. Слагода В.Т. Основы экономической теории: учебник. \_М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2009. – 272с.
20. Гукасян Г.М., Маховикова Г.А., Амасова В.В. Экономическая теория, 7-е изд. – СПБ.: Питер, 2010. 240с.
21. Борисов Е.Ф. Экономика: учеб. – М.: Проспект, 2009, 320с.
22. Воробьев Е.М. Экономическая теория. Курс лекций. М.: Эксмо, 2008, 272с.
23. Лачанов Ю.Н. Новая экономическая теория – новая классика: Революционный прорыв во всех представлениях ЛКИ, 2008, 104с.
24. Экономическая теория: учеб. Под. Ред. И.П.Николаевой. – 2-е изд., Перераб. И. доп. – М.: Проспект, 2009, 576с.

## **З-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА МИЛЛИЙ БОЙЛИК**

### **РЕЖА:**

1. Иқтисодий ўсишнинг мазмуни, турлари ва кўрсаткичлари.
2. Иқтисодий ўсишнинг омиллари.
3. Иқтисодий ўсиш моделлари.
4. Миллий бойлик тушунчаси ва унинг таркибий тузилиши.

### **1. Иқтисодий ўсишнинг мазмуни, турлари ва кўрсаткичлари**

Мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши кўп омилли ва шу билан бирга зиддиятли жараён ҳисобланади. Иқтисодий ривожланиш ҳеч қачон бир текис, юқорилаб борувчи чизик бўйича рўй бермайди.

Шу аёнки, ҳар қандай жамиятда ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш ва фаровон яшаш учун иқтисодий ўсиш юз бериши керак. Иқтисодий ўсиш - деганда иқтисодий равнақни, яъни иқтисодиётнинг динамик ривожланишини, яратилган товарлар ва хизматларнинг кўпайиб боришини тушунамиз. Аммо иқтисодий ривожланиш ҳеч қачон бир текис, юқорилаб борувчи чизик бўйича рўй бермайди. Иқтисодий ўсишни икки даражада олиб қараш мумкин. Микроиқтисодий ва макроиқтисодий ўсиш. Микроиқтисодий ўсиш фирма, корхона ва тармоқ миқёсидаги ривожланишни акс эттиради ва уларда ўсиш яратилган товарлар ва хизматларнинг бозор нархида ҳисобланган ҳажмига қараб аниқланади. Макроиқтисодий ўсиш миллий иқтисодиёт, яъни муайян мамлакат миқёсидаги иқтисодий тараққиётни ифода этади ва ялпи миллий маҳсулотнинг (ЯММ) кўпайишини билдиради. ЯММ ҳажми иқтисодий ўсишнинг умумлашган пулда ифодаланган кўрсаткичи ҳисобланади. Шу билан биргаликда, иқтисодий ривожланиш ўз ичига юксалиш ва инқироз даврларини, иқтисодиётдаги миқдор ва сифат ўзгаришларни, ижобий ва салбий томонларни олиб нотекис боради.

Миллий иқтисодиётда иқтисодий ривожланиш қийин аниқланадиган жараён бўлганлиги сабабли, унинг мезонларидан бири бўлган иқтисодий ўсиш кўпроқ таҳлил қилинади.

«Иқтисодий ўсиш» тушунчаси дастлаб француз иқтисодчиси С.Б.Сей (1767-1832) ва немис иқтисодчиси И. Г. фон Тюнен (1783-1850) асарларида тадқиқ қилинган бўлса, кейинчалик бу тушунчаниниг мазмунини ёритиб беришга америкалик иқтисодчи Б.

Кларк (1847-1938) ва инглиз иқтисодчиси У.Жевонс салмоқли ҳисса қўшган.

Иқтисодий ўсиш иқтисодий ривожланишнинг таркибий қисми бўлиб, ўз ифодасини реал ЯММ (ЯИМ) ҳажмининг ва унинг аҳоли жон бошига кўпайишида топади. Шуни аниқ тасаввур қилиш кераккни, маҳсулотлар ва хизматлар ғоят хилма-хил бўлганидан уларнинг ягона моддий ўлчами бўлмайди. Ягона ўлчам вазифасини бозор нархи бажаради. Нима иш бажарилмасин, қандай маҳсулот яратилмасин, унинг ҳажми шунча пулга тенг деб ҳисобланади.

Иқтисодий ўсиш эса, ЯММнинг реал ҳажми билан ўлчанади. Гап шундаки, унинг қиймат - пул шакли нархларга боғлиқ. ЯММнинг моддий ҳажми ўсмасада, инфляция таъсирида нарх ошса, унинг қиймат-пул миқдори ортиб кетади. Иқтисодий ўсишга тарихий жиҳатдан ёндашилганда, у бир хил суратларда ва бир текис бормайди. Тарихда иқтисодий ўсиш суратларининг жадаллашиш, жиддий пасайиш ва ҳатто чекланиш даврлари маълум. Агар катта тарихий босқичлар олиб қараладиган бўлса, жаҳон ва миллий иқтисодиётда, барқарор иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқаришнинг ҳар томонлама тараққиёт манзараси ҳосил бўлади. Шу билан бирга иқтисодий ўсиш нафақат миқдор, балки муайян сифат ўзгаришлари шаклида ҳам намоён бўлади. Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: «Иқтисодий ривожланиш суръатлари ҳақида гапирганда... унинг мезонларига ва энг аввало, сифат кўрсаткичларига кўпроқ эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай ўсишлар иқтисодиётимизда юз берадиган таркибий ўзгаришлар, унинг изчил ва барқарор ривожи учун хизмат қилиши, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга, бир сўз билан айтганда, амалий ҳаётимизни яхшилашга олиб келиши лозим»<sup>1</sup>. Шундай экан иқтисодий ўсиш бевосита ялпи миллий маҳсулот миқдорининг мутлоқ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайиши ҳамда сифатининг яхшиланишида ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади.

Маҳсулотнинг ўсиш суръати билан ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг ўзгариши ўртасидаги нисбат иқтисодий ўсишнинг экстенсив ёки интенсив турларини белгилаб беради.

**Экстенсив иқтисодий ўсишга** ишлаб чиқаришнинг олдинги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан равнаёи учун ҳар биримиз масъулмиз. «Халқ сўзи», 2001 йил 17 февраль. №37.

миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади. Айтайлик, маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса кўпайтириш учун мавжуд корхона билан бир қаторда ўрнатилган ускуналарнинг қуввати, миқдори ва сифати ишчи кучининг сони ва малака таркиби бўйича худди ўшандай яна бир корхона қурилади. Экстенсив ривожланишда, агар у соғ ҳолда амалга оширилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзгармай қолади.

**Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури** шароитида маҳсулот чиқариш миқёсларини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш: янада прогрессивроқ ишлаб чиқариш воситаларини ва янги техникани қўллаш, ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади. Интенсив йўл ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олинадиган самаранинг, пировард маҳсулот миқдорининг ўсишида, маҳсулот сифатининг ошишида ўз ифодасини топади. Бунда маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса ошириш учун мавжуд корхонага тенг бўлган яна бир корхона қуришга ҳожат йўқ. Бу натижага ишлаб турган корхонани реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш, мавжуд ресурслардан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига эришиш мумкин.

Реал ҳаётда экстенсив ва интенсив омиллар соғ ҳолда, алоҳида алоҳида мавжуд бўлмайди, балки муайян уйғунликда, бир-бири билан қўшилган тарзда бўлади. Шу сабабли устивор экстенсив ва устивор интенсив иқтисодий ўсиш турлари таҳлил қилинади.

Иқтисодий ўсиш мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. Шу сабабли уни баҳолаш учун қандайдир битта кўрсаткич кифоя қилмайди, муайян кўрсаткичлар тизими талаб қилинади. Бу кўрсаткичлар тизимида жисмоний ва қиймат ифодасидаги кўрсаткичлар фарқланади.

**Иқтисодий ўсишнинг жисмоний кўрсаткичлари** анча аниқ натижа беради, (чунки улар инфляция таъсирига берилмайди), лекин универсал эмас (иқтисодий ўсиш суръатларини ҳисоблашда ҳар хил неъматлар ишлаб чиқаришни умумий кўрсаткичга келтириш қийин). Қиймат кўрсаткичлар кенг қўлланилади, аммо ҳар доим ҳам уни инфляциядан тўлиқ «тозалаш» мумкин бўлавермайди. Шу сабабли иқтисодий ўсиш суръатлари қиёсий ёки доимий нархларда ҳисобланади.

**Макроиқтисодий даражада иқтисодий ўсишнинг асосий**

## **қиймат кўрсаткичлари қўйидагилар ҳисобланади:**

1. ЯММ (ИММ) ёки миллий даромаднинг мутлоқ ҳажми ва унинг ўсиш суръати;

2. ЯММ (ИММ) ёки миллий даромаднинг аҳоли жон бош ҳисобига тўғри келадиган миқдори ва унинг ўсиш суръати;

3. ЯММ (ИММ) ёки миллий даромаднинг иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига тўғри келадиган миқдори ва унинг ўсиш суръати;

Иқтисодий ўсишни аниқлашда ҳар учала кўрсаткичдан ҳам фойдаланиш мумкин, лекин уларнинг аҳамияти турлича.

Масалан: агар дикқат марказида иқтисодий потенциал муаммоси турса, биринчи кўрсаткичдан фойдаланиш кўпроқ мос келади. Алоҳида мамлакат ва регионлардаги аҳолининг турмуш даражасини таққослашда, кўпроқ иккинчи кўрсаткичдан фойдаланилади. Иқтисодий самарадорликни баҳолашда учинчи кўрсаткичга устиворлик берилади.

Одатда иқтисодий ўсиш % (фоиз) да ўсишнинг йиллик суръати сифатида аниқланади. Масалан, агар ўтган йили реал ЯММ 60 млр. сўмни ва жорий йилда 70 млр. сўмни ташкил қилган бўлса, ўсиш суръатини жорий йилдаги реал ЯММ нинг базис даврдаги ҳажмига бўлиш йўли билан аниқлаш мумкин. Бу ҳолда ўсиш суръати 16,6% ни ( $70/60 * 100$ ) ташкил қиласди.

Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатини характерлайдиган кўрсаткичлар (реал ЯММ ва аҳоли жон бошига реал ЯММнинг ўсиши) миқдорий кўрсаткичлар бўлиб, улар

- биринчидан маҳсулот сифатининг ошишини тўлиқ ҳисобга олмайди ва шу сабабли фаровонликнинг ҳақиқий ўсишини тўлиқ тавсифлаб беролмайди;

- иккинчидан, реал ЯММ ва аҳоли жон бошига ЯММнинг ўсиши бўш вақтнинг сезиларли кўпайишини акс эттирмайди ва фаровонлик реал даражасининг пасайтириб кўрсатилишига олиб келади, – учинчидан, иқтисодий ўсишни миқдорий ҳисоблаш бошқа томондан унинг атроф муҳитга ва инсоннинг ҳаётига салбий таъсирини ҳисобга олмайди. **Иқтисодий ўсишнинг алоҳида томонларини характерловчи** кўрсаткичлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан асосийлари ишлаб чиқарувчи қучлар ривожланиш даражаси, меҳнат унумдорлиги ва иш вақтини тежаш, шахсий даромад ва фойда массаси, миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши кабилар ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи қучлар ривожланиш даражаси қўйидаги

кўрсаткичлар билан характерланади:

а) ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиш даражаси, яъни унинг унумдорлиги.

б) ходимнинг малакаси ва тайёргарлик даражаси.

в) ишлаб чиқаришнинг моддий ва шахсий омили ўртасидаги нисбат.

г) меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, ихтинослаштирилиши ва кооперацияси.

Иқтисодий ўсишнинг жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган бошқа кўрсаткичи иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши ҳисобланади. У тармоқлар бўйича ҳисоблаб чиқилган ЯММ кўрсаткичи асосида таҳлил қилинади.

### **Ўзбекистон миллий иқтисодиёти тармоқлари бўйича ЯИМ улушининг ўзгариши (жорий баҳоларда ЯИМ га % ҳисобида)<sup>1</sup>**

*4-жадвал*

Тармоқлар	Йиллар					
	1995	1998	2000	2002	2005	2008
	%	%	%	%	%	%
1. Қишлоқ хўжалиги	28,1	26,4	30,4	30,1	25,0	19,4
2. Саноат	17,1	15,0	13,8	14,1	20,7	22,3
3. Хизматлар	41,7	43,1	36,8	37,9	38,4	43,3
Курилиш	7,1	7,8	6,1	4,9	4,9	5,6
Савдо ва умумий овқатланиш	5,2	8,5	9,5	9,8		
Транспорт ва алоқа	7,3	6,2	8,1	8,2		
Бошқа хизматлар	22,1	20,0	19,2	18,2		
4. Соф солиқлар	13,1	15,5	12,7	11,7	11,0	9,3
ЯИМ	100,0	100	100,0	100,0	100,0	100,0

Бунда халқ хўжалигининг йирик соҳалари, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги нисбат ҳам ўрганилади.

## **2. Иқтисодий ўсишнинг омиллари**

Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи омилларни шартли равишда икки гурухга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ омиллар

<sup>1</sup> Жадвал. Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича тузилган.

иқтисодиётнинг жисмоний ўсиш лаёқатини белгилаб беради, улар таклиф омиллари деб ҳам аталади. Бу омиллар қуйидагилар:

- 1) табиий ресурсларнинг микдори ва сифати;
- 2) меҳнат ресурслари микдори ва сифати;
- 3) асосий капитал (асосий фондлар) нинг ҳажми;
- 4) технология ва фан-техника тараққиёти.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида амалга оширилаётган «таркибий ўзгаришлар иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи омилига айланиб бормоқда»<sup>1</sup>.

Иқтисодий ўсишга тақсимлаш омиллари ҳам таъсир қиласди. Ишлаб чиқариш потенциалидан мақсадга мувофик фойдаланиш учун нафақат ресурслар иқтисодий жараёнга тўлиқ жалб қилинган бўлиши, балки жуда самарали ишлатилиши ҳам зарур. Ресурсларнинг ўсиб борувчи ҳажмидан реал фойдаланиш ва уларни керакли маҳсулотнинг мутлоқ микдорини оладиган қилиб тақсимлаш ҳам зарур бўлади.

Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи, таклиф ва тақсимлаш омиллари ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қиласди. Масалан, ресурслар микдорининг ўсиши ва сифатининг яхшиланиши, технологияни тақомиллаштириш иқтисодий ўсиш учун имконият яратади. Тўлиқ бандлик ва ресурсларни самарали тақсимлаш бундай ўсишни рўёбга чиқаради.

Иқтисодий ўсишда ресурсларни тақсимлаш омиллари ҳам ўз ўрнига эга бўлса-да, бу муаммони таҳлил қилишда асосий эътибор таклиф омилларига қаратилиши зарур.

Меҳнат унумдорлигининг ўсишига олиб келувчи омилларни тўлароқ қараб чиқамиз.

Фан-техника тараққиёти меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий ўсишни таъминловчи мухим омил ҳисобланади. Техника тараққиёти ўз ичига нафақат ишлаб чиқаришнинг бутунлай янги усулларини, балки бошқариш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янги шаклларини ҳам олади. Умуман айтганда фан - техника тараққиёти дейилганда провард маҳсулот чиқаришни кўпайтириш мақсадида мавжуд ресурсларни янгича уйғунлаштиришни тақозо қилувчи янги усулларнинг топилиши ҳам тушунилади. Амалиётда техника тараққиёти ва капитал қўйилмалар (инвестициялар) мустаҳкам ўзаро боғлиқ, техника тараққиёти кўпинча янги машина ва ускуналарга

<sup>1</sup> Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш – энг мухим вазифамиз. «Халқ сўзи», 2000 йил, 15 феврал.

инвестициялар қўйишга олиб келади. Масалан, атом энергиясидан фойдаланиш бўйича технологияни қўллаш учун атом электростанцияларини куриш зарур бўлади. Биринчи қарашда техника тараққиёти тарихий ва шиддатли рўй бериш характеристига эга бўлади. Газ ва ёқилғи двигателлари, конвийер ва йиғма линиялар бизнинг ҳаётга ўтмишнинг энг муҳим ютуқлари сифатида кириб келди.

Реал маҳсулот икки асосий усулда қўпайтирилиши мумкин:

- 1) ресурсларнинг кўпроқ ҳажмини жалб этилиши;
- 2) улардан анча унумли фойдаланиш йўли билан.

Республика олдида техника тараққиёти соҳасидаги асосий вазифа, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияни қўллаш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқаришнинг янги усул ва шаклларини жорий қилиш ҳисобланади.




**4-чизма.** Реал маҳсулот ўсишини аниқлаб берувчи омиллари.

Мехнат унумдорлигининг ўсишини аниқлаб берувчи асосий омил ҳар бир ишловчига тўғри келувчи асосий капитал ҳажми ҳисобланади. Маълум вақт ичida, капиталнинг ҳажми мутлоқ қўпайиши мумкин, аммо ишчи кучи сони тезроқ ўssa, мехнат унумдорлиги пасаяди, чунки ҳар бир ишчининг асосий капитал билан қуролланганлик даражаси камаяди.

Таълим ва малакали тайёргарлик, мехнат унумдорлигини оширади ва натижада анча юқори иш ҳақига эга бўлиш имкониятини

беради. Инсон капиталига инвестициялар қўйиш меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. ўз - ўзидан аниқки, ишчи кучи сифатининг энг оддий кўрсаткичи таълим даражаси ҳисобланади. Хозирги даврда республикамиз халқ хўжалигига банд бўлганларнинг 30% га яқини олий ва ўрта маҳсус таълимга эга. Лекин олий ва ёки ўрта маҳсус таълимга эга бўлганлар, аниқ соҳалардаги билимлари даражаси бўйича бошқа ривожланган мамлакатлардаги ишчилардан анча орқада ва кўпчилиги таълим олган соҳаси бўйича фаолият турида банд эмас. Шу сабабли кейинги йилларда республикамизда мактаб, олий ва ўрта маҳсус билим юртларида таълим беришнинг прогрессив (тест ва рейтинг) тизимлари жорий қилинмоқда. Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурида қўйилган вазифаларни амалга оширишда ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда.

Табиий, меҳнат ресурслари ва асосий капиталнинг мавжуд даражасида ишлаб чиқариладиган турли туман маҳсулотлар микдорининг ўзгаришини ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигида ифодалаш мумкин.



АҚШлик иктиносодчи Эдвэрд Денисон ҳар хил (экстенсив ва интенсив) омилларнинг иктиносодий ўсишга микдорий таъсирини аниқлашга ҳаракат қиласди.

АҚШ реал миллий даромади ўсишига таъсир кўрсатувчи омиллар (1929-1982й.)

Иктиносодий ўсиш омиллари	Ҳар бир омил салмоғи (%)
1. Меҳнат ҳаражатларининг ортиши	32
2. Унумдорликнинг ўсиши	68
3. Техника тараққиёти	28

4. Капитал ҳаражатлари	19
5. Таълим ва профессионал тайёргарлик	14
6. Ишлаб чиқариш миқиёси тақозо қиладиган тежаш	9
7. Ресурсларни тақсимлашнинг яхшиланиши	8
8. Қонунчилик – муасавий ва бошқа омиллар	-9
Жами	100

**Амалий ҳаётда иқтисодий ўсишни тўхтатиб турувчи омиллар** ҳам мавжуд бўладики, улар меҳнат муҳофазаси, атроф муҳитнинг ифлосланиши ва шу каби ҳолатлар натижасида келиб чиқади.

Иқтисодий ўсишни секинлаштирувчи (тўхтатиб турувчи) омиллар:

- • меҳнат муҳофазаси;
- • атроф муҳитнинг ифлосланиши;
- • экологик муаммолар;
- • ишловчилар меҳнат шароитини яхшилаш;
- • ходимларнинг соғлигини муҳофаза қилиш;
- • табиий оғатлар ва фавқулотда рўй берадиган иқтисодий-сиёсий ўзгаришлар.

Кейинги йилларда Республикада давлат томонидан атроф муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ходимлар меҳнат шароитини яхшилаш ва соғлигини муҳофаза қилишни тартибга солишда муҳим тадбирлар амалга оширилди. Бу ўз навбатида иқтисодий ўсиш суръатига салбий таъсир кўрсатади. Чунки бундай тадбирларни амалга ошириш тегишли ҳаражатларни тақозо қиласи. Шу орқали меҳнат унумдорлигини ошириш учун зарур бўлган маблағлар бошқа томонга жалб қилинади.

### 3. Иқтисодий ўсиш моделлари

Иқтисодий ўсишнинг барча моделлари «ишлаб чиқариш функцияси» каби маҳсулот чиқариш ҳажми ва сарф қилинган иқтисодий ресурслар миқдори ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади.

Шундан келиб чиқиб, иқтисодий ўсишнинг кўпчилик моделларида ишлаб чиқариш реал ҳажмининг кўпайиши ишлаб чиқариш асосий омиллари – меҳнат ( $L$ ) ва капитал ( $K$ ) миқдорининг ўзгариши билан боғланади

## **Иқтисодий ўсиш моделлари:**

**1. Е.Домар модели** - Бу модел меҳнат бозорида ортиқча таклиф мавжуд бўлиши, нарх даражасининг доимий тақозо қилишини ва маңсулот чиқариш ҳажми фақат ягона ресурс – капитал миқдорига боғлиқ бўлишини кўрсатади. Унга кўра инвестицияларнинг ўсиш суръати иқтисодиётда талаб ва таклиф қўпайишининг асосий омили бўлиб хизмат қиласди.

**2. Р.Ф.Харрод модели** - Бу моделга «табиий» ўсиш суръати тушунчаси киритилади. Бу фаол амоли сони қўпайиши ва техника тараққиёти натижасида келиб чиқадиган ўсиш суръати бўлиб, у меҳнат ва капитал омилларининг тўлиғи бандлигини таъминлайди.

**3. Р.Солоу модели** - Ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро ўрнини босиш мумкинлиги ҳисобга олинади. Бу моделда иқтисодий таҳлилнинг асосий шарт-шароитлари: капитал кейинги унумдорлигининг пасайиб бориши, ишлаб чиқариш миқиёсидан олинадиган самара ва капитал хизмат қилиш даврининг доимийлиги, инвестицион лагнинг мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

## **4. Миллий бойлик тушунчаси ва унинг таркибий тузилиши**

**Миллий бойлик инсоният жамияти тараққиёти давомида аждодлар томонидан яратилган ва авлодлар томонидан жамғарилган моддий, номоддий ва интеллектуал ҳамда табиий бойликлардан иборатdir.**

Миллий бойликнинг бир қисмини инсон меҳнатининг натижаси ҳисобласак, бошқа қисми табиат бойликларидан иборат бўлади. Шундай экан миллий бойлик кенг маънода ўз ичига нафакат моддий ва номоддий неъматлар, яратилган санъат асарлари, интеллектуал салоҳиятни балки барча табиат ресурслари ва бойликлари ҳамда тақрор ишлаб чиқаришнинг табиий иқлим шароитларини ҳам олади. Миллий бойликнинг бу барча таркибий қисмларини миқдоран, қиймат ўлчовларида ҳисоблаб чиқиши бир қатор объектив сабабларига кўра анча қийин, жумладан унинг табиат инъомларидан иборат қисми инсон меҳнатининг натижаси ҳисобланмайди ва қиймат ўлчовларига эга эмас. Шу сабабли иқтисодий таҳлил амалиётида миллий бойликнинг тор маънодаги тушунчасидан фойдаланилади. Тор маънода миллий бойлик инсоният меҳнати билан яратилган ва тақрор ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган барча моддий бойликлардан иборат бўлади. Миллий бойликнинг бу қисми миллий иқтисодиёт

ривожининг бутун тарихи давомида доимий такрорланиб турувчи ишлаб чиқариш жараёнининг умумий натижаси сифатида чиқади ва моддий буюмлашган шаклда намоён бўлади. У кишиларнинг кўплаб авлоди меҳнати натижаси ҳисобланади.

Айтилганлардан келиб чиқиб, миллий бойликни шартли равишда қўйидаги учта йирик таркибий қисмларга ажратиш мумкин:

1. Моддий буюмлашган бойлик.
2. Номоддий бойлик.
3. Табиий бойлик.

Моддий буюмлашган бойлик охири оқибатда ишлаб чиқаришнинг, унумли меҳнатининг натижаси ҳисобланади. У ишлаб чиқаришда яратилган маҳсулотларнинг жорий истеъмол қилишдан ортиқча қисмини жамғариш оқибатида вужудга келади ва ўсиб боради.

Аммо моддий буюмлашган бойликни қатор йиллардаги йиллик ялпи маҳсулотлар йиғиндиси сифатида тасаввур қилиш нотўғри бўлур эди. Чунки бу бойликнинг бир қисми ҳар йили ишдан чиқиб, қайтадан янгиланиб туради (ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари). Шу сабабли ишлаб чиқариш воситаларининг ўрнини қоплаш билан бир вақтда ялпи маҳсулотнинг факат бир қисми моддий буюмлашган бойлик сифатида жамғарилиб борилади. Демак, қоплаш фонди ва моддий буюмлашган бойликнинг ўсиши ялпи миллий маҳсулот ҳисобига амалга оширилади.

Миллий бойликнинг инсон меҳнати билан яратилган моддий қисми қиймат шаклига эга бўлиб, таркибий тузилиши бўйича қўйидагиларни ўз ичига олади:

- ишлаб чиқариш характеридаги асосий капитал (фондлар). Булар бутун миллий бойликнинг таркибида анча катта салмоқقا эга бўлади, ҳамда ўзининг техникавий даражаси бўйича ялпи миллий маҳсулотнинг ўсиш имкониятини белгилаб беради;
- ноишлаб чиқариш характеридаги асосий капитал (фондлар). Асосий капиталнинг бу турига мамлакатнинг уй-жой фонди, ижтимоий маданий характердаги обьектлар киради.
- айланма капитал (фондлар). Миллий бойликнинг бу қисми меҳнат предметларидан иборат бўлиб, асосий капиталнинг тахминан 1/4 қисмини ташкил қиласи.

- тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган қисми. Улар ишлаб чиқариш босқичида меҳнат жараёни таъсири остида бўлиб, потенциал тайёр маҳсулот ҳисобланади.

- моддий заҳиралар ва эҳтиётлар. Бунга муомала босқичдаги тайёр

маҳсулот, корхоналар ва савдо тармоқларидағи моддий заҳиралар, давлат әхтиётлари ва резерв фондлари киради. Моддий заҳиралар иқтисодиётда рўй бериши мумкин бўлган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавқулотда ҳолатларда фойдаланиш мақсадида ушлаб турилади.

Давлат әхтиёжларига олтин заҳиралари, суғурта ва мудофаа әхтиёжлари учун зарур заҳиралар киради.

- аҳолининг уй, томорқа ва ёрдамчи хўжалигига жамғарилган мол-мулк. Бунга уй-жой, автомобиль, маданий-маиший буюмлар, кийим-кечаклар ва шу кабиларнинг қиймати киради.

Моддий буюмлашган бойлик таркибий қисмларининг мазмуни ва уларнинг салмоғи ўзгаришсиз қолмайди. Асосан фан-техника тараққиёти шароитида моддий, буюмлашган бойлик таркибида йирик ўзгаришлар рўй беради. Саноат тармоқларининг асосий капитали тез кўпаяди ва янгиланади, ноишлаб чиқариш соҳасининг асосий капитали таркибида илмий, ўқув, соғлиқни саклаш муассасаларининг улуши тобора кўпроқ ҳиссасини эгаллайди. Табиий ресурсларни иқтисодий фаолиятга жалб қилиш суратлари ўсиб боради.

Моддий буюмлашган бойлик ўсишининг асосий омиллари сифатида қуидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
- ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортиши;
- миллий даромадда жамғариш нормасининг ортиши.

Моддий буюмлашган бойлик ишлаб чиқаришнинг натижаси ва шарт-шароити ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, бир томондан маҳсулотдан миллий бойлик томон ҳаракатда бойликнинг истеъмол қилинган қисмининг қопланиши ва унинг кўпайиши рўй беради. Бошқа томондан миллий бойлик ишлаб чиқаришнинг моддий шарт-шароити, унинг моддий техникавий асоси ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ва миқёси миллий бойликдан фойдаланиш характеристига боғлиқ бўлади.

Моддий буюмлашган бойликни оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш фарқланса-да, ҳар иккаласи ҳам ялпи миллий маҳсулот ҳисобига амалга оширилади.

Миллий бойликнинг бошқа қисми табиий бойликлар ишлаб чиқаришнинг шарт-шароитини ва инсон фаолиятининг ташки мухитини ташкил қиласи. Табиий бойликнинг вужудга келиши инсоният жамият ривожига боғлиқ эмас, у табиат қонунлари асосида рўй беради. Фойдали қазилма бойликлар, ўрмонлар, сув ва ер ресурслари худди шундай вужудга келиб ишлаб чиқаришдан

ташқаридан туралади.

Табиат инъомлари ўзларининг дастлабки кўринишида табиий бойлик бўлиб, шу ҳолатида инсон фаолиятининг натижаси ҳисобланган ижтимоий бойлик таркибига кирмайди. Бунинг маъноси шуки, табиий бойликлар жамият учун фақатгина потенциал бойлик ҳисобланади. Улар реал бойликка инсон меҳнатининг таъсири оқибатида айланади.

**Миллий бойлик** нафақат ишлаб чиқариш соҳаларида яратилади. Унинг бир қисми хизмат кўрсатиш соҳаларида вужудга келтирилади ва жамиятнинг номоддий бойлиги ҳисобланади. Мазкур соҳаларда ашёвий-буюм шакл билан боғлик бўлмаган алоҳида турдаги истеъмол қийматлар ҳосил қилинади. Улар ҳам ишлаб чиқариш соҳаларининг фаолият қилиши ва ривожланиши учун шунингдек бевосита аҳолининг турмуш даражасини таъминлаш ва ошириб бориш учун зарур бўлади. Бундай бойликларга таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, санъат, спорт соҳаларида вужудга келтириладиган номоддий қимматликлар киради. Унинг таркибида тарихий ёдгорликлар, архитектура обидалари, ноёб адабиёт ва санъат асарлари алоҳида ўрин тутади.

Жамиятнинг номоддий бойликларида маданият ва санъатнинг ривожланиш даражаси, жамият аъзоларининг тўплаган илмий билимлари ва интеллектуал даражаси, ишловчиларнинг ихтисослиги ва малакавий билим даражаси, соғлиқни сақлаш, таълим ва спортнинг ривожланиш даражаси ўз ифодасини топади.

Моддий буюмлашган бойликнинг ўсиши жамият моддий қимматликлари кўпайишининг асоси ҳисобланади. Агар фан-техника тараққиёти юқори суръатлар билан ривожланса маданият, санъат, фан каби номоддий соҳалар ҳам ўсиб ва такомиллашиб боради.

Шундай қилиб, миллий бойлик моддий буюмлашган ва табиий бойликлардан анча кенг тушунча бўлиб, ўз таркибига жамиятнинг номоддий характердаги қимматликларини ҳам олади.

## **Асосий таянч тушунчалар**

**Иқтисодий ривожланиш** – кўп ўлчамли жараён бўлиб, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиётида ўз ифодасини топади.

**Иқтисодий ўсиш** – ЯММ (ИММ, СММ, МД) миқдорининг мутлоқ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари

бирлиги ҳисобига кўпайишида ва сифатининг яхшиланишида ифодаланади.

**Иқтисодий ўсиш мезони** – иқтисодий ўсишни нисбатан тўлиқ даражада баҳолаш имконини берадиган кўрсаткични характерлайди.

**Иқтисодий ўсишнинг кўрсаткичлари** – иқтисодий ўсишни аниқлашда фойдаланиладиган қиймат ва натурал (жисмоний) кўрсаткичлар тизимидан иборат.

**Экстенсив иқтисодий ўсиш** – ишлаб чиқаришга қўшимча иқтисодий ресурсларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши.

**Интенсив иқтисодий ўсиш** – ишлаб чиқариш омилларининг мавжуд даражасида, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиб бориши.

**Устивор экстенсив иқтисодий ўсиш** – иқтисодий ўсишда экстенсив омилларнинг устивор ўринга эга эканлигини билдиради.

**Устивор интенсив иқтисодий ўсиш** – иқтисодий ўсишда интенсив омилларнинг юкори ўринга эгалигини билдиради.

**Иқтисодий ўсиш омиллари** – иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатишда ўз ўрнига эга бўлган ва уни аниқлаб берувчи талаб, таклиф ва тақсимлаш омилларини билдиради.

**Миллий бойлик** – инсоният жамияти тараққиётида аждодлар томонидан яратилган ва авлодлар томонидан жамғарилган моддий ва маънавий бойиклар ҳамда фойдаланишга жалб қилинган табиат инъомлари.

**Моддий - буюмлашган бойлик** – миллий бойикнинг инсон меҳнати билан яратилган ашёвий – буюм кўринишига эга бўлган қисми.

**Табиий бойлик** - миллий бойикнинг табиат инъомларидан иборат бўлган, фойдаланишга жалб қилинган, ишлаб чиқаришнинг шарт –шароитини ва инсон фаолиятининг ташқи муҳитини ташкил қиласиган қисми.

**Маънавий бойлик** - ашёвий-буюм кўринишига эга бўлмаган номоддий қимматликлардан ва инсониятнинг интеллектуал салоҳияти натижаларидан иборат.

## **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Иқтисодий тараққиёт, иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ўсиш тушунчаларининг таърифини беринг ҳамда уларнинг умумий томонлари ва фарқларини кўрсатинг.

2. Иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив турлари қандай аниқланади? Нима учун реал ҳаётда соф экстенсив ёки соф интенсив иқтисодий ўсиш турлари учрамайди?

3. Мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятига, ахолисининг турмуш даражасига ва ишлаб чиқаришининг самарадорлигига баҳо беришда иқтисодий ўсишнинг қандай кўрсаткичларидан фойдаланилади?

4. Иқтисодий ўсишга таъсир қилувчи таклиф, тақсимлаш ва талаб омилларини тушунтиринг ҳамда уларнинг аҳамиятини баҳоланг.

5. Ўзбекистонда номинал ЯИМ 1997 йил 976,8 млрд. сөмни, 1998 йил 1358,8, 1999 йил 2128,7; 2000 йил 3194,5 2002 йил 7496,3 млрд. сўмни ташкил қилган. Унинг ўсиш суръатларини аниқланг. Республика ахолиси 1997 йил 23560; 1998 йил 23967; 1999 йил 24500; 2000 йил 24900 2002 йил 25100 минг кишини ташкил қилганлигини ҳисобга олсак, аҳоли жон бошига номинал ЯИМ ўсиш суръати қандай ўзгарган?

6. Миллий бойлик тушунчасининг таърифини беринг ва таркибий тузилишини кўрсатинг.

7. Миллий бойлик таркибида моддий – буюмлашган бойлик қандай ўринга эга ва у қандай таркибий қисмларни ўз ичига олади?

8. Нима учун ер, сув каби табиий бойликларни қиймат ўлчовида баҳолаб, миллий бойлик таркибиға киритиш мумкин эмас?

9. Маданий, тарихий обидалар ва архитектура ёдгорликларининг миллий бойлик таркибида акс этишини қандай изоҳлаймиз? Уларнинг ҳар бирига мисоллар келтиринг.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2003.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон - буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

3. Каримов И.А. Бизнинг бош мағсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

4. Каримов и.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/И.А.Каримов, - Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

якунлари ва 2009 йўналишларига бағишлиланган вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

6. Каримов И.А., Энг асосий мезон – хаёт ҳақиқатни акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009, - 24 б.

7. Шодмонов Ш., Алимов Р.Ў., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002.

8. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси – Т.: Ўқитувчи, 2002.

9. Джумақулов Т.Т., Сафарова З.Т. Использование трудов И.Каримова в преподавании экономической теории и его вклад в её развитие: Учебное пособие. – Т.: Изд-во мет.лит-ры им. Абу Али ибн Сино, 2002.

10. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси иккинчи китоб: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2003.

11. Тарасевич Л.С., Гребенников П.И., Леусский А.И. Макроэкономика: Учебник М: Юрист-Издат, 2003.

12. По, А. Самуэльсон, Вильям Д. Норд Хаус. Экономика: Пер. с англ. – М.: «Лаборатория Базовых знаний» 2000.

13. Экономическая теория: Учеб. Для студ. Высш. Учеб. Заведений. Под. Ред. В.Д.Камаева. -7-е изд, перераб и доп. – М.: «Гуманитарное издательство цент ВЛАДОС» 2002.

14. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Москва., 1962. Стр. 332

15. Mill J.S. On the Definition of Political Economy; and on the Method of Investigation Proper to it. In: Tssays on Some Unsettled Questions of Political Economy. L., p 133-137

16. Walras L. Elements of pure Economics. Translated by Jaffe W.Homewood, Richard D.Irwin, 1954. pp. 88-89.

17. Ўлмасов А., Вохобов А. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.

18. Шодмонов Ш.Ш., Фофуров У. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.

19. Слагода В.Т. Основы экономической теории: учебник. \_М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2009. – 272с.

20. Гукасян Г.М., Маховикова Г.А., Амасова В.В. Экономическая теория, 7-е изд. – СПБ.: Питер, 2010. 240с.

21. Борисов Е.Ф. Экономика: учеб. – М.: Проспект, 2009, 320с.

22. Воробьев Е.М. Экономическая теория. Курс лекций. М.: Эксмо, 2008, 272с.

23. Лачанов Ю.Н. Новая экономическая теория – новая

классика: Революционный прорыв во всех представлениях ЛКИ, 2008, 104с.

24. Экономическая теория: учеб. Под. Ред. И.П.Николаевой. – 2-е изд., Перераб. И. доп. – М.: Проспект, 2009, 576с.

## **4-МАВЗУ. ИСТЕЬМОЛ, ЖАМҒАРМА ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР**

### **РЕЖА:**

1. Истеъмол ва жамғарманинг иқтисодий мазмуни ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги.
2. Жамғаришнинг моҳияти, омиллари ва самарадорлиги.
3. Инвестициялар ва унинг даражасини белгиловчи омиллар.

#### **1. Истеъмол ва жамғарманинг иқтисодий мазмуни ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги**

Миллий иқтисодиётда янгидан вужудга келтирилган қиймат, яъни миллий даромад истеъмол ва иқтисодий жамғариш мақсадларида ишлатилади. Истеъмол кенг маънода жамият иқтисодий эҳтиёжларини қондириш жараёнида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлардан ҳамда иқтисодий ресурслардан фойдаланишни, уни истеъмол қилишини билдиради. Бунда унумли ва шахсий истеъмол фарқланади. Ҳозирги кунда мамлакатнинг халқаро бозорларда эркин товар айирбошлиши ҳам халқаро баҳоларда, жаҳон андозаларига мослашиб бормоқда. Таъминотнинг макрокўламдаги ҳолати истеъмол функциясини ўрганиш тақозо этади. Чунки, истеъмол функцияси моҳиятини билиш истеъмол бозорини бошқаришда асос бўлади. Истеъмол бозорида харидорлар фақат фуқаролардан иборат бўлмайди. Харидорлар таркибига ахолига бепул хизмат қўрсатувчи корхона ва ташкилотлар ҳам киради.

Унумли истеъмол бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари ва инсон ишчи кучининг истеъмол қилинишини, яъни улардан фойдаланиш жараёнини англатади.

Шахсий истеъмол ишлаб чиқариш соҳасидан ташқарида рўй бериб, бунда истеъмол буюмларидан бевосита фойдаланилади ёки улар тўлиқ истеъмол қилинади. Истеъмол бозорида ҳар хил хизматлар сотилади. Истеъмол бозорининг ҳажми унда сотилаётган товарларнинг ялпи суммаси билан белгиланади. Истеъмол товарлари эса қатъий давлат нархлари, назорат қилинадиган нархлар ва эркин нархларда сотилади.

Истеъмол жараёнида турли хил моддий ва маънавий неъматлардан фойдаланилади. Истеъмол қилинадиган неъмат турига боғлиқ равишда моддий неъматларни ва хизматларни истеъмол қилиш ажратилади.

Индивидуал ёки жамоа бўлиб истеъмол қилиш ҳам фарқланади. Алоҳида оила ёки жамият аъзоларининг ихтиёрида бўлган моддий неъматларни истеъмол қилиш индивидуал истеъмолга жамият аъзоларининг гурухлари моддий неъмат ва хизматлардан фойдаланиши жамоа бўлиб истеъмол қилишга яъни ижтимоий истеъмолга киради.

Истеъмол фонди маблағларидан бутун иқтисодиёт доирасида банд бўлган ходимларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини, шу жумладан бошқариш ва мудофаа эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланилади. У бутун аҳолининг шахсий истеъмолини, аҳолига ижтимоий хизмат қиласиган муассасалардаги, шунингдек, илмий муассасалар ва бошқаришдаги моддий сарфларни ўз ичига олади.

Истеъмол фондининг шахсий даромад шаклида ходимлар қўлига келиб тушадиган қисми истеъмолчилик сарфлари мақсадида ишлатилади.

**Истеъмолчилик сарфлари** – бу аҳоли жорий даромадларининг тирикчилик неъматлари ва хизматлар учун ишлатиладиган қисми.

**Жамғарма** – истеъмол сарфларидан кейин турли мажбурий тўловлар чегириб ташлангандан кейин қолган даромаднинг бир қисми.

**Жамғарма** – бу уй хўжаликлари ихтиёридаги жорий даромадлари бир қисмининг фоизли даромад олиш ва келажакдаги истеъмолини қондириш мақсадида тўпланиб (жамғарилиб) боришидир.

### **Жамғармани амалга оширишдан қўзланган мақсадлар**

- фоиз шаклида даромад олиш;
- узоқ муддат фойдаланиладиган қимматбаҳо истеъмол товарлари (уй-жойлар, автомашина ва бошқа зебу-зийнат буюмлари) сотиб олиш;
- қасаллик, ишсизлик ва баҳтсиз ҳодисалар каби олдиндан билиб бўлмайдиган ҳолатлардан иқтисодий ҳимояланиш;
- қарилик даврини моддий таъминлаш;
- фарзандларининг келажагини таъминлаш;
- келажакда вужудга келиши мумкин бўлган турли-туман эҳтиёжларни қондириш.

## **Истеъмол ва жамғарма даражасини белгилаб берувчи омиллар**

- шахсий даромад
- уй хўжаликлари жамғарган бойлик
- нархлар даражаси
- нархлар, даромадлар ва товарлар таклифи ўзгариши кутилиши
- истеъмолчи қарзлари миқдори
- солиқлар даражаси

Жамғарма истеъмол мақсадида ишлатилмайдиган даромаддир. Жамғарма функцияси даромадлар билан жамғарманинг узвий боғлиқлигини кўрсатади. Уй хўжаликларида шахсий даромадлар миқдорида турли хил солиқларни тўлагандан сўнг ўз ихтиёридаги даромад қолади. Буни биз миллий даромаднинг бир қисми ҳам деб атаемиз.

Унинг ҳажми уй хўжаликлари даромадидан истеъмолчилик сарфларини айриб ташлаш йўли билан аниқланади.

Даромад фондида истеъмолчилик сарфлари улуши қанчалик юқори бўлса жамғарма ҳажми шунчалик кам бўлади. Жамғарманинг ўсиши эса иқтисодий маънода маблағларнинг истеъмол буюмлари харид қилишдан инвестицион товарларга йўналтирилишини билдиради.

Шу сабабли даромадда истеъмолчилик сарфлари ва жамғарма нисбатининг ўзгариши бир қатор, баъзан қарама-қарши оқибатларга олиб келиши мумкин.

Биринчидан, даромадларнинг қандайдир қисмини жамғармага қўйиш оқибатида у товарларда бўлган талабда ўз аксини топмайди. Маҳсулотнинг ҳар қандай ҳажмини ишлаб чиқаришдан олинган даромад тўлиқ сарфлангандагина жами талабни таъминлаш учун етарли бўлади. Демак жамғарма даромадлар - харажатлар оқимида номутаносиблик бўлишига олиб келади.

Жамғарма даромадлардан маблағларни олиб қўйишни билдириб истеъмолчилик сарфлари барча ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиб олиш учун етарли бўлмай қолишини билдиради. Агар аҳоли ўз даромадининг қандайдир, қисмини жамғарса, ўзининг хусусий талабини вужудга келтирмайди. Бунинг натижаси сотилмай қолган товарларнинг кўпайиши, ишлаб чиқаришнинг қисқариши, ишсизлик ва даромадларнинг пасайиши бўлиши мумкин.

Бошқа томондан жамғарма талабнинг етишмаслигига олиб келмаслиги ҳам мумкин, чунки жамғарилган маблағлар тадбиркорлар томонидан инвестицион мақсадларда ишлатилади. Бу истеъмолчилик сарфларининг ҳар қандай етишмаслигини қоплайди ва жамғарма келтириб чиқарадиган истеъмолдаги ҳар қандай етишмасликини тўлдиради. Учинчидан, корхоналар ҳам ўзининг барча маҳсулотини истеъмолчиларга сотишни кўзда тутмайди, балки унинг бир қисмидан ишлаб чиқариш воситалари шаклида фойдаланиши мумкин. Шундай қилиб, агар тадбиркорлар аҳолининг жамғармаларига teng микдордаги маблағларни инвестицияларга қўйишни кўзда тутса, ишлаб чиқариш даражаси доимий бўлиб қолади.

Истеъмол ва жамғарма даражасини аниқлаб берувчи асосий омил **миллий даромад** ҳисобланади. Лекин миллий даромад таркибида тўғри солиқлар ҳам мавжуд бўлади. Шу сабабли солиқлар тўлангандан кейин **аҳоли қўлида қоладиган** даромад истеъмолчилик сарфлари ва шахсий жамғарма йиғиндисига teng бўлади. Истеъмол ва шахсий жамғарманинг даражаси бевосита солиқлар тўлангандан кейинги қолган даромад билан аниқланади. Демак бу даромад истеъмолнинг ҳам, жамғарманинг ҳам умумий омили ҳисобланади. Чунки жамғарма даромаднинг истеъмол қилинмайдиган қисми ҳисобланса, солиқлар тўлангандан кейинги даромад шахсий жамғармани аниқлаб берадиган асосий омил бўлиб чиқади. Ҳар йилги ҳақиқий истеъмол микдори ва солиқлар тўлангандан кейинги даромад ўртасидаги фарқ шу йилдаги жамғарма микдорини аниқлайди.


Қараб чиқилган омил таъсирида истеъмол ва жамғарма даражасининг ўзгаришини қўйидаги жадвалда тушунирамиз. Таҳлил учун шартли маълумотлардан фойдаланамиз.

## 2-жадвал.

### **Истеъмол ва жамғарма даражаси, млрд., сўм (шартли маълумотлар)**

Йиллар	Даромад даражаси (Д)	Истеъмол (И)	Жамғарма (Ж)	ИўМ	ЖўМ	ИқМ	ЖқМ
2000	1500	1300	200	0,87	0,13	-	-
2005	1800	1500	300	0,83	0,17	0,67	0,33
2009	2200	1700	500	0,77	0,23	0,50	0,50
	1	2	3 (1-2)	4(2:1)	5(3:1)	6(2:1)	7 (3:1)

Жадвал маълумотларидан хulosса чиқариб айтиш мумкинки, биринчидан, аҳоли даромадининг асосий қисми истеъмолга сарфланади, қолган қисми жамғармага ажратилади. Иккинчидан, истеъмол ҳам, жамғариш ҳам даромадлар даражасига бевосита боғлиқ бўлади.



**1-чизма.** Шахсий даромад, истеъмол ва жамғарма графиги

**Аҳоли даромадининг истеъмолга кетадиган улуши истеъмолга ўртача мойиллик дейилади (ИўМ).**

**Аҳоли даромадининг жамғармага кетадиган улуши эса жамғармага ўртача мойиллик (ЖўМ) дейилади.** Яъни:

$$ИўМ = \frac{\text{истеъмол}}{\text{даромад}} \times 100 \text{ ва } ЖўМ_{\text{даромад}}^{\text{жамғарма}} = 100$$

Жадвалда келтирилган ҳар бир даромад даражаси бўйича ИўМ ва ЖўМни ҳисоблаб кўрамизки даромад кўпайиб бориши билан ИўМ тушади, ЖўМ эса ўсади. Ҳақиқатда солиқлар тўлангандан кейин қолган даромад ёхуд истеъмол қилинади ва ёхуд жамғармага кетади. Шу сабабли даромаднинг истеъмол қилинадиган ва жамғармага кетадиган қисмлари даромад ҳар қандай даражасининг бутун миқдорини қамраб олади. қисқаси  $ИўМ+ЖўМ=1,0$  ёки 100% бўлади.

Даромад ўсимининг истеъмол қилинадиган қисми ёки ҳиссаси истеъмолга қўшилган мойиллик дейилади (ИҚМ), ёки

*истеъмолдаги ўзгарши*

**Даромад ҳар қандай ўсишнинг жамғармага кетадиган ҳиссаси, жамғармага қўшилган мойиллик дейилади (ЖҚМ), яъни ЖҚМ = жамғармадаги ўзгариш/даромаддаги ўзгариш.**

Масалан, агар 1500 млрд. сўм ни ташкил қилувчи солиқлар тўлангандан кейинги даромад 300 млрд. сўмга кўпайиб 1800 млрд. сўмга етса (7-қатор) даромаднинг шу ўсан қисмининг 2/3 қисми истеъмол қилинади ва 1/3 қисми жамғармага кетади. Бошқача айтганда, ИҚМ - 0,666 ни, ЖҚМ эса 0,333 ни ташкил қиласди. Даромаддаги ҳар қандай ўзгариш учун ИҚМ ва ЖҚМ йиғиндиси ҳар доим I га тенг бўлиши зарур ёки ИҚМ + ЖҚМ = I. Бизнинг мисолда  $0,666+0,333=I,0$

Шахсий даромаддан ташқари истеъмол ва жамғарма ўртасидаги ўзаро боғлиқликка таъсир кўрсатувчи бошқа бир қатор омиллар ҳам мавжуд бўлади. Бу омилларнинг асосийлари қуйидагилар:

- уй хўжаликлари жамғарган бойлик даражаси;
- нархлар даражаси;
- нархлар, даромадлар ва товарлар таклифи ўзгаришининг кутилиши;
- истеъмолчи қарзлари;
- солик ставкалари ўзгариши.

## **2. Жамғаришнинг моҳияти, омиллари ва самарадорлиги**

Жамғариш иқтисодиётдаги ялпи сарфларнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, инвестицион характердаги товарларга талаб даражасини белгилаб беради. Инвестициялар жамғаришнинг амалда намоён бўлиш шакли бўлганлиги сабабли дастлаб таҳлилни жамғаришнинг моҳияти, омиллари ва самарадорлигини назарий жиҳатдан асослаш билан бошлаймиз.

Жамғариш деб, миллий даромаднинг бир қисми асосий ва айланма капиталларни, шунингдек, эҳтиёт заҳираларини кўпайтириш учун сарфланишига айтилади.

Амалда жамғариш капитал маблағлар ёки инвестицион сарфлар шаклида юзага чиқиб, у янги асосий капитални ҳосил қилиш, ишлаб турганларини кенгайтириш, реконструкциялаш ва янгилашга қилинадиган харажатларни ифодалайди. “Жамғариш” ва “капитал

маблағ” ёки “инвестицион сарфлар” тушунчалари бир хил мазмунга эга эмас. Бир томондан, капитал маблағ ёки инвестицияларнинг чегаралари жамғариш фондига қараганда кенгроқ, чунки реновацияга (яъни эскирган объектларни батамом алмаштиришга) сарфланадиган амортизация фондининг бир қисми ҳам уларнинг манбаи бўлиб хизмат қиласди. Иккинчи томондан, “жамғариш” тушунчаси инвестицион сарфлар доирасидан чиқиб кетади, чунки у фақат асосий капиталнинг эмас, балки айланма капиталнинг, шунингдек, эҳтиёт заҳираларининг кенгайишини ҳам англатади.

**Ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий соҳаларидаги жамғариш** бир-биридан фарқланади. Жамғарилган маблағларнинг моддий ишлаб чиқариш соҳасининг асосий капиталларини ва айланма маблағларини кенгайтиришга кетадиган қисми ишлаб чиқариш соҳасидаги жамғариш фондини ҳосил қиласди. Ишлаб чиқариш соҳасидаги жамғариш иқтисодий ўсишнинг муҳим омилидир.

**Ижтимоий** - маданий соҳадаги жамғариш (ноишлаб чиқариш жамғариши) уй-жой фондини, касалхоналар, ўқув муассасалари, маданият, соғлиқни саклаш, спорт муассасалари, яъни номоддий ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш, реконструкциялаш, янгилашга сарфланади. Ноишлаб чиқариш соҳасини кенгайтириш ҳам ишлаб чиқарышни ривожлантиришнинг зарур шартидир.

Жамғариш фонди, унинг ҳажми ва таркиби такрор ишлаб чиқариш суръатларини белгилаб берадиган ҳал қилувчи омиллардир. Жамғариш нормаси бевосита жамғариш фондининг бутун миллий даромад ҳажмига нисбати билан аниқланади:  $\text{ЖН} = (\text{ЖФ}/\text{МД}) \times 100$ ,

Бунда, ЖН-жамғариш нормаси, ЖФ-жамғариш фонди, МД-миллий даромад.

Жамғариш нормасининг ҳам ўз чегараси бўлиб, уни ошириш иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлиб чиқиши ва салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, унинг ҳаддан ташқари ортиши натижасида инвестицион сарфлар самарадорлиги пасайиб кетиши мумкин, чунки капитал маблағлар ҳажми билан қурилиш ташкилотларининг қувватлари, материаллар ва ускуналар етказиб бериш имкониятлари, инфратузилманинг ривожланиши ўртасида номутаносиблиқ пайдо бўлади. Маблағларнинг сочилиб кетиши, объектларни барпо этиш муддатларининг чўзилиб кетиш хавфи ошади, оқибатда улар қимматлашади, барпо этиш жараёнидаёқ маънавий жиҳатдан эскиради, тугалланмаган қурилишлар кўпаяди.

## **Оқибатда иқтисодий ўсиш пасайиб кетиш тамойилига эга бўлади.**

Шундай қилиб, жамғариш фонди иқтисодий ўсиш суръатлари ва сифатига факат ўзининг миқдори билангина ҳал қилувчи таъсир кўрсатиб қолмайди. Фан-техника революцияси шароитида улардан фойдаланиш самарадорлиги биринчи ўринга чиқади.

Жамғариш фонди миллий даромаднинг бир қисмини ташкил этади ва шу сабабли миллий даромад ҳажми кўпайишини белгилайдиган омиллар, жамғариш миқдорини ҳам белгилаб беради. Бу омиллардан асосийси қўлланиладиган ресурслар массаси ва уларнинг унумдорлигидир. Жамғариш миқдори ишлаб чиқариш жараёнида хом-ашё, материаллар, энергияни тежаб-тергаб сарфлашга ҳам боғлиқ. Маҳсулот бирлигига уларни сарфлашни камайтириш моддий воситаларнинг ўша миқдорида маҳсулотларни қўпроқ ҳажмда ишлаб чиқаришга имкон беради.

Жамғаришнинг миқдори миллий даромаддаги жамғариш ва истеъмол фондлари ўртасидаги нисбатга ҳам боғлиқ бўлади.

### **3. Инвестициялар ва унинг даражасини белгиловчи омиллар**

Инвестициялар сарфларнинг иккинчи таркибий қисми ҳисобланади. Инвестициялар даражаси жамият миллий даромади ҳажмига сезиларли таъсир кўрсатади; миллий иқтисодиётдаги кўплаб мутаносибликлар унинг ўсиш суръатига боғлиқ бўлади. Инвестициялар мамлакат миқёсида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш объектлари қуриш, станок, ускуна ва шу каби узоқ муддатли фойдаланиладиган асосий капиталларни сотиб олиш, ишга тушириш билан боғлиқ сарфларни билдиради.

**Инвестициялар** – асосий ва айланма капитални кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга пул шаклидаги қўйилмадир. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар кўринишида амалга оширилади.

**Инвестицияларни рўёбга чиқариш бўйича амалий ҳаракатлар - инвестицион фаолият, инвестицияларни амалга оширувчи шахс - инвестор дейилади.**

Инвестицияларнинг турлари	
Ишлаб чиқариш мақсадидаги инвестициялар	Иқтисодиётнинг моддий бойликлар ва неъматлар ишлаб чиқарувчи тармоқ ҳамда соҳаларидағи асосий ва айланма капиталлар учун сарфлардир.
Ноишлаб чиқариш мақсадидаги инвестициялар	Номоддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий маданий соҳалар (уй-жой қурилиши, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт ва шу каби муассасалар)ни кенгайтириш учун сарфлардир.

Инвестиция фаолияти қўйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилиши мумкин:

- инвесторларнинг ўз молиявий ресурслари (фойда, амортизация ажратмалари, пул жамғармалари ва ҳ.к.);
- қарз олинган молиявий маблағлар (облигация заёmlари, банк кредитлари);
- жалб қилинган молиявий маблағлар (акцияларни сотишдан олинган маблағлар, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг пай ва бошқа тўловлари);
- бюджетдан инвестицияларни молиялаштириш.

2008 йилда Ўзбекистонда инвестицион қўйилмаларнинг 41,1% корхоналарнинг ўз молиявий маблағлари ҳисобига, 9,0% бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилган<sup>1</sup>.

Инвестицияларнинг манбаларидан бири аҳоли кенг қатламлари (ишловчилар, ўқитувчилар, врачлар ва бошқалар) жамғармаси ҳисобланади. Муаммо шундан иборатки, жамғарма хўжалик юритувчи бир груп томонидан амалга оширилади, инвестициялар эса шахслар ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг бутунлай бошқа груп томонидан амалга оширилиши мумкин. Ўз-ўзидан аниқки, инвестициялар манбаи бўлиб иқтисодиётда фаолият қилувчи саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналар фойдаси ҳам ҳисобланади. Бу ерда “жамғарувчи” ва “инвестор” бир-бирига тўғри келади.

Ўзбекистонда капитал қуйилмаларда нодавлат секторининг улуши 1991 йилдаги 24 %дан, 2000 йилда 34,7%, 2002 йилда 59,2 % ва 2008 йилда 79,8%га етган.

## **Республикада инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тузилиши (% ҳисобида)<sup>2</sup>**

<sup>1</sup> Қаранг: Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2009 год. Тошкент-2009. 49-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

3-жадвал

Йиллар	1991	1992	1993	1994	1995	1998	2000	2002	2008
Жами капитал кўйилмалари	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан: бюджет маблағлари	44,5	26,6	32,1	25,3	22,9	24,2	30,3	25,0	9,0
Корхоналарнинг ўз маблағлари	38,7	52,9	46,2	47,1	47,0	49,2	26,4	40,0	44,1
Банк кредитлари	...	0,3	8,3	11,1	9,6	6,2	7,5	2,2	5,0
Чет эл инвестициялари ва кредитлари			0,1	6,6	14,0	20,3	21,7	20,4	25,9
Аҳоли маблағлари	16,8	20,2	13,2	9,9	6,5	...	12,7	12,0	9,8
Бошқа маблағлар								0,4	6,2

Инвестицияларга сарфлар даражасини иккита асосий омил белгилаб беради:

1) Тадбиркорлар инвестицияларга сарфлардан олиш кўзда тутилаётган **соф фойда нормаси** ва 2) **фоиз ставкаси**.

I. Инвестицияларга қилинадиган сарфларнинг ҳаракатлантирувчи мотиви **фойда** ҳисобланади. Тадбиркорлар ишлаб чиқариш воситаларини қачонки улар фойда келтирадиган бўлса, сотиб олади.

Инвестициялар даражасини белгилайдиган иккинчи омил **фоизнинг реал ставкаси** ҳисобланади. Фоиз ставкаси бу - реал асосий капитални сотиб олиш учун зарур бўлган банд қилинган пул капиталига корхона тўлаш зарур бўлган пул миқдори ҳисобланади. Агар кутилаётган соф фойда нормаси (10 %) фоиз ставкаси (7 %)дан ортиқ бўлса инвестицияни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Аксинча фоиз ставкаси (айталик, 12%) кутилаётган соф фойда нормасидан (10%) ортиқ бўлса, инвестициялаш самарасиз ҳисобланади.

Инвестиция даражасига кутилаётган соф фойда нормаси ва фоиз ставкасидан ташқари бошқа қўйидаги омиллар ҳам таъсир кўрсатади.

1. Машина ва ускуналарни харид қилиш, ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари.
2. Тадбиркорлардан олинадиган солиқ миқдори.
3. Технологик ўзгаришлар.

## **Инвестицияларнинг ўзгарувчанлигини белгилаб берувчи омиллар**

- инвестицион товарлар (асосий капитал)нинг ноаниқ хизмат муддатига эга бўлиши;
- инновациялар, техника ва технологиялар соҳасидаги анча катта кашфиётлар доимий пайдо бўлиб турмаслиги;
- иқтисодиёт циклли ривожланиш тамойилига эга бўлиши;
- тадбиркорлар оладиган фойда доимий барқарор эмаслиги;
- рўй бериши мумкин бўлган фавқулотта ҳолатлар (сиёсий вазият, давлат иқтисодий сиёсатидаги ўзгаришлар ва ҳ.к.).

Соф миллий маҳсулот (даромад) ҳажмидаги ўзгаришнинг ялпи сарфларнинг алоҳида турлари, шу жумладан инвестициялардаги ўзгаришларга нисбати – **мультиликатор самараси** дейилади.

$$\text{Мультиликатор самараси} = \frac{\text{СММ(даромад)даги ўзгариши}}{\text{Инвестициялардаги ўзгариши}}$$

Инвестицияларнинг 5 млрд. сўмга кўпайиши соф миллий маҳсулотнинг 20 млрд. сўм миқдорга ўсишига олиб келса мультиликатор самараси 4 га (20:5) тенг бўлади.

$$\begin{array}{lcl} \text{СММдаги} & = & \text{Мультиликатор} \times \text{Инвестициялардаги} \\ \text{ўзгариш} & & \text{щзгаришлар} \\ & & \text{ёки } 20=4 \times 5 \end{array}$$

### **Мультиликатор самарасига таъсир қилувчи омиллар:**

- истеъмолчилик сарфларидағи ўзгариш;
- давлат харидидаги ўзгариш;
- соф экспорт ҳажмидаги ўзгариш.

### **Мультиликатор самарасининг мазмунини изоҳловчи ҳолатлар**

- Иқтисодиётда бир субъект томонидан қилинган сарфлар бошқаси учун даромад шаклини олади;
- Даромаддаги ҳар қанда ўзгариш истеъмол ва жамҚармада ҳам худди шунда йўналишда ўзгариш бўлишига олиб келади.

### **Мультиликатор самараси млрд сўм (шартли маълумотлар)**

	<b>СММ (даромад) даги ўзга- риш</b>	<b>Истеъмолда ги ўзгариш (И<math>\alpha</math>=3/4)</b>	<b>Жамғарма- даги ўзгариш (Ж<math>\alpha</math>1/4)</b>
	<b>1(2+3)</b>	<b>2(1-3)</b>	<b>3(1-2)</b>
Инвестицияларининг ўзгариши	5,0	37,5	1,25
2-цикл	3,75	2,81	0,94
3-цикл	2,81	2,11	0,70
4-цикл	2,11	1,58	0,58
5-цикл	1,58	1,19	0,39
қолган циклар	4,75	3,66	1,19
Жами	20,0	15,0	5,0

Жадвал маълумотлари инвестицияларнинг 5 млрд сўмга ўсиши, СММ ҳажмининг 20 млрд сўмга кўпайишига олиб келишини кўрсатади.

И $\alpha$ +Ж $\alpha$ =1 бўлгани учун Ж $\alpha$ =1-И $\alpha$

Шунга мос равишда:

$$\text{Мультиликатор} = \frac{1}{1 - u} = \frac{1}{1,0 - 0,75} = \frac{1}{0,25} = 4;$$

Тўлиқ бандлик шароитда ялпи сарфлар СММ ҳажми билан мос келмаслиги мумкин. Бу мос келмаслик **рецессион** ёки **инфляцион** фарқда ифодаланади.

Ялпи сарфларнинг СММ ҳажмдан кам бўлган миқдори **рецессион** фарқ дейилади.

Ялпи сарфларнинг СММ ҳажмдан ортиқча бўлган миқдори **инфляцион** фарқ дейилади.

### **Асосий таянч тушунчалар**

**Истеъмол** – жамият иқтисодий эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлаб чиқариш натижаларидан ва ишлаб чиқариш омиллари (ишчи кучи)дан фойдаланиш жараёнини билдиради.

**Шахсий истеъмол** – истеъмолчилик характеристидаги неъматлар ва хизматлардан бевосита фойдаланишни, яъни уларнинг индивидуал тарзда истеъмол қилинишини билдиради.

**Унумли истеъмол** – ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучидан фойдаланишни англатади.

**Истеъмолчилик сарфлари** – аҳоли даромадларининг

тирикчилик неъматлари ва хизматлар учун ишлатиладиган қисми.

**Жамғарма** – аҳоли, корхона (фирма) ва давлат жорий даромадларининг келажакдаги эҳтиёжларини қондириш ва фоизли даромад олиш мақсадида тўпланиб борилиши.

**Истеъмолга ўртacha мойиллик** – шахсий даромаднинг истеъмолга кетадиган улуши.

**Жамғармага ўртacha мойиллик** – шахсий даромаднинг жамғармага кетадиган улуши.

**Истеъмолга қўшилган мойиллик** – шахсий даромад ўсган қисмининг истеъмол қилинадиган қисми ёки улуши.

**Жамғармага қўшилган мойиллик** – шахсий даромад ўсган қисмининг жамғармага кетадиган ҳиссаси.

**Иқтисодий жамғариш** – мил лий даромаднинг бир қисмидан асосий ва айланма капиталларни, шунингдек, эҳтиёт ва захираларни кўпайтириш учун фойдаланиш.

**Жамғариш нормаси** – жамғариш фондининг миллий даромадга нисбатининг фоиздаги ифодаси.

**Капитал қўйилмалар** – асосий капитални кенгайтириш ва уни тақрор ишлаб чиқаришга қилинадиган сарфлар.

**Инвестициялар** – ишлаб чиқаришни ва хизмат қўрсатиш соҳаларини кенгайтиришга, яъни асосий ва айланма капиталга пул шаклидаги қўйилмалар.

**Инвестицион фаолият** – инвестицияларни рўёбга чиқариш бўйича қилинадиган амалий ҳаракатлар.

**Инвестор** – инвестицияларни амалга оширувчи шахс.

**Инвестициялар самарадорлиги** – миллий даромад (фойда) ўсган қисмининг инвестицион сарфлар суммасига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

## **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Истеъмол, жамғарма ва инвестицияларнинг иқтисодий мазмунини қисқача таърифланг.

2. Истеъмол ва жамғарманинг микдорини аниқловчи асосий омилларини санаб кўрсатинг.

3. Жамғариш нормаси қандай аниқланади? Унга қандай омиллар таъсир кўрсатади?

4. Истеъмолга ва жамғармага ўртacha мойиллик деганда нимани тушунасиз? Истеъмол ва жамғармага қўшилган мойиллик

қандай аниқланади?

5. Инвестицияларга сарфларнинг даражасини қандай омиллар белгилаб беради? Уларнинг қисқача тавсифини беринг.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон - буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мағсадимиз-жамиятни демократлашириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
4. Каримов и.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/И.А.Каримов, - Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йўналишларига бағишланган вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
6. Каримов И.А., Энг асосий мезон – хаёт ҳақиқатни акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009, - 24 б.
7. Шодмонов Ш., Алимов Р.Ў., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002.
8. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси – Т.: Ўқитувчи, 2002.
9. Джумакулов Т.Т., Сафарова З.Т. Использование трудов И.Каримова в преподавании экономической теории и его вклад в её развитие: Учебное пособие. – Т.: Изд-во мет.лит-ры им. Абу Али ибн Сино, 2002.
10. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси иккинчи китоб: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2003.
11. Тарасевич Л.С., Гребенников П.И., Леусский А.И. Макроэкономика: Учебник М: Юрист-Издат, 2003.
12. По, А. Самуэльсон, Вильям Д. Норд Хаус. Экономика: Пер. с англ. – М.: «Лаборатория Базовых знаний» 2000.
13. Экономическая теория: Учеб. Для студ. Высш. Учеб. Заведений. Под. Ред. В.Д.Камаева. -7-е изд, перераб и доп. – М.: «Гуманитарное издательство цент ВЛАДОС» 2002.

14. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Москва., 1962. Стр. 332
15. Mill J.S. On the Definition of Political Economy; and on the Method of Investigation Proper to it. In: Essays on Some Unsettled Questions of Political Economy. L., p 133-137
16. Walras L. Elements of pure Economics. Translated by Jaffe W.Homewood, Richard D.Irwin, 1954. pp. 88-89.
17. Ўлмасов А., Вохобов А. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.
18. Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.
19. Слагода В.Т. Основы экономической теории: учебник. \_М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2009. – 272с.
20. Гукасян Г.М., Маховикова Г.А., Амасова В.В. Экономическая теория, 7-е изд. – СПБ.: Питер, 2010. 240с.
21. Борисов Е.Ф. Экономика: учеб. – М.: Проспект, 2009, 320с.
22. Воробьев Е.М. Экономическая теория. Курс лекций. М.: Эксмо, 2008, 272с.
23. Лачанов Ю.Н. Новая экономическая теория – новая классика: Революционный прорыв во всех представлениях ЛКИ, 2008, 104с.
24. Экономическая теория: учеб. Под. Ред. И.П.Николаевой. – 2-е изд., Перераб. И. доп. – М.: Проспект, 2009, 576с.

## **5-МАВЗУ. УМУМИҚТИСОДИЙ МУВОЗАНАТЛИК**

### **РЕЖА:**

1. Иқтисодий мувозанатликнинг мазмуни ва унинг турлари.
2. Иқтисодий мувозанатликни аниқлаш усуллари. Рецессион ва инфеляцион фарқ.
3. Иқтисодий мутаносиблик ва унинг турлари.
4. Ўзбекистонда иқтисодий мувозанатликни таъминлашнинг иқтисодий ўсишдаги аҳамияти.

### **1. Иқтисодий мувозанатликнинг мазмуни ва унинг турлари**

Миллий иқтисодиёт даражасида тўлиқ бандликка эришиш, инфляцияни энг кам даражага келтириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, макроиктисодий мувозанатликни тақозо этади. Ижтимоий ишлаб чиқариш ва умуман тақрор ишлаб чиқариш ҳам иқтисодиётнинг барча даражасида, яъни микро ва макроиктисодиёт даражасида иқтисодий мувозанатликни таъминланиб турилишини зарур қилиб қўяди. Шундай экан, иқтисодий мувозанатлик, иқтисодий ўсиш ва тақрор ишлаб чиқариш жараёнининг энг муҳим ва асосий шарт-шароити бўлиб юзага чиқади. Иқтисодий мувозанатликга таъриф беришдан олдин иқтисодий фан тарихида бу муаммо бўйича анча кенг тарқалган ёндашувларга алоҳида эътиборни қаратамиз.

Иқтисодиёт фан тарихида иқтисодий мувозанатлик тушун-часига турлича қарашлар мавжуд бўлиб, уларни умумлаштирилган ҳолда иккита йўналишга ажратиш мумкин.

**Биринчи йўналиш** бевосита «иктисодий мувозанатлик» тушунчасининг вужудга келиш ва ривожлантирилишининг тарихий босқичлари билан боғлиқ бўлиб, бунда мазкур тушунча «умумий бозор мувозанати» сифатида талқин қилиниши даражасигача етиб келади. Бу йўналишда иқтисодий мувозанатликнинг кўплаб моделлари мавжуд бўлиб улар турли даврларда бу муаммога ҳар хил қарашларни акс эттирган:

1. Оддий тақрор ишлаб чиқариш модели. (Ф. Кенэ томонидан XVIII асрда Франция мисолида тушунтирилиб берилган.)
2. Оддий ва кенгайтирилган капиталистик ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш схемаси. (XIX асрда классик иқтисодчилар

томонидан асослаб берилган.)

3. Эркин рақобат қонуни амал қилган шароитда умумий иқтисодий мувозанатлик модели. (Л. Вальрас томонидан асослаган.)

4. «Харажатлар – маҳсулот ишлаб чиқариш» модели. (В. Льонтьев асос солган.)

5. Қисқа даврли иқтисодий мувозанатлик модели. (Д.Кейнс циклик ривожланиши таҳлил қилиш орқали кўрсатиб берган.)

Иқтисодий мувозанат назариясига илк фикрлар классик сиёсий иқтисод асосчиларидан бири А. Смитнинг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот» номли асарида берилган бўлиб, унда иқтисодий муносабатларнинг барчаси бозор механизми ёрдамида тартибга солиниши, талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат фақат бозор механизми ёки «кўринмас қўл» ёрдамида таъминланиши таъкидлаб ўтилган. Унинг машҳур «Алоҳида олинган ҳар бир одам фақат ўзини ўйлаган ҳолда, ўзининг шахсий манфаатлари йўлида қилган ҳаракатлари кўринмас қўл орқали унинг қизиқиши доирасига мутлақо кирмаган бошқа мақсадларга йўналтирилади ва бу ҳаракат онгли равишда жамият манфаатларига хизмат қилгандагига қараганда кўпроқ самара беради» - деган фикри ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган<sup>1</sup>. Аммо, у иқтисодий мувозанатликни таъминлаш жараёнларига давлат иштирокини мутлақо инкор этган.

Иқтисодий мувозанат назариясини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган намоёндалардан бири бу - Ж.С.Миллдир. У ўз асарида «Жамият ортиқча пулдан ўз кучи билан қутула олмайди, шу сабабли ягона йўл нархнинг ўсиши бўлиб, фақат шу йўл билан талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатликни таъминлаш мумкин»- деб кўрсатади. Унинг фикрича, нарх ўсишини талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносиблик таъминланмагунга қадар давом эттириш зарур<sup>2</sup>.

XX аср бошларида ёқ иқтисодий мувозанатлик назарияси иқтисодиёт фанида унинг бошқа ҳар қандай муаммолариға қараганда анча аниқ ва яққол баён қилинган. Бу тушунчанинг мазмунини ёритиб бериш учун бир қатор илмий уринишлар бўлганлигига қарамасдан, фақат швейцариялик Нобель мукофоти совриндори Л. Вальрас биринчилардан бўлиб яхлит олинган умумий бозор мувозанати моделини яратишга ҳамда мазкур тушунчанинг

<sup>1</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Москва., 1962. Стр. 332.

<sup>2</sup> Mill J.S. On the Definition of Political Economy; and on the Method of Investigation Proper to it. In: Essays on Some Unsettled Questions of Political Economy. L., p 133-137.

мазмунини анча тўлиқ илмий ёритиб беришга эришди. Лекин Л. Вальрас умумий бозор мувозанати моделига математик усулли тенгликлар орқали жуда оддий ёндашган. Унинг тадқиқот доирасида умумий бозор мувозанатининг ишлаб чиқариш ҳажми ва нархлар ўзгаришининг ҳамда бошқа бир қатор омилларнинг таъсири у кўрсатган матрицадаги биргина омилларнинг ўзгариши орқали бутун бир математик тенгликлар матрицасининг (умумий бозор мувозанатини характерловчи талаб ва таклифнинг) бузилишига олиб келиниши унинг тадқиқот доирасида атрофлича ҳисобга олинмаган<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, ўтган асрнинг бошларида ёқ умумий бозор мувозанатининг базавий модели илмий тарзда шакллантирилган бўлиб, асосан кўпчилик иқтисодчи-олимлар томонидан тан олинган эди.

XX асрнинг 20 - йиллари охирлари ва 30 - йиллар бошларида Фарбдаги бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида «Буюк депрессия» номи билан машҳур бўлган барқарор ва узоқ давом этган, макроиқтисодий бекарорликка дучор бўлди. Бундан юз йил олдин шакллантирилган классик назария таълимоти рўй берган кризис жараёнларнинг барча жиҳатлари бўйича тушунтириб беришга лаёқатсиз бўлиб қолди. Д.Ж. Кейнс классик иқтисодчилар назариясини танқид қилиб, иқтисодиёт назариясида ҳақиқий тўнтариш қилишга олиб келган назариясини яратди.

Бу барча иқтисодчиларнинг иқтисодий мувозанатлик тўғрисидаги ғоялари ўзлари яшаган муҳит шароитидан келиб чиқсан ҳолда, бир мунча чекланган характерга эгадир. Аввало, уларнинг иқтисодий ғоялари умумий бозор мувозанатини таҳлил қилиш билангина чекланади, холос.

Шу сабабли уларнинг ғоялари иқтисодиётнинг умумий мувозанатлиги ёки иқтисодий мувозанатлик тушунчасини тўлиқ ёритиб бериш даражасига етмаган, бу ўз навбатида иқтисодий мувозанатнинг умумий шарт-шароитлари ва намоён бўлиш шаклларини ҳам кўрсатиб беролмаган.

Бунинг сабаби оддий бўлиб, циклик ривожланиш натижасида вужудга келадиган ишлаб чиқариш соҳаларини қамраб олган ва «ортиқча ишлаб чиқариш кризислари» деб номланган.

Хозирги замон бозор иқтисодиёти доимий инфляция ва ишсизлик шароитида ривожланиб, макроиқтисодий бекарорлик

<sup>1</sup> Walras L. Elements of pure Economics. Translated by Jaffe W.Homewood, Richard D.Irwin, 1954. pp. 88-89.

характери кучайиб бориши натижасида иқтисодий мувозанатликни таъминлаш ҳам анча мураккаб кечиб, давлатнинг самарали макроиқтисодий сиёсат (молия ва пул кредит) олиб боришини тақозо этади.

Ҳозирги замон иқтисодий фанида иқтисодий мувозанатлик тушунчаси ўқув адабиётлари даражасида бўлсада, барча жиҳатлари (сабаблари, оқибатлари, натижалари) билан биргаликда анча кенг тадқиқ қилинади. Жумладан, иқтисодий мувозанатликнинг моҳияти, уни таъминлаш муаммолари К.Макконелл, С.Брюлар томонидан ёпик ва очик иқтисодиёт учун ялпи талаб ва ялпи таклифнинг мувозанатлиги орқали тушунтирилиб берилади. Улар кўплаб алоҳида олинган бозорлардаги мувозанатли нарх ва ишлаб чиқариш ҳажмини ўрганиш орқали хусусий мувозанатликнинг таҳлили билан шуғулланган бўлса, барча турли хил бозорлардаги умумий таклиф ҳажми ва улардаги нархларнинг ўртача даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кенг миқёсда ўрганиб чиқиш орқали умумий бозор мувозанатини кўрсатиб беришга ҳаракат қиласидар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаллифлар ва бошқа кўпчилик ғарб иқтисодчилари томонидан иқтисодий мувозанат тушунчаси бўйича зикр этилган барча иқтисодий ғоялар ҳам «умумий бозор мувозанати» яъни ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанати доираси билан чекланади. Бундан ташқари бу тушунчалар анча мавҳумлаштирилиб, мураккаб математик тенглаштиришлар ва графикили таҳлил усуллари орқали баён қилинади. Бу эса иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг иқтисодий мазмунини илғаб олишни анча қийинлаштиради.

Дунёдаги иқтисодий жиҳатдан тарақкий этган мамлакатлар иқтисодий тизими юзлаб йиллар давомида шаклланиб, ўзининг ривожланишида нисбатан барқарорликни сақлаб қолиши (цикли ривожланиш натижасида келиб чиқадиган иқтисодий бекарорликларни ҳисобга олмагандан) ўз-ўзидан «умумий иқтисодий мувозанатлик» тушунчасини назарий тадқиқ қилишни «кун тартиби»дан чиқариб қўяди.

Собиқ социалистик тизим амал қилиб турган даврда унинг таркибиға кирган мамлакатларда жамият эҳтиёжлари ва ишлаб чиқариш ҳажми бир марказдан туриб мувофиқлаштирилиб борилганилиги туфайли иқтисодий мувозанатлик муаммоси ўқув адабиётларида, илмий тадқиқот ишларида қайд қилинмаган ва ўрганилмаган.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасига ишлаб

чиқариш муносабатларининг тўлиқ мос келиши ҳамда «Планли ва пропорционал ривожланиш қонуни» нинг амал қилиши, гўёки ўз ўзича иқтисодий мувозанатликни ва такрор ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз кенгайиб боришини таъминлайди, деган ақиданинг мавжуд бўлиши ҳар қандай мувозанатликни илмий-назарий тадқиқ қилишни ҳам инкор этган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов шу муоммо бўйича фикр билдириб таъкидлаб ўтганидек, «Доно» Давлат План қўмитаси, ундан юқорироқда эса партия Марказқўми қатъий идораларни ишга солиб, маъмурий йўл билан, режа-директив қарорлар тизими орқали ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси билан ишлаб чиқариш муносабатларининг хусусияти ўртасида сунъий мувозанат тикланарди»<sup>1</sup>.

Иқтисодий мувозанатлик назариясидаги **иккинчи йўналиш** сабиқ социалистик лагер мамлакатлари иқтисодий тизимининг инқирозга учраши оқибатида вужудга келди. Бу мамлакатларда шиддатли тарзда рўй берган ижтимоий-иктисодий бекарорликлар, яъни иқтисодий ўсиш суръатлари ва бандлик даражасининг сурункали пасайиб бориши, инфляцион жараёнларнинг нохуш оқибатлари ҳамда такрор ишлаб чиқаришдаги доимий равища вужудга келиб турган бошқа номутаносибликлар, макроиктисодий мувозанатликка эришиш орқали иқтисодий ўсишни зарур қилиб қўйди. Бу назария иқтисодий фанлар олдига «иктисодий мувозанатлик» тушунчасининг иқтисодий мазмунини, уни таъминлашнинг шарт-шароитларини ва намоён бўлиш шаклларини илмий назарий тадқиқ қилиш вазифасини ҳам қўяди.

Шу сабабли сабиқ СССР ҳудудида вужудга келган Мустақил Хамдўстлик Давлатлари иқтисодчи олимлари томонидан мазкур муаммонинг назарий ва амалий томонларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бунда албатта россиялик иқтисодчилар томонидан билдирилган фикр ва қарашлар устуворликка эга. Бироқ, «иктисодий мувозанатлик тушунчаси» турли иқтисодчилар томонидан турлича талқин қилинади.

Айримлар, иқтисодий мувозанатликни чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш усуллари ва уларни жамият аъзолари ўртасидаги тақсимлашнинг ўзаро мос келиши сифатида

<sup>1</sup> Каримов. И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: "Ўзбекистон" 1998, 350-бет.

тавсифлайди<sup>1</sup>.

Иқтисодий мувозанат тушунчасига берилган бу таъриф қуидаги сабабларга кўра чеклангандир.

Биринчидан, унда жамият эҳтиёжлари билан миллий ишлаб чиқариш имкониятлари яъни мавжуд иқтисодий ресурслар даражаси ўртасидаги боғлиқлик тушунтириб берилмайди.

Иккинчидан, мувозанатлик ресурслардан фойдаланиш усуллари билан уларнинг тақсимланиши ўртасидаги боғлиқлик сифатида бир томонлама талқин қилинади.

Бошқалари иқтисодий мувозанатлик миллий иқтисодиётнинг шундай бир ҳолатики, бунда товарлар ва хизматларни яратишида фойдаланиладиган чекланган ишлаб чиқариш ресурслари ва уларни жамиятнинг турли аъзолари ўртасида тақсимланиш жараёни мос келиши лозим, яъни ресурслар ва улардан фойдаланиш натижалари, ишлаб чиқариш ва истеъмол, талаб ва таклиф, моддий буюмлашган ва молиявий оқимлар ўртасида ялпи мутаносиблик мавжуд бўлади<sup>2</sup> деган фикрни илгари суради.

Бунда иқтисодий мувозанатлик тушунчасининг мазмуни унинг таркибий қисмлари билан биргалиқда анча тўлиқ таърифланган бўлсада, ишлаб чиқаришнинг натижалари унинг пировард мақсади «жамият эҳтиёжлари» билан боғланмаган<sup>3</sup>. Кўпчилик ҳолларда макроиқтисодий мувозанатликка юзаки ёндашиб, умумий (абстракт) таъриф берилса айrim адабиётларда унга миллий маҳсулот ва миллий даромад алоҳида қисмлари ўртасидаги<sup>4</sup> маҳсулотлар ва даромадлар ўртасидаги маълум бир нисбат (макроиқтисодий нисбат) сифатида қаралади.

Кўпинча иқтисодий мувозанатлик бозор мувозанатини характерловчи ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги нисбат сифатида ҳам талқин қилинади.

Юқоридаги барча қарашларни умумлаштириб, иқтисодий мувозанат тушунчасига қуидагича таъриф бериш мумкин.

**Иқтисодий мувозанатлик - бу макроиқтисодиёт даражасида жамият эҳтиёжларига мавжуд иқтисодий ресурслар миқдорининг**

<sup>1</sup> Қаранг: Экономическая теория: Учебное пособие // Под общ. ред. Н.И.Базылева Минск, БГЭУ, 2000г стр.126.

<sup>2</sup> Қаранг: Сажина М.А., Чибриков Г.Г.. Экономическая теория. Учебник для вузов – М: изд.гр НОРМА-ИНФРА. М; 1998, стр. 267.

<sup>3</sup> Қаранг: Экономическая теория: Учебник для студентов высших заведений // кол.авт. Абдурахманов К. и др. 1. – Т: "Шарқ", 1999, стр. 338.

<sup>4</sup> Қаранг: Меньшиков. П. Новая экономика. Москва, изд. "Бек", 1999, стр. 1999.

**ва ижтимоий ишлаб чиқариш натижалари ҳажми ҳамда таркибининг ўзаро мос келишилигини характерлайди.**

Иқтисодий мувозанатлик миллий иқтисодиётнинг турли даражасидаги (микро ва макро) ҳар хил мувозанатликларни қамраб олади. Бу барча мувозанатликларни шартли равишда умумий ва хусусий мувозанатликларни ажратиб кўрсатиш мумкин (1-чизма). Умумий мувозанатлик макроиқтисодий мувозанатликни анча тўлиқ даражада ифодалайди.

**Умумий мувозанатлик - бу жамиятнинг барча эҳтиёжлари (аҳоли, давлат, корхона) ва миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг ўзаро мос келишилик даражасини билдиради.** Қиймат ифодасида бу мувозанатлик ялпи талаб ва ялпи таклифнинг нисбати орқали намоён бўлади. Миллий иқтисодиётда рўй берадиган барча ўзгаришлар пировард натижада ялпи талаб ва ялпи таклифдаги ўзгаришлар орқали ифодаланади.

Ялпи талаб товарлар бозорида тақдим қилинган пировард товарлар ва хизматларга бўлган барча алоҳида талаблар йиғиндисидан иборат. Иқтисодий мувозанатлик ялпи талаб ва ялпи таклифнинг тенглигини тақозо этса ҳам, амалиётда уларнинг нисбати ўртасидаги ўзгаришининг мумкин бўлган ҳар хил варианлари мавжуд бўлади. Жумладан:

- Ялпи талабнинг ортиши. Ишлаб чиқариш ҳажми, миллий даромад ва баҳоларнинг ўсиши билан бирга боради;
- Ялпи талабнинг тушиши. Ишлаб чиқариш ҳажми, миллий даромад ва баҳоларнинг пасайиши билан;
- Ялпи таклифнинг ортиши. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши билан бирга боради ва баҳоларнинг тушишини келтириб чиқаради;
- Ялпи таклифнинг камайиши ва шунга мос равишда ишлаб чиқаришнинг қисқариши, баҳоларнинг ўсишига олиб келади.


Бу барча шарт-шароитлар идеал ҳолда потенциал имконият даражада вужудга келади. Реал ҳаётда эса умумий мувозанатлик таркибий номутаносибликлар, ресурслардан самарасиз фойдаланиш, баҳоларнинг бекарорлиги, иқтисодий цикл фазаларининг ўзгариши, бозор коньюктураси, бозор субъектлари даромадлари ва талаб таркибидаги ўзгаришлар таъсирида таъминланиб борилади.

Бундай шароитда умумий мувозанатлик ҳолатини (ялпи талаб ва ялпи таклиф мос келиши), турғун иқтисодиётдаги шартли умумий мувозанатлик сифатида қараб чиқишини тақозо этади. Бу барча айтилганлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, умумий мувозанатлик

бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг, мамлакат миллий иқтисодиётининг мутаносиблигидир.

## Макроиқтисодий мувозанатлик ва унинг турлари

1-чизма



Бу барча тармоқлар, соҳалар ва иқтисодиёт бирламчи бўғинларининг бир меъёрда ривожланишини таъминлаган, иқтисодий

фаолиятнинг барча қатнашчилари, барча бозорлар ва иқтисодий жараён муносабатларининг айрим томонлари ўртасидаги барқарорлик характеридаги бир қатор мувозанатликлар тизимини ўз ичига олади.

Бу мувозанатликларнинг шакллари турли-туман бўлганлиги сабабли улар алоҳида ҳолда хусусий мувозанатликлар сифатида чиқади.

**Хусусий мувозанатлик – бу иккита ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий микдорлар ёки иқтисодиёт томонларининг микдоран тенг келишидир.** Хусусий мувозанатлик ишлаб чиқариш ва истеъмол, ахолининг сотиб олиш лаёқати ва товарлар таклифи бюджет даромадлари ва харажатлари, алоҳида товарларга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатликлар кўрилгандагина юзага чиқади. Бу мувозанатликлар ичида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: «....ички бозорда талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносибликка эришиш, яъни чиқарилган пул микдори билан унга сотиб олинадиган моллар салмоғи ўртасидаги нисбатни таъминлаш ғоят катта роль ўйнайди»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, иқтисодий мувозанатлик ўзининг барча шакллари билан биргаликда инқирозсиз ва ижтимоий иқтисодий ларзаларсиз ривожланишини характерлайдиган иқтисодий идеалдир. Реал иқтисодий ҳаётда макроиқтисодий мувозанатлик талаблари турли туман бекарорликлар таъсирида бузилиб туради, бироқ иқтисодий мувозанатлик назарий моделини билиш, реал жараёнларнинг уларнинг идеал андозасидан фарқ қилинишини келтириб чиқарадиган аниқ омилларни аниқлаш, иқтисодиётнинг оптималь ҳолатида фаол ҳал қилинишини таъминлаш йўлларини топиш имконини беради.

Миллий иқтисодиёт мувозанатлигини таъминлаш бир қатор шарт-шароитларни ҳам тақазо қиласди. Улар қуйидагилар:

- Мавжуд иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда жамият эҳтиёжларини тўлароқ қондириб бориш;
- Мехнат ресурсларининг тўлиқ ва самарали бандлигига эришиш;
- нархларнинг барқарорлигига эришиш ва уни инфляция таъсиридан холи қилиш;
- иқтисодий ўсишни етарли микдордаги инвестициялар билан

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари». Т.: «Ўзбекистон», 1999, 348-бет.

таъминлаш ва уни муомаладаги пул массасига боғлаш;

- экспорт ва импортни ўзаро мувофиқлаштириш асосида ташки савдо балансининг ижобий қолдигига эришиш;

## **2. Иқтисодий мувозанатликни аниқлаш усуллари.**

### **Рецессион ва инфляцион фарқ**

Иқтисодий мувозанатлик эркин рақобат бозорида барча харидорлар тенглиги, иқтисодий вазият барқарорлиги каби қатор шарт-шароитларни ҳам тақазо қиласди.

Реал ҳаётда иқтисодиёт доимий ҳаракатда ва тўхтовсиз ривожланиш ҳолатида бўлади. Иқтисодий цикл фазаларида, бозор коньюктураси, бозор субъектлари даромадлари ва талаби таркибида ўзгаришлар рўй бериб туради.

Буларнинг ҳаммаси мувозанатли ҳолатни турғун иқтисодиётдаги шартли умумий мувозанатлик сифатида қараб чиқишни тақазо қиласди.

Иқтисодий мувозанатлик даражасини аниқлашда асосан иккита ўзаро боғлиқ усулдан фойдаланилади: 1. Ялпи сарфлар ва ишлаб чиқариш ҳажмини таққослаш усули. 2. Жамғарма ва инвестицияларни таққослаш усули.

Ялпи сарфлар ва ишлаб чиқариш ҳажмини таққослаш учун ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг миқдорий кўрсаткичи сифатида соф миллий маҳсулот (СММ), иқтисодиётда ялпи сарфлар сифатида истеъмол ҳажми ва инвестицияларга сарфларнинг умумий суммаси (С+Ип) олинади. Иқтисодиётнинг мувозанатли даражаси — бу ишлаб чиқаришнинг шундай ҳажми, у ишлаб чиқариш мазкур ҳажмини сотиб олиш учун етарли умумий сарфларни таъминлайди. Бошқача айтганда, соф миллий маҳсулот мувозанатли даражасида ишлаб чиқарилган товарларнинг умумий миқдори (СММ) харид қилинган товарлар умумий миқдорига (С+Ип) тенг бўлади.

Тўлиқ бандлик шароитида ялпи сарфлар СММ ҳажми билан мос келмаслиги мумкин. Бу мос келмаслик рецессион ёки инфляцион фарқда ифодаланади. Ялпи сарфларнинг СММ ҳажмидан кам бўлган миқдори рецессион, ялпи сарфларнинг СММ ҳажмидан ортиқча бўлган миқдори инфляцион фарқ дейилади.

Жамғарма ва инвестицияларни таққослаш усулининг моҳияти шундаки, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳар қандай ҳажми шунга мос даромад ҳажмини беради. Бироқ аҳоли бу даромаднинг бир

қисмини истеъмол қилмасдан жамғаришга қўйиш мумкин. Жамғариш, сарфлар - даромадлар оқимидан потенциал сарфларни олиб қўйиш ҳисобланади. Бунда жамғармага қўйилган маблағ инвестициялар билан тўлиқ қопланса, ялпи сарфлар ишлаб чиқариш ҳажмига тенг бўлади.

Инвестицион сарфларнинг кўпайиши, ишлаб чиқариш ҳажми ва даромад даражасининг ўсишига олиб келади. Бу ўзаро натижа мультиликатор самараси дейилади. Мультиликатор самараси- бу соф миллий маҳсулотдаги ўзгаришнинг сарфлардаги (инвестициялардаги) ўзгаришга нисбати.

### *Реал СММ даги ўзгариши*

*Мультиликатор самараси =*

*Инвестицион сарфлардаги ўзгариши*

СММ даги ўзгариш = мультиликатор x Инвестициялардаги ўзгариш.

Агар инвестицион сарфларнинг 5 млрд. сўмга кўпайиши, соф миллий маҳсулотнинг 20 млрд. сўмга ортишига олиб келса мультиликатор самараси 4 га (20:5), СММдаги ўзгариш 20 млрд. сўмга ( $4 \times 5$ ) тенг бўлади.

Инвестицион сарфлардаги ўзгаришдан ташқари истеъмол, давлат хариди ёки экспортдаги ўзгаришлар ҳам мультиликатор самарасига таъсир кўрсатади.

Мультиликатор самараси иккита ҳолатга асосланади. Биринчидан, иқтисодиётда бир субъект томонидан қилинган сарф, бошқаси томонидан даромад шаклида олинади. Иккинчидан, даромаддаги ҳар қандай ўзгариш истеъмол ва жамғаришда худди шундай йўналишда ўзгариш бўлишига олиб келади.

Иқтисодий мувозанатлик даражасини аниқлашда юқоридаги усуллардан ташқари баланс усулидан ва «харажат ва натижа» ларни таққослаш усулидан ҳам фойдаланилади.

Баланс усулида тармоқлараро баланс, моддий, молиявий ва ишчи кучи балансларидан фойдаланилиб иқтисодиётдаги мувозанатлик даражасига баҳо берилади.

«Харажат ва натижа»ларни таққослаш усулида ишлаб чиқаришга қилинган иқтисодий ресурс харажатлари микдори олинган маҳсулот ҳажми билан таққосланиб мувозанатлик даражаси таҳлил қилинади.

### **3. Иқтисодий мутаносиблик ва унинг турлари**

Миллий иқтисодиётдаги мувозанатлик унинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида мутаносиблик бўлишини тақозо қиласди.

Иқтисодий мутаносиблик – иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида миқдор ва сифат жиҳатдан маълум мослиқ бўлишидир. Бунда тенглик бўлиши шарт эмас. Улар мос келувчи (2:3, 5:3, 3:1) нисбатларида бўлиши мумкин.

Макроиқтисодий жараён ғоят мураккаб ва кўп қиррали бўлиши сабабли мутаносиблик турлари ҳам кўп ва хилма-хил. Уларнинг барчасини умумлаштириб мутаносибликнинг қуидаги гурухлари таркибиغا киритиш мумкин.

**Умуниқтисодий характердаги мутаносибликлар.** Бунга миллий даромаддаги таркибий қисмлар: истеъмол фонди ва жамғариш фонди ўртасидаги: иқтисодиётдаги товар ва хизматлар массаси билан пул массаси ўртасидаги: аҳолининг даромадлари билан харажатлар ўртасидаги мутаносибликларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

**2. Тармоқлараро мутаносибликлар.** Миллий иқтисодиётнинг мувозанатини таъминлашда тармоқлараро мутаносибликлар алоҳида ўрин тутади. Мамлакат ҳалқ хўжалиги жуда кўп тармоқ ва соҳалардан иборат бўлиб, уларнинг ривожланиши бир-бирини тақозо қиласди. Бир тармоқда яратилган маҳсулот бошқа тармоқда истеъмол қилинади ёки пировард маҳсулотга айлантирилиб ўз истеъмолчисини топади. Масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг кўпчилик қисми /пахта, ғалла, пилла, сут ва ҳ.к./ саноатнинг тегишли тармоқларида қайта ишланиб, пировард маҳсулотга айлантирилади ва истеъмолчилик товарлари бозорига чиқарилади. Ўз навбатида саноатнинг ишлаб чиқариш воситалари яратадиган соҳаларининг маҳсулотлари ҳалқ хўжалигининг бошқа тармоқлари /қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва ҳ.к./да унумли истеъмол қилинади. Бу уларнинг бир-бирига боғлиқликда ривожланишини тақозо қиласди. Тармоқлараро мутаносибликларга саноат билан қишлоқ хўжалиги ва ҳалқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ўртасидаги мутаносибликлар мисол бўлади.

**3. Тармоқ ичидаги мутаносибликлар.** Тармоқлараро мутаносиблик ва миллий ишлаб чиқариш даражасидаги мувозанатлик тармоқлар ичидаги мутаносиблик орқали таъминланади. Тармоқлар

и чиқарилган мутаносиблик алоҳида олинган тармоқ таркибидаги соҳа ва ишлаб чиқаришлар ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Масалан, саноатнинг ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган соҳалари, қишлоқ хўжалигининг дехқончилик ва чорвачилик соҳалари ўртасидаги мутаносибликлар ва ҳ. к. Шу билан бирга таъкидлаб ўтилган соҳаларнинг ичидаги таркибий бўлинмалар ўртасида ҳам боғлиқлик бўлиши зарур. Масалан, саноатнинг қазиб олиш ва қайта ишлаш тармоқлари, чорвачиликнинг сут ва гўшт ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида ва бошқалар

**4. Ҳудудий (территориал) мутаносибликлар.** Иқтисодий ривожланиш мамлакат айrim ҳудудлари ўртасидаги боғлиқликни ҳам тақозо қиласди. Юзаки қараганда ҳудудлар ўртасидаги мутаносибликларнинг мамлакат иқтисодий ривожидаги роли тўлиқ намоён бўлмайди. Лекин алоҳида ҳудудий бўлинмалар (вилоят, туман, шаҳар ва бошқа ҳудудий бирликлар) нинг бир-бирига иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан боғлиқлиги, ихтисослашиш, ишлаб чиқариш кооперацияси ва коммуникация нуқтаи-назаридан қаралса, бу боғлиқликнинг аҳамияти яққол кўринади.

**5. Давлатлараро мутаносибликлар.** Бу мутаносибликтин икки ҳолат тақозо қиласди. Биринчидан, дунёнинг қўпчилик мамлақатлари халқаро меҳнат тақсимоти орқали бир-бири билан боғланган, иккинчидан, шу боғлиқлик орқали миллий ишлаб чиқаришнинг бир қисми чет элликлар томонидан харид қилинади ёки миллий ишлаб чиқарувчилар ўз истеъмолининг бир қисмини четдан келтирилган маҳсулотлар ҳисобига қондиради. Бу боғлиқлик қанчалик катта бўлса, соғ экспорт ҳажми орқали макроиктисодий мувозанатликка шунчалик кучли таъсир кўрсатади.

Қараб чиқилган мутаносибликларга эришиш орқали миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ривожини таъминлаб боришдан қуидагилар кўзда тутилади:

■ Мамлакатда мавжуд бўлган иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда жамиятнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондирив бориш.

■ Тўла бандлиликка эришиш, яъни меҳнат қилишга лаёқатли бўлган ва ишлашни хоҳлаганларни тўлиқ ва самарали иш билан таъминлаш.

■ Нарх-навонинг нисбий барқарорлигига эришиш ва уни инфляция таъсиридан холи қилиш.

■ Иқтисодиётнинг бир маромда ўсиб боришини етарли даражада

инвестиция билан таъминлаш ва муомаладаги пул массасига боғлаб бориш.

■ Экспорт ва импортни мувофиқлаштириш асосида ташқи савдо балансининг фаоллигига эришиш.

Бу мақсадлар фақатгина уларга интилиш бўлиб, бунга эришиш муқаррар эканлигини билдирамайди. Чунки мутлоқ мувозанатга эришиш мумкин эмас, у бузилиб ва қайтадан тикланиб туриши орқали иқтисодий ўсиш нотекис боради.

#### **4. Ўзбекистонда иқтисодиёт таркибий тузилишини ўзгартириш вазифалари**

Иқтисодиётни бутунлай янги тартиблар асосида ислоҳ қилиш унинг ривожида номутаносибликлар бўлиши ва танглик ҳолатларнинг келиб чиқишини муқаррар қилиб қўяди. Шу сабабли иқтисодиётни барқарорлаштириш, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида уни жонлантириш ва бир текис ривожлантириш йўлидаги қонуний босқичдир. У иқтисодий ривожланишда бутунлай инқирозга учрашга чап бериш учун ишлаб чиқариш ва чиқарилаётган маҳсулот таркибини ўзгартиришга, яъни танглик ҳолатларга барҳам беришга йўналтирилади. Республикада иқтисодий ислоҳатларни амалга оширишнинг дастлабки даврида барқарорлаштириш сиёсатидан кўзда тутилган мақсад энг аввало, макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришни кескин даражада пасайишининг олдини олиш ва оммавий ишсизликнинг келиб чиқишига йўл қўймаслиқдан иборат бўлди. Шу билан бирга бу сиёsat пул эмиссиясини бошқариш, унинг қадрсизланишининг олдини олиш, мамлакат тўлов балансини бир меъёрда сақлаш каби мақсадларни ҳам ўз ичига олади.

Республикада барқарорлаштириш сиёсатини ишлаб чиқишида жаҳон тажрибасида синалган ёндашувлар ҳисобга олиниб ишлаб чиқариш соҳаларига устунлик берилди. Моддий ишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланишида уларни таркибан қайта қуриш талаблари ҳам кўзда тутилди. Бунда асосий эътибор катта истиқболга эга бўлган, бутун халқ хўжалигининг ривожланиш тамойилларини белгилаб берадиган етакчи тармоқ ва соҳаларга қаратилди.

Иқтисодиётда зарур таркибий ўзгаришларни амалга оширгунча ишлаб чиқаришнинг орқага кетишига барҳам бериш энг муҳим

мақсад бўлиб қолади. Шу сабабли республикада 90-йилларнинг ўрталаридаёқ макроиктисодий барқарорлик соҳасида ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишини секинлаштиришга мойиллик кўзга ташланади, айрим кўрсаткичлар бўйича эса ўсишга эришилди. Иктиносидиётнинг иккита етакчи тармоғи саноат ва қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва қўллаб - қувватлашга қаратилган тадбирлар натижасида саноатда 1995 йилдаёқ қишлоқ хўжалигига 1997 йилда ишлаб чиқаришнинг орқага кетиши тўхтатилди.

Макроиктисодий барқарорлик сиёсатида 1997 йил кескин бурилиш даври бўлди, ислоҳатлар амалга оширилган давр давомида биринчи марта ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши (105,2%) аҳоли сонининг ўсишидан (101,8%) юқори бўлди<sup>1</sup>. Бу ижобий тамойиллар кейинги йилларда янада мустаҳкамлаб борилди. Натижада 2008 йилда ЯИМ – 9,0 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми – 12,7 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари – 4,5 фоизга кўпайди. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш 17,7 фоизга чакана товар айланиши - 17,2 фоизга, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми эса 21,3 фоизга ортди. Давлат бюджети кўзда тутилган дефицит ўрнига ЯИМ га нисбатан 1,5 фоиз микдорида профицитга эришилди.

Кўрсаткичлар	Йиллар								
	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Саноат маҳсулоти	105,9	107,6	108,3	106,2	109,4	107,3	110,8	112,1	112,7
Истеъмол молларини ишлаб чиқариш	106,2	107,6	108,4	108,5	113,5	116,6	120,7	118,8	117,7
Қишлоқ хўжалиги	103,1	104,2	106,0	107,3	108,9	106,2	106,2	106,1	104,5
Хизмат кўрсатиш	115,7	114,7	108,6	109,5	113,8	116,3	120,1	126,6	121,3
Қурилиш ишлари	103,0	103,4	103,4	103,7	104,3	110,7	115,0	115,7	108,3
Транспортда юк ва йўловчи ҳажми	112,8	102,2	106,3	107,4	106,3	111,0	107,5	111,5	110,2
Чакана савдо айланмаси	107,6	109,6	102,1	104,2	105,2	105,1	114,7	121,0	117,2

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Республика миллий иқтисодиётида эришилган бу ижобий натижалар таркибий қайта қуришлар асосида бутунлай янги халқ хўжалик мажмусининг бунёд этилганлиги, биринчи навбатда энг муҳим макроиктисодий ва такрор ишлаб чиқариш нисбатларини давлат томонидан самарали тартибга солишнинг натижаси ҳисобланади. Бунда асосий эътибор иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши, ҳудудларнинг таркибий тузилишини такомиллаштиришга қаратилади.

Таркибий сиёсатнинг ҳудудий жиҳатларини таъминлаш одамлар турмуш даражасида вуждга келган ҳудудий номутаносибликтни бартараф этиш, ресурслар ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишга эришишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Республика иқтисодиётининг таркибий тузилишини қайта қуришда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини ўзгартириш, унинг сифатини яхшилаш ва маҳсулот тайёрлашга кетадиган жами харажатларни камайтириш талаблари ҳам ҳисобга олинади.

Иқтисодиёт тузилишидаги ўзгартиришлар, четдан маҳсулот олиб келишни қисқартириш, халқ хўжалигининг хом ашё этиштиришга қартилган бир томонлама йўналишини бартараф этиш ва унинг экспорт имкониятини кенгайтириш, тармоқлар ичидаги ва ҳудудий жиҳатдан вужудга келган номутаносибларни бартараф этиш асосида иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ривожланишини таъминлаш вазифаларини ҳал этиш билан боғлиқликда амалга оширилди.

“Мухтасар қилиб айтганда, аввало, ўз кучимизга ишониб, пухта ўйлаган тараққиёт моделини танлаб, келажагимизни қуришга киришганимиз, кейинги йилларда эса иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида чукур ўйланган ўйланган сиёсатни амалга ошираётганимиз юртимизни ҳар қандай иқтисодий хавф-хатардан ҳимоя қиласидан кучли тўсиқ, таъбир жоиз бўлса, мустахкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратади”<sup>1</sup>.

Шу вазифалардан келиб чиқиб, иқтисодиёт ички тузилишидаги ўзгаришлар - республиканинг энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминловчи тармоқларни ривожлантиришга

<sup>1</sup> Президент Ислом Каримовнинг тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлиланган тантанали мажлисидаги нутқи. “Халқ сўзи”. 2009 йил 2 сентябрь, К 173 (4836)

қаратилди. Бунда биринчи навбатда энг муҳим ўзак тармоқларни - нефть ва газ саноатини, энергетикани, рангли металлургия саноатини, машинасозлик мажмуасини, қишлоқ хўжалик ва агросаноат мажмуасининг бошқа соҳаларини ривожлантиришга устунлик берилади.

Халқ хўжалигининг такрор ишлаб чиқариш тузилишини тубдан ўзгартириш асосида умумиқтисодий барқарорликка эришишда истеъмол билан жамғариш фонди ўртасидаги энг мақбул мутаносибликни таъминлаш асосий ўрин тутади. Истеъмол фондининг энг мақбул даражасига эришиш - ички бозорда талаб билан таклиф ўртасида мутаносибликни таъминлашда муҳим роль ўйгайди. Шу сабабли давлат энг муҳим макроиқтисодий такрор ишлаб чиқариш нисбатларини тартибга солиб турувчи омилларга кўпроқ эътибор берди.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш дарида иқтисодиётни барқарорлаштириш муаммосини ҳал этишда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг муҳандислик коммуникациялари, транспорт ва алоқа тизими сингари тармоқларини устивор ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилади.

Номоддий ишлаб чиқариш соҳасида таркибий қайта қуришлар фаол инвестиция сиёсатини ўтказиш орқали амалга оширилди. Шу сабабли республика инвестиция базасини ривожлантиришга катта эътибор берилиб, бунда ўз сармояларимиз, ташқи кредитлар, бевосита инвестициялар ва уларнинг барча манбаларидан ўринли фойдаланиш кўзда тутилди. Ташқи инвестицияларни жалб қилишда бевосита инвестициялар тарзида, давлат қарзлари, халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар, қарз берувчи мамлакатлар молиявий-кредит ресурслари шаклларида амалга ошириш мумкинлиги ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, республикада иқтисодий ислоҳотлар давомида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодиёт таркибий тузилишини қайта қуриш вазифаларига ахолининг реал турмуш даражасини яхшилаш учун зарурӣ шарт-шароитларни вужудга келтириш сифатида қаралди.

Иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ва иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштиришга йўл тутилган ҳозирги шароитда ҳам «...иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни изчил давом

эттириш»<sup>1</sup> иқтисодиёт соҳасидаги энг муҳим вазифалардан бири хисобланади.

Бу ўз навбатида бой табиий заҳираларимиз, минерал хомашё, меҳнат ресурсларимиздан, интеллектуал ҳамда илмий-техникавий салоҳиятимиздан тўлиқ ва самарали фойдаланишини тақазо этади.

Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш маҳаллий хом-ашё ва табиий имкониятлар асосида ишлайдиган, илғор замонавий технологияларни жорий этган ҳолда, нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларга қаратилиши зарур.

Янги босқичда хизмат қўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, уларнинг иқтисодиётдаги ўрнини кучайтиришга алоҳида эътибор берилади. Чунки, бу соҳа янги иш жойларини яратишнинг муҳим омили бўлиш билан бирга, аҳоли турмуш даражасининг ўсиши ҳам унинг ривожланиш даражасига боғлиқ.

Шундай қилиб, Республикада таркибий ўзгаришларни амалга оширадиган кўзланган мақсадлар қуйидагилардан иборат:

- мавжуд иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда жамият эҳтиёжларини тўлароқ қондириб бориш;
- Меҳнат ресурсларининг тўлиқ ва самарали бандлигига эришиш;
- нархларнинг барқарорлигига эришиш ва уни инфляция таъсиридан холи қилиш;
- иқтисодий ўсишни етарли миқдордаги инвестициялар билан таъминлаш ва уни муомаладаги пул массасига боғлаш;
- экспорт ва импортни ўзаро мувофиқлаштириш асосида ташқи савдо балансининг ижобий қолдигига эришиш

Умумий ҳолда таркибий ўзгаришлар устиворлик бериладиган йўналишларига қараб қуйидаги турларга ажратилади;

- истеъмолга йўналтирилган. Бунда таркибий ўзгаришларнинг мақсади ахолининг турмуш даражасига бевосита дахлдор бўлган тармоқ ва соҳаларни устувор ривожлантиришга қаратилади.

- экспортга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар. Бунда қайта ишловчи саноат тармоқларини устувор ривожлантириш асосида

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мағсадимиз. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 15-бет.

ишлиб чиқариш ҳажмини экспорт ҳисобига кенгайтириш күзда тутилади.

- иқтисодиётнинг тармоқ ва технологик тузилишини такомиллаштиришга қаратилган таркибий ўзгаришлар

### **Асосий таянч тушунчалар**

**Иқтисодий мувозанатлик** - бу макроиқтисодиёт даражасида жамият эҳтиёжларига мавжуд иқтисодий ресурслар миқдорининг ва ижтимоий ишлиб чиқариш натижалари ҳажми ҳамда таркибининг ўзаро мос келишилигини характерлайди.

**Хусусий мувозанатлик** - бу иккита ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий миқдорлар ёки иқтисодиёт томонларининг миқдоран тенг келиши.

**Умумий мувозанатлик** - бу жамиятнинг барча эҳтиёжлари (аҳоли, давлат, корхона) ва миллий ишлиб чиқариш реал ҳажмининг ўзаро мос келишилик даражасини билдиради.

**Рецессион фарқ** - ялпи сарфларнинг соф миллий маҳсулот ҳажмидан кам бўлган миқдори.

**Инфляцион фарқ** - ялпи сарфларнинг соф миллий маҳсулот ҳажмидан ортиқча бўлган миқдори.

**Мультиликатор самараси** - бу соф миллий маҳсулотдаги ўзгаришнинг ялпи сарфлардаги ўзгаришга нисбати.

**Иқтисодий мутаносиблик** - иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида миқдор ва сифат ўлчамларнинг мос келишилик даражаси.

### **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Иқтисодий мувозанатлик, хусусий ва умумий мувозанатликларга тавсиф беринг. Уларга мисоллар келтиринг.

2. Мувозанатли СММ қуйидаги икки усул ёрдамида жадвалда қандай аниқланишини тушуниринг: а) ялпи сарфлар ва ишлиб чиқариш ҳажмининг таққослаш усули; б) жамғарма ва инвестицияларни таққослаш усули.

3. Мультиликатор самараси нима? ИЎМ ва мультиликатор миқдори ўртасидаги боғлиқлик қандай? Агар ЖЎМ 0; 0,4; 0,6 га тенг бўлса, мультиликатор қандай бўлади? Агар тадбиркор

инвестициялари даражасини 8 млн сўмга кўпайтира, ИЎМ эса 4/5 га тенг бўлса, СММ қандай ўзгаради?

4. Миллий иқтисодиётнинг мувозанатлик даражасига эришишда хусусий мутаносибликларнинг роли қандай? Мутаносибликтининг қандай турини биласиз? Уларга қисқача таъриф беринг.

5. Макроиқтисодий барқарорлик нима? Унга эришиш йўллари қандай? Республикада иқтисодиёт таркибий тузилишини

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон республикасининг конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2003.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

3. Каримов И.А. Бизнинг бош мағсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

4. Каримов и.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/И.А.Каримов, - Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йўналишларига бағишланган вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъruzаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

6. Каримов И.А., Энг асосий мезон – хаёт ҳақиқатни акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009, - 24 б.

7. Шодмонов Ш., Алимов Р.Ў., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002.

8. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси – Т.: Ўқитувчи, 2002.

9. Джумақулов Т.Т., Сафарова З.Т. Использование трудов И.Каримова в преподавании экономической теории и его вклад в её развитие: Учебное пособие. – Т.: Изд-во мет.лит-ры им. Абу Али ибн Сино, 2002.

10. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси иккинчи китоб: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2003.

11. Тарасевич Л.С., Гребенников П.И., Леусский А.И. Макроэкономика: Учебник М: Юрист-Издат, 2003.

12. По, А. Самуэльсон, Вильям Д. Норд Хаус. Экономика: Пер.

с англ. – М.: «Лаборатория Базовых знаний» 2000.

13. Экономическая теория: Учеб. Для студ. Высш. Учеб. Заведений. Под. Ред. В.Д.Камаева. -7-е изд, перераб и доп. – М.: «Гуманитарное издательство цент ВЛАДОС» 2002.

14. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Москва., 1962. Стр. 332

15. Mill J.S. On the Definition of Political Economy; and on the Method of Investigation Proper to it. In: Essays on Some Unsettled Questions of Political Economy. L., p 133-137

16. Walras L. Elements of pure Economics. Translated by Jaffe W.Homewood, Richard D.Irwin, 1954. pp. 88-89.

17. Ўлмасов А., Вохобов А. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.

18. Шодмонов Ш.Ш., Фофуров У. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: Т.: “Шарқ” 2006.

19. Слагода В.Т. Основы экономической теории: учебник. \_М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2009. – 272с.

20. Гукасян Г.М., Маховикова Г.А., Амасова В.В. Экономическая теория, 7-е изд. – СПБ.: Питер, 2010. 240с.

21. Борисов Е.Ф. Экономика: учеб. – М.: Проспект, 2009, 320с.

22. Воробьев Е.М. Экономическая теория. Курс лекций. М.: Эксмо, 2008, 272с.

23. Лачанов Ю.Н. Новая экономическая теория – новая классика: Революционный прорыв во всех представлениях ЛКИ, 2008, 104с.

24. Экономическая теория: учеб. Под. Ред. И.П.Николаевой. – 2-е изд., Перераб. И. доп. – М.: Проспект, 2009, 576с.

## **6-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ БЕҚАРОРЛИК ВА ЦИКЛ НАЗАРИЯЛАРИ**

### **РЕЖА:**

1. Макроиқтисодий беқарорлик ва иқтисодиётнинг цикллилиги
2. Иқтисодий цикл назариялари. Циклларнинг асосий турлари
3. Инқирозларнинг мазмуни ва турлари
4. Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг моҳияти, келиб чиқиши сабаблари ва салбий оқибатлари
5. Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар

### **1. Макроиқтисодий беқарорлик ва иқтисодиётнинг цикллилиги**

Ҳар қандай мамлакат иқтисодий ўсиш, иқтисодий ресурсларнинг тўла бандлиги ва нархларнинг барқарор даражасига эришишга ҳаракат қиласи. Аммо узоқ муддатли иқтисодий ўсиш бир текис ва узлуксиз бормайди, у иқтисодий беқарорлик даврлари таъсирида тебраниб туради. Иқтисодий ўсиш кетидан доимо таназзул келиб туради. Вақти-вақти билан объектив қонунларнинг ўзгартириб бўлмайдиган таъсири остида такрор ишлаб чиқариш ҳаракатида айrim вақтларда, айrim бўғинларда узилишлар пайдо бўлади ва бу узилиш иқтисодиёт номутаносибликларининг кескин шаклда намоён бўлиши ҳисобланади. Бу ҳолат иқтисодий адабиётларда **иқтисодиётнинг циклли ривожланиши** деб аталади.

Қўплаб иқтисодчилар ортиқча ишлаб чиқариш сабабларини очиб беришга ҳаракат қилиб, талабнинг кўпайиши ва камайиши, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ёки қисқариши каби ҳодисаларнинг даврий тавсифига эътибор қаратдилар. Бу ҳодисаларнинг рўй бериш кетма-кетлигидаги маълум изчилик ҳам аниқланди. Циклли ривожланишнинг объективлиги ва реаллиги, унинг иқтисодий жараёнлар тавсифига таъсири нуқтаи назаридан аҳамиятлилиги тўғрисида бир қатор таниқли иқтисодчилар, жумладан, А.Шпитгоф, М.Туган-Барановский, Т.Веблен, У.Митчелл, Ж.М.Кларк, Ж.Хикс, Ж.М.Кейнс, Й.Шумпетер ва бошқаларнинг илмий асарларида баён этилган.

Таъкидлаш лозимки, турли дарслик ва ўқув қўлланмаларда мазкур муаммони ёритишга ҳам турлича даражада ёндашилган. Жумладан, академиклар В.И.Видяпин, А.И.Добринин, Г.П.Журавлева ва Л.С.Тарасевич умумий таҳрири остида тайёрланган дарсликда бу муаммога алоҳида мавзу орқали кенг тўхталиб ўтилган<sup>1</sup>. Унда иқтисодий цикллар назарияси иқтисодий ўсиш назарияси билан бир қаторда иқтисодий динамика назариялари таркибига кириши, иқтисодий цикл табиатининг ўзи эса мунозарали ва кам ўрганилган муаммолардан бири эканлиги таъкидланган. Шунингдек, ижтимоий ҳаётда циклли ривожланишни тан оловчи ҳамда инкор этувчи икки йўналишдаги тадқиқотчилар мавжудлиги кўрсатилган. Циклнинг моҳиятини очиб беришда дастлаб унга жисмлар ўзаро таъсир жараёнининг натижаси сифатида қаралиб, фалсафий қоидалар нуқтаи назаридан изоҳлашга ҳаракат қилинган. Цикл фазаларини ажратиб кўрсатиша марксча саноат цикли назариясига кенг тўхтаб ўтилган. Шундан сўнг циклларнинг асосий турлари, бугунги кунга қадар мавжуд бўлган цикллар тўғрисидаги назариялар баён этилган.

Баъзи бир дарсликларда эса иқтисодиётнинг циклли ривожланиши муаммоларига нисбатан қисқа, умумий тарзда тўхтаб ўтилган<sup>2</sup>. Ушбу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда иқтисодий циклнинг моҳияти ва унинг фазалари баёнига тўхталиб ўтамиз.

**Иқтисодий цикл деганда, одатда иқтисодиёт ривожланишининг бир ҳолатидан бошланиб, бирин кетин бир неча фазаларни босиб ўтиб, ўзининг дастлабки ҳолатига қайтиб келгунга қадар ўтган давр тушунилади.** Иқтисодиётнинг ривожланишидаги ҳаракати бир цикл билан тўхтаб қолмайди, балки у тўхтовсиз тўлқинсимон ҳаракат сифатида давом этади. Циклли ҳаракат иқтисодий ўзгаришнинг муҳим омили, макроиқтисодий мувозанат унсурларидан бири бўлиб, миллий хўжалик турли таркибий қисмларининг амал қилишидаги нотекисликни, унинг ривожланишидаги инқилобий ва тадрижий босқичларнинг, иқтисодий тараққиёт жараёнидаги алмашувини акс эттиради.

<sup>1</sup> Қаралсин: Экономическая теория: Учебник. - Изд., испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005, 465-485-б.

<sup>2</sup> Қаралсин: Экономическая теория: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. - М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004, 537-541-б.; Борисов Е.Ф. Экономическая теория: Учебник. – 3-е изд., перераб. и доп. М.: Юрайт-Издат, 2005, 301-309-б.

Иқтисодий цикл махсус фазалар орқали амалга ошади. Ҳар бир фаза иқтисодий ривожланишдаги муайян паллани ифодалаб, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Одатда иқтисодий циклнинг **инқироз**, **турғунлик**, **жонланиш**, **юксалиш** фазалари ажратиб кўрсатилади (1-чизма). Ана шу фазаларнинг ҳар бири ривожланиши жарёнида навбатдаги фазага ўтиш учун шароит юзага келади.

Иқтисодий циклнинг дастлабки фазаси **инқироздан** бошланиб, у ишлаб чиқаришнинг пасайишида ифодаланади.

Инқироздан кейин **турғунлик фазаси** бошланиб, у нисбатан узоқроқ давом этади. Бу фазада ишлаб чиқариш даражасининг барқарорлиги таъминлансада, у инқироз бошланишидан олдинги даражага нисбатан анча паст бўлади. Нархларнинг пасайиши тўхтаб, ссуда фоизлари пасаяди, товар захиралари барқарорлашади. Бироқ ишсизликнинг юқори даражаси сақланиб қолади. Турғунлик фазаси давомида иқтисодий фаоллик жонланиши учун шароитлар вужудга келиши ниҳоясига етади


**Жонланиш фазасида** ишсизлик даражаси бир оз қисқариб, ишлаб чиқариш даражаси секин-аста ўсиб боради. Нархлар ҳам аста кўтарилиб, ссуда фоизи ўса бошлайди. Иқтисодиётнинг бандлик даражасининг ортиши ва фойда ҳажмининг тезлик билан ўсиши жонланиш фазасининг юксалиш босқичига ўсиб ўтишига имконият яратади. Янги цикл юксалишнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади.

**Юксалиш фазасида** ишчи кучига бўлган талабнинг кенгайиши ишсизликнинг бирмунча камайишига ҳамда иш ҳақининг ўсишига олиб келадики, бунинг оқибатида истеъмол товарларига тўловга қодир талаб кенгаяди. Пировард талабнинг ошиши, ўз навбатида, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи тармоқларга, бозорни кенгайтиришга жадал туртки беради. Рақобат ва фойда кетидан қувиш оқибатида номутаносибликларнинг тўпланиб боришидан иборат занжирили реакция тезлашади. Бу билан янги инқироз муқаррар бўлиб қолади.

Алоҳида иқтисодий цикллар бир-биридан давомийлиги ва интенсивлиги бўйича кескин фарқланади. Шунга қарамай, уларнинг ҳаммаси бир хил фазаларга эга бўлади.

## Иқтисодий цикл фазалари

1-чизма



## 2. Иқтисодий цикл назариялари. Циклларнинг асосий турлари

Иқтисодий циклларнинг келиб чиқиши сабаблари ва уларга таъсир кўрсатувчи омилларнинг чуқур ва изчил равишда тадқиқ этилиши турли кўринишдаги иқтисодий цикл назарияларининг вужудга келишига олиб келди.

Кўпчилик ҳозирги замон иқтисодчилари иқтисодий циклларнинг объектив тавсифини тан олиб, бу ҳодисани унга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил қилиш орқали ўрганишни тавсия қиласиди. **Иқтисодий циклларни ташқи омилларнинг мавжудлиги билан тушунтирувчи назарияни экстернал назария деб аталади.**

Ташқи омилларга иқтисодий тизимдан ташқарида ётувчи ва иқтисодий ҳодисаларнинг даврий такрорланишини келтириб чиқарадиган омиллар киритилади. Бу ташқи омиллар ичидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- урушлар, инқилобий ўзгаришлар ва бошқа сиёсий ларзалар;
- олтин, уран, нефть ва бошқа қимматли ресурслар йирик конларининг очилиши;
- янги худудларнинг очилиши ва бу билан боғлиқ равишда ахоли миграцияси, ер шари ахолиси сонининг ўзгариб туриши;
- ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартиринага қодир бўлган технология, тадқиқотлар ва инновациялардаги қудратли ўзгаришлар.

**Иқтисодий циклларни иқтисодий тизимнинг ўзига хос ички**

## **омиллари таъсирида вужудга келишини асословчи назария интернал назария деб аталади.**

Асосий капиталнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириб, хизмат муддати тугаши ва унинг янгиланиши кўпчилик иқтисодчилар томонидан иқтисодий циклни келтириб чиқарувчи муҳим омиллардан бири сифатида қаралади.

Агар бир ёки бир неча тармоқда машина-ускуналарга талабнинг кескин ортишини келтириб чиқарадиган иқтисодий ўсиш бошланса, табиийки, бу ҳол машина ва ускуналар тўлиқ эскирадиган ҳар 10-15 йилдан кейин такрорланади. Фан-техника тараққиёти натижасида бу муддат қисқариб боради ва инқирозлар тез такрорланади.

Шунингдек, қуйидаги бошқа ички омиллар ҳам ажратиб кўрсатилади:

- шахсий истеъмолнинг ўзгариши (қисқариши ёки кенгайиши);
- инвестициялар, яъни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни янгилаш ва янги иш жойларини вужудга келтиришга йўналтириладиган маблағлар ҳажми;
- ишлаб чиқариш, талаб ва таклифлар ҳажмига таъсир кўрсатишга қаратилган давлат иқтисодий сиёсатининг ўзгариши.

Иқтисодий циклларнинг келиб чиқишини фақат экстернал ёки интернал назария орқали тушунтириш тўғри бўлмайди. Иқтисодий цикл ва умуман иқтисодий тизимдаги миқдорий ва сифат ўзгаришлар ташқи ва ички омиллар биргаликдаги таъсири оқибатида келиб чиқиши мумкин.

Шунингдек, иқтисодиётнинг циклли ривожланиши сабабларини изоҳлашда бир қатор назариялар ҳам илгари сурилади. Қуйида улардан асосийларини кўриб чиқамиз.

**Соф монетар назария.** Бу назария тарафдорларининг фикрича бозор иқтисодиётида марказий ўринни пул ва кредит эгаллади. Иқтисодиётнинг циклли ўзгариши энг аввало пул массаси оқимини ўзгартиришга боғлиқ.

Иқтисодий фаолликнинг ўсиши, иқтисодиётнинг равнақ топиши, унинг турғунлик билан алмашиниб туришига ягона сабаб пул оқимининг ўзгаришидир. Товарларга талабнинг ортиши натижасида савдо, чакана нарх ўсиб, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига олиб келади.

Пул оқими (истеъмол харажатлари суммаси) пул миқдорининг ўзгариши натижасида ўзгаради. Пул миқдорининг камайиши иқтисодий фаолият фаоллигини пасайтиради.

Пул ва кредит тизими бекарор тавсифга эга эканлиги сабабли пул оқимини барқарорлаштириш мураккаб ҳисобланади. Ҳозирги пайтда кредит пуллари тўлов ва муомала воситаси сифатида асосий ролни ўйнайди. Айнан банк тизими кредит пулларни яратади, шунга кўра, пул оқимининг ўзгаришида банкларнинг ҳисоб ставкалари катта аҳамият касб этади. Бу назариянинг айрим намояндалари пулни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида қараб, мувозанатнинг бузилишига асосий сабаб деб кўрсатадилар.

Иккинчи гурӯҳи эса пул тизими мутаносибликни бузмайди, фақат мутаносибликни бузилишига олиб келувчи бошқа омиллар учун шароит яратади, деган фикрни илгари сурадилар. Мувофиқ равишда монетар ва номонетар йўналиш вужудга келди. Монетар назариянинг эътиборли томонлари сифатида қуидагиларни келтириш мумкин:

1) юксалиш фазаси даврида кредитни кенгайтириш туфайли келиб чиқсан ишлаб чиқариш тузилмаси номутаносибликларини таҳлил қилинади;

2) мазкур номутаносибликларнинг салбий оқибати сифатида келиб чиқувчи инқирозлар таҳлил қилинади.

Шундай қилиб, бу назария жамғаришнинг даврий равишда ошиб кетиши ва мутаносиблик бузилишининг асосий сабаби сифатида пулни кўрсатадилар. **Номонетар назария** тарафдорлари эса технологик ўзгаришлар, янгиликлар, ихтиrolарнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, пул жамғаришнинг кўпайиб кетишидаги ролини кўрсатишади. Монетар ва номонетар йўналиш ўртасидаги фарқ унча катта эмас, бири иккинчисини тўлдиради.

Ҳар иккала назария ҳам охир-оқибат иқтисодий фаолликнинг кучайишига истеъмол эмас, балки инвестиция сабаб бўлади, деган фикрни илгари суради.

Иқтисодий циклларни истеъмол товарларига талабнинг ўзгаришига боғлаб, акселерация принципига эътибор қаратилади. Бу принцип моҳиятига кўра техник сабаблар туфайли истеъмол товарларига бўлган талабнинг озгинагина ўзгариши ишлаб чиқариш учун зарур товарларга талабни кескин ўзгаришига олиб келади.

**Етарлича истеъмол қилмаслик назарияси.** Бу назарияда моҳияти кўпроқ жамғариб, самарали даражада истеъмол қилмасликни жамият цикли ривожланишининг сабаби қилиб кўрсатилади:

1) маблағни жамғариш, бошқача айтганда хазинага айлантириш турғунликка олиб келиши мумкин, чунки бу маблағ инвестициялаш учун фойдаланилмайди;

2) пулни жамғариш истеъмол товарларига талабнинг қисқаришига олиб келади, чунки у истеъмолга сарфланмайди.

3) натижада инвестицияга нисбатан пул шаклидаги жамғариш ҳажми ўсиб бориб, истеъмол товарларига талаб камайиб боради, таклиф эса ортади, нарх пасаяди, истеъмол товарлари бозоридаги қийинчиликлар инқирозга олиб келади.

**Жамғариш назарияси.** Бу назарияга кўра иқтисодий цикл ишлаб чиқариш воситалари ёки капиталлашган инвестицион товарлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Кундалик истеъмол товарлари ишлаб чиқариш билан узок муддат фойдаланиладиган товарлар ва ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш цикллари ўртасида катта фарқ бор.

Кундалик истеъмол моллари доимий равишда истеъмол қилинади. Уларнинг истеъмол миқдори ўзгарган тақдирда ҳам унча катта ўзгаришлар содир бўлмайди.

Узок муддат фойдаланиладиган товарларни домий равишда харид қилинмайди. Балки улар истеъмолчи даромади қўпайган пайтдагина сотиб олинади. Узок муддат фойдаланиладиган товарларга талаб барқарор эмас. Ишлаб чиқаришни давом эттириш учун капитал товарлар ишлаб чиқариш зарур.

Истеъмол ўсган сари капитал товарларга талаб ҳам ортади. Бунда ишлаб чиқариш таркибида номутаносибликлар юз беради, яъни истеъмол товарлари, узок муддат фойдаланиладиган ва капитал товарлар ўртасида нисбатлар бузилади.

Инқирознинг сабаби пул етишмаслиги, банк резервларининг камлиги эмас, балки ана шу нисбатларнинг бузилишидир. Лекин қўпчилик иқтисодчилар етарли даражада истеъмол қилмаслик инқирознинг сабаби эмас, балки унинг оқибатидир, деб таъкидлайдилар. Яъни истеъмолчилар даромадларини кўпроқ жамғаришга ажратганлари учун эмас, балки тўлов қобилиятини етарли эмаслиги, яъни харид қилиш учун пулнинг йўқлигидан келиб чиқади.

**Психологик назария.** Иқтисодиётнинг цикли ривожланишини тушунтиришда иқтисодий назариялар билан бир қаторда психологик назариялар ҳам кенг ўрин олиб бормоқда. Психологик назария тарафдорларига Ж.М.Кейнс, У.Митчелл, Ф.Хайек ва бошқаларни киртиш мумкин. Уларнинг фикрича, инсондаги оптимизм ва пессимизм фаолият активлигига объектив иқтисодий омиллар: фоиз меъёри, пул оқими, фойда ва бошқалар таъсир кўрсатиб, бунинг

натижасида ишлаб чиқаришнинг қисқариши ёки кенгайиши рўй беради.

Кредитнинг кенгайиши, талаб ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши одамларнинг кайфиятини кўтаради ва аксинча. Бундан ташқари кишилар борган сари ликвидлиги юқори бўлган пул жамғаришга мойиллиги ортиб бориши ва ўз навбатида иқтисодий ривожланишга таъсир этишини кўрсатишади.

Хозирги замон иқтисодий фанида иқтисодий циклнинг 1380 дан ортиқ турлари мавжудлиги таъкидланади<sup>1</sup>. Қуйидаги 1-жадвалда уларнинг кўпчилик иқтисодчилар томонидан тан олинган энг асосий турлари ифодаланган.

### Циклларнинг асосий турлари

*1-жадвал*

Цикл турлари	Циклнинг давомийлиги	Асосий хусусиятлари
Китчин цикли	2–4 йил	Захиралар миқдори → ЯММ, инфляция, бандликнинг тебраниши, тижорат цикллари
Жуглар цикли	7–12 йил	Инвестицион цикл → ЯММ, инфляция ва бандликнинг тебраниши
Кузнец цикли	16-25 йил	Даромад → иммиграция → уй-жой қурилиши → ялпи талаб → даромад
Кондратьев цикли	40-60 йил	Техника тараққиёти, таркибий ўзгаришлар
Форрестер цикли	200 йил	Энергия ва материаллар
Тоффлер цикли	1000-2000 йил	Цивилизацияларнинг ривожланиши

**Китчин цикли** захиралар цикли деб ҳам номланади. Бунда Жозеф Китчин (1926 й.) ўзининг эътиборини товар захираларининг ҳаракат чоғидаги молиявий ҳисоблар ва сотиш нархларини таҳлил қилиш асосида 2 йилдан 4 йилгача давр давомидаги қисқа тўлқинларни тадқиқ қилишга қаратади. Айниқса у циклнинг давомийлигини жаҳондаги олтин захираларининг тебранишлари билан боғлаб, уни 3 йилу 4 ойга teng, деб ҳисоблайди. Бироқ қисқа

<sup>1</sup> Қаранг: Экономическая теория: Учебник. - Изд., испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005, 469-б.

муддатли циклар сабабларининг бундай изоҳи бугунги кунда кўпчилик иқтисодчиларни қониқтирумайди.

**Жуғлар цикли** «бизнес-цикл», «саноат цикли», «ўртача цикл» ва «катта цикл» қаби номлар билан ҳам аталади. Олдинги даврларда иқтисодий фан 7-12 йиллик цикларни ажратиб қўрсатганлиги туфайли, айнан шу цикл Франция, Англия ва АҚШда фоиз ставкалари ва нархдаги тебранишларни асосий таҳлил қилиш асосида саноат циклининг табиатини ўрганишга катта ҳисса қўшган Клемент Жуғлар (1819-1905 й.) номи билан аталади.

Биринчи саноат цикли 1825 йили Англияда металлургия ва бошқа етакчи тармоқларда машинали ишлаб чиқариш ҳукмрон мавқени эгаллаган даврда кузатилади. 1836 йилдаги инқироз дастлаб Англияда бошланиб, кейин АҚШга ҳам тарқалади, 1847-1848 йилларда АҚШ ва қатор Европа давлатларида бошланган инқироз туб моҳиятига кўра биринчи жаҳон саноат инқирози бўлган.

Агар XIX асрда саноат цикли 10-12 йилни ташкил қилган бўлса, XX асрда унинг давомийлиги 7-9 йил ва ундан ҳам кам давргача қисқарган.

АҚШ ва Европанинг ривожланган давлатлари XX асрда 12 та саноат циклини бошдан кечирган бўлиб, улардан еттитаси иккинчи жаҳон урушидан кейин рўй берган.

**Кузнец цикли** кўп ҳолларда «қурилиш цикли» деб ҳам номланиб, 20 йилгача бўлган иқтисодий тебранишлар билан аниқланади. Саймон Кузнец ўзининг «Миллий даромад» (1946 й.) номли китобида миллий даромад, истеъмол сарфлари, ишлаб чиқариш мақсадидаги ускуналар ҳамда бино ва иншоотларга ялпи инвестициялар кўрсаткичларида 20 йиллик ўзаро боғлиқ тебранишлар мавжуд бўлишини кўрсатиб берган. 1955 йилда америкалик иқтисодчининг хизматларини тан олиш рамзи сифатида саноат циклини Кузнец цикли деб номлашга қарор қилинади.

**Кондратьев цикли** «узоқ тўлқинлар» цикли деб ҳам аталади. Циклификнинг бу назариясини ишлаб чиқишига рус олими Н.Д.Кондратьев катта ҳисса қўшган. Унинг тадқиқоти Англия, Франция ва АҚШнинг 100-150 йил давомидаги ривожланишини қамраб олган. Бунда у иқтисодий ўсишнинг кўп омилли таҳлилини ўтказиб, яъни товар нархлари капитал учун фоиз, номинал иш ҳақи, ташқи савдо айланмаси каби макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўртача даражасини умумлаштириш натижасида бир қатор катта цикларни ажратиб қўрсатади.

I-цикл: 1787-1814 йиллар – кўтарувчи тўлқин; 1814-1851 йиллар – пасайтирувчи тўлқин.

II-цикл: 1844-1851 йиллар – кўтарувчи тўлқин; 1870-1896 йиллар – пасайтирувчи тўлқин.

III-цикл: 1896-1920 йиллар – кўтарувчи тўлқин.

Кондратьев циклининг давомийлиги ўртacha 40-60 йилни ташкил қиласи ва унинг асосий хусусияти техника тараққиёти ҳамда таркибий ўзгаришларни ўзида акс эттириши ҳисобланади.

Кондратьев биринчи катта циклининг юксалиш фазасини Англиядаги саноат революцияси, иккинчисини – темир йўл транспортининг ривожланиши, учинчисини – электр энергияси, телефон ва радионинг кафш этилиши, тўртинчисини – автомобиль саноатининг ривожланиши билан боғлади. Ҳозирги замон тадқиқотчилари бешинчи циклни электроника, ген инженерлиги ва микропроцессорлар ривожланиши тақозо қилишини кўрсатади.

Иқтисодий цикл барча томонлари билан намоён бўлиб, амалда иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларига сезиларли таъсир қўрсатади. Иқтисодиёт таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлиги сабабли унинг ҳеч бир соҳаси инфляция тўлқини ёки турғунликнинг ноҳуш оқибатларидан четда қолмайди. Аммо шуни эътиборга олиш зарурки, иқтисодий цикл алоҳида шахслар турмуш даражаси ва корхоналар иқтисодий фаоллигига турли даражада таъсир қўрсатади.

Одатда иқтисодий инқизорлардан саноатнинг ишлаб чиқариш воситалари ва узоқ муддатли фойдаланиладиган истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган тармоқлари кўпроқ зарар кўрадилар.

Уй-жой ва саноат бинолари қурилиши, оғир машинасозлик ҳамда инвестицион товарлар, автомобиллар, майший хўжалик буюмлари ва шунга ўхшаш товарлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ саноат тармоқлари ва уларда банд бўлган ишчилар циклининг инқизор фазасида оғир оқибатга учрайди. Бироқ, бу тармоқлар циклининг юксалиш фазасида ўзининг ривожланиши учун юқори даражада рағбат олади.

Иқтисодиёт қийинчиликни бошдан кечира бошлаганда ишлаб чиқарувчилар кўпинча замонавий ускуналарни сотиб олишни ва янги заводлар қуришни тўхтатади ёки қандайдир муддатга кечиктириши мумкин. Бундай конъюнктура шароитида инвестицион товарлар захираларини кўпайтириш ҳеч қандай иқтисодий мазмунга эга эмас, аксинча корхоналар мавжуд ишлаб чиқариш кувватларидан анча тўлароқ фойдаланишлари мумкин бўлади.

Иқтисодий жиҳатдан қулай даврларда, яъни циклнинг жонланиш ва юксалиш фазаларида ишлаб чиқариш воситалари одатда улар тўлиқ эскиргунга қадар алмаштирилади. Аммо таназзул даври келганида, корхоналар ўзининг эскирган ускуналарини таъмирлаб, уларни ишга туширади. Шу сабабли бу даврда ишлаб чиқариш воситаларига инвестициялар кескин қисқаради. Ортиқча ишлаб чиқариш қувват-лари мавжуд бўлган айrim корхоналар, ҳатто истеъмол қилинган асосий капиталининг ўрнини қоплашга ҳам ҳаракат қилмайди.

Қисқа муддатли фойдаланиладиган истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари иқтисодий циклнинг оқибатларини нисбатан камроқ даражада сезади.

Аҳоли ёки кенг истеъмолчилар қатламига иқтисодий цикл турлича таъсир қўрсатади. Таназзул даври бошланганда, доимий даромад оловчи истеъмолчилар оила бюджетини қисқартиришга тўғри келади, майший техника ва автомашина каби узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилишни тўхтатади. Ҳар қандай шароитда ҳам оила аъзолари еб-ичиши ва кийиниши зарурлиги туфайли, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар, яъни қисқа муддатда фойдаланадиган истеъмол товарларини харид қилишни тўхтатиш мумкин эмас. Фақат, бундай товарларни харид қилиш миқдори қандайдир даражада камайиши мумкин.

Инвестицион товарлар ва узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи кўпчилик саноат тармоқлари юқори даражада монопол мавқега эгалиги билан фарқланади ва натижада бозорда нисбатан кўп бўлмаган йирик фирмалар маълум давр давомида нархнинг пасайишига қарши туриши, талабнинг камайиши сабабли маҳсулот чиқариш ҳажмини чеклаш учун етарлича монопол ҳукмронликка эга бўлиши мумкин. Шу сабабли талабнинг камайиши биринчи навбатда ишлаб чиқариш ва бандлик даражасига таъсир қўрсатади. Бунга тескари бўлган ҳолатни қисқа муддатли фойдаланиладиган истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларида кузатиш мумкин. Бу тармоқларнинг кўпчилиги ўзларининг рақобатга лаёқатсизлиги ва ишлаб чиқариш марказлашув даражасининг пастлиги билан тавсифланади. Шу сабабли улар циклнинг салбий оқибатларига қарши тура олмаслиги мумкин ва маҳсулотларига талабнинг пасайиши ишлаб чиқариш даражасига қараганда нархларда кўпроқ акс этади.

Демак, капиталнинг тўпланиши юқори даражада бўлган

тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин пасайиши ва нархларнинг нисбатан секин тушиши, тўпланиш даражаси паст бўлган тармоқларда нархларнинг сезиларли тушиши ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг нисбатан кам қисқариши қузатилади.

### **3. Инқирозларнинг мазмуни ва турлари**

Циклли ривожланишнинг дастлабки ва асосий фазаси инқироз ҳисобланади. Шунга кўра ушбу фазанинг мазмуни ва унинг турларини батафсил кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Инқироз бир циклни ниҳоясига етказиб, яна муқарар равища инқироз билан тугайдиган янгисининг бошланишига асос солади; инқироз вазиятида асосий капиталнинг ортиқча жамғарилиши унинг ҳамма функционал шаклларида намоён бўлади.

Инқироз фазасида ишлаб чиқариш ва бандлик қисқаради, аммо нархлар пасайиш тамойилига берилмайди. Бу фазанинг қуи нуқтасида ишлаб чиқариш ва бандлик ўзининг энг паст даражасига тушиб кетиши орқали тавсифланади. **Шунга кўра, иқтисодий инқироз деб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг кескин тушиб кетишига айтилади.**

Инқирознинг сабаби шундан иборатки, жамиятда ишлаб чиқарилган товарлар массаси тўловга қобил талабга мос келмай (ундан ошиб кетади ёки кам бўлади) қолади. Натижада ишлаб чиқаришнинг бир қисми тўхтаб қолади, товарлар ишлаб чиқариш камаяди, ишлаб чиқаришнинг ўсиш даври унинг тушкунлиги билан алмашинади. Иқтисодиётнинг ўсиши инфляция, яъни нарх даражасининг асоссиз равища кескин қўтарилиши сабабли орқага кетади. Шундай даврлар ҳам бўладики, бунда иқтисодий ўсиш бандлик ва ишлаб чиқаришнинг паст даражасига ўрин беради, айrim ҳолларда нарх даражасининг қўтарилиши билан бирга ишсизлик ҳам кескин ўсади. Қисқача айтганда, иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли тамойиллари ҳам ишсизлик, ҳам инфляция оқибатида узилиб қолади ва мураккаблашади. Инқирозларнинг асосий сабаби – такрор ишлаб чиқаришдаги бекарорлик ва номутаносибликлардир. Бу аввало ишлаб чиқариш ва унинг натижаларини ўзлаштириш ўртасидаги номутаносиблик бўлиб, у турли ишлаб чиқариш усуллари ва иқтисодий тизимнинг ҳар хил нусхаларида турли шаклларда намоён бўлади.

Ишлаб чиқариш билан истеъмол, талаб ва таклиф ўртасидаги вақти-вақти билан юзага келиб турадиган номутаносибликлар ҳам

иқтисодий инқирозларнинг юзага чиқиши имкониятини сақлади.

Ривожланган товар хўжалиги пайдо бўлгунга қадар ишлаб чиқаришнинг кескин қисқариши одатда табиий оғатлар (курғоқчилик, тошқинлар ва ҳ.к.) ёки урушлар ва улар келтирадиган вайронагарчиликлар билан боғлиқ бўлган. Йирик машинали ишлаб чиқаришга ўтилган даврдан кейинги вақти-вақти билан иқтисодиётни ларзага солиб турувчи иқтисодий инқирозлар ижтимоий такрор ишлаб чиқаришга циклик тавсифни касб этади. Инқирозлар турли-туман тарзда рўй берсада, уларни умумий, ўхшаш томонларини назарда тутиб, гурухларга ажратиш мумкин.

**1. Хўжалик тизимида мувозанатнинг бузилиши миқёсига кўра** инқирозларни умумий ҳамда айрим соҳаларда юз берадиган инқирозларга бўлиш мумкин. Умумий инқирозлар бутун миллий хўжаликни қамраб олса, иккинчиси қисман, яъни айрим соҳалар ёки тармоқлардаги танглик сифатида рўй беради.

Айрим соҳалардаги инқирозлар орасида молиявий инқироз муҳим ўрин тутиб, у ўз ичига пул-кредит соҳасидаги инқироз, валюта инқирози, биржа инқирози ва бошқаларни олади. Ҳозирги вақтда АҚШ ва Европанинг аксарият мамлакатларида рўй бераётган инқироз ҳам дастлаб молия соҳасида бошланиб, кейинчалик ишлаб чиқариш соҳасига ҳам туташиб кетди.

**Пул-кредит соҳасидаги инқироз.** Мамлакатда пул-кредит тизимининг танг аҳволга тушиши бўлиб, бунда тижорат ва банк кредити қисқаради. Акция ва облигацияларнинг курси, банк фоизи тушиб кетиши натижасида банклар синиб, ялпи ҳолда банкротликка учрайдилар.

**Валюта инқирози.** Бунда миллий валютанинг обрўси тушиб кетади. Банқда валюта захираси тугаб, миллий валюта курси тушиб кетади.

**Биржа инқирози.** Бу танглик биржада қимматли қоғозлар курсининг тезда тушиб кетиши, уларни эмиссия қилишнинг қисқариши, фонд биржалари фаолиятидаги чуқур тушкунликда ифодаланади.

**Экологик инқироз.** Атроф-муҳитни энг аввало инсон соғлиғини йўқотиш, умрини қисқартиришга олиб келадиган даражадаги вазиятнинг вужудга келишида ифодаланади. У саноатнинг шиддатли тарзда ўсишига йўл қўймайди.

**Тармоқлар инқирози.** Бу миллий хўжаликнинг бирон-бир тармоғини қамраб, ишлаб чиқаришнинг таркибий ўзгариши ёки

нормал хўжалик алоқаларининг бузилиши туфайли юз беради.

**Таркибий инқирозлар.** Иқтисодиётдаги инқирозлардан бир кўриниши ёки унинг бир тури таркибий инқирозлардир. Бу инқирозларни ишлаб чиқаришнинг айрим соҳалари билан тармоқлар ривожланиши ўртасидаги чуқур номутаносибликлар келтириб чиқаради.

Таркибий инқирозлар билан иқтисодий тебранишлар ва шу жумладан иқтисодий фаолликнинг мавсумий тебранишлари ҳам мавжуд бўлади. Масалан, байрамлар арафасидаги харид қилиш, истеъмол товарларининг фаоллик суръатида, асосан чакана савдода сезиларли ҳар йиллик тебранишларга олиб келади. Қишлоқ хўжалиги, автомобиль саноати, қурилиш ҳам қандайдир даражада мавсумий тебранишларга дучор бўлади.

Иқтисодий фаоллик иқтисодиётдаги узоқ муддатли тамойилларга, яъни узоқ муддатли давр, масалан, 25, 50 ёки 100 йил давомида иқтисодий фаолликнинг ортиши ёки пасайишига боғлиқ. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, айрим мамлакатларда (масалан АҚШ) узоқ муддатли тамойил сезиларли иқтисодий ўсиш билан тавсифланса, бошқалари учун иқтисодий ўсишнинг секинлашуви хос.

Иқтисодий фаолликнинг тебранишини тушунтирувчи кўплаб қарашлар мавжуд бўлишига қарамасдан, кўпчилик иқтисодчилар ишлаб чиқариш ва бандлик даражасини бевосита аниқловчи омил умумий ёки ялпи сарфлар даражаси ҳисобланади, деб тасдиқлайди.

**Аграр инқироз.** Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий инқирозлар аграр инқирозлар деб аталади. Аграр инқирозлар қуйидаги шаклларда намоён бўлади: 1) қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нисбий ортиқча ишлаб чиқарилиши, унинг сотилмай қолган жуда катта захираларининг тўпланиши; 2) нархларнинг пасайиши, даромадлар ва фойдаларнинг камайиши; 3) фермерларнинг оммавий равища хонавайрон бўлиши, улар қарзларининг ортиши; 4) қишлоқ аҳолиси ўртасида ишсизларнинг кўпайиши.

Қишлоқ хўжалигига такрор ишлаб чиқариш ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли, аграр инқирозлар ўзига хос тавсиф касб этади. Аграр инқирозлар саноат цикларига қараганда одатда анча узоқ вақт чўзилиб боради. Биринчи аграр инқироз XIX асрнинг 70-йилларида бошланиб, ҳар хил шаклларда 90-йиллар ўртасигача давом этган эди.

Биринчи жаҳон урушидан кейин, аҳолининг харид қобилияти жуда пасайиб кетган шароитда, 1920 йил баҳорида кескин аграр

инқироз бошланиб кетди ва иккинчи жаҳон урушининг бошланишга қадар давом этди. Учинчи аграр инқироз 1948 йилдан бошланиб, 80-йилларгача давом этди.

Аграр инқирозларнинг чўзилиб кетишининг асосий сабаблари қўйидагилар: а) ерга хусусий мулк монополияси шароитида, у қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ривожланишида саноатга нисбатан орқада қолишни тақозо этади; б) ер рентасининг мавжуд бўлиши ва унинг узлуксиз суръатда ўсиб бориши. Ер рентасининг, аввало абсолют рентанинг кўпайиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қимматлаштириб юборади, бунинг натижасида уни сотиш қийинлашади; в) кўплаб майда дехқон хўжаликларининг мавжуд бўлиши. Майда ишлаб чиқарувчилар хўжаликни асосан ўзи ва оиласи учун зарур тириклик воситаларини топиш мақсадида юритади. Инқироз шароитида ҳам улар ишлаб чиқаришни қисқартира олмайдилар. Тирикликларини ўтказиш ва ижара ҳақини тўлаш учун ишлаб чиқаришни илгариги миқиёсларда олиб бораверади. Бу ҳол қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ортиқча ишлаб чиқаришни яна ҳам кўпайтириб юборади.

Аграр инқирозлар циклли тавсифга эга бўлмайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ортиқча ишлаб чиқариш абсолют тавсифга эмас, балки нисбий тавсифга эга. Чунки инқироз рўй берган мамлакатларда миллион-миллион кишилар доимий суратда очликда яшайди.

**2. Иқтисодиётда мувозанатнинг бузилишини мунтазам ёки аксинча тарзда юз беришига кўра** даврий, оралиқ, номунтазам инқирозларга ажратиш мумкин.

**Даврий инқирозлар** маълум вақт мобайнида тақрорланиб туради.

**Оралиқ инқирозлар** тўлиқ цикл буйича юз бермайди. Циклнинг бирон-бир фазасида тўхтатилади. Улар нисбатан унча чуқур бўлмай, қисқа муддат давом этади.

**Номунтазам инқирозлар** бирон-бир алоҳида сабабларга кўра юз беради. Масалан, табиий оғат, сел, тўфон, қурғоқчилик туфайли иқтисодиёт танг аҳволга тушиб қолиши мумкин.

**3. Тақрор ишлаб чиқариш нисбатларининг бузилиши тавсифига кўра** инқирозлар иккига: ортиқча ишлаб чиқариш ва тақчил ишлаб чиқариш инқирозларига бўлинади. Товарларни **ортиқча ишлаб чиқариш инқирози** турли наф келтирадиган неъматларни кўп ишлаб чиқариш, лекин уларни тўла сота олмаслиқда

намоён бўлади.

**Тақчил ишлаб чиқариш инқирози** даврида мувозанат бузилиб, етишмовчилик натижасида танг аҳвол келиб чиқади. Шундай қилиб, иқтисодиётнинг танг аҳволга тушишига фақат ортиқча ишлаб чиқариш эмас, балки тақчил ишлаб чиқариш ҳам сабаб бўлади.

#### **4. Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари ва салбий оқибатлари**

2008 йилда ўзининг кўлами ва салбий таъсир оқибатлари жиҳатидан анча жиддий бўлган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошланди. Президентимиз «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида мазкур инқирознинг мазмун-моҳияти ҳамда келиб чиқиш сабабларини қуидагича баён этдилар: «Бу инқироз Америка Кўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди»<sup>1</sup>.

Бундан кўринадики, дастлаб АҚШ ипотека бозорларида намоён бўлган мазкур инқироз етарлича тўлов лаёқатига эга бўлмаган, қарзларни қайтариш қобилияти шубҳали бўлган қарздорларга ипотека кредитлари бериш амалиётининг жадаллашуви натижасида рўй берди.

Модомики, ипотека кредити ўзининг моҳияти бўйича кўчмас мулк гарови ҳисобига бериладиган кредитлар бўлсада, АҚШ бозорлари бундай ликвидли кўчмас мулкларга етарлича «тўйинди» ва уларнинг нархлари кескин туша бошлади. Бунинг устига инвестицион банкларнинг АҚШ ипотека бозорларидағи янги молиявий «маҳсулот» ҳисобланган активларни секьюритизациялаш

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

бўйича операцияларининг авж олиши ипотека бозорларидағи таназзуллик ҳолатлари эҳтимоллигини оширди.

АҚШ иқтисодиёти яратилган шарт-шароитлар туфайли арzon кредит ресурсларига тўйинди ва бу Федерал захира тизими (ФЗТ) амалга ошираётган пул-кредит сиёсатини ўзгартиришига олиб келди. Натижада 2004-2006 йилларда Федерал захира тизими фоиз ставкаларни 6,25% гача кўтарди. Кредитларнинг қимматлашуви аҳолини ипотекага нисбатан талабининг пасайишига ва кредитларни қайтариш бўйича қарздорлар тўловининг қисқаришига олиб келди. Бошқа томондан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва энергия ресурслари нархларининг ўсиши аҳолининг кредитни қайтариш бўйича молиявий имкониятларининг чекланишига олиб келди. 2000-2007 йиллар мобайнида жаҳон бозоридаги озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ўртacha икки баробарга ошди, бензин нархи эса 3,5 баробарга ошди. Нефть нархи рекорд даражада, яъни бир баррели 147 доллардан ортди.

Пировард натижада 2007 йил бошида АҚШда аҳолининг ипотека кредитларини қайтариши билан боғлиқ муаммо кучайди. Қарздорларнинг кўчмас мулк гарови билан олинган кредитларни қайтаришдан кўра тўловларни тўлашдан бош тортиш ҳолати кенгайди. Банкларнинг тўлов қобилиятига эга бўлмаган мижозларнинг кўчмас мулкларини қайта сотувга қўйиши натижасида ипотека бозоридаги таклиф кўпайиб, бозордаги нархларнинг кескин пасайишига олиб келди.

Аксарият молиячи-иқтисодчилар вужудга келган молиявий инқирознинг ҳақиқий сабабларидан бири сифатида ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни ҳаддан зиёд ортиқча эркинлаштириш сиёсатининг «меваси» эканлигини, яъни «ўз-ўзини бошқарувчи бозор» ғоясини илгари суриш орқали давлатнинг миллий иқтисодиётга ва хусусан молиявий бозорларга аралашувини чекланганлиги билан ҳам изоҳламоқдалар.

Шу ўринда, жаҳон молиявий инқирозининг юзага келишида асосий сабаб – молиявий ресурслар билан реал ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги мутаносибликтининг кескин бузилиши ҳисобланишини таъкидлаш лозим. Пул муомаласи қонунларидан маълумки, иқтисодиёт соғлом ва барқарор амал қилиши учун муомалага чиқарилаётган пул массаси билан товар ва хизматлар ишлаб чиқариш реал ҳажми ўртасида муайян нисбатга амал қилиниши лозим. Бироқ, миллий иқтисодиётларнинг

байналминаллашуви ва глобаллашув жараёнлари пул муомаласининг амал қилишига ҳам ўз таъсирини ўтказиб, дастлаб айрим мамлакатлар, масалан АҚШда, кейинчалик кўплаб мамлакатларда мазкур қонунга риоя қилишнинг заифлашувига, кейин эса уни умуман эътиборга олмасликка қадар олиб келди. Жумладан, ўтган асрнинг 70-йилларига қадар амал қилиб келган жаҳон валюта тизимлари пулларнинг олтин ёки товар мазмунини таъминлаш орқали иқтисодий муносабатларнинг барқарорлигига замин яратди. Бироқ, жаҳон амалиётида 1976 йилдан бошқариладиган, сузиб юрувчи валюта тизимиға ўтгач, пулнинг олтин мазмуни йўқолиб, асосан АҚШ доллари етакчи валютага айлангач, унинг муомалага чиқарилишини назорат қилиб бўлмай қолди. Кейинги йилларда глобаллашув жараёнининг жадаллашуви таъсирида халқаро иқтисодий алоқаларда қатъий валютага бўлган талабнинг янада кучайиши АҚШ томонидан ҳеч қандай товар билан таъминланмаган пулларнинг муомалага чиқарилиш жараёнини янада тезлатиб юборди. Маълумотларга кўра, муомаладаги пул массаси (нақд, кредит пуллар ва турли тўлов воситалари)нинг товар ва хизматлар ишлаб чиқариш реал ҳажмидан деярли 10 баравар, агар пулнинг айланиш тезлигини ҳам ҳисобга олинса, муомала учун зарур бўлган пул миқдоридан, яъни пулга бўлган талабдан бир неча ўн баравар қўпайиб кетганлигини англатади.

Шу билан бир қаторда, асосан етакчи ривожланган мамлакатларда кузатилган қуйидаги салбий ҳолатлар ҳам молиявий инқирознинг вужудга келишига асосий сабабларидан ҳисобланади:

- норационал пул-кредит сиёсатини, ҳамда қайта молиялаш ставкасини сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши натижасида қарзга яшашнинг одатга ва кундалик ҳолатга айланиши;
- молиявий институтларнинг мажбуриятлари билан устав маблағлари ўртасидаги мутаносибликтининг кескин бузилиши;
- қимматли қоғозлар бўйича рейтинг ташкилотлари томонидан сохта хulosалар берилиши;
- молиявий аудит ва профессионал этика тамойилларини бузилиши ва сохта аудит хulosалари тақдим этилиши;
- молиявий рағбатлантириш услуби сифат қўрсаткичларига эмас, балки миқдорий қўрсаткичларга асосланганлиги;
- юқори рискли ва мураккаб ҳосилавий қимматбаҳо қоғозларни вужудга келиши ва ҳоказо.

Президентимиз ўз асарларида дунёning ҳозирги вақтда бир

қатор етакчи таҳлил ва экспертлик марказлари глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қуидаги холосаларга келаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Яъни, «Биринчидан, молия-банк тизимидағи инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талофотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдигини топмоқда»<sup>1</sup>.

Кейинги йилларда ривожланган мамлакатларда сурункали бюджет тақчиллиги ва салбий ташқи савдо сальдосининг кузатилаётганлиги жаҳон молиявий инқирозининг вужудга келишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади (2-жадвал).

### **Дунёнинг айрим мамлакатлари ташқи савдо сальдосидаги ўзгаришлар (млрд.АҚШ долл.)**

2-жадвал

<b>Мамлакатлар</b>	<b>1996 йил</b>	<b>2007 йил</b>
<b>Ривожланган мамлакатлар, жами</b>	<b>46,2</b>	<b>-798,8</b>
АҚШ	-120,2	-854,7
Япония	65,4	81,0
Европа Иттифоқи	88,5	-228,0
Бошқалар	12,5	202,2
<b>Ривожланаётган мамлакатлар, жами</b>	<b>-87,5</b>	<b>509,7</b>
Хитой	7,2	562,0
Яқин Шарқ ва Африка	5,9	311,0
Бошқалар	-100,6	-363,3

Жадвалдан кўринадики, 1996 йилда ривожланган мамлакатлар ҳиссасига 46,2 млрд. доллар ҳажмдаги ижобий ташқи савдо сальдоси тўғри келган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 798,8 млрд. доллар ҳажмдаги салбий сальдони, яъни тақчилликни ташкил қилган. Аксинча, бу даврда ривожланаётган мамлакатларда бутунлай тескари

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 5-б.

манзара кузатилиб, уларнинг 87,5 млрд. долл. ҳажмдаги салбий ташқи савдо сальдоси 509,7 млрд. долл. ҳажмдаги ижобий ташқи савдо сальдосига айланган.


Жаҳон иқтисодиётида кузатилган бундай номутаносиблик ҳолатлари, яъни ривожланаётган мамлакатлар савдо балансида ижобий сальдо ўсаётган шароитда айрим ривожланган мамлакатлар ташқи савдо балансидаги йирик миқдордаги тақчилликнинг вужудга келиши дунё мамлакатлари валюта захираларининг ўзгаришига олиб келди. Хусусан, кейинги йилларда Хитой, Япония, Яқин Шарқ мамлакатлари валюта захиралари кескин ўсди. Маълумотларга кўра, сўнгги пайтларда халқаро валюта захираларининг 3,4 трлн. доллари, яъни жами захираларнинг қарийб 59% Осиёнинг 10 та йирик мамлакати ҳиссасига тўғри келмоқда.

Аксарият халқаро эксперталарнинг эътироф этишларича 2006 йилда АҚШ ипотека бозорларида бошланган инқирознинг авж олиши ва уни жаҳон молиявий инқирозининг келиб чиқишига фаол таъсирини АҚШнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотининг асосий истеъмол қилувчиси ҳисобланганлигини келтириб ўтишади. Маълумотларга қараганда, АҚШнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқищдаги ҳиссаси 20% ни ташкил қиласада, унинг истеъмолидаги ҳиссаси қарийб 40% ни ташкил қиласади.

Ривожланган мамлакатлар, айниқса, АҚШ давлат ташқи қарзи миқдорининг ўсиб борганлиги ва уни ЯИМга нисбатан салмоғи ўсганлиги инқирозни кучайишининг асосий омилларидан бири бўлди (1-диаграмма).

### **Жаҳондаги айрим давлатлар ташқи қарзининг ЯИМга нисбатан динамикаси, фоизда**

*1-диаграмма*




Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, кейинги 4 йил мобайнида хусусан, АҚШ ва айрим Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари (Кирғизистондан ташқари) ташқи қарзларининг ялпи ички маҳсулотларига нисбатан салмоғи ортиб борган. Хусусан, 2008 йилда АҚШ ташқи қарзларининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи қарийб 90% ни ташкил қилган. Бу кўрсаткич Россияда 37% ни, Қозоғистонда 102% ни, Украинада 64% ни ташкил этган. Кирғизистонда эса кейинги 3 йил мобайнида пасайиш тенденцияси кузатилиб, 2008 йилда 81% ни ташкил қилган.

Бу борада Ўзбекистон Республикасида тескари тенденция кузатилган. Яъни, амалга оширилган оқилона иқтисодий сиёsat натижасида ташқи қарзларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 2005 йилдаги 29% дан 2008 йилда 13,3% га қадар қисқарган.

Ҳозирда кўплаб мутахассис ва эксперталар томонидан жаҳон молиявий инқирозининг глобал тус олиши ва иқтисодий инқироз жараёнларининг кучайиши рецессия ва иқтисодий пасайишни, инвестициявий фаоллик кўлами чекланиб боришини, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши ҳамда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир қўрсатадиган жиддий ижтимоий талофотлар содир бўлиши мумкинлиги эътироф этилмоқда.

Хусусан, 2008 йилда жаҳон миқёсида бевосита хорижий инвестициялар оқими 20% гача пасайганлиги кузатилган. 2009 йилда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг пасайиши, бевосита хорижий инвестициялар кўламининг янада пасайишини кузатилиши ҳамда халқаро савдо ҳажми қарийб 15% га пасайиши эҳтимол қилинмоқда. Бу ҳолат эса ишсизлик даражасининг ортиши билан боғлиқ жиддий ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин (2-диаграмма).

**Ривожланган мамлакатларда 2007-2008 йилларда ишсизлик  
даражаси ва 2009 йил истиқбол кўрсаткичлари**  
**2-диаграмма**



Диаграммадаги маълумотлардан қўринадики, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида ишсизлик кейинги 3 йил мобайнида ўсиб бориши кузатилмоқда. 2009 йилда АҚШда ишсизлик даражаси 7,2%, Японияда 4,4%, Буюк Британияда 6,4%, Германияда 8,2% га ўсиши кутилмоқда. Бу ўз-ўзидан ижтимоий трансфертларнинг кўпайиши ҳисобига давлат харажатларининг ўсишига олиб келади. Шунга кўра, ҳукуматлар даражасида инқироздан чиқиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишида бандлик масалаларини, талабни рағбатлантириш орқали ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга қаратилган кескин чораларни қўриш масаласини қўндаланг қилиб қўймоқда.

Президентимиз ўз асарларида молиявий инқироз ҳолати ва унинг таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга доир фикрларини давом эттириб, навбатдаги хulosани таъкидлаб ўтдилар: «Иккинчидан, авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади»<sup>1</sup>.

АҚШ Федерал захира тизими томонидан олиб борилган норационал пул-кредит сиёсати ҳамда қайта молиялаштириш ставкасини сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши натижасида банклар томонидан кредит бериш кўлами кескин ўсди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 5-б.

Федерал захира тизимининг экспансион пул-кредит сиёсати тижорат банклариға тақдим этадиган кредитлари бўйича фоиз ставкаларини 1,25% гача пасайтирилишида намоён бўлган эди.

Федерал захира тизимининг ипотека бозорлариға эътиборсизлиги, ипотека кредитлари бериш талабларининг ҳаддан зиёд эркинлаштирилиши натижасида бозорда кўчмас мулкларга талаб ортди ва уй-жой бозорида нархларнинг қисқа муддат ичида кескин ўсиши кузатилди.

Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш тизимининг номувофиқлиги натижасида банклар томонидан кредитлаш тизими талаблари ўта енгиллашиб, бу ҳолат кредитлардан фойдаланишда тўловга лаёқатлик даражасининг хисобга олинмаслигига имкон яратди.

Шунингдек, мутахассислар томонидан амалдаги банк капиталини халқаро тартибга солиш (Базель II) тизими молиявий инқирозни вужудга келиши учун замин яратганлиги эътироф этилмоқда. Маълумки, 90- йилларнинг бошида қабул қилинган банк капиталини халқаро тартибга солишнинг Базель II тизими тижорат банклари учун талаб қилинадиган капитал ёки капиталнинг етарлилиги активларнинг инвестицион сифатлари ва уларнинг риск даражаси бўйича гуруҳлашни кўзда тутади. Натижада Базель II банк капиталларини рейтинг агентликлари хulosаларига асосланган ҳолда юқори рискли активларни секьюритизациялаб, қимматли қоғозларга айлантиришни рағбатлантирган.

Иқтисодчи олим Н.Жумаевнинг фикрига кўра, Moody's, Standard & Poors ва Fitch каби рейтинг агентликлари рискли ипотекага асосланган қимматли қоғозларга AAA рейтингини берганлиги билан инқирозга ўз ҳиссасини қўшганликда айбланмоқдалар<sup>1</sup>. Мазкур рейтинг агентликлари томонидан ипотека бозорларидағи қимматли қоғозлар бўйича берилган хulosаларига асосланиб фаолият юритаётган тижорат банклари ва барча ипотека кредитларининг 70% ни тақдим этувчи давлат ипотека агентликлари (Freddie Mac (the Federal Home Loan Mortgage Corporation) ва Fannie Mae (the Federal National Mortgage Association)) активлари сифат кўрсаткичларининг пасайиши кузатилди ва пировардида улар тўлиқ давлат назоратига ўтди. Юқоридаги ҳолатлар молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлигини, шунга кўра, ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш

<sup>1</sup> Жумаев Н.Х. Жаҳон молиявий инқирози: моҳияти, сабаблари ва унинг Ўзбекистонга таъсири (Электрон маъruzга матни).- ТДИУ. - Т, 2009.


орқали янги, соғлом молиявий тизимни шакллантириш зарурлигини тасдиқламоқда.

Президентимиз ўз асарларида глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида келиб чиқсан қуидаги учинчи хulosани таъкидлаб ўтдилар: «Учинчидан, молиявий-иктисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади. Яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларида қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада – мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлиқ даражасига боғлиқ»<sup>1</sup>.

XX асрнинг охирларида бошланган ва ҳозиргача давом этиб келаётган бозорларнинг глобаллашуви, капиталлар халқаро ҳаракатининг эркинлаштирилиши натижасида АҚШ бозорларида вужудга келган инқироз дунёнинг бошқа мамлакатларига ҳам кенг ёйилди. АҚШ банклари ва ипотека агентликларининг қимматли қоғозларига қўйилма қилинган хорижий инвесторлар молиявий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатди. Бу ўз навбатида дунё мамлакатлари иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини ўтказди. АҚШ молия бозорларидаги инқироз жаҳоннинг йирик фонд бозорларидаги конъюнктурага таъсир қилди ва бу ўз навбатида мазкур бозорлардаги фонд индексларида (S&P, Dow-Jones, Nasdaq, FTSE, CAC, DAX, Nikkei, Hang Seng, Shanhai composite, РТС, ММВБ ва б.) ўз аксини топди. Глобал молиявий бозорнинг асосий таркиби ва жаҳоннинг асосий молиявий марказлари ҳисобланган йирик фонд бозорларини ўз ичига олувчи мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатди. Хусусан, ривожланган мамлакатлар ЯИМнинг ўсиш суръатлари кейинги йилларда аҳамиятли даражада пасайиб кетди (3-диаграмма).

### **Ривожланган мамлакатларда 2007-2008 йилларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари ва 2009 йил истиқбол қўрсаткичлари 3-диаграмма**

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 5-б.



Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги иқтисодий ўсиш суръатларида кескин ўзгариш содир бўлган. Инқироздан жиддий азият чекаётган Буюк Британия ва Германияда 2009 йилда ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришида 2008 йилга нисбатан 0,1% ва 0,2% га пасайиш кутилмоқда.

Шу ўринда айтиш лозимки, ҳозирда ривожланиб бораётган молиявий инқироз инфляция, қатор банклар ва молиявий муассасаларнинг таназзулга юз тутиши таъсирида ишсизлик, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши ва бошқалар негизида иқтисодий инқироз шаклида кучайиб бормоқда. Бундан кўринадики, ҳозирги жаҳон молиявий инқирозининг ўзига хос хусусияти – бу унинг иқтисодиётнинг молиявий секторидан бошланиб, реал секторига ўтганлигидир.

Президентимиз ўз асарларида глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида келтириб чиқарилган тўртинчи хulosани қўйидагича баён этдилар: «Тўртинчидан, жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлик»<sup>1</sup>.

Шунингдек, 2008 йил ноябрь ойида Вашингтонда, жаҳон ялпи маҳсулотининг 85 фоизи ишлаб чиқарадиган 20 та йирик давлат иштирокида бўлиб ўтган саммит глобал молиявий инқирознинг кўлами тобора кенгайиб бораётганини тасдиқлагани, ушбу саммитда

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 6-б.

бўлиб ўтган муҳокамалар бугун жаҳон молиявий инқирозининг олдини олиш ҳақида эмас, балки ундан қандай қилиб чиқиш йўллари изланаётганлигидан дарак беришини таъкидлаб ўтдилар.

Жаҳон молиявий инқирози аксарият ривожланган мамлакатлар молия тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини келтириб чиқарди. Шунга кўра, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўзларининг банк тизимларини инқироздан қутқариш учун йирик тижорат банкларининг акцияларини сотиб олиб, уларни бюджет маблағлари ҳисобига ликвидли активлар билан таъминлай бошлади.

АҚШ хукумати иқтисодиётга йирик масштабдаги давлат аралашуви сиёсатини юрита бошлади. АҚШнинг собиқ молия вазирининг ташаббуси билан Конгресс «Полсон режаси» деб номланувчи режани қабул қилди. Мазкур режанинг умумий ҳажми 700 млрд. долларни ташкил қилади.

Европа Иттифоқи мамлакатлари инқироздан чиқиш бўйича тижорат банклари кредитлари учун давлат кафолатлари тизимидан фойдаланишга келишиб олишди. Бу ҳолатда кафолатлар банклараро кредитлар бўйича 5 йил муддатга тақдим этилади ва ҳукумат банкларининг имтиёзли акцияларини сотиб олиш орқали уларни қўллаб-қувватлаш имкониятларига эга бўлади.

Масалан, АҚШда Федерал захира тизими қимматли қоғозларни сотиб олиш орқали хусусий секторни тўғридан-тўғри молиялаштириш амалиётига ўтиш орқали ликвидлиликни таминашнинг янги усулига ўтди.

Буюк Британия ҳукумати банклар ва молиявий муассасалар акцияларига 37 млрд. фунт стерлинг маблағларини инвестиция қилишини эълон қилди. Германия ҳукумати эса, банк тизимини қўллаб-қувватлаш учун капитал ва кредитлар бўйича кафолатлар шаклида 500 млрд. евро ажратишни эълон қилди. Австралия ҳукумати эса барча омонатчилар пул жамғармаларини 3 йилга кафолатлашини эълон қилди ва ипотека қимматли қоғозларини сотиб олиш учун 2,6 млрд. доллар маблағ ажратди (3-жадвал)<sup>1</sup>. Европанинг йирик банклари миллийлаштирилди, яъни давлат томонидан сотиб олинди.

## **Жаҳон мамлакатларининг инқирозга қарши қурашга сарфланган молиявий харажатлари**

<sup>1</sup> Манба: Интернет маълумотлари.

**3-жадвал**

<b>Мамлакат</b>	<b>Молиявий харажатлар, млрд. доллар</b>	<b>Мамлакат ЯИМга нисб. % ҳисобида (2008 йил)</b>
Россия	222	13,9
Буюк Британия	1020	37
АҚШ	3539	25
Германия	893	23
Япония	576	12
Хитой	570	13
Дунё бўйича	9400	15

Инқироздан қутқариш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлардан кўриниб турибдики, ривожланган мамлакатлар тартибга солинмайдиган эркин бозор ҳақидаги идеологик догмани орқага ташлаб, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усулларидан кенг фойдалана бошладилар.

Тижорат банкларини «миллийлаштириш»ни назарда тутувчи давлат бюджетидан ажратилган мазкур инвестиция ресурслари маълум бир даврга ўзининг ижобий натижасини бериши мумкин.

Ҳозирги вақтда дунё мамлакатлари томонидан инқирозга қарши кураш бўйича йирик миқдорда молиявий ресурслар ажратилмоқда. Уларнинг ҳажми ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи инқирознинг таъсир кўлами ва ҳар қайси мамлакатларнинг инқирозга қарши кураш бўйича ишлаб чиқсан режалари ҳажмига асосланади.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, дунё бўйича жами сарфланган маблағларнинг ҳажми 9400 млрд. долларни ташкил қилган. АҚШ ҳукумати сарфлаган маблағларининг ҳажми 3539 млрд. долларни ташкил қилган бўлиб, бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 25% ни ташкил этади. Бу кўрсаткич Буюк Британияда 1020 млрд. долларни (мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 37%), Германияда 893 млрд. долларни (23%) ташкил қилган. Бундан кўринадики, ҳозирги шароитда инқироздан АҚШ, Буюк Британия, Германия нисбатан кўпроқ азият чекмоқда.

Инқирозни бартараф этиш бўйича мамлакатлар томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар бўйича ажратиладиган маблағлар маълум мақсадли сарфланиш йўналишларига эга (4-жадвал).

### **Инқирозни бартараф этишга ажратилган маблағларнинг йўналишлари**

4-жадвал

Мамлакат	Кредит маблағларига давлат кафолати		Молиявий институтлар устав капиталларига қўйилмалар		Юқори рискли, шубҳали активларнинг хариди		Бошқалар		Жами
	млрд. долл.	жамига нисб. %	млрд. долл.	жамига нисб. %	млрд. долл.	жамига нисб. %	млрд. долл.	жами- га нисб. %	
Россия	-	-	185	84	11	5	25	11	222
Буюк Британия	393	39	79	8	-	-	549	54	1020
АҚШ	1769	50	714	20	663	19	394	11	3539
Германия	539	60	177	20	-	-	176	20	893
Япония	303	53	-	-	-	-	237	47	576
Хитой	-	-	-	-	-	-	570	100	570
Жами	3004	44	1155	17	674	10	1951	29	6820

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, инқирозни бартараф этишга сарфланган жами маблағлар 2008 йилда 6820 млрд. долларни ташкил қилди. Кредит маблағларига давлат кафолати учун 3004 млрд. доллар сарфланган, яъни жами ажратилган маблағлардаги салмоғи 44% ни ташкил қилган, молиявий институтлар устав капиталига мақсадли қўйилмалар 1155 млрд. долларни ташкил қилган бўлиб, уларнинг салмоғи 17% ни ташкил қилган. Юқори рискли шубҳали активларни харид қилиш учун сарфланган маблағлар ҳажми 674 млрд. долларни ташкил қилиб, уларнинг жами ажратилган маблағлардаги салмоғи қарийиб 10% ни ташкил қилмоқда.

## 5. Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири борасида Президентимиз ўз асарларида қуидагича таъкидлайдилар: «...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай

тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иктисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Бунинг тасдигини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар қўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганлигида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимиға интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин. Шу боис глобал молиявий инқироз ва биринчи навбатда унинг оқибатлари иқтисодиётимизнинг ривожланиши ва самарадорлик ҳолатларига таъсир этаётганидан қўз юмиб бўлмайди»<sup>1</sup>.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, молиявий инқирознинг республикамиз иқтисодиётига таъсири бошқа ривожланган ва айrim қўшни давлатлардагига қараганда мазмунан фарқ қиласи. Агар бошқа мамлакатларда бу жараёнлар бевосита молия тизимининг издан чиқиши ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин қисқариб кетиши, кўплаб йирик корхоналарнинг ёпилиши орқали намоён бўлса, Ўзбекистонда инқирознинг иқтисодиётга таъсири жаҳон хомашё бозорларида экспорт маҳсулотларига талабнинг сусайиши туфайли нархларнинг кескин пасайиши ҳамда бунинг оқибатида экспорт даромадларининг сезиларли камайиши, асосий савдо ҳамкорлар харид қобилиятидининг пасайиши натижасида ташқи савдо айланмасининг қисқариши орқали намоён бўлади.

«Жаҳон бозорида талабнинг пасайиб бориши оқибатида Ўзбекистон экспорт қиласидан қимматбаҳо ва рангли металлар, пахта, уран, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг нархи тушиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар ва инвесторларнинг экспортдан оладиган тушумлари камайишига олиб келади. Уларнинг фойда кўришига ва ишлаб чиқариш рентабеллигига, охир-оқибатда эса макроиктисодий кўрсаткичларимизнинг ўсиш суръатлари ва иқтисодиётимизнинг бошқа томонларига салбий таъсир этади»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 11-б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 12-б.

Шу билан бирга, бугунги кунда кўплаб етакчи олим ва мутахассисларимиз томонидан иқтисодиётимизда молиявий инқирознинг салбий оқибатлари таъсирини пасайтирадиган омиллар мавжудлиги таъкидланмоқда. Баъзи мутахассисларнинг фикрича, «ҳозирги инқироз эҳтимол тутилаётган салбий таъсирлардан ташқари биз учун ижобий таъсирларга ҳам эга бўлиши, янги имкониятларни вужудга келтириши мумкин. АҚШ ва Европадаги инвесторлар акциялардан бош тортиб, ўз активларини бўшатмоқдалар. Моҳиятига кўра, қайтадан қандайдир ишга жалб этилиши зарур бўлган ресурсларни бўшатиш жараёни бормоқда. Демак, янги бозорларни, янги имкониятларни излаш бошланади. Инвесторлар капитал киритишнинг муқобил йўлларини қидирадилар. Farb бозорлари турғунликка юз тутган чоғда ривожланаётган мамлакатлар бозорлари ўсишнинг ижобий динамикасини кўрсатади. Шундай мулоҳазалардан келиб чиқсан ҳолда, кўплаб инвесторлар Ўзбекистон бозорига эътибор қаратишлари эҳтимолдан ҳоли эмас»<sup>1</sup>.

Шунингдек, жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирининг жиддий бўлмаганлигини қўйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

- маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танланганлиги;
- давлат бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини аниқ белгилаб олинганлиги;
- Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги;
- оқилона ташки қарз сиёсати олиб борилганлиги;
- аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги;
- давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлик барқарор ва ишончли экани, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучлилиги билан изоҳланади.

Ҳозир Ўзбекистоннинг умумий ташки қарзи ялпи ички

<sup>1</sup> Хайтбаев Д. Кризис может иметь свои плюсы // [http://www.review.uz/page/article/v\\_uzbekistane/2356](http://www.review.uz/page/article/v_uzbekistane/2356).

маҳсулотга нисбатан 13,3% ни ташкил этмоқда, экспорт ҳажмига нисбатан эса 31% дан ошмайди. Бу ўз навбатида мамлакатимизнинг ҳалқаро даражадаги тўлов қобилиятга эгалигини ифодалайди.

Республикамизда доимо қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатларга, имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этилди. Натижада миллий иқтисодиётимизнинг ҳалқаро кредитлар бозоридаги конъюнктурага кескин боғлиқлигини ва молиявий инқирознинг салбий оқибатларининг олди олинди.

2007-2008 йилларда ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ҳажми 2,5 мартадан кўпроқ ошди. Бу ҳолат миллий иқтисодиётимизнинг юқори инвестицион салоҳиятга эга бўлаётганлиги ва ҳукуматимиз томонидан яратилаётган қулай инвестицион муҳит билан бевосита боғлиқдир.

Натижада 2008 йилда 1,7 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, уларнинг 70% тўғридан-тўғри жалб қилинадиган инвестициялар улушига тўғри келади. Жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ривожланиши учун стратегик аҳамиятга эга бўлган реал секторларини модернизация қилишга йўналтирилган.

Инвестиция дастури доирасида 2009 йилда 1,8 миллиард АҚШ долларидан ортиқ хорижий инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланганлиги истиқболдаги барқарор иқтисодий ўсиш жараёнлари кузатилиши кутилаётганлигидан далолат беради. Мазкур хорижий инвестицияларнинг 75% тўғридан-тўғри инвестициялар улушига тўғри келади.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ташқи дунё билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларимиз ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларни амалга оширишимизда хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларига асосланган инвестицияларига эҳтиёж мавжуд. Қолаверса, жаҳон бозоридаги талабнинг пасайиб бориши маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналаримизни экспорт кўламига жиддий таъсир кўрсатади.

Шунга асосланган ҳолда, ҳукуматимиз томонидан инқирозга чоралар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур дастурда талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-табдирлар мажмуи ўз аксини топди.

## **Асосий таянч тушунчалар**

**Иқтисодий инқироз** – ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин тушиб кетиши.

**Иқтисодий цикл** – ишлаб чиқаришнинг бир иқтисодий инқироздан иккинчиси бошлангунга қадар тақороланиб турадиган тўлқинсимон ҳаракати.

**Турғунлик (депрессия)** – ишлаб чиқаришнинг бир жойда депсиниб туришини англатувчи ҳамда иқтисодий фаоллик жонланиши учун шарт-шароитларнинг вужудга келишига имкон яратилувчи иқтисодий цикл фазаси.

**Жонланиш** – иқтисодий циклнинг ишлаб чиқаришнинг барқарор кенгайиб боришига ўтишини тавсифловчи фазаси.

**Юксалиш** – иқтисодий циклнинг иқтисодиётда тўлиқ бандликка эришилиши, ишлаб чиқаришнинг инқироздан олдинги даражадан ҳам ортиб кетиши ва тўловга лаёқатли талабнинг кенгайиб боришини тавсифловчи фазаси.

**Таркибий инқирозлар** – иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва соҳалари ривожланиши ўртасидаги чуқур номутаносибликларни ифодаловчи иқтисодий ҳолат.

**Агарар инқирозлар** – қишлоқ хўжалигида рўй берадиган иқтисодий инқирозлар бўлиб, цикли тавсифга эга бўлмайди ва саноат цикларига қараганда анча узоқ давр давом этади.

## **Тақорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Макроиқтисодий барқарорлик нима? Унга эришиш йўллари қандай?
2. Иқтисодий инқирозлар моҳияти нимада ифодаланади?
3. Иқтисодий цикл бўйича қандай назариялар мавжуд? Экстернал ва интернал назарияларнинг фарқи нимада?
4. Иқтисодий циклнинг таърифини беринг ва унинг ҳар бир фазасининг ўзига хос белгиларини кўрсатинг.
5. Иқтисодий цикл асосий турларига тавсиф беринг ва муҳим белгиларини кўрсатинг.
6. Иқтисодий циклнинг оқибатларини баҳоланг.
7. Инқирозларни умумий жиҳатларига кўра қандай гурухларга ажратиш мумкин?

8. Таркибий инқирозларни тушунтиринг. Циклли тебранишлар вужудга келишининг сабабларини кўрсатинг.

9. Аграр инқирозларнинг хусусиятларини баён қилинг.

10. Ортиқча ва тақчил ишлаб чиқариш инқирозларининг келиб чиқиши сабабларини кўрсатинг ва ўзаро таққосланг. Ушбу инқирозларни бартараф этиш чора-тадбирларидаги фарқларни баён этинг.

11. 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози вужудга келишининг асосий сабабларини тушунтириб беринг.

12. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмuni ва кўламлари тўғрисида жаҳоннинг етакчи эксперт ва таҳлил марказлари томонидан қандай хуносалар чиқарилди?

13. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ривожланган мамлакатларга таъсири йўналишлари ва даражасини тавсифланг.

14. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири нималарда намоён бўлди? Унинг таъсири оқибатларини юмшатувчи омилларни изоҳлаб беринг.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси. Т.: Ўзбекистон, 2003.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон - буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

3. Каримов И.А. Бизнинг бош мағсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

4. Каримов и.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/И.А.Каримов, - Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йўналишларига бағишлиланган вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

6. Каримов И.А., Энг асосий мезон – хаёт ҳақиқатни акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009, - 24 б.

7. Шодмонов Ш., Алимов Р.Ў., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002.

8. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси – Т.: Үқитувчи, 2002.
9. Джумакулов Т.Т., Сафарова З.Т. Использование трудов И.Каримова в преподавании экономической теории и его вклад в её развитие: Учебное пособие. – Т.: Изд-во мет.лит-ры им. Абу Али ибн Сино, 2002.
10. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси иккинчи китоб: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2003.
11. Тарасевич Л.С., Гребенников П.И., Леусский А.И. Макроэкономика: Учебник М: Юрист-Издат, 2003.
12. По, А. Самуэльсон, Вильям Д. Норд Хаус. Экономика: Пер. с англ. – М.: «Лаборатория Базовых знаний» 2000.
13. Экономическая теория: Учеб. Для студ. Высш. Учеб. Заведений. Под. Ред. В.Д.Камаева. -7-е изд, перераб и доп. – М.: «Гуманитарное издательство цент ВЛАДОС» 2002.
14. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Москва., 1962. Стр. 332
15. Mill J.S. On the Definition of Political Economy; and on the Method of Investigation Proper to it. In: Essays on Some Unsettled Questions of Political Economy. L., p 133-137
16. Walras L. Elements of pure Economics. Translated by Jaffe W.Homewood, Richard D.Irwin, 1954. pp. 88-89.
17. Ўлмасов А., Вохобов А. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.
18. Шодмонов Ш.Ш., Фофуров У. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.
19. Слагода В.Т. Основы экономической теории: учебник. \_М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2009. – 272с.
20. Гукасян Г.М., Маховикова Г.А., Амасова В.В. Экономическая теория, 7-е изд. – СПБ.: Питер, 2010. 240с.
21. Борисов Е.Ф. Экономика: учеб. – М.: Проспект, 2009, 320с.
22. Воробьев Е.М. Экономическая теория. Курс лекций. М.: Эксмо, 2008, 272с.
23. Лачанов Ю.Н. Новая экономическая теория – новая классика: Революционный прорыв во всех представлениях ЛКИ, 2008, 104с.
24. Экономическая теория: учеб. Под. Ред. И.П.Николаевой. – 2-е изд., Перераб. И. доп. – М.: Проспект, 2009, 576с.

## **7-МАВЗУ: БАНДЛИК ВА ИШСИЗЛИК**

### **РЕЖА:**

1. Бандлик тушунчаси. Тўлиқ ва самарали бандлик муаммоси.
2. Бандлик тўғрисидаги асосий назариялар.
3. Ишсизлик ва унинг турлари.
4. Ишчи кучини қайта тақсимлашнинг бозор меҳанизми .Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг бандлик ва ишсизликка тъсири.
5. Ўзбекистонда бандликни таъминлашда меҳнат биржалари фаолияти. Ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш.

### **1 . Бандлик тушунчаси. Тўлиқ ва самарали иш бандлик муаммоси**

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мамлакатларнинг қонунларига мувофиқ иш билан бандлик деганда фуқороларнинг қонунда тақиқланмаган ва уларга даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланишларини тушунамиз. Республикаиздаги машхур иқтисодчи олимлар проф. А.Ўлмасов ва проф. А.Ваҳобовлар ўз дарслкларида бандликка қуидагича таъриф берадилар: “Бандлик меҳнат қобилиятига эга бўлган ва меҳнат қилишга иштиёқи бор кишиларнинг ишга жойлашиб фойдали меҳнат билан машғул бўлишларидир”. Иш билан банд ахолига ёлланиб ишловчилар ва ўзларини мустақил равишда иш билан таъминлаган шахслар (тадбиркорлар, фермерлар, кооператив аъзолари ва бошқалар) кирадилар.

Иш билан банд бўлиш учун меҳнатга лаёқатли, яъни меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлиш керак, бундай қобилятга эга бўлган кишилар меҳнат ресурсларини ташкил этадилар. Ўзбекистонда меҳнат ресурсларига қуидагилар киради:

#### **I. Меҳнатга лаёқатли ёшдагилар:**

- 16 ёшден-54 ёшгача бўлган аёллар;
- 16 ёшдан-60 ёшгача бўлган эркаклар.

#### **II. Меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдаги (меҳнат нафақасидаги) ишловчилар.**

#### **III. Балоғат ёшига етмаган ишловчи ўсмирлар (16 ёшгача бўлганлар).**

Юқорида кўрсатилган ахоли қатлами ялпи ишчи кучини ташкил

қилади. *Иичи кучи деганда инсоннинг жисмоний ва ақлий қобилиятлари йигиндисини тушунамиз. Мехнат эса инсоннинг мақсадга мувофиқ йўналтирилган онгли фаолиятидар.*

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётда банд бўлганлар сони 2008 йилда 11035,4 минг кишини ташкил қилди.

Бошқа ресурслар каби, меҳнат ресурслари ҳам такрор хосил қилиб турилиши керак, буни тор ва кенг маънода қараш мумкин.

Иичи кучини тор маънода такрор хосил қилиш инсоннинг жисмоний ва ақлий қобилиятларини узлуксиз кенгайтирилган тарзда тиклаб туриш, уларнинг меҳнат малакасини, умумий билими, касбий тайёргарлик даражасини янгилаб ва ўстириб бориш ҳамда ишчи авлодини тайёрлаш кабиларни ўз ичига оладиган жараёндир.

Кенг маънода ишчи кучини такрор хосил қилиш эса қуидагиларни англатади:

- аҳолининг табиий ҳаракати, табиий ўсишнинг умумий шартшароитлари яратиш;
- ходимларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш ва бўшатиш;
- меҳнат ресурсларини тармоқлар, соҳалар ва ҳудудлар ўртасида тақсимлаш ҳамда қайта тақсимлаш;
- аҳолининг ижтимоий, маънавий ва маданий эҳтиёжларини қондириб бориш;
- ишчи кучини тўлиқ ва самарали бандлигини таъминлаш.

### **Ўзбекистонда аҳолининг табиий ҳаракати (1000 киши ҳисобига)<sup>1</sup>**

Кўрсатгичлар	Йиллар						
	1991	1995	2000	2005	2006	2007	2008
Туғилиш	34.5	29.8	20.5	20.3	20.9	22.6	23.6
Ўлиш	6.2	6.4	5.5	5.4	5.3	5.1	5.0
Табиий ўсиш	28.3	23.4	16.0	14.9	15.6	17.5	18.6

Ишчи кучининг миқдор ўлчами – бу меҳнатга лаёқатли кишиларининг (иехнат ресурсларининг) умумий сонидир.

Ишчи кучининг сифат ўлчами эса унинг билими, малакаси, маҳорати, кўниумаси ва иш тажрибаси каби кўрсатгичларда мужассамлашади.

Ҳар бир миллий иқтисодиётнинг асосий мақсадларидан биттаси

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистика бўйича Давлат қўмитаси маълумотлари.

тўла иш билан бандликни таъминлаш ҳисобланади. Бу мақсадга сабиқ СССР ва бошқа сабиқ социалистик мамлакатлар эришишга ҳаракат қилганлар, лекин бу - бир томондан реал хаётда амалга ошириш мумкин бўлмайдиган жараён бўлса, иккинчи томондан иқтисодиёт учун самарасиз ва мақсадга номувофиқ бўлиб чиқди. Шу сабабли амалий ҳаётга “тўлиқ бандлик” ва “самарали ёки оқилона бандлик” тушунчалари киритилади.

Банд бўлиш товар ва ҳизматлар яратиш орқали даромад топиш воситасидир.

Иш билан тўла бандлик меҳнатга лаёқатли бўлган ва ишлашни ҳоҳлаган барча кишиларнинг иш билан таъминланганини англатади. Шунингдек, иш билан тўла бандлик бир томондан иқтисодиётда ишсизликнинг табиий даражаси мавжуд бўлишини инкор этмайди, бошқа томондан, бу меҳнатга лаёқатли барча кишиларнинг умумлашган ишлаб чиқаришга жалб этилиш зарурлигини билдирамайди.

Бандлик миқдоран қанча вақт иш билан машғул бўлишини билдиради. Сифат жиҳатидан эса бу ишлаган вақтда қандай миқдорда товар ва ҳизматлар яратилиши, улар қанчадан сотилиши, натижада неча пуллик даромад олинишини билдиради. Миқдорий жиҳатдан тўла бандлик белгиланган иш куни, хафтаси ёки иш ойи давомида хар доим иш билан машғул бўлишини билдиради. Агар шу куни 7 соат, иш хафтаси 5 кун бўлса, бир ойда 22 иш куни бўлса, жами 154 соат ( $7 \times 22 = 154$ ) ишлаганда ва шунга тегишли ҳақ олганда тўла бандлик мавжуд бўлади. Агар кунига 5 соат, хафтасига 4 кун, бир ойда 80 соат ишланса, тўла бўлмаган бандлик келиб чиқади.

Сифат жиҳатдан самарали ёки оқилона ва самарасиз ёки нооқилона бандлик мавжуд бўлади. Оқилона бандлик бу юксак меҳнат унумдорлиги ва шунга биноан юқори даромад келтирадиган ва ишловчининг меҳнатдан қониқишини таъминловчи бандлик бўлади. Оқилона бандлик юксак технологияга таянган иш жойида бўлади. Нооқилона бандлик меҳнат унумдорлиги паст, иш ҳақи кам ва ишловчи ўз меҳнатидан қониқмайдиган иш жойидаги бандликдир. Нооқилона бандлик бор ерда технология юқори бўлмайди, малакаси ва иш тажрибаси кам кишиларнинг меҳнати талаб қилинади. Оқилона бандликка мисол қилиб кампьютер програмистининг бандлигини олиш мумкин. У замонавий компьютерларда ишлайди, унинг меҳнати маҳсус истеъдод ва тайёргарлик талаб қиласи, унинг иш ҳақиси бошқаларнидан анча юқори бўлади. Нооқилона бандликка мисол

қилиб қишлоқ хўжалигидаги теримчи бандлигини олиш мумкин. Теримчи кўл меҳнати билан банд, ундан ақл-заковат ва маҳсус тайёргарлик талаб қилинмайди, бу иш ҳамманинг қўлидан келади, унинг оладиган иш ҳақи програмистницидан 6-8 марта кам бўлади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, иш билан самарали бандлик, ходимларнинг ўз меҳнати натижаларидан тўлиқ иқтисодий манфаатдорлигининг таъминланиши зарурлигини англатади. Бу ўз навбатида меҳнат ресурсларининг оқилона банд қилинишини ва улардан фойдаланишнинг интенсив турига таянишини тақазо қиласди.

Бандлик унинг меҳнат қилувчи учун ахамиятига қараб бирламчи ва иккиламчи бандликка бўлинади. Бирламчи бандлик бу асосий иш билан, яъни даромаднинг асосий қисмини берувчи иш билан банд бўлишидир. Иккиламчи бандлик қўшимча иш билан, яъни қўшимча даромад берувчи иш билан банд бўлишидир. Кўпчилик ишловчилар бирламчи бандликка мойил бўладилар. Бирламчи бандлик келтирган даромад ишловчини қониқтиргмаганда, у иккиламчи бандликка қўл уради. Иккиламчи бандлик ўриндошлиқ асосида ишлаш шаклида бўлади. Масалан, мухандис ойига 200 минг сўм иш ҳақи олади. Бу унинг оиласига етмайди. Шу сабабли у яна 50 минглик иш топиб, ишдан сўнг ёки дам олиш қунлари ўриндошлиқ меҳнати билан банд бўлади. Меҳнат бозордаги ҳолатни фақат иш ҳақи микдори эмас, балки бандлик даражаси ҳам ифода этади. Бу даража таклиф этилган меҳнатнинг қанчаси сотилганини билдиради.

Бандлик даражаси ишлашга қобиляти ва иштиёқи бўлганларнинг қанчаси амалда ишлаб туришларини билдиради.

Бандлик даражаси меҳнат ресурси - меҳнат қобиляти бор кишиларга нисбатан қисобланади. Бунда меҳнат қобиляти борларнинг ҳаммаси ишлашни хоҳлайди деб тахмин қилинади. Бандлик даражаси ( $Bd$ ) ишловчиларнинг ( $I$ ) меҳнат ресурсларидағи ( $Mr$ ) хиссаси бўлиб, фоизда ифодаланади. Бунда  $Bd=N/Mr \cdot 100\%$ , бўлади. Агар меҳнат ресурслари 120 бирлик, ишловчилар эса 108 бирлик бўлса  $Bd=108/120 \cdot 100\% = 90\%$  бўлади. Бандлик даражаси иш кучини қандай қисмини бозор талаб қилганлигини билдиради. Бу мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятига ва иқтисодиётнинг имконияти ҳамда аҳволига боғлиқ бўлади. Иқтисодиёти бақкуват мамлакатларда у юксалиб бораётган кезларда бандлик юқори бўлади, яъни таклиф этилган иш кучининг катта қисми талаб қилинади. Иқтисодий ривожланган мамлакатлар учун меҳнатга лаёқатли аҳолининг 94%ининг банд бўлиши бандликнинг табиий даражаси деб қабул

қилинган. Иқтисодий заиф мамлакатларнинг бандлик даражаси паст бўлади, чунки иш ўринлари кам бўлади, уларни кўпайтириш учун маблағ етишмайди.

## 2. Бандлик тўғрисидаги асосий назариялар

“Бандлик” ва “Ишсизлик” категориялари бир-бирига қарама-қарши тушунчалардир. Шу сабабли ишсизликнинг сабаби нимада эканлигини аниқлашга қаракат қилган назариячи - олимлар шу асосда бандликни қандай йўллар билан таъинлаши мумкин деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилганлар. Ишсизликнинг сабабини классиклар жуда содда қилиб изоҳлашади. Бу назарияга қўра ишсизлик меҳнатнинг нархи билан меҳнатга талабдан келиб чиқади. Иш ҳақининг пасайиши меҳнатга бўлган талабни рафбатлантиради, яъни бунда бандлик ортади. Иш ҳақини ўсиши эса меҳнатнинг таклифини кўпайтиради, лекин меҳнатга бўлган талабни маълум даражада чеклайди. Английлик машҳур иқтисодчи Артур Пигу ўзининг 1903-йилда ёзган “Ишсизлик назарияси” китобида “Пигу самараси” деб номланган ғоясида ишсизликни асослаб шу тариқа тарзда бандликни тартиби солинишини қўрсатиб берган. Турғунлик даврида бандлик, иш ҳақи ва нархлар пасайади. Лекин товарлар кўринишида ифодаланган реал иш ҳақи нисбатан секинроқ пасаяди. У хаттоки олдинги даражада сақланиб қолиши мумкин. Ҳозирги замондаги оиласвий ишлаб чиқарилаётган товарлар нархларининг ўсиши шароитида бундай изоҳлаш хақиқатга тўғри келмайдигандек туюлади.

Лекин бизга маълумки, иш ҳақи нотекс ўсади, баъзида номинал иш ҳақи товарлар нархига нисбатан юқорироқ даражада ҳам ўсиши мумкин. Агар реал даромадлар пасаймаса ёки озгина ўssa, бу турғунлик даври бўлишига қарамай истеъмол талабини сақланиб қолишини билдиради. Истеъмол товарларига талабнинг мавжудлиги эса ишлаб чиқариш воситаларига ҳам талабнинг борлигини билдиради. Турғунлик даврида нисбатан ссуда фоизи ҳам паст бўлади. Бу эса жонланиш даврига ўтиши асосида бандликни ўсишига олиб келади. Бошқача қилиб айтганда, Пигунинг фикрича, инвестиция билан таққослаганда реал иш ҳақининг нисбий ўсиши бошланғич нуқта ҳисобланади. Буни бутун таркибни тортган паравозга қиёс қилиш мумкин. Агар иш ҳақи “меҳнатга тўғри келадиган соф маҳсулот” чегарадан чиқиб капитал учун ажратилган

маблағнинг ҳам бир қисмини ўз ичига олса, бундай ишлаб чиқаришнинг қисқариши ўз навбатида ишчи кучига бўлган талабнинг ҳам қисқаришига олиб келади. Яъни бундан шундай хулоса келиб чиқади: ишсизликни камайтириш учун иш ҳақини пасайтириш керак.

А.Пигунинг фикрига мухолиф равишда инглиз иқтисодчиси Ж. М.Кейнс чиқади.

Кейнснинг фикрига кўра, тўла бандликка эришиш, яъни ишлашни хоҳлаганларни иш билан таъминланиши иш даражасига боғлиқ эмас, шунга кўра у ишсизликни пасайтириш учун иш ҳақини камайтириш кераклигини рад этади. Кейнс назарияси бўйича бандлик даражаси самарали талабнинг функциясидир. Бу фикрларни формула ёрдамида қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\Sigma L = f \sum D (W)$$

Бандлик ( $L$ ) иш ҳақи ( $W$ ) да ифодаланган ялпи талаб ( $\sum D$ ) га боғлиқ. Динамикани аниқлаш учун  $m=1/1-C$  ни эслаймиз, бу ерда У даромад бирлигига тўғри келадиган  $C$  истеъмол ҳиссасининг камайиши, иқтисодий ўсишнинг секинлашувига ва бандликнинг қисқаришига олиб келади.

Истеъмол товарларига ва инвестицион товарларга талабнинг ўсиши жамиятнинг самарали талабини кўпайтиради ва шу асосда бандликни бошқариб туради. Кейнс давлат томондан ижтимоий аҳамиятга молик ишларни (йўл қуриш, кўприклар ва бошқа инфраструктурани) ташкил этиш орқали фаол аҳолини иш билан банд қилиш масаласини илгари суради. Унинг фикрича тўла бандликка эришиш учун ҳаттоқи “пирамида қуриш” ҳам фойдали ҳисобланади.

Кейнс модели бўйича меҳнат бозорида иш кучи ортиқчалиги сақланиб турган ҳолда меҳнатга бўлган талаб ва таклифларнинг тенглашуви юз беради.

Бутун дунёда, жумладан Ўзбекистонда ҳам бандликни таъминлашда социал-демографик жараёнларнинг аҳамияти жуда катта ҳисобланади. Республикамизда меҳнат ресурслари нисбатан кўп, аҳолининг табий ўсиши юқори. Лекин, улар ҳудудлар, тармоқлар ва фаолият турлари турлари бўйича нотекис тақсимланган.

## 2008 йилда иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича аҳоли бандлигининг таркиби(фоизда)<sup>1</sup>

Тармоқлар	Улуши (%)
Қишлоқ хўжалиги	27.66
Таълим, маданият, саноат, фан	13.89
Саноат	13.47
Савдо ва умумий овқатланиш	10.3
Курилиш	8.56
Бошқалар	9.67

Яратилаётган иш жойлари сони меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўсиш суръатларидан кескин фарқ қиласди. Хўжалик алоаларининг узилиши, бир қатор ишлаб чиқариш тармоқларида ўсиш суръатларининг пасайиши, иқтисодиётнинг тузилмавий ўзгариши аҳоли бандлиги соҳасидаги муаммоларни янада кескинлаштириди.

Аҳолининг билим ва малака даражаси бозор муносабатларининг юқори талабларига тўлиқ жавоб бермай қолди. Айниқса, ёшларнинг ишга лаёқатли қисмида иш билан таъминланмаганлар сони ўсиб борди.

Бу муаммоларнинг радикал ечими – кўпроқ меҳнат талаб қиласидаган кичик ва ўрта ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш ҳисобидан янги иш жойлари сонини кескин кўпайтириш ҳисобланади. Бу йўл катта инвестицалари ва вақтни талаб қиласди. Вақт ва маблағларнинг кескин тақчиллиги шароитиди юқори кўрсатилган муаммоларнинг ечимини қуидаги йўналишларда қидириши керак деб ҳисоблаймиз:

- хусусий капитални, аҳолининг шахсий жамғармаларини **максимал** жалб қилиш, фуқороларнинг шахсий тадбиркорлик фаолиятини хар томонлама қўллаб-куватлаш, уларга қонун чегарасида кўпроқ эркинликлар бериш;

- чет эл капиталини жалб қилиш, унинг самарали фаолият кўрсатиши учун шароит яратиб (ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқалар) бериш;

- фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг янги иш жойларини яратишга қаратилган шахсий маблағлари жамғарилган қисмини кўпайтиришни хар томонлама қўллаб-куватлаш ;

- сермеҳнат соҳаларни кенгайтиришда, қўшимча иш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг статистика бўйича Давлат Қўмитаси маълумотлари.

жойларини яратиш учун узоқ муддатли кредитларга маблағниларни кўпайтиришда, банк тизими ишини фаоллаштириш;

- шахсий маблағлар ҳисобиги ёшларнинг олий ва ўрта маҳсус таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ўқув масканлари тармоғини кенгайтириш.

Аҳоли бандлигини таъминлаш орқали меҳнатнинг қўлланиш доираси кенгаяди, товар ишлаб чивариш ва хизмат кўрсатиш кўпаяди, инсонларнинг яшаш даражаси кўтарилади, жамиятдаги ижтимоий танглик пасаяди.

### **3 Ишсизлик ва унинг турлари**

Ишсизлар – бу меҳнатга лаёқатли бўлиб ,ишлашни хоҳлаган, лекин иш билан таъминланмаганлардир.

Ишсизлик келиб чиқишининг асосий сабаби –ишчи кучи (меҳнат)нинг аниқ бозорида ишчи кучи таклифининг унга бўлган талабдан ортиб кетиши ва бунинг натижасида иқтисодий фаол аҳоли бир кисмининг иш билан таъминланмаслигидир.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ 16 ёшдан бошлаб то пенсияга чиқиши хуқуқини олишгacha бўлган ёшдаги ишга ва иш ҳақи (меҳнат даромади)га эга бўлмаган, ҳақиқатда иш қидираётган, меҳнат қилишга, касб-кор тайёрлигига ва қайта тайёргарликдан ўтишга тайёр шахс сифатида, иш билан таъминлаш давлат ҳизматлари мақбул келадиган ишни таклиф қилмаган, лекин меҳнатга лаёқатли шахслар ишсизлар деб юритилади. Ишсизлик келиб чиқиши сабабларига кўра: фрикцион, таркибий ва циклик ишсизликка бўлинади.

**Фрикцион ишсизлик** янги ишлаш жойига кўчиб ўтиши натижасида асосий иш жойини вақтинча йўқотган, лекин фаол иш қидираётганлар киради. Буларга қуйидагиларни киритиши мумкин:

- ўз хоҳиши билан иш жойини ўзгартирувчилар;
- ишдан бўшатилганлиги туфайли янги иш жойи қидирувчилар;
- вақтинчалик иш жойини йўқотганлар(масалан, автомобил саноатида янги модел ишлаб чиқаришга ўтиш);
- биринчи марта ишга жойлашиш учун иш қидириб юрган ёшлар.

Бу турдаги ишсизлар у ёки бу сабабга кўра иш жойини йўқотган бўлиб, бундай шаклда ишсизлик доимо сақланиб қолади ва меҳнат бозорини тўлдиради.

Фрикцион ишсизлик зарур ва мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки кўпчилик ишчилар ўз хоҳиши билан кам ҳақ тўланадиган иш жойидан, кўп ҳақ тўланадиган ишга ўтади. Бу иш кучининг малакасини ва махоротини оширишга ундейди. Мехнат ресурсларини самарали тақсимлашга шу билан бирга реал миллий маҳсулотларнинг кўпайишига олиб келади.

**Таркибий ишсизлик** - истеъмолчи талаби ва технологиядаги ўзгаришлар оқибати ҳисобланган таркибий ўзгаришлар натижасида келиб чиқади. Таркибий ишсизлар маҳсус тайёргарлик қилмасдан, билимини оширмасдан иш топа олмайдилар.

Фрикцион ишсизлик қисқа муддатли ҳарактерга эга, таркибий ишсизлик эса узоқ муддатга чўзилиб жиддий ҳисобланади.

**Циклик ишсизлик** – иқтисодий инқироз фразаси билан боғлиқ равишда келиб чиқади ва мажбурий ишсизлик ҳисобланади. Масалан АҚШда 1982 йилда кризис даврида ишсизлик даражаси 9,7%га кўтарилиган (буюк турғунлик) даври – 1933 йилда эса цикли ишсизлик даражаси 25%га етган. 2008 йилги жаҳон моилавий – иқтисодий инқирозда АҚШда ишсизлик даражаси 5,6%га етди.

Ишсизлик намоён бўлиш хусусиятига кўра ихтиёрий, муассасавий (институционал), технологик, худудий, яширин ва турғун турларга бўлинади.

**Ихтиёрий ишсизлик** – одатда бу турдаги ишсизликка ўз хоҳиши билан ишламаётганлар киритилади. Иш ҳақиниг пасайиши сабабли ёки уй хўжалиги билан шуғулланиши, бола боқиши ва бошқа сабабларга кўра ихтиёрий равишда ишламасликлари мумкин.

**Муассавий ишсизлик** - бу меҳнат бозорларининг самарали ташкил этилмаслиги натижасида келиб чиқади. Масалан, вакантли жойлар тўғрисида тўлиқ маълумот бўлмайди.

**Технологик ишсизлик** - ишлаб чиқаришнинг технологик усули ўзгариши, хусусан механизациялаш ва автоматлаштириш, роботлаштириш ва инфармацион технологияларнинг қўллаш натижасида вужудга келади.

**Худудий ишсизлик** - худудий, тарихий, демографик, маданий, миллий ва ижтимоий-рухий омиллар билан боғлиқ ҳамда мавжуд бўлади.

**Яширин ишсизлик** – фаол аҳолининг иш куни ёки иш хафтаси давомида тўлиқ банд бўлмаган қисмидир.

**Турғун ишсизлик** - меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш жойини йўқотган, ишсизлик нафақасини олишдан маҳрум бўлган ва меҳнат

фаолиятига хеч қандай қизиқиши бўлмаган қисми.

Ишсизлик давом етиш вақтига қараб қисқа муддатли ва узок муддатли ишсизликка бўлинади. Кўпгина мамлакатларда б ойгача ишсизликни қисқа муддатли, ундан ортиқ муддатга чўзилган узок муддатли ишсизлик деб аталади. Иқтисодий фаол ахолининг қай даражада иш билан бандлигини аниқлаш мақсадида ишсизлик даражаси аниқланади. Ишсизлик даражаси ишсизлар сонининг ишчи кучи умумий сонига нисбатининг фоиздаги ифодасидир:

Ишсизлик даражаси =ишсизлар сони/ишчи кучи сони •100%

Ишчи кучи сони=Ишловчилар ёки банд бўлганлар + фаол иш қидирувчилар ёки ишсизлар

Тўлиқ бандлилик ишсизликнинг табиий даражада мавжуд бўлишининг кўзда тутади ва у куйидагича аниқланади, чунки фрикцион ва таркибий ишсизлик доимо бўлиб туради:

Ишсизликнинг табиий ёки муқаррар даражаси = фракцион ишсизлар + таркибий ишсизлар

## Ўзбекистонда ишсизлик даражаси<sup>1</sup>

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					
		1995	2000	2005	2006	2007	2008
1	Ишсизлик сони (минг киши)	31.0	42.0	410.3	391.5	557.4	623.3
2	Ишсизлик даражаси	0.4	0.4	0.3	0.3	0.2	0.2

Ишсизларнинг бундай табиий даражада муқаррар мавжуд бўлиши, ҳамма ресурсларнинг захираси бўлганлиги каби, меҳнат ресурсларининг ҳам захираси сифатида қаралади. Шунга қўра ишсизлар сони циклик ишсизликларга teng бўлади.

Иқтисодчиларнинг фикрига қўра ишсизликнинг “табиий” даражаси 3-5% атрофида бўлиши керак. Лекин бу кўрсаткич турли мамлакатларда ўзининг объектив шароитидан келиб чиқиб фарқ қиласди. Масалан, АҚШда 7%, чунки бу мамлакатнинг ишчи кучини сафарбарлиги жуда юқори. Японияда эса ишсизлик 1% атрофида бўлса тўла бандликка эришилган деб қаралади. Японияда бир умирлик асосида ишлаш кенг тарқалган, демак иш кучини сафарбарлиги паст.

<sup>1</sup> Ишсизлик даражаси Ўзбекистон республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида хисобланди

Ишсизликнинг социол иқтисодий оқибатлари иқтисодчилар томонидан хам ижобий хам салбий баҳоланади.

Ишсизликнинг мавжудлиги туфайли иш билан банд бўлганлар меҳнат интизомини бузмасликка, сифатли меҳнат қилишга интилишади. Ишсизлик кишиларни зарур малакага эга бўлишга, ўз устиларида қўпроқ ишлашга ундейди. Шунинг учун, иқтисодчилар фикрига кўра маълум даражада ишсизлик бозор иқтисодиётининг доимий йўлдоши бўлиши керак.

Ишсизликнинг салбий томони шундаки, инсонларга зарур неъматлар яратишга қодир кишилар бу ишни қила олмай қоладилар. Узоқ вакт ишсиз юриш касбий малака ва маҳоротини йўқолишига олиб келади, бекор юрганларнинг ўзи ва оиласи тирикчилигидан қийналиб қолади. Ишсизлик кишиларни рухан эзига қўяди. Баъзи холатларда ишсизлар орасида жиноятчилик хам авж олиши мумкин.

Америкалик иқтисодчи А.Оукен ишсизлик даражаси ва ЯММ орқада қолиши ўртасидаги нисбатни математик кўринишда ифодалаб берган.

Оукин қонунига кўра ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан 1%га юқори бўлса, ЯММ (ЯИМ)нинг орқада қолиши 2.5%ни ташкил қиласи, яъни улар ўртасидаги нисбат қўйидагича бўлади - 1:2.5; 2:5; 3:7.5 ва ҳ.к.

**Ишсизликнинг табиий даражасидан юқори бўлиши натижасида жамият томонидан маълум миқдордаги маҳсулотнинг ишлаб чиқарилмаслигини қўйидагича ифодалаш мумкин:**


$$\boxed{\text{Ишлаб чиқарилмаган}} = \boxed{\text{Потенциал ЯММ}} - \boxed{\text{Ҳақиқий ЯММ}}$$

Статистик маълумотларга кўра, инфляция билан ишсизлик ўртасидаги мустахкам боғлиқлик бор экан. Бу маълумотлардан инглиз иқтисодчиси Олбан Флиппис фойдаланиб, 1958 йилда эгри чизиқни ҳосил қиласи. Бу эгри чизиқ Буюк Британияда 1861-1957 йиллардан иш ҳақи даражаси ўзгаришларнинг бир-бирига боғлиқлигини кўрсатиб беради. У бу даврда иш ҳақи секин суръатлар билан ўсганда ишсизликнинг юқори бўлганлигини ва иш ҳақи тез ўсганда эса ишсизлик пасайланлигини кўрсатиб берди. Буни қўйидагича тушунтириш мумкин, меҳнатга талаб юқори бўлганда тадбиркорлар янги ишловчиларни ишга жалб қилиш учун ёки

ишлаётганларни иш жойларида тутиб туриш учун иш ҳақини ставкасини оширадилар. Ишсизлик ошганда эса, яънги меҳнатнинг таклифи талабдан анча ошиб кетганда, иш ҳақи ставкалари камаяди. Бундан, ишсизликка қарши номинал иш ҳақини инфляцион ўстириш орқали курашиш мумкин деган холоса келади.

Кейинчалик Флиппс графигига америкалик иқтисодчилар П.Самуэльсон ва Р.Солоу ўзгартиришлар киритиб, иш ҳақи ставкасини нархларнинг ўсиш суръати билан алмаштиридилар. Бунда график қўйидаги кўринишга эга бўлди:

Бу графикда абцисса ишсизлик даражасини, ордината ўки нархлар даражасини кўрсатади. Агар хукumat ишсизлик даражасини жуда юқори деб хисобласа, ўзининг фискал ва бюджет-пул сиёсати орқали янги талабни қондириш зарурати ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва янги иш жойларини вужудга келтиришга ҳаракат қиласди, бунда ишсизлик  $U_2$  даражагача пасаяди, лекин инфляция даражаси  $P_2$  гача ўсади. Инфляцияга қарши давлат сиёсати натижасида нархлар  $P_3$  даражагача пасаяди, ишсизлик эса  $U_3$  даражагача ортади.



Филлипс эгри чизигида ишсизлик ва инфляция ўртасидаги боғлиқлик қисқа даврадагина амал қилиши мумкин. Агар инфляция 5 йилдан ортиқ вақт давом этса, ишсизлик даражаси янайм ошиб кетиши мумкин. Буни юқоридаги графикда эгри чизикнинг ўнг томонга силжишида кўришимиз мумкин, яъни бунда стагфляция холати келиб чиқади (Стагфляция холатининг маъноси инфляция даврида ишсизликнинг ўсишидир).

Хозирда узоқ даврлар учун Филлипс эгри чизиги ўрнига ишсизликнинг табиий даражаси назариясидан фойдаланилмоқда. Бу назария узоқ давр мобайнида фақат табиий ишсизлик даражасидагина инфляцияни ўртача суръатда ушлаб туриш мумкинлигини билдиради. Бу назария кейинги йилларда (2008 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозигача) АҚШ ва Англия хукуматлари томонидан мувофақиятли қўлланди ва бунинг натижасида мазкур мамлакатларда инфляциянинг ўсиши суръатлари анча пасайишига эришилди.

#### **4. Ишчи кучини қайта тақсимлашнинг бозор механизми. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг бандлик ва ишсизликка таъсири.**


Ишчи кучи ҳам бозор иқтисодиётида олди-сотди обьекти бўлганлиги учун меҳнат бозорида унга талаб ва таклиф вужудга келади.

Меҳнатнинг бозор нархи иш хақи бўлиб, бу ёлланиб ишловчиларга маълум вақтда бажарилган ишнинг микдори ва сифатига қараб тўланади.

Меҳнатга талаб у келтирадиган даромадга боғлиқ бўлиб ва доимо ўзгариб туради. Меҳнатга талаб бошқа шароитлар ўзгармаса, талаб қонунига кўра, иш ҳақига боғлиқ бўлади, яъни иш хақи юқори бўлса, меҳнатга талаб қисқаради, агар у пас бўлса, аксинча, талаб ортади. Иш хақи паст бўлган шароитда албатта фойда ортади. Иш берувчилар иш ҳақини камайтиришга интилишса, ёлланиб ишловчилар уни оширишга ҳаракат қилади, чунки хар қандай товар эгаси уни яхши пуллашга ҳаракат қилади. Аммо иш ҳақи ортган шароитда ҳам меҳнатга талаб кўпайиши мумкин, чунки иш ҳақига нисбатан меҳнат унумдорлиги тезроқ ортиб бориши юз беради. Натижада иш ҳақига кетган қўшимча сарфни меҳнат унумдорлигининг ортиши қоплайди ва ҳатто уни тежашига ҳам олиб келади.

Иш ҳақи харажатлар тарзда фойдага таъсир этиши орқали меҳнатга талабни ўзгартиради.


Иш ҳақи билан меҳнатга талабнинг ўзгариши боғлиқлигини қуйидаги чизмада қўрсатишимиш мумкин:



Чизмада кўриниб турибдики, соатбай иш ҳақи 50 сўм бўлганда ишлаш учун 500 киши талаб қилинган, меҳнат арzonлашиб, соатбай ҳақ 20 сўмга тушганда, меҳнатга талаб ортиб, жами 700 кишидан иборат бўлган, яъни иш ҳақини қисқариши меҳнатга талабри оширган – бу талаб қонунининг меҳнат бозоридаги ифодалинишидир.


Меҳнат бозоридаги таклиф ҳам нархга нисбатан эластик бўлади, иш ҳақи ошса, меҳнат таклифи кўпаяди, камайса, таклиф қисқаради. Аммо меҳнатни тирик одам таклиф этганидан, таклиф меҳнат аҳлийининг нимани афзал кўришга боғлиқ бўлади. Турмуш даражаси паст бўлиб, моддий муҳтожлик шароитида кўп ишлаб, кўп пул топишга интилиш устунлик қиласи. Моддий тўкинчилик ва юқори турмуш даражаси шароитларида оз ишлаб яхши яшаш мумкин бўлганлигидан, қўшимча пул топишга нисбатан дам олиш афзал кўрилади. Натижада иш вақти қисқариб, бўш вақт кўпайиши мумкин. Нимани афзал кўришига қараб меҳнатнинг таклифи ўзгаради. Куйидаги чизмада меҳнатнинг таклифи билан иш ҳақининг боғлиқлиги тасвирланган.

(график)



Ушбу чизмада иш ҳаки 30, 50, 70 сўм бўлишига қараб, меҳнат таклифи 300, 500, 700 кишидан иборат бўлади. Бу меҳнат таклифининг меҳнат нархига эластиклигини кўрсатади.

Меҳнат бозорида талаб ва таклиф тенглашганда мувозанат ҳосил бўлади. Бу мувозонат маълум иш ҳаки микдори даражасида пайдо бўлади. Буни юқоридаги икки чизманинг бирлаштирилган ҳолатида кўриш мумкин.



Чизмада талаб чизиги АВ таклиф чизиги DS билан М нуқтасида кесишган. Бу нуқта мувозанат нуқтаси бўлиб, талаб ва таклиф микдорини тенглашганлигини билдиради. Иш ҳақи 500 сўм бўлганда фирманинг 500 киши меҳнатига талаби қондирилади, иш қидирган 500 киши ишга жойлашади, демак, иш кучининг бундан ортиғи керак бўлмайди.

Меҳнатга бўлган талаб ва меҳнатнинг таклифига иш хақидан ташқари бошқа омиллар ҳам таъсир қиласи, булар:

1. Техника тараққиёти;
2. Иқтисодий танглик ёки турғунлик;
3. Янги технологиянинг жорий этилиши;
4. Ишлаб чиқариш таркибининг ўзгариши;
5. Мавсум йиллик;

Булардан ташқари шундай меҳнат турлари борки, улар маҳсус қобилият талаб қиласи. Масалан: оғир жисмоний иш соғлом ва бақувват кишиларни; санъат, адабиёт, фан, конструкторлик алохига истеъдод талаб қиласи. Шундай касблар борки, улар пухта билим, маҳсус тайёргарлик ва катта тажриба талаб қиласи. Масалан, Германияда мустақил ишловчи врач бўлиш учун, олий маълумот олгач, яна 10-12 йил тайёргарлик қўриши лозим.

Меҳнатнинг таклифига яна ишнинг қизиқарли бўлиши, ундан обрў топиш, қўшимча имтиёз олиш, юқори мансабга эришиш имкони, ишсиз қолиш хавфининг йўқлиги, меҳнат шароитининг яхшилиги, шунингдек ишхонадан арzon кредит (қарз) олиш имкони ва бошқалар таъсир қиласи.

Меҳнатнинг таклифига нуфус қонуни, яъни аҳолининг ўсиш қонуни ҳам таъсир қиласи. Аҳоли тез ўсиб, меҳнат қилиш ёшига етган аҳоли қанча кўп бўлса, меҳнат таклифи ҳам шунча кўп бўлади. Ўзбекистонда 1995 йилда меҳнат ёшига етганлар жами аҳолининг 49.3%ни ташкил этади. Шунга кўра меҳнат таклифи ҳам кўп бўлган. 1995 йилдан бошлаб Ўзбекистонда аҳоли ўсишининг секинлашуви натижасида тахминан 2015 йилдан бошлаб меҳнат таклифининг қисқаришига олиб келди. Аммо, шу даврга келиб меҳнатга талаб ҳам кескин қисқариши мумкин, чунки техника шиддат билан ўсмоқда.

2008 йилда бошланган ва бугунги кунда кўлами тоборо кенгайиб бораётган жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози реал секторга яъни иқтисодиётнинг барча жабхаларига, жумладан бандлик ва ишсизликка ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Ишчи кучи маҳсус товар бўлиб, у ишлаб чиқаришга хизмат

қилади, яъни унинг иштирокида пироварди迪 истеъмолга тайёор товарлар яратилади. Мехнатга бўлган талабнинг миқдори меҳнат билан яратиладиган товар ва хизматларга бўлган талабнинг хажмига боғлиқ бўлади. Агар бозорда товарларга талаб ошиб, улар яхши сотилиб турса, меҳнатга ҳам талаб ортади. Агар талаб қисқариб товар бозори касодга учраса, меҳнатга талаб қисқаради. Мана шу сабабли иқтисодий инқирозлар даврида меҳнатга талаб кескин қисқариб кетади, яъни ишсизлар сони кескин ошиб кетади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобида қайд қилиб ўтганларидек: ”Аҳолининг иш билан таъминланиш муаммоларини ҳал қилишда ҳам жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда. Биз учун ўта долзарб бўлган бу масалани ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шаклларини кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачилик ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида ахамият берилмоқда.

2008 йил мобайнида юртимизда 661 мингга яқин, жумладан, кичик бизнес соҳасида 374 мингта, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида қарийб 220 мингта, касаначилик хисобидан эса 97 минг 800 та янги иш ўрни яратилди.<sup>1</sup>

Бу республикамизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини таъсирини камайтириш ва уни бартараф этиш бўйича амалга оширилган чора тадбирларнинг натижасидир. Чунки ривожланган мамлакатларда бу инқироз таъсирида ишсизлар сонининг ошиб бораётганлигини қўйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

### **Ривожланган мамлакатларда 2007-2008 йилларда ишсизлик даражаси ва 2009 йил истиқбол кўрсаткичлари (фоизда)<sup>2</sup>**

Ривожланган мамлакатлар	2007й	2008й	2009й (истиқбол)
АҚШ	4.6	5.6	7.2
Япония	3.8	4.1	4.4
Буюк Британия	5.5	5.7	6.4
Германия	7.0	7.4	8.2

<sup>1</sup> И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.:Ўзбекистон ,2009,24-25-б.

<sup>2</sup> Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Рес. Президенти Ислом Каримовнинг „Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўкув қўлланма. Т.:Иқтисодиёт, 2009, 16-17-б

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида ишсизлик кейинги 3 йил мобайнида ўсиб бориши кузатилмоқда. 2009 йилда АҚШда ишсизлик даражаси 7.2%, Японияда 4.4%, Буюк Британияда 6.4%, Германияда 8.2%га ўсиши кутилмоқда. Бу ўз-ўзидан ижтимоий трансферларнинг кўпайиши хисобига давлат харажатларнинг ўсишига олиб келади.

Шунга кўра ҳукуматлар даражасида инқироздан чиқиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишида бандлик масалаларини, талабни рағбатлантириши орқали ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга қаратилган кескин чораларни кўриш масаласи долзарб қилиб қўймокда.

Бизнинг мамлакатимизда эса юқоридаги масалаларни олдини олиш мақсадида 2009-2012 йилларга мўлжаллаб инқирозга қарши чоралар дастури қабул қилинди ва унда бир қатор устувор йўналишлар, вазифалар, тадбирлар белгилаб берилди. Хусусан ахоли бандлигини таъминлаш мақсадида 2009 йилнинг ўзида 1389 та янги майший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилиши мўлжалланган. Чунки шахобчаларнинг асосий қисмини қишлоқ жойларда ташкил этилди. Ташкил этилиши мўлжалланган шахобчаларда ҳар йили 200 минг ортиқ янги иш жойлари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Президентимиз ўз асарларида 2009 йилдан яна бир муҳим устувор вазифа – бу мамлакатимизни модернизация қилиш ва ахоли бандлигини оширишинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфрактузилмани янада ривожлантиришдан иборат эканлигини белгилаб бердилар. Чунки инфратузилмани ривожлантириш кўп меҳнат талаб қиласиган кенг қўламли соҳа хисобланади. Бу янги иш ўринларини ташкил этиш, ахолининг, айниқса ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаравонлигини ошириш имконини беради.

## **5. Ўзбекистонда бандликни таъминлашда меҳнат биржалари фаолияти. Ишсизларни ижтимоий химоялаш.**

Меҳнат иқтисодий ресурсларидан бири бўлганидан унга талаб бозорда юзага келади ва бу меҳнат яратадиган товар ва хизматларга бўлган талабга боғлиқ бўлади. Агар буларга талаб ошса бозорда меҳнатга ҳам талаб ошади, аксинча буларга талаб қисқарса, меҳнатга талаб камайади.

Меҳнат бозори бу ишчи қучини олди-сотди қилиш юзасидан ишга талабгорлар билан иш берувчилар ўртасидаги иқтисодий муносатдир.

Ўзбекистон Республикаси Конситутсиясига мувофиқ ҳар бир шахс меғнат қилиш, эркин иш танлаш, хаққоний меҳнат шароитлари асосида ишлаш ва қонунда белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Фуқороларнинг меҳнат ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва тегишли қонунлари билан ҳимояланиб қолмай, балки бундай ҳимоя кафолатланади ҳам. Давлат меҳнат бозорининг шаклланиши ва самарали амал қилишига, хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини яратишга, меҳнат сифати ва унумдорлигини оширишга ва пировард натижада мамлакат ахолисининг турмуш даражасини ўстиришга ҳар томонлама кўмаклашади. Ўзбекистон Республикасида барча фуқоролар меҳнат ҳуқуқлари ва улардан фойдаланишгода тенг имкониятларга эгадирлар. Хеч кимнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди ёки ижтимоий келиб чиқиши меҳнат ҳуқуқларидан фойдаланишда тўсик бўла олмайди.

Меҳнат бозори харидорлар – иш берувчилар бўлиб, улар давлат идора ташкилотлари, хусусий ва жамоат ташкилотларидан иборат бўлади. Меҳнатни бозорга таклиф этувчилар – сотувчилар иш кучи эгалари бўлиб, улар меҳнат қобилятига эга бўлган ва ўз меҳнатини сотишига иштиёқи бўлган кишилардан иборатдир, улар асосан хонодон ахли хисобланади. Меҳнат бозорининг аниқ шакллари бўлади, булар меҳнат биржалари ва ишга ёлловчи фирмалардир, булар ёлланиб ишловчилар билан иш берувчиларни бир-бирига боғловчи воситалар хисобланади. Воситачиликни касаба уюшмалари ҳам бажаради.

Меҳнат бозорини тартибга солишда меҳнат биржаси алоҳида ўрин тутади.

Меҳнат биржаси – ишчи, хизматчи ва корхона, фирматашкилотлар ўртасида иш кучини сотиш ва сотиб олиш бўйича кесишуви амалга оширишда мунтазам воситачи вазифасини ўтайдиган маҳсус муассасадир. Ўзбекистонда бандлик хизмати муассасалари томонидан ишга жойлаштирилганлар қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади (минг киши)<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Статистическое Обозрение Узбекистана, Т., 2009.

Вилоятлар бўйича	2007й	2008й
Ўзбекистон Рес.	486.5	546.6
Қорақолпоғистон Рес.	36.2	42.6
Андижон вилояти	39.5	45.2
Бухоро вилояти	27.3	31.0
Жиззах вилояти	23.8	26.6
Қашқадарё вилояти	49.7	49.1
Навоий вилояти	26.2	29.1
Наманган вилояти	41.5	45.5
Самарқанд вилояти	48.7	58.7
Сурхандарё вилояти	28.2	31.7
Сирдарё вилояти	15.2	17.4
Тошкент вилояти	33.1	38.1
Фарғона вилояти	57.3	64.3
Хоразм вилояти	28.3	31.4
Тошкент шаҳри	31.5	35.4

2008 йилда Ўзбекистон бўйича иш қидириб меҳнат биржасига мурожат қилганлар сони 623.3 минг кишини ташкил қилди, мурожат қилганларнинг 87.7%ни ишга жойлашганлар ташкил қилди.

Дастлабки меҳнат биржалари XIX асрнинг биринчи ярмида очилган.

Хозирги пайтда меҳнат биржаси функциясини асосан давлатнинг меҳнат биржалари бажаради. 2009 йилдан бошлаб меҳнат биржалари –“Ахоли бандлигига кўмаклашиш марказлари” деб атала бошлади.

Бундай марказларнинг асосий вазифалари қуидагилардир:

- ишсиз қолганларни рўйхатга олади, хамда иши жойини ўзгартиromoқчи бўлганларни ишга жойлаштиришда воситачилик қиласди;
- ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни ўрганади;
- қандай ихтисосликлар бўйича ишчилар зарурлиги хақида ахборот беради;
- ёшларни касб ихтисосликлар бўйича йўналтиради, янги касб-хунарга ўргатишни ташкил қиласди.

Чунки меҳнат биржалари жойлашган худуддаги корхона, фирма, ташкилотлар унга ўзларига зарур бўлган турли касбдаги мутахасислар бўйича талабномалар билан мурожаат қиласдилар.

Бу марказларнинг фаолияти фақат иш билан таъминлаш эмас, балки ишлаб чиқариш тармоқлари таркибидаги ўзгаришлар билан

боғлиқ холда ўзгариб турадиган меҳнат бозори эхтиёжини қондиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат Статистика Кўмитасининг маълумотларига кўра 2008 йилда иқтисодиётда банд бўлганларнинг сони 11035.4 минг кишини ташкил қилди. Ушбу йилда Республика бандлик хизмати муасасаларига 623.3 минг киши ишга жойлаштиришга кўмаклашиш учун мурожаат қилиб, улардан 546.6 минг киши иш билан таъминланди, бу 2007 йилга нисбатан 0.4 % пунктга кўпdir.

Республикамизда ахолининг юқори суръатлар билан ўсиб бораётганлигини, шунингдек жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг таъсирини хисобга олган холда иш билан бандликнинг таъминлаш учун мамлакатимизда бир қатор тадбирларни амалга ошириш мўлжалланмоқда:

Биринчидан, кенг фаолият турлари, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорликни кенгайтириш учун шароит яратиш. Биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги ҳам ашёни қайта ишлаш, истеъмол моллари, махаллий хом ашёдан қуриш материаллари тайёрловчи хусусий кичик корхоналарни фаол ривожлантиришни рағбатлантириш.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларид “..... кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг ялп ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, айни вақтда ахоли фаровонлиги ва даромадлар ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда ҳал қилувчи омилга айланишига эришмоғимиз лозим”<sup>1</sup>.

2008 йили фаолият юритётган кичик бизнес субъектлари сони қарийб 400 мингтани ташкил этди, яъни сўнги 6 йил мобайнида бу кўрсатгич 1.9 баробарга кўпайди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари хажми 2008 йилда салкам 22% га кўпайди. Бу саноат тармоқларидағи ўртача ўсиш кўрсаткичидан анча кўпdir. Бунинг натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 45.5%дан 2008 йилги 48.2% га кўтарилди. Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган ахолининг 76%дан кўпроғи айнан шу соҳада меҳнат қилаяпти.

Иккинчидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шаклларини кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида ахамият берилмоқда.

<sup>1</sup> Каримов И.А Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон хаёт –пировард мақсадимиз.Т.: -Ўзбекистон , 2000 ,17-б

2008 йил мобайнида мамлакатимизда 661 мингга яқин, жумладан кичик бизнес соҳасида – қарийб 374 мингта, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида-қарийб 220 мингта, касаначилик хисобидан эса – 97 минг 800 тага янги иш ўрни яратилди, булардан 436 минг иш ўрни, яъни 66%и қишлоқ жойларига тўғри келади. Ваҳолангки дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида иш ўринлари қисқариб бораётган шароитда бу ижобий натижадир.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Бугунги босқичда касаначилик соҳаси бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча манбаига айланиб бораётганини хеч ким инкор этолмайди. Айни вактда касаначилик фуқороларни, биринчи навбатда, хотин-қизлар, айниқса, қўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қобиляти чекланган бошқа шахсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш учун мухим ахамият касб этмоқда”.<sup>1</sup>

2008 йилда касаначилар томонидан 34 милиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди.

2008 йилда кимошди савдосида 20300 бош қорамол сотилди, ушбу йилда қорамол сотиб олиш учун 48.2 млрд сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Учинчидан, қишлоқларда кенг тармоқли ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш, шу орқали янги иш жойларини очиш, янги ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш.

Тўртинчидан, ишдан бўшаган ходимларни қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишини ташкил этишини тубдан ўзгартириш.

Бешинчидан, вақтинча ишга жойлаштириш имкони бўлмаган меҳнатга яроқли ахолини давлат томонидан ишончли равища ижтимоий химоялаш. Бу сиёsat уларнинг ўта зарур эҳтиёжларини қондириш ва кафолатли тирикчилик манбаларига эга бўлишига қаратилади.

Ахолининг иш билан бандлиги муаммоси кўп қиррали бўлиб, у барча одамларга ўз қобилятларини ишга солиш, ўз эҳтиёжларини қондириш учун дастлабки teng имкониятларни таъминловчи давлат ва бозор механизмини вужудга келтириш, ишчи кучини унумли ва самарали иш билан банд қилиш, зарур холларда ишчи кучини иқтисодий тармоқлари ва соҳалари ўртасида қайта тақсимлаш каби масалаларни ҳам ўз ичига олади.

<sup>1</sup> Каримов И.А Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: -Ўзбекистон , 2009, 26-б.

## **Асосий таянч тушунчалар**

**Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш** – инсоннинг жисмоний кучлари ва ақлий қобилиятларини узлуксиз қайта тиклаш ва таъминлаб туриш, уларнинг меҳнат малакасини муттасил янгилаб ва ошириб бориш, умумий билим ва касбий даражаси ўсишини таъминлаш, ёш ишчилар авлодини етиштириш демакдир.

**Ишсизлик** – меҳнатга лаёқатли бўлиб, ишлашни хоҳлаган, лекин иш билан таъминланмаган ишчи кучи.

**Фрикцион ишсизлик** – малакасига мос иш қидираётган ва иш ўринлар бўшашини кутаётганлар.

**Таркибий ишсизлик** – ишлаб чиқариш ва ялпи талаб таркибидаги ўзгаришлар натижасида вужудга келадиган ишсизлик.

**Цикличик ишсизлик** – иқтисодий циклнинг инқироз фазаси билан боғлиқ равишда вужудга келадиган ишсизлик.

**Ишсизлик даражаси** – ишсизларнинг ишчи кучи таркибидаги фоизли нисбати.

**Оукен қонуни** – ишсизлик даражаси ва ЯММ ҳажмининг орқада қолиши ўртасидаги нисбатнинг математик ифодаси.

## **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш деганда нимани тушунасиз ва унинг хусусиятлари қандай?
2. Ишчи кучининг сифати нима? У қандай омилларга боғлиқ? Фан-техника тараққиётида ишчи кучининг сифатига қандай талаблар кучаяди?
3. Иш билан тўла бандлик нима учун нисбий маънода тушунилади? Қандай қилиб ишчи кучидан самарали фойдаланишга эришилади?
4. Ишсизликнинг асосий турларига тавсиф беринг.
5. Ишсизлик даражаси қандай ҳисобланади?

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон истиқлол ва тараққиёт йўли..Т., „Ўзбекистон”, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлида. Т.: ”Ўзбекистон”, 1992.
3. Каримов И.А Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни

чуқурлаштириш йўлида. Т.: ”Ўзбекистон”, 1995.

4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин Т-2.Т., „Ўзбекистон”, 1996.

5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт – пиравард мақсадимиз Т.: “Ўзбекистон”, 2000.

6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари Т.: ”Ўзбекистон”, 2009.

7. “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 21 декабрь 1995й. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. ”Иқтисод ва Хисобот”, 2-сон, 1995.

8. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. „Хўжалик ва хукуқ”. 2009й. 9-сон.

9. Борисов .Е.Ф. “Экономическая теория” М.: ”Знание”, Россия. 2005 г.

10. Ваҳобов А.В. Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп укладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши. Т.: “Молия”, 2002 й.

11. Курс экономической теории: учебник - 4-е дополненное и переработное издания, Киров: “Аса”, 1999 й.

12. Жўраев Т.Т. “Иқтисодиёт назарияси”, Кўргазмали қўлланмалар ва тест саволлари, 2 қисм, “Фан ва технология”, Т., 2005 й.

13. Тожибоева Д. “Иқтисодиёт назарияси”. Ўқув қўлланма 2-китоб Т., “Шарқ”,2003.

14. Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р.Ҳ., Жўраев У.Т., „Иқтисодиёт назарияси” ўқув қўлланма. Т.,Молия”, 2002.

15. Экономическая теория. Кол. автор, Т., „Шарқ”, 1999.

16. Ўлмасов А., Ваҳобов А. “Иқтисодиёт назарияси”, дарслик, Т.,Шарқ”,2006.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг „Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Муаллифлар жамоаси. Т., „Иқтисодиёт”, 2009.

18. Ғуломов С., Шарифхўжаев М. “Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти”, дарслик, Т., „Ўқитувчи”, 2000.

19. Статистическое обозрение Узбекистана в 2008 году, Т., 2009.

20. Статистический ежегодник регионов Узбекистана – 2006 год,

Госгомстат Узбекистана, Т., 2007.

## **8-МАВЗУ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ**

### **РЕЖА:**

1. Бозор иқтисодиёти ва уни вужудга келиши.
2. Бозор иқтисодиётига ўтиш моделлари.
3. Бозор иқтисодиётининг асосий белгилари.
4. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятлари.

#### **1. Бозор иқтисодиёти ва уни вужудга келиши**

Кишилик жамияти тарихий тараққиёти давомида товар хўжалиги бағрида бозор иқтисодиёти вужудга келиб, у борган сари ривожланиб боришини кўрсатди. XVII-XVIII асрларга келиб, инсоният хусусий мулкчиликка асосланган бозор иқтисодиётига ўтди. Иқтисодиётда унга хос бўлган туб белгилар секин аста шаклланиб, пировард натижада қатор афзалликлар ҳамда айrim камчиликлари бўлган ҳозирги замон бозор иқтисодиётига хос яхлит иқтисодий тизим ташкил топди.

Дастлаб, якка хусусий мулк монополияси хукмрон бўлиб, капиталистик жамиятга хос зиддиятлар кучайган XIX аср ўрталарида марксистик ғоя вужудга келди. Бу ғояга биноан жамият аъзоларининг фаровон яшashi, адолат ўрнатилиши учун адолатсизликнинг бош манбаи хусусий мулкчилик йўқотилиши лозим эди. Шу ғояга биноан собиқ иттифоқ ва айrim мамлакатларда хўжалик юритишнинг альтернатив варианти тарзида маъмурий буйруқбозлиқ, марказий режалаштиришга асосланган хўжалик юритиш вужудга келди.

Бу хўжалик юритиш шаклида:

- Хусусий мулкчиликни йўқотиш;
- Бозор-товар-пул муносабатларини тугатиш;
- Неъматлар ва ресурсларни тақсимлашнинг бозор механизми ўрнига ижтимоий мулкчиликка асосланган давлат тақсимоти ва назоратини ўрнатиш;
- Ҳар бир кишини яратган неъматлардаги улушкини қилган меҳнатига қараб белгилаш, меҳнат миқдорини эса иш вақти асосида аниқлаш кўзда тутилади.

Тарихий парадокс шундаки, марксизмнинг асосий концепцияси – инсонни нурли келажакка олиб боришининг назарий жиҳатдан илгари сурилган ғояси билан тарихий тажрибада эришилган натижа кескин фарқ қиласи. Тарихий тажриба ижтимоий мулкчиликка бир

марказдан, режа асосида бошқаришга асосланган иқтисодиёт сароб эканлигини кўрсатди. Шундай бўлиши муқаррар эди. Сабаби, хусусий мулкчиликка барҳам бериб, ижтимоий, яъни давлат мулки монополиясини ўрнатилиши бозор муносабатиларини чеклаш, монополизмни вужудга келтириш ва бозор иқтисодиётининг харакатга келтирувчи асосий куч бўлган рақобатни йўқлашига олиб келади.

Бозор иқтисодиётида юқори даражада бажарилган ишни рағбатлантириш меҳнат бозоридаги рақобат орқали ҳал этилади. Айнан меҳнат бозоридаги рақобат меҳнатнинг юқори унумдорлиги ва иш сифатини таъминлайди. Ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат эса харажатларни пасайтириш, маҳсулот сифатини яхшилашга олиб келади. Нархларнинг эркинлиги эса зарур товар ва хизматлар мўл кўллигини таъминлайди.

Маъмурий буйруқбозликка асосланган хўжалик юритишда иш ҳақи марказлашмаган тарзда ставкалар асосида режа бўйича белгиланган.

Иқтисодий рағбатлантиришдан кўра меҳнатга мажбур қилиш кўпроқ рол ўйнаган. Корхоналарда маблағларни муқобил ишлатишнинг иложи йўқ, чунки бутун фаолият режадан чиқмаслиги керак эди. Заар келтирадиган корхоналарнинг банкрот бўлиш хавфи йўқлиги уларнинг самарали ишлаш заруратини йўққа чиқарди. Заар келтирадиган корхоналар дотация олар, фойда келтирадиганлар маблағи бюджетга тортилар эди. Фойданинг рағбатлантирувчи роли йўққа чиқарилди. Асосий директив режа топшириқларини бажаришга қаратилди. Ҳар бир корхоналарнинг иш фаолиятига режани бажаришга қараб баҳо берилди.

Белгиланган нархларнинг қатъийлиги ҳам самарасиз харажатлар кўпайишига олиб келди. Иккинчи томондан, тақчилликнинг асосий сабабларидан бирига айланди.

Бозор иқтисодиёти эса демократияга асосланган. Иқтисодий демократиянинг асоси-бозор. У иқтисодиётдан тортиб жамият ҳаётининг сиёсий, ҳуқуқий-маънавий томонларигача демократлашувига олиб келди.

Бозор муносабатлари тизимида шундай рағбатлантирувчи куч жойланганки, у муттасил иқтисодий ўсиш ва социал ривожланишини таъминлайди. Бозор тизимининг афзаллигини Таиланд, Жанубий Корея, Тайванд, Сингапур каби Осиё мамлакатлари ҳам намойиш этди. Ҳозирги пайтда Хитой, Шарқий Германия (Собиқ ГФР),

Въетнам ҳам уни устунлигини қўрсатмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш тарихий объектив зарурат бўлиб, келажакда равноқ топишининг, оқилона хўжалик юритишга эришишнинг ягона йўли сифатида Ўзбекистон ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш йўlinи танлади.

## **2. Бозор иқтисодиётига ўтиш моделлари**

XX асрга келиб бозор иқтисодиётига ўтиш глобал, яъни умумжаҳон воқелигига айланди. Бозор иқтисодиётига ўтиш мураккаб жараён, шунинг учун у узоқ вакт давом этади. Ундан ташқари, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтишнинг турли моделлари, йўналишлари асосида амалга ошади. Ҳар бир мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтишининг ўзига хос йўли қўйидаги омилларга боғлиқ:

- Географик ўрни;
- Табиий ресурсларнинг мавжудлиги ва уларнинг заҳираси;
- Тарихий тараққиёт даражаси;
- Аҳолининг анъаналари ва урф-одатлари;
- Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси;
- Жамиятнинг ижтимоий йўналиши.

Шу билан бирга бозор иқтисодиёти моделларининг умумий томонлари бўлиб, булар:

- Бозор иқтисодиётининг турли-туман мулкчиликка асосланганлиги;
- Товар ва хизматларга эркин нархлар устунлиги;
- Рақобат курашига асосланиши;
- Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишининг маълум тизими мавжудлиги ва бошқалардан иборат.

Бозор иқтисодиёти барча мамалакатларда ўз хусусиятлари ва умумий томонларининг ўзига хос қоришмасидан иборат бўлиб, илмий иқтисодиётда ҳар ҳил модел (андоза) тарзида ифодаланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш моделларини тарихий нуқтаи назардан З гурухга бўлиш мумкин. Ана шундай гурухларга бўлишнинг асосий мезони қилиб:

- Давлат дастурларининг мақсади, йўналиши;
- Иқтисодиётни тартибга солиш усуллари;
- Иқтисодиётда давлат секторининг улуши;

- Иш ҳақидаги фарқ кабилар олинади.

*I. Гарбий Европа мамлакатлари ва бошқа ривожланган мамлакатлар йўли. Бунда бозор иқтисодиётига эволюцион ўзгаришилар орқали ўтиб борилади. XX асрнинг 30-йилларига келиб, айниқса 50-йиллардан бу жараён янада тезлашиди. Бу моделни иқтисодчилар классик модел деб атасадилар. У бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Чунки, классик моделда бозор иқтисодиётининг қонун-қоидалари, ҳаётийлиги синаб кўрилган. Классик моделнинг ўзи ҳам З га бўлинади:*

1. Социал бозор иқтисодиёти модели кўпроқ фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиш, узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқиш, ахолининг ҳаддан зиёд табақаланишига йўл қўймаслик, давлат мулкининг улушкининг бошқа моделларга қараганда кўплиги (25-30%) билан ажралиб туради. Бу модел Германия, Австрия, Скандинавия мамлакатларига хос.

2. Аralаш ёки эркин бозор иқтисодиёти моделида эса давлат тадбиркорликни ривожлантириш учун шароит яратиши, иқтисодиётни тартиблашда устун даражада тактик усуллардан фойдаланиш, иқтисодиётда давлат мулкининг ҳиссаси (10% атрофида) камлиги, ахолининг табақаланиши, иш ҳақидаги фарқнинг катталиги билан ажралиб туради. Бу моделни қўллаган энг типик мамлакат сифатида АҚШ ни қўрсатиш мумкин.

3. Корпоратив иқтисодиёт модели давлатнинг йирик бизнес манфаатини ҳимоя қилиш, асосий устувор тармоқларни аниқлаб, уларнинг ривожланишига ёрдам бериш, давлат мулки ҳиссаси камлиги, лекин иш ҳақидаги фарқ ҳаддан ташқари катта эмаслиги билан фарқланади. Бу муҳим муваффақият билан Японияда ва унинг издошлари бўлган мамлакатларда қўлланган.

*II. Мустамлакачилиқдан озод бўлиб, мустақил тараққиёт йўлига ўтиб ривожланаётган Осиё, Африка ва Лотин Америка малакатлари йўли.*

Бу йўл мустамлакчиликдан қолган қолоқ, анъанавий иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидир. Бунда бозор иқтисодиётига хос белгилар турли хўжаликлар: азалий натурал хўжалик, ривожланиш даражаси, бозор муносабатларига тортилиши жиҳатидан фарқ қилишига қарамай, трансформация (айлана бориши) орқали юз беради.

Ривожланаётган мамлакатларда бозор иқтисодиётига ўтиш: а) бозор инфраструктурасини яратиш; б) иқтисодиётни борқарорлаштириш; в) саноат тармоқларини (айниқса қайта ишловчи) вужудга

келтириш орқали юз беради.

Бу мамлакатлар учун бозор иқтисодиётига кириб бориш мустақиллик гарови ҳисобланади. Сабаби бозор иқтисодиётига ўтиш ишлаб чиқаришнинг жадал ўсишига олиб келади.

**III.** Бозор иқтисодиётига ўтишнинг собиқ социалистик мамлакатлар йўли. Бу мамлактларда давлат мулки ҳукмрон мавқега эга бўлиб, иқтисодиёт давлат томонидан марказлшган тарзда тузилган режалар асосида бошқарилган. Яратилган маҳсулот ҳам давлат томонидан тақсимланган.

Тоталитар иқтисодиётнинг бозор билан умумийлиги йўқ, улар бир-бирига зид, табиатан ҳар хил. Шунинг учун ҳам бу моделда ахолига бозор муносабатлари ғояларини сингдирмай, уларда янгича кўнишка ҳосил этмай туриб, бозор иқтисодиётига ўтиб бўлмайди. Лекин бу тизимнинг афзаллиги шундаки, у ўзига хос йўллар билан кучли ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий кадрлар потенциалини яратган. Уларга таянган ҳолда бозор иқтисодиётига ўтиш нисбатан енгил кечиши мумкин.

Бу тизимга кирган мамлакатларда хусусий мулк тамомила йўқотилган ёки қисман мавжуд. Тадбиркорликка интилиш, иқтисодий тараққиёт даражаси турлича; масалан, Польша, Венгрия, Германияда хусусий мулкчилик анча сакланган. Собиқ иттифоқда эса акинча, хусусий мулк тамомила йўқотилган. Буларнинг ҳаммаси албатта, бозор иқтисодиётига ўтишда ўз таъсирини ўтказади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш учун ислоҳатлар икки йўл: а) бозор иқтисодиётига тезлик билан ўтиш; б) бозор иқтисодиётига босқичмабосқич ўтиш йўли билан амалга оирилади.

Собиқ ГДР (ГФР билан қўшилиб ягона давлат вужудга келиши туфайли), Польшада қисқа муддатда бозор иқтисодиётига ўтиш амалга оширилади.

Бошқа мамлакатларда ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, бозор иқтисодиётига ўтиш амалга оширилиб, бу турли муддатларни талаб этади.

Умуман олганда ўзининг ёрқинлиги, самарадорлиги, эришган ютуқлари билан жаҳон иқтисодиёти тараққиёти тарихига кирган моделлар “Америка”, “Япония”, “Германия”, “Швеция”, “Жанубий Корея”, “Хитой” модели ва бошқалар ҳисобланади.

“АҚШ модели” либерал модел сифатида характерланади. Америкача андозанинг ўзига хос хусусияти унинг тадбиркорликни ахоли орасида кенг ёйишга, оммавийликка эришишни таъминлашга

асоланганлигидадир. У жамият аъзоларидан ҳар бирининг ишбилармонлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, иқтисодий фаолиятни, хусусий манфаатдорликни ошириш учун кенг шарт шароит яратишга қаратилган.

“Японча модел” – бу иккинчи жаҳон урушида вайронага айланган мамлакат аҳолисининг қаттиқ меҳнати ҳисобига, ҳокимиятни ҳар томонлама ва сўзсиз қўллаб-қувватлаши, ватанпарварлик туйғуси асосида яратилган. Япония ҳарбий харажатлардан воз кечгач, тинчлик мақсадида барча ресурсларни тўплаш ва ишлатиш ҳамда саноатда иқтисодий потенциални ўстириш имкони яратилди. Энг аввало, ишлаб чиқариш экспортга мўлжаллаб, мослаштириб валюта ишлаб топилди, унинг эвазига хорижий мамлакатлардан, айниқса Америка ва Фарбий Европадан энг янги техника, технология, лицензия, потент, “ноу-хоу” сотиб олиниб, юқори меҳнат унумдорлигига эришилди, тадбиркорлик қўллаб қувватланди. Жаҳон бозорида хом ашё ва ёқилғининг арzonлашуви, нисбатан арzon иш кучи, катта ҳарбий харажатларнинг йўқлиги Япония экспортининг ортиб боришига олиб келди. Бу борада йирик компанияларни қўллаб-қувватлаш, мамлакатда илмий техникавий тараққиётга алоҳида аҳамият берилиши катта роль ўйнайди.

Аҳолининг табақаланиши дастлаб кучайган бўлса, мақсадга эришилгач, уларнинг эҳтиёжманд қисмига давлат ва фирмалар ёрдами кучайтирилди ва натижада умумий фаровонликка эришилди.

“Шведча модел” – унинг бошқа моделлардан фарқ қилувчи хусусияти ижтимоий йўналтирилганлиги, мулқдаги нотенгликни қисқартиришга қаратилганлигидир. Аҳолининг кам таъминланган қатлами ҳимоя қилинади. Ишсизликни камайтириш чора-тдбирлари кўрилади. Бу андозанинг шакланишида Швециянинг тарихан иқтисодий жиҳатдан юксак ривожланганлиги ва меҳнаткашлар касаба ташкилотларининг жамиятда, айниқса ишлаб чиқаришда катта ўрин тутиши алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

“Немисча модел” – бу модел ижтимоий йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Ижтимоий бозор иқтисодиётининг бош ғояси Людовиг Эрхордга (1897-1977) тегишли. У 1949-1963 йиллар давомида ГФР иқтисодиёт вазири, 1963-1966 йилларда эса федерал канцлер бўлиб ишлаган.

Дастлаб, Эрхорд индустрисаллаштириш режасини ишлаб чиқди. Унда саноат маҳсулотини 1936 йилга нисбатан 65%, 1938 йилга нисбатан эса 50-55% га кўпайтириш режалаштирилган. Бундан

ташқари пул ислоҳоти, нарх-наво ислоҳоти ўтказиш, давлатнинг иқтисодиётдаги ролини белгилаб, қай даражада аралашуви кўрсатилган.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти концепцияси мазмунан фақат иқтисодиётга тегишлигина эмас, унда балки инсоннинг эркинлиги масалалари ҳам илгари сурилган.

“Жанубий Корея модели” - бу модел шуниси билан қизиқарлики, у Жанубий Кореяни қисқа муддат ичидаги қолоқ мамлакатлар сафидан ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқди. 1962 йили иқтисодий ислоҳотлар бошланаётган пайтда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад 82 долларга тенг бўлган бўлса, 1996 йилга келиб 10,6 минг долларга етди.

Марказлаштирилган тарзда узоқ ва ўрта муддатли режалар, мақсадли дастурлар тузиш, уларда ишлаб чиқариш топшириқлари ҳамда бажариш муддатларининг белгиланиши, хўжалик юритишида бозор услубларини қўшиб олиб бериш Жанубий Кореяга қисқа муддатларда ривожланган мамлакатлар сафига қўшилиб, жаҳон цивилизациясида ўзига хос муносиб ўринни эгаллаш имконини беради.

“Хитой модели” – иқтисодиётни қайта қуриш қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдан бошланди. Қишлоқ хўжалигига халқ коммуналлари асосий хўжалик юритувчи субъект бўлиб, давлат пудрат тизими барпо қилинди. Бу иш 1984 йил охирига келиб якунланди. Оиласий пудрат деҳқон хўжалигини бир оила аъзолари ташкил этиб, фойдаланиш учун ер 15-20, баъзи жойларда 30 йилга берилган. Ерга оила ёки бир неча оила қўлидаги ўзи эгалик қилаётган техника, асбоб-ускуна ва бошқалар ёрдамида ишлов берилади. Деҳқонлар ишлаб чиқарган маҳсулотларининг бир қисмини давлатга шартнома асосида топширадилар, бир қисмини солик ўрнида, яна бир қисмини маҳаллий фондга, қолгани ўз ихтиёрига кўра юқори нархда давлатга ёки бозорда сотишлари мумкин эди.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиётига ўтишда ҳар бир мамлактнинг бошқа мамлакатлар билан ўхшашлик томонларига қараб, уларни бозор иқтисодиётига ўтишнинг у ёки бу гуруҳига киритиш мумкин. Шу билан бирга ҳар бир мамлакат ўзига хос хусусиятлар билан бошқалардан фарқ қиласа экан, ҳақли равишда ҳар бир мамлакат бозор иқтисодиётига ўтишда ўз йўлига эга, у ўз моделини яратади деб айта оламиз.

### **3. Бозор иқтисодиётининг асосий белгилари**

Бозор иқтисодиёти – товар ишлаб чиқариш, айирбошлиш ва пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир. Бундай иқтисодиёт эркин товар-пул муносабатларига асосланади, унинг негизида товар ва пулнинг турли шаклларидағи ҳаракати ётади, иқтисодий монополизмни инкор этади. Ҳозирги замон иқтисодий назарияларида бозор иқтисодиёти деганда бозор хўжалиги субъектлари иқтисодий хатти-харакатларнинг эркин, мустақил равища юз бериши ва уларнинг товар-пул механизми орқали бир-бирига боғланиб мувофиқлашуви тушинилади. Бозор иқтисодиётида бозор алоқалари бутун тизимни, унинг ҳамма босқичларини ишлаб чиқиш, айирбошлиш, тақсимлаш ва истеъмол жараёнларини ҳамда иқтисодий муносабатларининг барча субъектларини қамраб олади.

Бозор иқтисодиёти субъектлари таркибига тадбиркорлар ҳам, ўз меҳнатини сотувчилар ҳам, пировард истеъмолчилар, ссуда капитали эгалари ҳам киради. Одатда, бозор хўжалигининг барча асосий субъектлари З га бўлинади:

**1. Уй хўжаликлари** – иқтисодиётнинг истеъмочилик соҳасида фаолият қўрсатувчи асосий таркибий бирлик. Уй хўжаликлари доирасида моддий ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш соҳаларида яратилган товар ва хизматлар истеъмол қилинади. Бозор иқтисодиётида уй хўжаликлари мулкдор ва ишлаб чиқариш омилларини етказиб берувчилар ҳисобланади. Иқтисодий ресурсларни сотищдан олинган пул даромадлари шахсий эҳтиёжни қондириш учун сарфланади.

**2. Тадбиркор (корхона) лар сектори** - бу даромад (фойда) олиш мақсадида амал қилувчи иқтисодиётнинг бирламчи бўғинлардир. У иш юритиш учун ўз капиталини ёки қарз олинган капитални ишга солишини тақозо этади, бу капиталдан олинган даромад ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун сарфланади. Тадбиркорлар товар хўжалигига товар ва хизматларни етказиб беради.

**3. Давлат** – фойда олишни мақсад қилиб қўймаган асосан иқтисодиётни тартибга солиш вазифасини амалга оширадиган, ҳар хил бюджет ташкилотлари ва муассасалари сифатида намоён бўлади.

Ҳар қандай бозор иқтисодиётини тартибга солиш механизми

асосан тўртта таркибий қисмдан иборат бўлади: нарх, рақобат, талаб ва таклиф.

Баҳолар нисбати ўзгариб туради, шунинг учун баҳо, ишлаб чиқарувчи учун ишлаб чиқариш хажмининг ўзгариши зарурлигини аниқлашда йўл қўрсаткич бўлиб хизмат қиласди. Талаб ва таклиф ҳамда рақобатчилик мухитидаги ўзгаришлар, ўз навбатида, баҳолардаги ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Бозор иқтисодиётининг муҳим ва умумий белгилари қўйидагилардан иборат:

- Турли шакллардаги мулкчиликнинг мавжуд бўлиши ва тенглиги;
- Тадбиркорлик ва танлов нархлар эркинлиги;
- Рақобат курашувининг мавжудлиги;
- Давлатнинг иқтисодиётга чекланган ҳолда аралашуви;
- Бозорни харидор измига бўйсуниши;
- Корхона ва фирмаларнинг ички ҳамда ташқи шарт-шароитлар ўзгаришларга мослашувчанлиги.

Ана шу белгилар мавжуд бўлганда, бозор механизми яхши ишлай бошлайди, хақиқий рақобат вужудга келади, иқтисодиётни ўз-ўзидан тартибга соладиган, мувозанатга келтирадиган механизми вужудга келади.

Бозор иқтисодиётининг бу белгилари унинг ҳамма босқичлари учун умумийдир. Лекин бозор иқтисодиётининг мазмуни ва белгилари ҳақида гап борганда бу иқтисодиётнинг тарихда таркиб топган икки турини бир - биридан фарқ қилиш зарур. Унинг биринчи кўриниши узоқ вақт давомида шаклланди, ғарбдаги ривожланган мамлакатларда XIX - асрнинг охирларигача давом этиб келди. У иқтисодий адабиётларда классик ёки соф бозор иқтисодиёти деб ном олди. Унинг асосий белгилари: а) хусусий мулкчиликка асосланган ҳолда иқтисодий фаолият юритиш; б) капитал ва ишлаб чиқаришнинг корхона миқёсида умумлашганлиги; в) тадбиркорлар, ишчилар, ишлаб чиқарувчи ва истемолчиларнинг шахсий эркинлиги; г) тадбиркорларнинг юқори фойда олиш учун курашлари; д) иқтисодиётининг талаб ва таклиф, эркин бозор баҳоси ва рақобат курашлари асосида тартибланиши; е) аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилинмаслиги ишсизликнинг ва аҳоли ижтимоий табақалашувининг кучайиши.

Бозор иқтисодиётининг иккинчи кўриниши ҳозирги замон ривожланган аралаш иқтисодиёт деб аталиб, XIX асрнинг ва XX аср

бошларидан буён амал қиласи. Унинг асосий белгилари:

- Мулкчиликнинг турли шаклларига, яни хусусий, давлат, жамоа, аралаш ва бошқа мулк шаклларига асосланиб, иқтисодий ва тадбиркорлик фаолиятининг юритилиши;
- Капитал ва ишлаб чиқаришнинг юқори даражада умумлашганлиги, мулкнинг бир қисми монополиялар ва давлат қўлида тўпланиб, миллий ва халқаро миқёсида умумлашганлиги;
- Иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг фаол иштироки. Бунда давлат фан-техника тараққиёти ва бошқа омилларни ҳисобга олиб, турли иқтисодий тадбирларни, ривожланиш истиқболини аниқлаш, турли соҳалар ва тармоқлар ўртасидаги нисбатларни тартибга солиш чора-тадбирларини белгилаш вазифаларини бажаради;
- Хўжаликларни юритишида режа усулидан фойдаланишнинг кучайиши (бизнес режаси, маркетинг тизими орқали бошқариш);
- Ижтимоий ҳимоянинг кучайиши. Бунда турли хил давлатга, жамоалар ва хусусий кишиларга тегишли ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта фондларининг вужудга келиши.

Бу иккала турдаги бозор иқтисодиётининг асосий белгилари ва хусусиятлари сақланиб қолади, уларда товар ва пулнинг ҳаракати, уларнинг қонун-қоидалари ривожланиш учун негиз ва шарт-шароит бўлиб хизмат қиласи.

Бозор иқтисодиётида юқорида тилга олинган белги ва тартиблар билан бирга, барча ҳозирги замон иқтисодий тизимларига хос бўлган бир қатор шарт-шароитлар бўлишини тақозо қиласи. Булар қўйидагилар: илғор технология ва янги техник воситалардан кенг миқёсда фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ихтисослашиши ва ҳоказо.

#### **4. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятлари**

Бозор иқтисодиётининг афзалликлари юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқсан ҳолда уларнинг учтаси эътиборга лойиқdir. Булар:

1. Ресурсларни тақсимлашнинг самарадорлиги. Бозор тизими ресурсларни самарали тақсимлашга ёрдам беради. Унинг мазмуни шуки, рақобатли бозор тизими ресурсларни жамиятга энг зарур бўлган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга йўналтиради. У ишлаб чиқариш учун ресурсларни уйғунлаштиришнинг анча самарали усулларини ва ишлаб чиқаришга янги, анча самарали технологияни қўллашни тақозо этади. Қисқаси, бозор тизими шахсий

манфаатни шундай тартибда бошқарадики, у жамият учун мавжуд ресрслардан зарур товарларни талаб даражасига мос миқдорда ишлаб чиқариши таъминлайди.

2. Эркинлик. Бозор иқтисодиёти тизимининг муҳим афзалликларидан бири шундаки, у шахсий эркинлик ролига устуворлик беради. Кўплаб айrim шахслар ва корхоналар иқтисодий фаолиятини уйғунлаштириш ва ташкил қилиш бозор иқтисодиётининг асосий муаммолардан биридир. Бундай уйғунлаштиришни амалга оширишнинг икки усули мавжуд. Бири - марказдан бошқариш ва мажбур қилиш тадбирларини қўллаш; иккинчиси- бозор тизими воситаси орқали ихтиёрий ҳамкорлик. Фақат бозор тизими иқтисодий фаолиятни мажбур қилмасдан уйғунлаштиришга лаёқатлидир. Бозор иқтисодиёти тадбиркорлик ва танлаш эркинлигини намойиш қиласи, хусусан шу асосда у муваффақиятга эришади.

3. Бозор иқтисодиётининг яна бир афзаллиги шундаки, бунда хар бир шахс, корхона, фирма ва корпорациялар тинимсиз ҳаракатда ва изланишда бўлишади. Чунки, хўжасизлик, сусткашлик, беғамлик ҳар қандай хўжалик тизимини хонавайрон қилишга олиб келади. Жисмоний ва юридик шахслар рақобатга бардош бериш, доимий равишда фойда олишни таъминлаш учун курашади. Натижада бозор иқтисодиёти миллион-миллион кишиларни ҳаракатга солади, уларни боқимандалик кайфиятидан қутқаради.

Бозор иқтисодиётининг зиддиятлари шундаки, бозор иқтисодиёти ўзининг бош назорат механизми – рақобатнинг кучсизланишига йўл қўяди ва ҳатто буни рағбатлантиради

Бозор иқтисодиётидаги эркин муҳитда тадбиркорлар фойда кетидан қувиб ва ўз иқтисодий мавқеини яхшилашга интилиб, рақобатнинг чекланган йўлидан озод бўлишга ҳаракат қиласидилар. Фирмаларнинг қўшилиб кетиши, компанияларнинг хуфёна келишуви, шафқатсиз рақобат – буларнинг ҳаммаси рақобатнинг кучсизланиши ва унинг тартибга солувчилик таъсирининг пасайиб боришига олиб келади.

Бозор тизими рағбатлантирадиган техника тараққиёти ҳам рақобатнинг заифлашишига олиб келади. Энг яхши технология одатда: а) жуда катта миқдордаги реал капиталдан фойдаланишни; б) йирик бозорлар бўлишини; в) комплексли, марказлашган ва қатъиян бир бутун бўлиб бирлашган бозорнинг таркиб топиши; г) бой ва ишончли хом ашё манбаларини талаб қиласи. Бундай технология

бозорнинг ҳажмига нисбатан кенг миқёсдаги ҳисобланувчи ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлиши зарурлигини билдиради. Бошқача айтганда, энг янги технологияни қўллаш асосида ишлаб чиқаришнинг энг юқори самарадорлигига эришиш, кўпинча қўп миқдордаги майда фирмалар эмас, балки унча қўп бўлмаган йирик ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлишини тақозо этади.

Бозор иқтисодиётининг навбатдаги зиддияти жамият аъзолари даромадларидағи тенгсизликнинг кучайиб бориши ва ахолининг табақаланиши билан боғлиқ. Бундай иқтисодиёт ҳар қандай юксак даражада ривожланмасин, даромадлар тенгсизлигини бартараф қила олмайди, факат уни маълум даражада юмшатиши мумкин.

Бозор иқтисодиётининг умумий эътироф этилган камчиликларидан бири шундан иборатки, у ижтимоий истеъмол қилинадиган неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариб, бозорга таклиф қилишга қодир эмас. Шу сабабли жамият аъзоларини бундай неъматлар ва хизматлар билан таъминлаш давлат зиммасида бўлади.

Товарлар ҳажми билан пул массаси ўртасидаги рўй бериб турадиган номувофиқликни бартараф эта олмаслиги ҳам бозор иқтисодиётининг зиддияти ҳисобланади ва бу – пулнинг қадрсизланиши – инфляция билан бирга боради.

### **Асосий таянч тушунчалар**

**Бозор иқтисодиёти** – товар ишлаб чиқариш, айирбошлиш ва пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир.

**Бозор механизми** – бозор иқтисодиётининг амал қилинишини тартибга солишда ва иқтисодий жараёнларни уйғунлаштиришда қўлланиладиган дастак ва воситалар, яъни мурувватлар тўпламидир.

**Уй хўжаликлари** - иқтисодиётнинг истеъмолчилик соҳасида фаолият қилувчи асосий таркибий бирлик.

**Тадбиркорликнинг (корхона) сектори** - иқтисодиётнинг бирламчи ишлаб чиқариш бўғинлари.

**Давлат** - иқтисодиётни тартибга солиш мақсадида фаолият қилувчи муассасалар.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Бозор иқтисодиёти мазмуни ва асосий белгилари

нималардан иборат?

2. Классик ва ҳозирги замон бозор иқтисодиётининг умумий томонларини ва фарқларини тушунтириб беринг.

3. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятлари нималардан иборат?

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси. Т.: Ўзбекистон, 2003.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон - буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

3. Каримов И.А. Бизнинг бош мағсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/И.А.Каримов, - Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йўналишларига бағишлиланган вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

6. Каримов И.А., Энг асосий мезон – хаёт ҳақиқатни акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009, - 24 б.

7. Шодмонов Ш., Алимов Р.Ў., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002.

8. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси – Т.: Ўқитувчи, 2002.

9. Джумакулов Т.Т., Сафарова З.Т. Использование трудов И.Каримова в преподавании экономической теории и его вклад в её развитие: Учебное пособие. – Т.: Изд-во мет.лит-ры им. Абу Али ибн Сино, 2002.

10. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси иккинчи китоб: Олий ўқув юртлари талabalари учун ўқув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2003.

11. Тарасевич Л.С., Гребенников П.И., Леусский А.И. Макроэкономика: Учебник М: Юрист-Издат, 2003.

12. По, А. Самуэльсон, Вильям Д. Норд Хаус. Экономика: Пер. с англ. – М.: «Лаборатория Базовых знаний» 2000.

13. Экономическая теория: Учеб. Для студ. Высш. Учеб.

Заведений. Под. Ред. В.Д.Камаева. -7-е изд, перераб и доп. – М.: «Гуманитарное издательство цент ВЛАДОС» 2002.

14. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Москва., 1962. Стр. 332

15. Mill J.S. On the Definition of Political Economy; and on the Method of Investigation Proper to it. In: Essays on Some Unsettled Questions of Political Economy. L., p 133-137

16. Walras L. Elements of pure Economics. Translated by Jaffe W.Homewood, Richard D.Irwin, 1954. pp. 88-89.

17. Ўлмасов А., Выхобов А. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.

18. Шодмонов Ш.Ш., Фофуров У. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.

19. Слагода В.Т. Основы экономической теории: учебник. \_М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2009. – 272с.

20. Гукасян Г.М., Маховикова Г.А., Амасова В.В. Экономическая теория, 7-е изд. – СПБ.: Питер, 2010. 240с.

21. Борисов Е.Ф. Экономика: учеб. – М.: Проспект, 2009, 320с.

22. Воробьев Е.М. Экономическая теория. Курс лекций. М.: Эксмо, 2008, 272с.

23. Лачанов Ю.Н. Новая экономическая теория – новая классика: Революционный прорыв во всех представлениях ЛКИ, 2008, 104с.

24. Экономическая теория: учеб. Под. Ред. И.П.Николаевой. – 2-е изд., Перераб. И. доп. – М.: Проспект, 2009, 576с.

## **9-МАВЗУ. ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА ИНФЛЯЦИЯ**

### **РЕЖА:**

1. Пул тизими. Пул муомаласи ва унинг амал қилиш қонуниятлари.
2. Пул бозори.Пулга бўлган талаб ва пул таклифи
3. Инфляция, унинг келиб чиқиш сабаблари ва турлари
4. Инфляциянинг оқибатлари. Давлатнинг инфляцияга қарши тадбирлари.
5. Ўзбекистонда миллий валюта барқарорлигини таъминлаш.

#### **1. Пул тизими. Пул муомаласи ва унинг амал қилиш қонуниятлари**

**Пул тизими**-бу мамлакатда мавжуд пул бирлиги муомаласининг ташкил қилиш тартиби, усуллари ва унга хизмат қилувчи кредит муассасаларидир.

##### **Пул тизимининг таркибий қисмлари.**

- Пул бирлиги (доллар, марка, йен, рубл, сўм ва ҳ.к.)
- Пул турлари (банк билетлари, танга, чақалар).
- Пул эмиссия қилиш таркиби.
- Муомаладаги пул массасини тартибга солувчи давлат муассасалари.
- Нақд пулсиз ҳисоб-китобни амалга ошириш тартиби.
- Миллий валютани чет эл валютасига алмаштириш тартиби

*Пул муомаласи - бу товарлар айланишига ҳамда нотовар характеристидаги тўловлар ва ҳисобларга хизмат қилувчи нақд пуллар ва унга тенглаштирилган активларнинг ҳаракатидир.* Нақд пул муомаласига банк билетлари ва металл тангалар (пул белгилари) хизмат қиласди. Нақд пулсиз ҳисоблар чеклар, кредит карточкалари, векселлар, аккредитивлар, тўлов талабномалари кабилар ёрдамида амалга оширилади. Уларнинг ҳаммаси пул агрегати деб юритилади. Муомалада мавжуд бўлган пул массаси уларни қўшиш йўли билан аниқланади.

Пул муомаласи ўзига хос қонунларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Унинг қонунларидан энг муҳими муомала учун зарур бўлган пул микдорини аниқлаш ва шунга мувофиқ муомалага пул чиқаришдир.

Муомалани таъминлаш учун зарур бўлган пул миқдори қуидагиларга боғлиқ.

I. Муайян даврда, айтайлик бир йил давомида сотилиши лозим бўлган товарлар суммасига. Товарлар қанча кўп бўлса ва нархи баланд бўлса, уларни сотиш ва сотиб олиш учун шунча кўп пул бирлиги талаб қилинади.

II. Пул бирлигининг айланиш тезлигига.

Пул бир хил бўлмаган тезлик билан айланади. Бу кўп омилларга, жумладан улар хизмат қилаётган товарлар турига боғлиқ.

III. Муомала учун зарур бўлган пул миқдори пулдан тўлов воситаси сифатида фойдаланишга ҳам боғлиқ. Кўпинча товарлар қарзга сотилади ва уларнинг ҳақи келишувга мувофиқ кейинги даврларда тўланади. Демак, зарур пул миқдори шунга мувофиқ миқдорда камаяди. Иккинчи томондан, бу даврда илгари кредитга сотилган товарлар ҳақини тўлаш вақти бошланади. Бу пулга эҳтиёжни кўпайтиради.

Мазкур ҳолатларни ҳисобга олганда, муомала учун зарур бўлган пул миқдори қуидаги формула бўйича аниқланади.

$$\Pi_m = \frac{T_b - X_k + X_T}{A_T}; \text{бунда},$$

$\Pi_m$  - муайян даврда муомала учун зарур бўлган пул бирлиги миқдори;

$T_b$  - сотилиши лозим бўлган товарлар нархи суммаси;

$X_k$  - ҳақи сотиш давридан бошқа вақтда тўланадиган товарлар нархи суммаси;

$X_T$  - ҳақини тўлаш муддати келган товарлар нархи суммаси;

$A_T$  - пулнинг айланиш тезлиги.

Пул муомаласини аниқлашнинг хозирги замон ёндашуви «А. Фишернинг айрибошлаш тенгламасига» асосланади.

$QP=MV$

Q-айрибошланадиган товарлар миқдори

P-товарлар нархи

M-муомала учун зарур бўлган пул миқдори

V-пулнинг айланиш тезлиги

*Иқтисодий фондда пул муомаласи тўгрисида бир қатор назариялар мавжуд. Уларни асосийлари қуидагилар:*

**Классик назария**

Муомала учун зарур пул миқдори сотишга чиқариладиган товарларнинг қиймат миқдори ва уларнинг олтин асосига тенг келиши Қоясини илгари суради

### **Миқдорийлик назарияси**

Бу назарияга кўра муомаладаги пул миқдорининг ўзгариши товарлар нархининг ўзгаришига олиб келади ва бу ўз навбатида пулнинг сотиб олиш лаёқатини ўзгартиради

### **И.Фишер ёндашуви**

Бунда Фишер тенгламаси ( $Q \cdot P = M \cdot V$ ) нархлар пул массасига тўғри мутаносиблиқда, пулнинг қадр-қиймати эса унинг миқдорига тескари мутаносиблиқда боғлиқ бўлиниши кўрсатади.

**Кембридж мактаби (А.Маршалл, А.Пигу, Д.Робинсон) ёндашуви**

Пулга талаб ва унинг таклифи ўртасидаги мувозанатлик шартларини характерлайди яъни  $M = K \cdot P \cdot Y$ , бу ерда

- М-пул массаси
- К-маршалл коэффициенти (номинал даромадларнинг нақд пул шаклида сақланаётган қисми)
- Р-нархларнинг умумий даражаси
- Y-жамиятнинг реал даромади
- Р·Y-номинал даромад.

## **2. Пул бозори. Пулга бўлган талаб ва пул таклифи**

**Пул бозори** -молиявий бозорнинг таркибий қисми бўлиб, унда пул ва унга тенглаштирилган молиявий активлар ҳаракати уларга бўлган талаб ва таклиф таъсирида уйғунлаштирилади.

### **Пул бозори турлари**

- Давлат қисқа муддатли облигациялари (ДҚМО) бозори.
- Кредит ресурслари бозори.
- Банклараро депозитлар бозори.

Миллий иқтисодиётда давлатнинг, тижорат банклари ва бошқа молиявий муассасаларнинг мажбуриятлари пул сифатида фойдаланади.

Пул операцияларининг асосий кўпчилик қисми нақд пулсиз, чеклар ва унга тенглаштирилган молиявий активлар ёрдамида амалга оширилади. Шу сабабли муомалада бўлган пул миқдорини ҳисоблаш учун  $M_1 \dots M_n$  пул агрегатлари ёки таркибий қисми тушунчасидан

фойдаланилади.

Бизнинг республикамида умумий пул миқдори қуидаги (таркиб)лар асосида ҳисобланади:

$M_0$  - нақд пуллар;

$M_1 = M_0 +$  тегишли ҳисоб варақаларидағи пул қолдиқлари, маҳаллий бюджетлар маблағлари, бюджет, жамоа ва бошқа ташкилот маблағлари;

$M_2 = M_1 +$  халқ (жамғарма) банкларидағи муддат омонатлар;

$M_3 = M_2 +$  чиқарилаётган сертификатлар + аниқ мақсадли заём облигациялари + давлат заём облигациялари + хазина мажбуриятлари.

Барча пул агрегатлари йиғиндиси ялпи пул массаси ёки ялпи пул таклифини ташкил қиласы.

Пулнинг таркибий қисмларида нақд пуллар – металл ва қоғоз пуллардан иборат бўлади. Нақд пуллар бозор иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатларда умумий пул массасининг 5-7 фоизни, бозор иқтисодиётига ўтаётган мустақил ҳамдўстлик давлатларида 30–35% ни ташкил қиласы.


Пулга талаб – бу битимлар учун ( $\Pi_t$ ) ва активлар томонидан пулга талаб ( $\Pi_a$ ) ни ўз ичига олади.

Аҳоли ўзларининг ҳисобларига навбатдаги пул оқими келиб тушгунча, кундалик эҳтиёжлари учун қўлларида етарли пулга эга бўлиши зарур. Корхоналарга иш хақи тўлаш, материал, ёқилғи сотиб олиш ва шу кабилар учун пул керак бўлади. Шу барча мақсадлар учун зарур бўлган пул битим учун пулга талаб дейилади. Битим учун зарур бўлган пул миқдори номинал ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ҳажми билан аниқланади, яъни у номинал ЯММ га мутаносиб равишда ўзгаради. Аҳоли ва корхоналарга икки ҳолда битим учун кўпроқ пул талаб қилинади: нархлар ўсганда ва ишлаб чиқариш ҳажми кўпайганда.

Кишилар ўзларининг молиявий активларини ҳар хил шаклларда, масалан, корпорация акциялари, хусусий ёки давлат облигациялари шаклида ушлаб туриши мумкин. Демак, активлар томонидан пулга талаб ҳам мавжуд бўлади.

Активлар томонидан пулга талаб фоиз ставкасига тескари мутаносиблиқда ўзгаради. Фоиз ставкаси паст бўлса, кишилар кўпроқ миқдордаги нақд пулга эгалик қилишни афзал кўради. Аксинча, фоиз юқори бўлганда пулни ушлаб туриш фойдасиз ва активлар шаклидаги пул миқдори кўпаяди. Шундай қилиб, пулга бўлган умумий талаб,

активлар томонидан пулга бўлган талаб ва битим учун пулга бўлган талабнинг миқдори билан аниқланади.



- а) Битим учун    б) Инвестициялар учун    в) Пулга бўлган  
пулга талаб                      пулга талаб                      умумий талаб

### 3. Инфляция, унинг келиб чиқиши сабаблари ва турлари

Инфляция макроиктисодий бекарорликнинг кўринишларидан бири ҳисобланади.

Инфляция (лотинча·inflatio·шиширилган) тушунчаси биринчи марта шимолий Америкада 1861-1865 йиллардаги фуқаролар уруши даврида ишлатилган ва муомаладаги қоғоз пулларнинг кўпайиб кетишини англатган.

**Инфляция-** бу пул айланиш каналларининг ортиқча пул массаси билан тўлиб кетиши оқибатида нархлар ўртача (умумий) даражасининг кўтарилиб боришини ва натижада миллий пул бирлигининг қадрсизланиши англатади.

**Дефляция** – инфляцияга қарама-қарши жараённи, яъни нархларнинг умумий даражасининг пасайиб боришини билдиради.

Иктисодий адабиётларда бу тушунчалар XIX асрда, биринчи жаҳон урушидан кейин кенг қўлланила бошлаган.

#### Инфляция қўйидагиларда намоён бўлади:

- товар (хизмат)ларнинг мавжуд таклифига нисбатан муомаладаги нақд пуллар ёки молиявий активлар ҳажмининг ҳаддан ташқари ортиб кетишида.

- пулнинг сотиб олиш лаёқатининг пасайиб боришида.

- нархларнинг узок муддатли умумий ўсишида.

Инфляция – бу қоғоз пул бирлигининг қадрсизланиши ва шунга

мос равища товар нархларининг ўсишидир.

Муомалада бўлган пул бирлиги миқдорининг товарлар нархи суммасидан ошиб кетиши ва бунинг натижасида товарлар билан таъминланмаган пулнинг пайдо бўлиши пулнинг қадрсизланиши, яъни инфляцияни билдиради.

Инфляция бозор хўжалигининг ҳар хил соҳаларида такрор ишлаб чиқариш номутаносибликлари туғдирадиган мураккаб ижтимоий-иктисодий ҳодисадир.

Қоғоз пул товарларга, олтинга ва ўз қадрини, барқарорлигини сақлаб қолган чет эл валюталарига нисбатан қадрсизланади.

Инфляция нарх индекси ёрдамида базис даврга нисбатан аниқланади.

Нарх индекси – бу жорий даврдаги нархларининг (Рж) базис даврдаги нархларга (Рб) нисбатидир.

$$Pi = \frac{P_{\text{ж}} - P_{\text{б}}}{P_{\text{б}}} \cdot 100$$

Масалан, истеъмолчилик товарларига нарх индекси 2000 йил 113,6; 2008 йил - 118,3 га teng булса, инфляция суръати қуидагича бўлади.

$$\text{Инфляция суръати} = \frac{118,3 - 113,6}{113,6} * 100 = 4,1\%$$

Иктисодий фонда ва амалий ҳаётда турли хил нарх индексларидан фойдаланилади.

### ***Нарх индексиниг асосий турлари қуидагилар:***

#### ***Истеъмол товарлари нарх индекси***

Истеъмол саватига кирган товарларнинг жорий ва базис даврдаги нархларини таққослаш йўли билан аниқланади.

#### ***Улгуржи нархлар индекси***

Корхоналар томонидан анъанавий равища сотиб олинадиган инвестицион товарлар тўплами нархлар бўйича аниқланади

#### ***ЯММ (ЯИМ) дефлятори индекси***

Номинал ва реал ЯММ (ЯИМ) ҳажмининг икки даврдаги нисбатлари билан аниқланади

#### ***Экспорт ва импорт товарлар нархи индекси***

Асосий экспорт ва импорт товарлари нархларининг ўзгаришини акс эттиради.

#### ***Нарх индекслари***

**Ласпейрес индекси.** Унда ўзгармайдиган товарлар тўплами учун нархларнинг ўсиш суръати аниқланади.

бунда  $I_p = (P_t \times Q_t) / (P_b \times Q_b)$

$P_t$  – жорий йилдаги нархлар

$P_b$  – базис даврдаги нархлар

$Q_t$  ва  $Q_b$  – жорий ва базис даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми

Камчилиги: анча қиммат товарларни арzonроқ товарлар билан алмаштириш имкониятини ҳисобга олмайди.

**Пааше индекси.** Унда нархлар индекси товарларнинг бирбирининг ўрнини босиш имкониятини ҳисобга олиб аниқланади.

$I_p = (P_t \times Q_t) / (P_b \times Q_t)$

Камчилиги: фаровонлик даражасининг пасайишида рўй берадиган ўзгаришларни акс эттиrmайди

**Фишер индекси.**  $I_f = I_{ix} I_p$  Унда юқоридаги ҳар иккала формуланинг камчиликлари бартараф қилинади.

Бир қатор макроиқтисодий кўrsatкичларни ҳисоблашда инфляция суръати кўrsatкичидан фойдаланилади.

**Инфляция суръати кўrsatкичи;**

$\cdot n = (I_t - I_{t-1}) \times 100$

бу ерда,  $I_t$  – базис даврдаги нарх индекси;  $I_{t-1}$  – базис ва жорий даврлардаги нарх индексидаги фарқ.

**Инфляциянинг келиб чиқиши сабаблари.**

- Марказий банкнинг пул массасини кўпайтиришга қаратилган сиёсати;

- давлат бюджети харажатларининг даромадларидан ошиб кетиши;

- иқтисодиётнинг миллийлаштирилиши;

- бозорнинг ҳолати, унда ракобат механизмининг амал қилиш даражаси;

- давлатнинг оширилган солиқ солишга қаратилган сиёсати;

- ишлаб чиқариш харажатларининг ортиб бориши (маҳсулот бирлигига);

- талабнинг нисбатан ортиқчалиги;

- иқтисодиётнинг «очиқлиги» даражаси

Инфляцияни туркумлашга бир қатор мезонлар асос қилиб олинади.

**I.** Келиб чиқиши сабабларига кўра куйидаги турларга ажратилади:

1. Талаб инфляцияси. Нарх даражасининг анъанавий ўзгариши жами талаб ортиқчалиги билан тушунтирилади. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳаси маҳсулотнинг реал ҳажмини кўпайтириб ортиқча талабни қондира олмайди. Чунки барча мавжуд ресурслар тўлиқ фойдаланилган бўлади. Шу сабабли бу ортиқча талаб нархнинг ошишига олиб келади ва талаб инфляциясини келтириб чиқаради.

2. Таклиф инфляцияси. Инфляция ишлаб чиқариш харажатлари ва бозордаги таклифнинг ўзгариши натижасида ҳам келиб чиқиши мумкин. Ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши келтириб чиқадиган инфляция, маҳсулот бирлигига қилинадиган харажатларнинг кўпайиши ҳисобига нархларнинг ошишини билдиради.

Маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларининг ортиши иқтисодиётда фойдани ва маҳсулот ҳажмини қисқартиради. Натижада товарлар таклифи ҳам қисқаради. Бу ўз навбатида нарх даражасини оширади. Ишлаб чиқариш харажатлари номинал иш ҳақи, хом ашё ва энергия нархларнинг ўсиши ҳисобига ортиб боради.

**II.** Нархларнинг ўсиш суръатларига кўра инфляциянинг а) меъёридаги; б) ўрмалаб борувчи в) гипер инфляция каби турлари ажратилади. Инфляциянинг биринчи турида баҳолар йилига 10 фоизгача, иккинчисида 20 дан 200 фоизгача, учинчисида, астрономик миқдорда ўсиши қузатилади.

**III.** Башорат қилиш мумкинлигига қараб кутилаётган ва кутилмаган инфляция фарқланади. Кутилаётган инфляция ва унинг оқибатларини олдиндан башорат қилиш мумкин, кутилмаган инфляцияни олдиндан айтиб бўлмайди. Биринчи ҳолда инфляциянинг кутилаётган салбий оқибатларига тайёрланиб уни сезиларли даражада юмшатиш мумкин. Иккинчи ҳолда нархларнинг кутилмаган ўсиши натижасида мамлакат иқтисодий аҳволининг сезиларли ёмонлашуви рўй бериши мумкин.

#### **IV. Намоён бўлиш даражасига кўра**

- ошкора инфляция
- яширин инфляция

#### **V. Қамров доираси бўйича**

- бир мамлакат миқёсидаги инфляция;
- жаҳон хўжалиги доирасидаги инфляция

#### **VI. Асосий кўпчилик товарларга нархларнинг ўсиш суръатидаги фарқларга кўра**

- мувозанатлашган (баланслашган) инфляция

- мувозанатлашмаган (баланслашмаган) инфляция.

**Пигу эффицити.** Бу инглиз иқтисодчиси Артур Пигу (1877-1959й) номи билан боғлиқ, Унга кўра меъёрида амал қиладиган бозор иқтисодиёти шароитида инфляциянинг кутилиши аҳоли томонидан нархларнинг ўсишига қисқа вақтда рўй берадиган ҳолат деб қаралишига ва оқибатда нархлар пасайгунча уларнинг пул сарфларининг камайишига сабаб бўлади. Бу ўз навбатида талабни камайтиради ва охири оқибатида нархлар пасайиши кузатилади.

#### **4. Инфляциянинг оқибатлари. Давлатнинг инфляцияга қарши тадбирлари**

**Инфляция бир қатор иқтисодий ва ижтимоий оқибатларга эга.**

**Уларнинг асосийлари қўйидагилар:**

- Аҳолининг ўртача турмуш даражаси пасаяди.
- Қайд қилинган (доимий) даромад олувчилар реал даромади камаяди.
- Пул жамғармалари қадрсизланади ва пулга тенглаштирилган молиявий активлар реал қиймати пасаяди.
- Иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўртасидаги номутаносиблик кучаяди.
- Инвестицион товарлар ва узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар иқтисодий ахволи оғирлашади.
- Инвестициялар фоизининг реал ставкаси ва фоизли даромадлар камаяди.
- Бўш пул маблағларининг ишлаб чиқариш соҳасидан муомала соҳасига оқими кучаяди.
- Бюджет даромадлари қадрсизланади ва бюджет тақиқчиллиги кучаяди.
- Давлатнинг ички ва ташқи қарзлари миқдори ўсиб боради.
- Бартер айирбошлаш ўз ўрнига эга бўлади.

Инфляция шаротида ҳам унинг оқибатларидан аҳолининг айrim қатламлари ва иқтисодий муносабатларининг айrim иштирокчилари наф кўриши ҳам мумкин.

**Инфляциядан ютқазмайдиган ёки ундан наф кўрадиган қатламлар.**

- товарлар, хом-ашё, фонд биржасида ва валюта бозорларида воситачилик қилувчилар.

- қарз олган жисмоний ва ҳуқуқий шахслар.

- пулни ўз вақтида кўчмас мулк, қимматбаҳо ва ноёб буюмлар ҳамда барқарор чет эл валюталарига алмаштирганлар.

- давлат тузилмасида ва бозорда монопол мавқега эга бўлганлар.

- кундалик зарурий истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчлар.

**Давлатнинг инфляцияга қарши сиёсати**, инфляциянинг ижтимоий-иктисодий оқибатларини юмшатиш, яъни инфляция устидан назорат ўрнатиш ва нархлар ўсишини нисбатан паст даражада ушлаб туришга қаратилади. Бу ўз ифодасини инфляцияни жиловлашга қаратилган чора-тадбирларда топади. Мазкур чора-тадбирлар узок муддатли, қисқа даврли ёки мажбурий тартибдаги тавсифга эга бўлиши мумкин.

**Давлатнинг инфляцияни жиловлашга қаратилган узок муддатли (стратегик) чора-тадбирлари қуйидагилар:**

I. Ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилган тадбирлар.

- фойдага имтиёзли солиқлар белгилаш;
- ишлаб чиқариш мақсадларига имтиёзли кредитлар бериш;
- янги иш бошлаган корхоналарга субсидиялар бериш;
- ташқи савдо (экспорт-импорт)га имтиёзлар бериш;
- самарали антимонопол тадбирларни амалга ошириш

II. Бюджет тақчиллигини камайтиришга қаратилган тадбирлар.

- бюджет даромадларини кўпайтириш (солиқ базасини кенгайтириш орқали);

- бюджет харажатларини камайтириб бориши.

- инвестицион жараёнларга давлатнинг аралашувини нисбатан чеклаш, асосланмаган субсидия ҳам дотацияларни камайтириш ва ҳ.к.

- фан техника тараққиётини, иқтисодиётдаги ижобий таркибий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш.

III. Пул массасини тартибга солишга қаратилган тадбирлар.

- пул даромадларининг ўсишини чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш;
- пул эмиссиясини чеклаш;
- давлат кредитларини қатъий чегаралаш;
- банклараро кредит ресурсларининг аукционларини кенгайтириш;

- давлатнинг олтин ва валюта захираларини кўпайтириш;

- корхоналарни хусусийлаштириш жараёнини кенгайтириш ва ҳ.к.

**IV. Ташқи омилларнинг таъсирини камайтиришга қаратилган тадбирлар.**

• Бу тадбирлар чет эл капиталлари, қисқа муддатли кредитлари ва қарзларига инфляциянинг таъсирини камайтиришга қаратилади

**Давлатнинг инфляцияни жиловлашга қаратилган қисқа муддатли тадбирлари сифатида қўйдагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:**

- қўшимча турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатувчи корхоналарга имтиёзлар бериш;
- истеъмол товарлари импортини кенгайтириш;
- янги хусусий корхоналар акцияларини сотишини рағбатлантириш;
- муддатли омонатларга юқори фоиз ставкаларини белгилаш;
- ички бозор рақобатбардош бўлган шароитда миллий валюта курсини ошириш;
- давлат олтин ва валюта заҳираларидан қисман инфляцияни жиловлашда фойдаланиш.

**Давлат томонидан: Сурункали гиперинфляция шароитида инфляцияни юмшатишга қарата қўлланиладиган мажбурий тадбир – бу пул ислоҳатларини ўтказиш ҳисобланади.**

### **Пул ислоҳатларининг турлари**

#### **Нуллификация**

Инфляция суръати жуда юқори даражада бўлганда қўлланилиб, бунда қадрсизланган пул ўрнига муомалага янги пул бирликлари чиқарилади.

Бу тадбир 1797 йилда Францияда қўлланилиб, муомалага қоҚоз пуллар ўрнига реал пуллар, яъни қимматбаҳо металлардан ишланган тангалар чиқарилган.

#### **Девальвация**

Бунда экспортни рағбатлантириш, импортни чеклаш ва тўлов мувозанатини яхшилаш мақсадида нисбий валюта курси расмий равишда пасайтирилади.

Масалан, 1986 йил АЖШда долларнинг Япония иенига нисбатан курси 2 баробар пасайтирилган.

#### **Деноминация**

Бунда эски пул бирликлари маълум бир нисбатда янги пул бирликлари билан алмаштирилади. Диноминация 1961 йил собиқ СССРда (10:1 нисбатда), 1994 йил Ўзбекистонда (сўм-купонга 1000:1 нисбатда) ва 1998 йил Россияда (1000:1 нисбатда) қўлланилган.

## **5. Ўзбекистонда миллий валюта барқарорлигини таъминлаш**

Республикада миллий валютани мустаҳкамлаш ишида сўмнинг харид қувватини ошириб бориш ва унинг барқарорлигини таъминлаш асосий вазифа ҳисобланади. Бунга бозорни рақобатдош маҳсулотлар билан тўлдириш ва зарур эҳтиёжлар ҳосил қилиш орқали эришилади. Бозорни истеъмол моллари билан тўлдиришда миллий ишлаб чиқаришни имкони борича кенгайтириб бориш, ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки шу орқали истеъмол моллари сотишининг умумий ҳажмида миллий маҳсулотлар ҳиссаси ошириб борилади. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, миллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали сўмнинг барқарорлигини таъминлаш четдан маҳсулот келтиришни инкор қилмайди. Аҳолини сифатли чет эл моллари билан таъминлаш мақсадида импорт ҳам рағбатлантириб борилади.

Сўмнинг барқарор амал қилиши, унинг ҳар қандай валютага эркин алмашилиши етарли валюта захираси бўлишига боғлиқ. Унга эришишда корхоналар ва барча субъектларнинг, жаҳон бозорига рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқариши учун зарур бўлган рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш алоҳида аҳамиятга эга.

Сўмнинг барқарорлигини таъминлашда ундан эҳтиёткорона ва тежаб тергаб фойдаланиш, ишлаб чиқаришга сарфланган маблағларнинг энг кўп самара беришига, олинган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишига эришиш муҳим ўрин тутади.

Инфляцияга қарши аниқ ўйланган сиёsat ўтказиш миллий валютани мустаҳкамланишининг муҳим шартларидан биридир. Бу сиёsat энг аввало инфляция даражасини кескин камайтиришга қаратилиши лозим. Бунда пулнинг қадрсизланиш даражаси устидан катъий назорат ўрнатиш ҳамда унга қарши самарали тадбирлар қўллаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шу орқали пулнинг қадрсизланишда мақбул суръатни танлашга эришилади.

Инфляцияга қарши сиёsat негизини пул миқдорининг ўсишини товарлар ва хизматлар миқдорининг тегишли даражада ўсиши билан боғлаб олиб боришига қаратилган тадбирлар ташкил қилиш зарур. Чунки харид қилиш учун моллар етарли бўлмаган холда аҳоли қўлида пулнинг ортиқча кўпайиб кетиши инфляциянинг янада авж

олиб кетишига сабаб бўлади. Пул миқдори билан бирга нархларнинг ҳам тобора ўсиб бориши муқаррар равишда, узоқ давом этадиган гипер инфляцияни келтириб чиқаради. Бу ўз навбатида, миллий ишлаб чиқаришнинг издан чиқиши, аҳоли кенг табақаларининг қашшоқлашиши ва бутун ижтимоий тизимнинг барбод бўлиши хавфини туғдиради.

Товарлар тақчиллиги мавжуд бўлиб турган шаротида геперинфляцияни олдини олиш учун аҳоли истеъмол сарфларининг ўсишини ишлаб чиқариладиган маҳсулот, кўрсатиладиган хизматнинг моддий ҳажми кўпайишига бевосита боғлиқ қилиб қўйиш зарур бўлади. Ички бозорни моллар ва хизматлар билан тўлдириш, муомалага ўринсиз ортиқча пул чиқарилишига йул қўймаслик, миллий валюта барқарорлигини таъминлаш ва халқ турмуш даражасини ўстиришнинг муҳим шартидир.

Сўмнинг барқарорлигини таъминлашда нақд пул эмиссиясининг ўсишига, аҳоли қўлида пулнинг ҳаракатсиз туриб қолишига йўл қўймаслик биринчи даражали аҳамиятга эга. Бунда муомалага чиқарилган пул миқдорининг ўз вақтида қайтарилишига эришиши, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсишини таъминламаган корхоналарга кредитлар берилишига йўл қўймаслик чоралари қўрилиши керак.

Бошқача айтганда қаттиқ пул-кредит сиёсатини амалга ошириш кўзда тутилади. Республикаизда кейинги йилларда пухта ўйланган пул-кредит сиёсатини изчил олиб бориш туфайли инфляция кўзда тутилган прогноз кўрсаткичлар чегарасида сақланиб қолинмоқда. Жумладан, 2008 йилдан унинг даражаси 7,8 фоизни ташкил қилган. 2009 йилда инфляциянинг ўсиш кўрсаткичини 7,9 фоиз даражасида сақлаб туриш мўлжалланмоқда.<sup>1</sup>

Инфляцияни пасайтирувчи қудратли омил миллий валюта алмашув курсининг барқарорлашувига эришишdir. Бу ўз навбатида импорт нархларнинг барқарорлашувига олиб келадики, натижада ички бозордаги нархлар ўзгаради.

Валюта биржаларида валюта операцияларининг барча турлари учун талаб ва таклиф натижасида шаклланадиган ягона алмашув курсини белгилаш, валюта курси барқарорлигига эришишнинг дастлабки шартидир.

Миллий валюта курси барқарорлигини таъминлашнинг навбатдаги шарти даслабки босқичда валютани нақд пулсиз

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизорзи, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/И.А.Каримов, - Т.: Ўзбекистон, 2009. – 16 б.

алмаштириш ҳажмини кўпайтиришга устунлик беришdir. Истиқболда эса бу соҳадаги сиёsat банклараро валюта биржасидаги оборот микдорини корхона ва фуқаролар ўз пулини хоҳлаган микдорда хоҳлаган валютага эркин алмаштириш имкониятини берадиган даражага етказишга қаратилади. Бунга эришишда миллий ишлаб чиқаришда экспорт улушкини кенгайтириш билан бирга Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек «... миллий валютамизнинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувини, яъни конвертациясини таъминлаш учун барча зарурӣ шарт-шароитларни яратиш»<sup>1</sup> алоҳида аҳамиятга эга. Бу шароит яратилиши натижасида эркин алмашув амалга ошмокда.

Шундай қилиб, юқорида қараб чиқилган чора ва тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши миллий валютамиз алмашув курсининг барқарорлашувига, унинг харид қилиш қувватининг ошишига ижобий таъсир қўрсатди.

## **Асосий таянч тушунчалар**

**Пул муомаласи** – товарлар айланишига ҳамда нотовар характеристидаги тўловлар ва ҳисобларга хизмат қилувчи нақд пуллар ва унга tengлаштирилган молиявий активларнинг ҳаракати.

**Пул тизими** – тарихан таркиб топган ва миллий қонунчилик билан мустаҳкамланган, мамлакатда пул муомаласини ташкил қилиш шакли.

**Инфляция** – қоғоз пул бирлигининг қадрсизланиши.

**Кредит** – бўш турган пул маблағларини ссуда фонди шаклида тўплаш ва уларни такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун қарзга бериш.

**Фоиз нормаси (ставкаси)** – фоиз ёки фоизли даромаднинг қарзга берилган пул суммасига нисбатининг фоизда ифодаланиши.

**Банклар** – кредит муносабатларига хизмат қилиб, кредит тизимининг негизини ташкил қилувчи маҳсус муассасалар.

**Банк операциялари** – маблағларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш бўйича амалга ошириладиган операциялар.

**Банк фойдаси (маржа)** – олинган ва тўланган фоиз суммалари ўртасидаги фарқ.

**Банк фойда нормаси** – банк соф фойдасининг унинг ўз

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 18-бет.

капиталига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

### **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Пул муомаласининг мазмунини тушунтиринг.
2. Муомала учун зарур бўлган пул миқдори қандай омилларга боғлиқ?
3. Инфляциянинг мазмунини ва турларини тушунтиринг.
4. Катта гиперинфляция қандай қилиб турғунликка олиб келиши мумкинлигини тушунтиринг.
5. Кредитни нима зарур қилиб қўяди? Кредит тушунчасининг мазмунини баён қилинг.
6. Кредитнинг асосий турларини санаб кўрсатинг ва уларнинг тавсифини беринг. Кредит қандай вазифаларни бажаради?
7. Марказий ва тижорат банкларининг вазифаларини кўрсатинг.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон республикасининг конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/И.А.Каримов, - Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчили давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йўналишларига бағишлиланган вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъruzаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
6. Каримов И.А., Энг асосий мезон – хаёт ҳақиқатни акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009, - 24 б.
7. Шодмонов Ш., Алимов Р.Ў., Жўраев Т.Т. Иктисолиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002.
8. Тожибоева Д. Иктисолиёт назарияси – Т.: Ўқитувчи, 2002.

9. Джумақулов Т.Т., Сафарова З.Т. Использование трудов И.Каримова в преподавании экономической теории и его вклад в её развитие: Учебное пособие. – Т.: Изд-во мет.лит-ры им. Абу Али ибн Сино, 2002.
10. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси иккинчи китоб: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2003.
11. Тарасевич Л.С., Гребенников П.И., Леусский А.И. Макроэкономика: Учебник М: Юрист-Издат, 2003.
12. По, А. Самуэльсон, Вильям Д. Норд Хаус. Экономика: Пер. с англ. – М.: «Лаборатория Базовых знаний» 2000.
13. Экономическая теория: Учеб. Для студ. Высш. Учеб. Заведений. Под. Ред. В.Д.Камаева. -7-е изд, перераб и доп. – М.: «Гуманитарное издательство цент ВЛАДОС» 2002.
14. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Москва., 1962. Стр. 332
15. Mill J.S. On the Definition of Political Economy; and on the Method of Investigation Proper to it. In: Essays on Some Unsettled Questions of Political Economy. L., p 133-137
16. Walras L. Elements of pure Economics. Translated by Jaffé W.Homewood, Richard D.Irwin, 1954. pp. 88-89.
17. Ўлмасов А., Вохобов А. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.
18. Шодмонов Ш.Ш., Фофуров У. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: Т.: “Шарқ” 2006.
19. Слагода В.Т. Основы экономической теории: учебник. \_М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2009. – 272с.
20. Гукасян Г.М., Маховикова Г.А., Амасова В.В. Экономическая теория, 7-е изд. – СПБ.: Питер, 2010. 240с.
21. Борисов Е.Ф. Экономика: учеб. – М.: Проспект, 2009, 320с.
22. Воробьев Е.М. Экономическая теория. Курс лекций. М.: Эксмо, 2008, 272с.
23. Лачанов Ю.Н. Новая экономическая теория – новая классика: Революционный прорыв во всех представлениях ЛКИ, 2008, 104с.
24. Экономическая теория: учеб. Под. Ред. И.П.Николаевой. – 2-е изд., Перераб. И. доп. – М.: Проспект, 2009, 576с.

## **10 – МАВЗУ: ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ ВА КРЕДИТ ТИЗИМИ**

### **РЕЖА:**

1. Молиянинг моҳияти ва вазифалари. Молия тизими.
2. Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари. Солиқ тизими ва унинг вазифалари.
3. Давлатнинг фискал сиёсати ва унинг турлари.
4. Ўзбекистонда бюджет ва солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари.
5. Кредитнинг моҳияти, вазифалари ва манбалари.
6. Кредит турлари ва тамойиллари. Фоиз ва унга таъсир этувчи омиллар.
7. Кредит ва банк тизими. Пул мультипликатори.
8. Марказий банк ва унинг асосий вазифалари.

### **1. Молиянинг моҳияти ва вазифалари. Молия тизими**

Молия ва молиявий муносабатларнинг вужудга келиш тарихи инсоният тарихининг таркибий қисми бўлиб, минг йиллар аввал пайдо бўлган. Қадимги Бобил давлатида амал қилган Хамурап қонунлари ёки Қадимги Хиндистоннинг Ману қонунлари, Хитой, Юнонистон ёки Турон, Рим империяси қонунлари, барибир уларнинг барчасида бож-хирож, солиқлар тўплаш, давлат хазинаси ҳисоб-китоби каби масалалар ўз аксини топган. Уларда жамият ҳаётида мустаҳкам ўрин тутган пул ҳисоб-китоби билан боғлиқ молиявий муносабатларга катта аҳамият берилган. Чунки молия соҳасида, солиқ-бож соҳасида тўғри сиёsat юритилиши жамият тараққиётининг муҳим шарти бўлган.

Соҳибқирон Амир Темур ўз тузукларида: “Амр этдимки, раиятдан мол-хирож йигишда уларни оғир аҳволга солишдан ёш мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади” дея солиқларнинг, молиянинг давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга”лигини таъкидлаб ўтган.

Шундай қилиб, узоқ ўтмишда ва ҳозирда ҳам, харқандай мамлакатда, молиявий муносабатлар кўп қиррали бўлиб, иқтисодий муносабатларнинг муҳим соҳасини ташкил қиласди. Чунки иқтисодий

субъектлар ўртасида юзага келувчи пул муносабатлари бозор иқтисодиётининг зарур элементи ҳисобланади. Бу муносабатлар тизимида молия муносабатларининг таг-тизими алоҳида ўрин эгаллади.

**Молия** – бу марказлашган ва номарказлашган пул фондлари воситасида иқтисодий субъектлар пул даромадларини ташкил этиш, тақсимлаш ва фойдаланиш бўйича иқтисодий муносабатлардир. Бошқача қилиб айтсак, молия иқтисодий категория сифатида пул маблағларидан фойдаланиш ва унинг ҳаракатини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар тизими бўлиб, унинг воситасида турли даражада пул фондлари вужудга келтирилади ва улар такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларни қондириш мақсадида тақсимланади.

Чунки, корхона, уй хўжалиги ва давлат молиявий муносабатлар субъектлари ҳисобланади. Молиявий муносабатлар субъектларини боғлаб юрувчи молиявий оқимлар интенсивлиги ушбу субъектларнинг иқтисодий фаоллигига боғлиқ.

Шу билан биргаликда – молияни бошқа пул муносабатларидан фарқлаб турувчи белгилари мавжуд бўлиб, улар қуидагилар ҳисобланади:

1. Иқтисодий муносабатларнинг пул характеристи;
2. Муқобил айирбошлиш йўқлигини талаб қилувчи муносабатларнинг тақсимловчилик характеристи;
3. Муносабатларнинг фонд характеристи (ЯИМ тақсимоти нарх тақсимотидан фарқли ўлароқ пул фондлари орқали амалга оширилади).

Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, молиянинг мохияти молияга тегишли белгиларни ўзига хос усулида акс эттирувчи функцияларда намоён бўлади. Булар, молиянинг сафарбарликка (табилизацион) чорлаш, назорат ва тақсимлаш функциялариdir.

- молиявий сафарбарлик (мобилизацион) функцияси бозор иқтисодиёти шароитида давлат ўз функцияларини бажариш учун зарур бўлган ресурсларнинг марказлашган давлат қўлида тўпланишидан иборат;

- назорат функцияси давлатнинг ишлаб чиқариш, иқтисодиётда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг тақсимланиши ва айирбошланиши устидан назорат ўрнатади. Давлат молия воситасида зиммасига юклатилган вазифалар доирасида, иқтисодий субъектлар тасар-руфига молиявий маблағлар қанчалик ўз вақтида тушаётганлиги,

шунингдек, улардан фойдаланиш самарадорлигини назорат қилади;

- молиянинг тақсимот функцияси аниқ иқтисодий вазиятда жамғариш ва истеъмолни оптималлаштириш мақсадида миллий даромаднинг қайта тақсимланишини таъминлайди.

Шуни айтиш лозимки, молиявий муносабатлар тизимида давлат молияси алоҳида ўрин тутади. Нафақат давлат, балки хусусий сектор корхоналари даромадининг бир қисмини ундириш йўли билан Давлат пул фондларини шакллантиради. Бунда давлат корхоналарга товар эквиваленти тақдим этилмайди, яъни ушбу муносабатлар тўловсиз характер касб этади ва бозор иқтисодиётининг молиявий муносабатлар тизимида нисбатан мустақил тагтизимни ўзида акс этади. Натижада давлатнинг иқтисодий функциялари бажарилишини таъминлашга қаратилган молиявий бўғинларнинг ўзаро боғлиқ мажмуаси молия тизимини юзага келтиради.

Бу тизимда қуйидаги асосий бўғинларни ажратиш мумкин: давлат бюджети, маҳаллий молия, давлат корхоналари молияси ва маҳсус хукумат фондалири.

Бозор иқтисодиёти шароитида, молия иқтисодий ривожланишда – иқтисодиёт доирасида ўзаро узвий боғлиқ бўлган бир қатор вазифани бажаради.

Булар қуйидагича чегараланади:

1. Жамиятнинг иқтисодий ривожланиш шароитида – молия иқтисодий жараёнларни, турли тадбирларни молиялаш ва унга хизмат кўрсатиш вазифасини бажаради;

2. Молия зиммасидаги тақсимловчи вазифаси. Бу моддий ишлаб чиқариш соҳаларида яратилган ялпи миллий маҳсулотни, айниқса, унинг миллий даромадини ташкил қилувчи қисмини давлат ва мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, иқтисодиёт тармоқлари, моддий ишлаб чиқариш соҳалари, мамлакат худудлари ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлашда намоён бўлади. Бунда миллий даромаднинг бир қисми корхона ва аҳоли даромадларидан турли хил солиқлар олиш, рента ва божхона тўловлари, акциз йиғинлари кабилар орқали давлат қўлида тўпланади. Давлат молия ўз қўлида тўпланган миллий даромаднинг катта қисмини давлат молия воситасида аҳолининг ижтимоий маданий эҳтиёжларига (уй-жой қурилиш, тиббиёт хизмати, маориф, нафақа, стипендия ва шу кабиларга), даромадлар даражасини ушлаб туришга, миллий мудофаага, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва шу кабиларга сарфланади;

3. Молиянинг рағбатлантирувчилик вазифаси, биринчидан, яратилган маҳсулот қийматини тақсимлаш жараёнида, иккинчидан, пул фоизларини ташкил қилиш ва сарфлаш механизми воситасида амалга оширилади. Икки холда ҳам молия ишлаб чиқариш самарадорлигига, унинг пировард натижасига, маҳсулот сифатига сезиларли таъсир кўрсатади;

4. Молиядан ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол устидан назорат қилиш воситаси сифатида фойдаланилади. Молиявий назорат корхона (фирма)ларининг молия интизомига риоя қилиш учун моддий жавобгар бўлиш тизими, турли солиқлар ундириб олиш ва маблағ билан таъминлаш тизими орқали амалга оширилади.

5. Ижтимоий химоялаш ҳам молиядан бошланади ва у орқали амалга оширилади. Чунки у аввало пул орқали, пул фондлари воситасида бажарилади ва у пул туфайли амалга оширилади. Маълумки, ахоли қатламида муҳтож қисмлари мавжуд, яъни етим болалар, қариялар, ногиронлар, кам даромадли оиласлар шулар жумласидан бўлиб, улар ўз тириклигини юритишни минимал даромадда таъминлашда ҳам доимо муҳтож бўладилар. Ижтимоий химоялаш эса шуларни таъминлаш, бошқага айтганда, молиявий кафолатлашни талаб этади. Бу асосан давлат ёрдамида амалга ошади. Давлат маҳсус фондлар ташкил этиб, бундай химоялашни амалга ошириб боради. Бунга, ишсизлик нафақалари, болалар учун нафақа, ногиронлар пенсияси кабилар шулар жумласига киради.

Бундан ташқари ижтимоий истеъмол орқали амалга ошадиган фондлар ҳам мавжуд бўлиб, буларга бепул тиббий хизмат, маориф, атроф муҳитни соғломлаштириш кабилар киради.

6. Молиявий ахборотларнинг иқтисодиётни бошқаришда, иқтисодий фаолиятни баҳолашдаги ўрни катта. Бу молиявий якунлар хусусида ўз вақтида хабарлар бериб туриш орқали амалга ошади. Айтайлик молиявий кўрсаткичлар орқали ишлаб чиқаришни қузатиш, молиявий фондлар ҳолати бўйича ҳалқ хўжалиги соҳаларининг мувозанати, бир-бирларига монандлиги кабиларни аниқлаш имкони туғилади.

Молиявий ахборотда аудиторлик хизмати маълум ўрин эгаллаб, ахборотдан фойдаланишини яхшилайди ва тезлаштиради. Чунки аудиторлик хизмати корхоналар, компанияларнинг хўжалик-молиявий фаолиятини таҳлил этади, экспертизани бажаради, маълумки, бундай хизмат молиявий бошқарувда аҳамиятлиdir.

Молия тизимига юклатилган вазифалардан унумли фойдаланиш

иқтисодий ўсиш учун хизмат қилади. Моддий ва меҳнат ресурсларининг тўғри йўналишида бўлишни ва уларни самарали сарфлаш молия фаолиятига, унинг вазифалари реаллашувига боғлик. Кўриб чиққанимиздек, такрор ишлаб чиқариш, иқтисодий ўсиш пул маблағлари билан таъминлашдан бошланади. Шу йўсинда молия ўз вазифаларини бажариш билан иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни тартибга солади, самарали хўжалик фаолиятини рағбатлантиради.

Шундай қилиб, юқорида айтилганидек, умумдавлат молияси давлат бюджети, ижтимоий сугурта фондини ҳамда давлат молмулкий ва шахсий сугурта фондини ўз ичига олади.

Давлат пул маблағларининг асосий марказлашган фонди бўлмиш давлат бюджети молия тизимининг асосий бўғини бўлиб хизмат қилади. Давлат бюджети-бу давлат харажатлари ва уларни молиявий қоплаш манбаларининг йиллик режасидир.

## **2. Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари. Солиқ тизими ва унинг вазифалари**

Бюджет тушунчаси, унинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва вазифаси деганда шу англомаги лозимки, давлат ўз вазифаларини бажариш жараёнида бир қатор харажатлар қилиши зарур. Бу харажатлар, энг аввало, мамлакат иқтисодиётини ривожланитириш учун турли тармоқларга инвестиция қилиш учун мўлжалланган, ахолининг турмуш даражасини кўтаришга мўлжалланган ижтимоий вазифаларни бажаришга ажратилган, давлатни бошқариш, мудофани таъминлаш каби аниқ мақсадларга қаратилган, режалаштирилган харажатлардан иборат бўлади. Бу умумдавлат харажатлари бюджет орқали молиялаштирилади.

Давлат бюджетининг иқтисодий тушунчаси, умумжамият миқёсида марказлашган ва давлат иштирокида тўпланган ва сарфланадиган молиявий ресурсларни англатади.

Бюджетнинг қайси даражада эканлигидан қатъй назар унга уч жиҳатдан ёндошиш мумкин:

Иқтисодий категория сифатида;  
Моддий маънода;  
Хуқуқий категория сифатида.

**Иқтисодий категория сифатида** бюджет турли бюджет фондларини шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланиш пайтида юзага келувчи ва рўёбга чиқувчи иқтисодий муносабатлардир.

**Моддий маънода** бюджет-тегишли даражадаги давлат ва маҳаллий ҳокимият идоралари фаолиятини таъминловчи, улар олдига қўйилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни бажариш имконини берувчи марказлаштирилган пул маблағлари фондидан иборатdir. Давлат томонидан режалаштирилган тадбирларни бюджет хисобидан молиявий таъминлаш деганда бюджетнинг айнан ана шу моддий маъноси кўзда тутилади.

**Хуқуқий категория сифатида** бюджет тегишли худуд доирасида марказлаштирилган пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланишга қаратилган ва тегишли давлат ёки маҳаллий ҳокимият идораси томонидан тасдиқланган асосий молиявий режалардан иборатdir.

Белгиланган тартибда кўриб чиқилган ва тасдиқланган бюджет асосий давлат ёки маҳаллий молиявий режасига, давлат хужжатига айланади.

Давлат молиясининг иккинчи томони умумдавлат харажатлари, булар асосан давлат бюджети орқали амалга ошади, яъни давлатнинг инвестиция ажратмалари, мудофаа харажатлари, ижтимоий эҳтиёж учун ажратмалар, давлат бошқаруви кабиларнинг молиявий манбаидир. Давлат бюджети асосий харажатларининг тўрт тури мавжуд:

1. Ишлаб чиқаришни тараққий эттириш;
2. Ижтимоий соҳаларни (маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, маданият) пул билан таъминлаш;
3. Давлат идораларининг харажатларини қоплаш;
4. Мамлакат мудофаасини таъминлаш. Давлат бюджетининг даромад қисми, албатта, биринчи навбатда, ана шу тўрт хил харажатларни тўла қоплаши зарур.

Бюджет камомади бу харажатларни қоплай олмаслиги билан боғланган бўлиб, бюджет тақчиллигини юзага келтиради. Бундай холат, ахвол қўшимча солиқлар киритиш, эмиссиядан фойдаланиш, зиёлилар чиқариш ва чет мамлакатлардан қарз олиш кабиларга олиб келади. Давлат бюджети тақчиллиги салбий ҳолатга ўхшаб кўринади. Амалда ҳамма вақт ҳам буни жуда хавфли деб бўлмайди. Гап тақчиллик даражасида ва унинг хусусиятидадир. Тақчиллик хажми жуда катта ва уни камайтиришнинг иложи бўлмаса, албатта бу иқтисодий хавф туғдириши мумкин. Шу билан бирга бюджет истеъмол йўналишида бўлса ва унинг камомади шу билан боғлик бўлса, бу ҳам хатарли. Агар бюджет тақчиллиги иқтисодий тараққиёт

йўналиши билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш инвестицияси юқори даромадда бўлса, бунинг кўрқинчли томони йўқ. Чунки бу ҳалқ хўжалигининг истиқболли тузулишини яратиш самарадорликни ошириш ва умуман, иқтисодий ўсишни кўзлаган харажатлар бўлиб, бу ўзини тезда оқлаши мумкин.

Юқоридаги фикрларни хulosаси, давлат даромадлари ва харажатларининг асосий қисми давлат бюджети орқали ўтади. Унинг асосий вазифаси молиявий воситалар ёрдамида иқтисодиётни самарали ривожлантириш ва умумдавлатмиқёсидаги ижтимоий вазифаларни ҳал қилишга қаратилади.

Умумдавлат бюджети билан бирга хокимият қуи органларининг (вилоят, туман ва шахар) бюджети ҳам мавжуд бўлади. Бу мавжуд молиявий ресурсларни анча тўлароқ жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш имконини беради. Хокимият қуи органлари бюджетнинг даромадлари ўз худудидаги корхоналар даромадидан, аҳолидан олинадиган солиқлар, мулк солиқлари ва шу кабилар орқали шаклланади. Уларнинг даромади қисман давлат бюджетидан бериладиган субсидиялар хисобига ҳам тўлдирилади. Хокимият қуи органлари бюджет маблағлари тегишли худудда таълим, соғлиқни сақлаш, ободончилик, ўйл қурилиш ва шу кабиларга сарфланади.

Давлат мол – мулкий ва шахсий суғурта умумдавлат молиясининг кейинги бўғини хисобланиб, мулкчиликнинг барча шаклларидағи корхоналар ва фуқароларга жорий қилинади. У мажбурий ва ихтиёрий бўлиши мумкин. Бу мақсадлар учун фондлар корхона ва аҳолининг тўловлари хисобига шаклланади. Фонд маблағлари мол-мулкий суғуртасига ва шахсий суғуртага пул тўлашни кўзда тутади.

Шахсий суғурта аҳолининг пул жамғармаларининг ташкил қилишнинг шаклларидан бири бўлиб ҳам хизмат қиласи.

Жамият молия тизими ижтимоий сиёсий ва маърифат ишлари билан шуғулланувчи ташкилот ва муассасаларнинг молиясини ҳам ўз ичига олади. Касаба уюшмалар, сиёсий партия, ёшлар, хотин-қизлар, фахрийлар, ташкилотлари, ижодий уюшмалар, спорт ташкилотлари ва бошқа илмий маърифий жамиятларнинг ҳам ўзига хос молияси мавжуд бўлади. Бундай ижтимоий ташкилотларнинг молиявий ресурсларининг манбаи, ташкилот аъзоларининг кириш пули ва бадаллари, тижорат фаолиятидан келган даромад, хомийлар ажратган ёки хайрия қилган маблағлардан иборат бўлади. Жамият молия

тизимида маҳсус ва хайрия фондли хўжалик субъектлари ва ахолининг пул маблағларини аниқ бир мақсад йўлида бирлаштиради ва ишлатади.

### **3. Давлатнинг фискал сиёсати ва унинг турлари**

Бозор иқтисодиёти муаммоларига бағишлиланган хар қандай илмий манбалардан, асосан хорижда амалга оширилган тадқиқотларда фискал сиёсатнинг назарий ва амалий жиҳатларига маълум даражада тўхтаб ўтилган.

Умуман олганда, давлатнинг фискал сиёсати циклик тебранишларни бир маромга келтириш ва юқори бандлик ҳамда паст барқарор инфляция шароитида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида солиққа тортиш ва давлат харажатларини ўзида акс эттиради.

Ундан ташқари давлатнинг, рағбатлантирувчи фискал сиёсати (фискал экспансия) қисқа даврда давлат харажатларини қўпайтириш, солиқларни пасайтириш ёки бу чораларни комбинациялаш йўли билан циклик таназзулни енгиги ўтиш мақсадида ишчан фаолиятни рағбатлантиришга йўналтиради. Узоқ даврда солиқлар пасайиши иқтисодиёт ўсиш суръатининг барқарор жадаллашуви ва иқтисодий салоҳият мустаҳкамлашгунча олиб келиши мумкин.

Давлатнинг, турғун фискал сиёсати (фискал рестрикция) қисқа даврда иқтисодиётнинг “қизиб кетиш”ни бартараф этиш мақсадига эга бўлади. У давлат харажатларини тақазо этади. Бу эса иқтисодий ўсиш суръати ва талаб инфляцияси суръатини пасайтиришга имкон беради.

Фискал сиёсатнинг иқтисодий мазмунига доир турли хил қарашларни таҳлил қилиш, аниқ иқтисодий-ижтимоий тизимлар шароитида амал қилиш хусусиятларини ҳамда давлатнинг иқтисодиётга самарали таъсир қилиш дастакларидан эканлигини асослаш ва миллий иқтисодиётнинг мувозанатлигини таъминлашдаги устувор йўналишларини, аниқ иқтисодий тамойилларини белгилаш зарурдир. Чунки, давлат пайдо бўлиши билан фискал сиёсат жамиятдаги турли хил иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг зарурий таркибий қисмларидан ва жамият ривожланиши объектив равишда тақазо қиласиган талабларидан бири бўлиб келган. Давлатнинг иқтисодий сиёсатига мос равишда молиявий сиёсат дастаклари ўзгариб тўхтовсиз такомиллашиб борган. Инглизча

вариантдаги сўз орқали кириб келган “фискал сиёсат” тушунчаси мамлакатимиз ва хориж адабиётларида турлича талқин қилинади, кўп ҳолларда “бюджет-солик”, “молия-солик”, ва “молиявий сиёсат” деб юритилади.<sup>1</sup>

**Давлат фискал сиёсати дейилгандан** – бу давлат бюджети даромадлари ва харожатлари таркибий қисмини ўзгартириш орқали миллий иқтисодиётга таъсири тушунилади

“Фискал” лотинча “*fiscus*” сўзидан олинган бўлиб, хазина деган маънони англатади. Бу ўз навбатида “хазина сиёсати” деган тушунчани ҳам юзага келтиради. Фискал, яъни хазина сиёсатига инсоният тарихида ўтган йирик давлат арбобларидан бири, ўрта асрларда буюк салтанат барпо қилган Амир Темур катта эътибор қилган. У давлатни идора қилиш тизимини юзага келтиришда асосан хазинани тўлдирувчи соликларга таянган.

Бу даврнинг молияси иқтисодий тизимнинг энг муҳим унсурларидан бири бўлиб, у давлат бошқарувининг барча таркибий қисмлари орасида марказий ўринни эгаллаган. Аммо, молиявий муносабатлар бу даврда ўз ривожида юқори даражага етмаган бўлиб, у аҳоли солик тўловига нисбатан фақат ўз моҳиятини хазинада топган. Хазина ҳар қандай тизимда ҳам давлатни бошқариш воситасида бўлиб хизмат қилган бўлсада, шу билан биргаликда унинг моҳияти ўша даврларда ёқ аҳоли манфаатларини қондиришда намоён бўлган.

Шу боис “Темур тузуклари”да “давлату салтанат уч нарса билан: мулк, хазина ва лашкар билан тикдир. Доно вазир буларнинг учаласини яхши ахволда саранжом тутади”, - деган фикр илгари сурилади.

Фискал сиёсатдан иқтисодиётни тартибга солиш ва унинг мувозанатлигини таъминлаш дастаги сифатида фойдаланиш ҳақидаги фикр инглиз иқтисодчиси Д.М.Кейнсга мансубдир.<sup>2</sup> У жамият тараққиёт даражасига таъсир кўрсатувчи омилларнинг З гурухини ажратиб кўрсатиб, биринчи гурухни бошланғич омиллар: ишчи кучининг малака даражаси ва миқдори, мавжуд ускуналар сони ва сифати, тадбик этиладиган технология, рақобат даражаси, истеъмолчининг диди ва одатлари, турли жадалликдаги меҳнатнинг

<sup>1</sup> Қаранг: Молия сиёсати, соликлар ва соликқа тортиш. Тахрир кенгаши Беганов В. Ва бошқ. Т.Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси, 1998; Шодмонов ва бошқ. Иқтисодиёт назарияси. Маъruzалар матни. Т.ДИТАФ 2001; Носова С.С. Экономическая теория: краткий курс. Учеб.посоия.-М.:Гуманит. Изд. Центр Владос, 2001.

<sup>2</sup> Кейнс Д.М. “Общая теория занятости, процента и денег”-М.:Прогресс. 1978. Стр. 449

оғирлиги, назорат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг аҳамияти, шунингдек жамиятнинг ижобий тузилиши ташкил этади. Ана шу омиллардан келиб чиқсан ҳолда, Д.Кейнс ўз эътиборини иккита бошқа гурухга ҳам қаратади. У иккинчи гурухга мустақил ўзгарувчан омилларни: истеъмолга мойиллик, капиталнинг энг кўп самарадорлиги ва фоиз нормасини, учинчи гурухга – қарам омилларни: бандлик ва миллий даромад ҳажмини киритган.

Д.Кейнс давлат аралашув вазифасини мустақил ўзгарувчан омилларга ажратиб, улар воситасида эса бандлик ва миллий даромадга таъсир кўрсатилади деб билган. Бунда хал қилувчи шарт сифатида фискал ва пул кредит сиёсати инвестицияларни рағбатлантиришда намоён бўлади, деб кўрсатади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ғарб иқтисодчи олимларининг аксарияти фискал сиёсатнинг “моҳиятини” кўрсатиш ўрнига “аҳамиятини” ёки уни тараққиётда тутган “ўрнини” изоҳлаб ўтишга харакат қилишган. Бу эса солиқлардан хазинани тўлдирувчи омил сифатида фойдаланишга сабаб бўлиб, натижада солик оғирлигининг аксарият қисми аҳоли зиммасига тушган.

Одатда ғарб олимларининг қарашларида фискал сиёсатнинг моҳиятига уларнинг функциялари орқали таъриф берилмайди, балки давлатнинг солиқлардан фойдаланиш йўналишлари қараб чиқилади. Аввало, солиқлар фискал сиёсатнинг бир қисми сифатида намоён бўлишини К.Макконелл билан С.Брю ўзларининг ишларида белгилаб берганлар.

Шу билан бирга улар амалга оширилиши мумкин бўлган фискал сиёсатни иқтисодиётни барқарорлаштириш учун ҳал этиладиган вазифалардан келиб чиқиб, рағбатлантирувчи ва тўсқинлик қилувчи сиёсалар сифатида ифодалашга алоҳида эътибор қилишган.

“Фискал сиёсатнинг асосий мақсади, -деб ёзишади улар, ишсизлик ва инфляцияни тугатишдан иборатdir. Таназзул даврида кун тартибида рағбатлантирувчи фискал сиёсат тўғрисидаги масала пайдо бўлади.

У қуйидагиларни ўз ичига олади: (1) давлат харажатларининг кўпайиши ёки (2) солиқларнинг пасайиши, ёхуд (1) ва (2)ни бирга қўшиб олиб бориш.

Аксинча, агар иқтисодиётда ортиқча талаб туфайли пайдо бўлган инфляция содир бўлса, бунга тўсқинлик қилувчи фискал сиёсат мос келади. Тўсқинлик қилувчи фискал сиёсат қуйидагиларни ўз ичига олади: (1) хукумат харажатларининг камайиши, ёхуд (2)

солиқларнинг кўпайиши, ёхуд (1) ва (2)нинг бирга қўшиб олиб борилиши. Фискал сиёсат башартида иқтисодиёт олдида инфляция устидан назорат қилиш муаммоси турадиган бўлса, хукумат бюджетининг ижобий қолдигига таяниши лозим”<sup>1</sup>.

Бу фикрларда биз учун муҳими иқтисодий ривожланиш мақсадларининг ўзгарувчанлиги ва шунга мос равишда фискал сиёсатнинг йўналишларини мувофиқлаштирувчи хулосаларни учратамиз холос.

Ҳозирги замон давлат молиясига тегишли иқтисодий таълимотларни тўлақонли очиб бериш учун, дастлаб ғарб иқтисодчилари томонидан XIX-XX аср бошларигача бўлган даврда амалга оширилган тадқиқотларни атрофлича таҳлил қилиб чиқиш зарур. Чунки, уларда бозор иқтисодиёти вужудга келишининг дастлабки давридаги умумий қонуниятлари ва ғарб давлатлари миллий иқтисодиётнинг тараққиёт даражаси ҳамда хусусиятлари мужассамлашган. XX асрнинг 20-йиллари охирларига келиб, бу давлат молия сиёсатининг негизида неоклассик оқим вакилларининг концепцияси ётган бўлиб, уларнинг асосий йўналиши қуйидагилардан иборат бўлган: давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслиги; эркин рақобатни сақлаш, хўжалик фаолияти жараёнларини тартиблашда бозор механизмидан самарали фойдаланиш.

XX асрнинг 20-30 йилларида бу иқтисодий назарий концепцияларни реал иқтисодий талаблардан келиб чиқиб янада атрофлича қараб чиқиш зарурияти туғилди.

Давлат монополистик капитализмининг ривожланиши оқибатида, 30-60 йилларга келиб молиявий сиёсат негизида асосан кейинчалик ва неокейнслик оқим мактабларининг иқтисодий концепциялари жой олди.

Кейинчалик йўналишнинг асосчиси Д.М.Кейнснинг молиявий концепциясида қуйидаги асосий йўналишлар устуворликни эгаллади:

1. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча муҳим муаммолаини ресурслар таклифини ўрганиш билан эмас, балки ресурсларни сотилишини таъминловчи талаб нуқтаи назаридан қараб чиқиш зарур;

2. Капиталистик иқтисодиёт ҳар доим ҳам ўзини ўзи тартибга солишга лаёкатли эмас. Шундай экан, меҳнат ва капитал юқори

<sup>1</sup> Макконелл Б., Стенла Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика пер.с анг., 2т, Изд. «Республика», 1992.

даражада умумлашган шароитда давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви муқаррардир. Бунда давлат томонидан тартибга солишни иқтисодиётни баҳолар ёрдамида тартиблаш механизми орқали тўлдириб бориш зарур;

3. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида юзага келаётган ортиқча ишлаб чиқариш, иқтисодий бекарорлик ҳолатларининг, инқирознинг сабаби талабнинг етишмаслигидандир, шундай экан иқтисодиётдаги мувозанатликни таъминлаш муаммосини талаб нуқтаи назаридан ечиш зарур. Бунинг учун Кейнс “самарали талаб” терминини киритадики, у даромад ва бандлик, истеъмол ва ишлаб чиқариш ўртасидаги мувозанатликни ўзида мужассамлаширади;

4. Давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги муҳим дастаги бу бюджет сиёсатидир. Давлат бюджети ва молиявий сиёсатнинг асосий мақсади ишчи кучи ва ишлаб чиқариш ускуналарининг бандлигини таъминлашдан иборатdir<sup>1</sup>.

Давлат томонидан иқтисодиётнинг циклик ривожланиши ва кризисларни бартараф этишдаги асосий дастаги бу – давлат харажатларидир. Кейнснинг фикрича, уларнинг шаклланиши, тузулиши ва ўсиш, “самарали талаб”га эришишдаги муҳим омилдир.

Шундай қилиб, Кейнс давлат монополистик капиталистик иқтисодиётни тартибга солишда янги молия назариясининг устувор йўналишини ишлаб чиқди. Молиявий сиёсат Кейнс издошлари томонидан (Америкада – Р.Харрод, А.Оукен, У.Хеллер, Буюк Британияда – Ж.Вайсман, Францияда – Ф.Перру, Японияда – К.Эми, Х.Итолар) амалиётга жорий этилди. Бу 40-60 йилларда иқтисодиётни тартибга солишда ижобий натижаларни берди. 70-йилларгача кўпчилик етакчи ғарб давлатларнинг молия назарияси ва амалиёти асосида Кейнс назариясининг қоидалари ётади.

Неоконсерваторлар Кейнс таълимотининг айрим камчиликларини топиб, унга қарши ўз концепцияларини илгари сурадилар. Булар асосан қуидагилардан иборат:

- Неоконсерваторлар Кейнс концепциясида инфлациядан, ишлаб чиқариш ва бандликни кенгайтиришда фойдаланиш тўғрисидаги фикрига қарши ўзларининг муомаладаги пул миқдорини камайтириш хақидаги ғояларни илгари суришди;
- Улар соликларнинг тез ўсишига қарши чиқиб, бу ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг моддий манфаатдорлигини

<sup>1</sup> Кейнс Дж.М. общая теория занятости, процента и денег – М.; Прогресс, 1978 стр. 142

сусайтириб юборишини кўрсатиб ўтадилар ва таклифни ривожлантириш орқали истеъмолчилик талабини мувозанатлаштириш, соликларни рационал даражада пасайтириб, эркин хусусий тадбиркорлик ва бозор рақобатини ривожлантириш тадбирларини таклиф этадилар;

• Кенйс концепцияси танқидчилари давлатнинг иқтисодиётга аралашувига қарши чиқиб, давлат фақатгина айрим хизматлар, хўжалик фаолиятини ҳимоя қилиш билан чекланиши керак, деган фикрни илгари сурадилар.

Шундай экан, фискал сиёsat олдига қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, унинг учта йўналиши, яъни иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, барқарорлаштириш ва иқтисодий фаолиятни чегаралаш сиёsatларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Иқтисодий ўсиш мақсадларидан келиб чиқиб, фискал сиёsat бандлик даражасини ва шу орқали ЯИМ реал ҳажмини оширишга йўналтирилади. Бунда рағбатлантирувчи фискал сиёsat дастаклари бўлиб:

- Давлат харажатларининг ўсиши;
- Солиқ ставкаларининг пасайиши ҳисобланади

Бошқача айтганда, ҳозирги вактда давлат бюджет барқарорлигини таъминлашга қаратилган молиявий сиёsat иқтисодий инқироз ёки турғунлик даврида бюджет тақчиллигини бартараф этиш мақсадларига қаратилиши зарур.

Агар давлат ўзининг фискал ва харажатлар сиёsatидан фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини бир меъёрда ушлаб туришга ва нархларнинг барқарорлигини таъминлашга интилса, бунда у иқтисодиётни барқарорлаштириш орқали иқтисодий жараёнларини рағбатлантириш ёки ушлаб туришга қаратилган молиявий сиёsat, деб қараш кўпам тўғри эмас, чунки улар турлича мақсадни кўзлаб бир-биридан фарқланадилар.

Давлатнинг иқтисодий фаолиятини чегаралаш сиёsatи ўз навбатида потенциал даражасидан кескин фарқ қилаётган реал ЯММ ҳажмини камайтиришга йўналтирилган бўлиб, бу айни вактда давлатнинг иқтисодий ўсиши ва унинг пасайиш даврлари инфляция ва такрор ишлаб чиқариш жараёнларидаги инқирозлардан қочишига қаратилган ҳаракатdir.

Ҳозирги шароитда давлатнинг молиявий сиёsatини амалга оширишнинг қуйидаги вазифаларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Фискал сиёsat концепциясининг илмий асосли ёндошувини ишлаб чиқиши. Бу аҳоли истеъмол даражаси, ишлаб чиқаришни

такомиллаштириш ва иқтисодий қонунлар талабларини ҳисобга олишни тақазо қиласи;

2. Жорий даврда ва узоқ истиқболда молиявий воситалардан фойдаланишнинг устувор йўналишларини аниқлаш. Бунда фискал сиёсатнинг концепцияси ва стратегиясини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Шу билан биргаликда кўриб ўтилган мақсадлардан келиб чиқиб, молиявий ресурсларнинг қисқариши ва ўсиш имкониятлари ҳисобга олинади, ташқи ва ички сиёсий-иктисодий омиллар ҳам ўрганилади;

3. Амалий харакатлар натижасида фискал сиёсат соҳасидаги қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш. Ўз-ўзидан аниқки, иқтисодиётга молиявий сиёсатнинг тўғридан-тўғри таъсири фақатгина шу босқичдан бошланади, бироқ унинг самарадорлиги олдинги икки босқичнинг мазмуни билан белгиланади.

Иқтисодиётнинг цикли ривожланишини тартибга солиш орқали макроиктисодий маувозанатликни таъминлаб боришга қаратилган фискал сиёсат бир қатор молиявий восита ва иқтисодий дастаклар ёрдаида амалга оширилади. Кўлланиладиган бу барча молиявий восита ва дастаклар биргаликда тартибга солишнинг молиявий механизмини ташкил қиласи.

Маълумки, иқтисодиёт назарияси ва амалий ҳаётда фискал сиёсатнинг иккита тури ажратилади:

1. Дискрецион фискал сиёсат ёки бевосита давлат томонидан амалга ошириладиган сиёсат;

2. Недискрецион фискал сиёсат ёки автоматик равища барқарорлаштирувчи сиёсат.

**Недискрецион фискал сиёсат** деганда, солиқ интизомининг мустақил барқарорлаштирувчи бир қатор лаёқатлари, яъни унинг мамлакатдаги иқтисодий фаолиятни қандайдир бошқарувчи органларнинг бевосита аралашувларсиз тартибга солиш имкониятини берувчи айрим хусусиятлари тушунилади. (1-чизма).

Буни қуйидаги вазият орқали қараб чиқамиз. Ишлаб чиқаришнинг бирданига ва тез ўсиш ҳолатини юмшатиш учун бюджет ортиқчалиги, яъни бюджет даромадлар қисмининг харажатлар қисмига нисбатан ортиқча бўлиши зарур. Бошқа томондан эътибор қаратилса, бундай “юмшатиш” учун аксинча, бюджет камомади мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шундай қилиб, иқтисодиётни тартибга солишни фақат автоматик равища барқарорлаштирувчи воситалар ёрдамида амалга ошириш мумкин эмас, шу сабабли давлатнинг дискрецион

сиёсати бунга зарурий түлдирувчи ҳисобланади.


**Дискрецион фискал сиёсат** – бу миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмларни ўзгартириш, бандлик даражасини ушлаб туриш ва инфляция устидан назоратни ўрнатиш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида солиқлар билан бирга, давлат харажатларини онгли равиша манипуляция қилиш тушунилади.

Дискрецион фискал сиёсатнинг асосий дастаклари қуйидагилар ҳисобланади:

- Фақат сарф-харажат билан боғлиқ бўлган ижтимоий ишлар ва бошқа дастурлари;
- Давлат буюртма ва харидлари;
- Давлат инвестициялари;
- Трансферт ёки қайта тақсимлаш туридаги харажатларни ўзгартириш;
- Солиқларни бошқариш.

### **Фискал сиёсат, унинг мақсади ва амалга оширишнинг иқтисодий дастаклари**

*1-чизма*



Ўзбекистонда давлат фискал сиёсатининг дастаклари ҳисобланган қуидаги солик турлари мавжуд:

1. Даромад (фойда) солиғи. (тўловчининг йиллик даромадидан чегириладиган қисми);
2. Корхоналар фойдасига солик. (Хуқуқий шахсларнинг соғ фойдасидан олинади);
3. Ижтимоий тўловлар - ҳар хил бюджетдан ташқари фондларга (ишизлик, пенсия ва ҳ.к) йўналтириладиган, қисман ишловчилар ва улар ишлаётган корхоналар маблағлари ҳисобига шакллантирилади;
4. Мол-мулк солиқлари. Мулқдан, меросдан ва ҳадя қилинган маблағ ҳамда бойликлардан олинади;
5. Товар ва хизматларга солиқлар. Биринчи навбатда буларга бож тўловлари ва акцизлар, шунингдек қўшилган қиймат солиқлари киради.

Кўрсатиб ўтилган солик солиш тизимидан фискал сиёсатнинг қуидаги асосий принципларини ажратиб кўрсатиш мумкин бўлади.

**Биринчидан**, солик ставкаси даражаси солик тўловчиларнинг иқтисодий имкониятларидан яъни уларнинг даромадлари даражасидан келиб чиқиб белгиланиши зарур. Чунки турли хуқуқий ва жисмоний шахсларнинг иқтисодий имкониятлари бир хил эмас, улар учун солик ставкаси табақалаштирилган тартибда белгиланиши керак, шунинг учун даромадлардан олинадиган солиқлар прогрессив (ўсиб борувчи) характерга эга бўлиш зарур;

**Иккинчидан**, солиқقا тортиш бир марталик характерга эга бўлиши зарур, акс ҳолда бу истеъмолчига етиб борадиган товар баҳоси асосланмаган ҳолда оширилишига сабаб бўлиши билан бирга, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини пасайтиради. Бошқа томондан тадбиркорларнинг иқтисодий фаоллик кўрсатишидан манфаатдорлигини сусайтиради. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқарувчининг сотишдан олинган бутун тушумдан эмас, балки улар томонидан қўшилган қийматдан солик тўлаши алоҳида аҳамиятга эга. Бироқ, мазкур муаммо солик қонунчилигида ҳозиргача тўлиқ бартараф қилинмаган, кўпинча товарларни ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида бир неча марта солик солиш холатлари учраб туради;

**Учинчидан**, солик тўловининг мажбурийлиги. Бунда миллий иқтисодиётдаги солик тизими солик тўловчига бундай тўловнинг муқаррарлиги тўғрисида шубҳа уйғотмаслиги зарур. Жарима тизими

ҳам шундай бўлиши керакки, бунда солиқ тўловчиларга тўланмаган ёки ўз вақтида ва вижданан бажарилган солиқ мажбуриятларига қараганда ҳам анча самарали бўлсин;

**Тўртингидан**, солиқ тўлов жараёни солиқ тўловчиларга оддий, тушунарли ва қулай солиқ йигувчи ташкилотлар учун тежамли бўлиши зарур;

**Бешинчидан**, солиқ тизими иқтисодиётда яратилган ЯММни самарали қайта тақсимланишини таъминлаши керак.

Шундай қилиб, давлат томонидан амалга ошириладиган фискал сиёsat, мамлакат миллий иқтисодиётда ташкил қилинган солиқ тизимининг асосий қоидалари жавоб бериши ва иқтисодиётдаги ички ўзаро муносабатлаирни тартибга солиғи зарур.

#### **4. Ўзбекистонда бюджет ва солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари**

Ўзбекистон, бутун маърифатли дунё мамлакатлари сингари ўз тараққиётининг янги истиқболлари, янги стратегиясини белгиламоқда.

Хаётнинг ўзи, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва мамлакатни ривожлантириш (ўзбек модели)ни амалга оширишнинг якунлари ва бориши танланган йўлнинг ва унга асос қилиб олинган асосий тамойилларнинг тўғрилигини тасдиқлади.

Жамият ва иқтисодиётни яна ривожлантириш стратегиясининг моҳиятини, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, сиёсий, иқтисодий хаётни эркинлаштириш, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш ташкил этади. Шунингдек иқтисодиётни эркинлаштириш йўлидан бориш, ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш, молия ва банк тизимлари фаолиятини такомиллаштириш, ташқи иқтисодий фаолият ва валюта бозорини ташкил этишнинг бутун тизимини қайта кўриб чиқиш, корхоналар хўжалик фаолиятига давлат, турли назорат қилувчи органларнинг аралашувларини чеклашни англатади.

Эркинлаштириш Ўзбекистон Республикасининг бюджет ва солиқ тизимини такомиллаштиришга ҳам таъсир қўрсатади. Мустақиллик йиллари мобайнида яратилган ривожланиш тамойилга янгича бюджет ва солиқ тизими мос келади. У жўшқин механизми бўлиб, ривожланиб ва узлуксиз такомиллашиб бормоқда. Ўзбекистонда бюджет ва солиқ тизимини ривожлантириш

мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар билан биргаликда амалга оширилмоқда.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида умумиқтисодий барқарорликка эришиш, молиявий барқарорликни таъминлаш шу жумладан давлат бюджети барқарорлигини мумкин бўлган даражада ушлаб туриш вазифасини ҳам ўз ичига олади. Шунга мувофиқ молия сиёсати Республика давлат бюджетидаги тақчилликни йўл қўйилган энг кам даража доирасида ушлаб туришга қаратиади. Ҳозирги даврда ҳам молия сиёсатининг асосий вазифаси бюджет тақчиллигини чеклаш ҳисобига иқтисодиётни барқарорлаштиришга қаратилган. Бунга эришиш учун Республика иқтисодиётида зарур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали ишлаб чиқаришнинг орқага кетишига барҳам бериши ва иқтисодий ўсишга эришиш энг асосий мақсад деб қараб келинди.

Бунда солиқ тизими ўзига ҳос вазифаларини – хазинани тўлдириш, қайта тақсимлаш ва рақобатлантириш вазифаларини тўла даражада бажариши зарур. Солиқларнинг биринчи вазифаси, давлат бюджети даромад қисмининг энг муҳим умумдавлат, хақ хўжалик вазифаларини хал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлашга қаратилиши лозим. Унинг иккинчи вазифаси, ЯММнинг бир қисмини қайта тақсимлаш ва шу орқали иқтисодиёт тузилишини ўзгартириш, аҳолини ижтимоий химоялаш кафолатини таъминлашда бевосита иштирок этишдан иборат. Солиқларнинг учинчи вазифаси ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хом ашё, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишdir.

Бу вазифаларни реал бажариши учун амалдаги солиқ тизимини анчагина ислоҳ қилиш талаб қилинади.

Солиқ тизимини ислоҳ қилишга асос қилиб олинган асосий тамойил-корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтиришdir. Бу уларнинг ўз маблағларини ишлаб чиқаришини ривожлантириш, техника билан қайта қуроллантириш ва айланма маблағларни тўлдиришга сарфлаш имкониятини беради. Бу эса оқибат натижада ишлаб чиқаришнинг юксалишига олиб келади.

Корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтиришда даромад солиғидан фойдадан ундирилган солиққа ўтиш кўзда тутиладики, бу ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш имкониятини беради. Фойданинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган умумий миқдори кўпайиши билан бирга, айни вақтда

ишлочилар иш хақини кўпайтириш имконияти ҳам яратилади. Натижада фаол меҳнатни рағбатлантирувчи иқтисодий муҳит яратилади.

Корхоналар зиммасидаги солиқ юкини енгиллаштиришга эришишда қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасини камайтиришга ҳам эътибор қаратилади.

Республикада солиқ тизимини ислоҳ қилишда унинг таркибини тубдан ўзгартириш, ресурслар, мол-мулк солифининг ролини ошириш, жисмоний шахслардан солиқ ундиришнинг прогрессив тизимини жорий этиш вазифаси қўйилади.

Табиий ресурсларни қайта тиклаш имкониятини яратиш ва улардан эҳтиёткорона фойдаланиш мақсадини амалга ошириш учун ер ости бойликлари, сув ва қайта тикланмайдиган бошқа ресурсларга тўлов ўрнатиш солиқ сиёсатининг навбатдаги йўналишидир.

Республика аҳамиятига эга бўлган солиқлар билан маҳаллий солиқлар ўртасида аниқ чегарани белгилаш солиқ тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишидир.

Бунда давлат бюджети даромадининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратилади.

Давлат бюджети мутаносиблигини кучайтириш мақсадида, солиқ тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда, корхоналарнинг молия интизомини мустаҳкамлаш, тўлов мажбуриятларини бир меёрга келтириш, қарзларнинг салбий оқибатини тугатиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

## **5. Кредитнинг моҳияти, вазифалари ва манбалари**

Пул бор майда қарз олиш ва қарз бериш муносабати юзага келади, бу ишни банклар бажаради. Пулга муҳтоҷлар қарзга пул ахтаради. Натижада пули борлар билан пулга муҳтоҷлар ўртасида кредит алоқалари юзага келади. Кредит пулни маълум шартларга риоя этган холда қарзга бериш ва уни қарзга олиб ишлатишни билдиради. Шуни айтиш лозимки – кредит муносабатлари жуда қадим замонларда вужудга келган. Даствори шаклида (ғалла, чорва ва бошқалар) мулкдорлар томонидан қарзга бериш расм бўла бошлаган. Кейинроқ пул шаклида ҳам бериладиган бўлди. Қарзга пул беришнинг дастворлари шакли судхўрлик бўлиб, у нихоятда юқори даражада процент билан қайтарилиши билан кредитдан фарқ қиласди.

Қадимги Грецияда эрамизгача (IV-асрда) ойига 42%, йилига 570% гача фоиз тўлангани тарихий манбаларда қайд этилган. Бундан ташқари судхўр қарз олувчидан қўшимча имкониятлар яратилишини ҳам талаб қилган. Бадиий адабиётда биринчи бўлиб, француз ёзувчиси О.Бальзак судхўр образини яратган. С.Айнийнинг “Судхўрнинг ўлимни” асари ўзининг мазмуни, образ ифодаси жихатида Бальзак асаридан ҳам ўтиб кетган десак хато қилмаймиз.

Судхўрлик қарзи кучайиб борганда бир томондан майда ишлаб чиқарувчиларни хонавайрон қилган, иккинчи томондан капиталнинг дастлабки жамғариш учун зарур маблағларни шаклланишга ёрдам берган. Индустрисал ишлаб чиқариш ва классик капитализмнинг вужудга келиши билан кредитсиз ишлаб чиқариш фаолиятини ютириш қийинлашиб қолди.

Капитал бир хўжаликда пул шаклида, иккинчисида товар шаклида бўлиб, турли соҳаларда уларнинг ҳаракати бир-бирига тўғри келмайди. Капитал ҳаракатнинг алоҳидалашгани туфайли бир хўжаликда пул етишмаса, иккинчисида бўш пул мавжуд бўлади. Натижада маблағи йўқ хўжаликлар, бўш пул маблағи борлардан қарз олишга мажбур бўладилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида бўш пул маблағларини ўлик бойлигу, хазина сифатида саклаш бефойда. Жамият тараққий этиши билан кредит муносабатлари ривожланиб, янги-янги имкониятлар вужудга кела боради. Ҳозирги иқтисодиётни кредитсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

**Кредит** иқтисодий категория бўлиб, у вақтинча ўз эгалари қўлида бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга хақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқадиган муносабатларни ифодалайди.

Шундай қилиб пулнинг ссуда капитали тарикасида яъни даромад олиш учун қарзга бериш ва қайтариб олиш билан боғлиқ муносабатлар вужудга келади.

**Кредит муносабатлари фақат пул билан боғлиқми?**

Товар шаклида ҳам кредит берилиши мумкунку деган савол туғилиши мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма кредит асосан пул шаклида бўлади. Товар шаклида берилган тақдирда ҳам пул кредит шаклида хужжатлаширилади.

Кредит муносабатлари икки субъект ўртасида юз беради. Бири бўш пул эгаси, иккинчиси унга мухтоҷ, яъни қарз олувчи.

Кредит субъектлари ҳар хил. Булар юридик ҳамда жисмоний

шахслар; банк, корхона, фирма, давлат турли тоифа аҳоли бўлиши мумкин. Бир субъектнинг ўзи бир вақтда ҳам қарз олувчи, ҳам қарз берувчи бўлиши мумкин. Кредит алоқалари пул эгаси билан қарз олувчи ўртасида бевосита ёки билвосита бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда улар тўғридан-тўғри муомалага киришади. иккинчи ҳолда улар воситачилар орқали алоқа боғлашади. Одатда, асосий воситачи ролини банклар ўйнайди. Кредит иқтисодий категория сифатида қатор вазифаларни бажаради.

1. Тақсимлаш вазифаси орқали бўш пул маблағларини қайтариш шарти билан қарзга бериш орқали капитални турли тармоқлар, корхоналар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлашни амалга оширади ва ишлаб чиқариш ресурсларини кўчиб юришини таъминлайди.

2. Эмиссия. Кредит асосида ва унга боғлиқ ҳолда пул бегилари, пулга tengлаштирилган нақд пулсиз тўлов воиталари, турли қимматбаҳо қофозлар эмиссия қилинади, хўжалик оборотига киритилади.

3. Назорат қилиш. Кредит операцияларини бажариш жараёнида иқтисодий фаолият, молиявий аҳвол назорат қилинади. Давлат кредит муносабатлари орқали пул оборотининг барча жараёнларини бошқаришни амалга оширади.

4. Бўш пул маблағларини ҳаракатдаги, оборотдаги капиталга айлантириш. Бунда пулни пул топади деган нақл амалга ошади.

5. Рағбатлантириш. У ёки бу мақсад учун қарз бериш, қарзни ундириш орқали тежамкорлик, иқисодий ўсиш рағбатлантирилади.

6. Товар ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлайди, ишлаб чиқариш вақтини қисқартиради.

Кредит бериш учун аввало қарз берадиган маблағ бўлиши керак. Бу маблағлар қаердан олинади, манбаи нима? деган савол туғилади. Маблағлар манбаи куйидагилар:

**Биринчидан**, корхоналарнинг вақтинча бўш пул маблағларидир. Бу маблағлар капиталнинг доиравий айланиши билан боғлиқ бўлиб, маълум муддат унинг бир қисми бўш бўлади. Чунончи амортизация ажратмалари, асосий капитални янгилаш пайти келгунча бўш бўлиб, банкдаги ҳисоб счёtlарида жамланиб боради. “Тезлаштирилган” амортизация сиёсати туфайли бу маблағлар ўсиб бориш тенденциясига эга. Махсулот сотишдан келадиган пул тушумлари ҳам хом-ашё, материаллар сотиб олиш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш вақти келгунча бўш туради. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондлари,

моддий рафбатлантириш фондлари ҳам жамланиб бориб, белгиланган мақсад бўйича ишлатилгунча бўш туради. Корхоналар фойдаси давлат бюджети ва кредит тизими билан ҳисоб-китоб қилингунча, шунингдек фойдаланувчига банкдаги хисобларда сақланади. Иш ҳақи ҳам ҳар 15 кунда берилар экан, унгача бу пул йиғила боради, ҳамда ишлатилгунча бўш бўлади.

**Иккинчидан**, молия – кредит муассасаларининг пул маблағлари, уларнинг даромадлари билан харажатлари ўртасидаги фарқ (харажатларни қоплаганидан ортгани) бўш пул маблағларини ташкил этади. Тижорат банклари ва молия-кредит муассасаларининг минимал пул резервлари ҳам ссуда фонди манбаи бўлади.

**Учинчидан**, давлат ихитёридаги пул. Давлатнинг захирадаги пул маблағлари, марказий ва маҳаллий ҳокимиятларнинг харажатлари билан солиқ тушумлари ўртасидаги фарқ тарзида бўш пуллар мавжуд бўлади. Бюджет тизими маблағлари ҳаракати натижасида ҳам маълум миқдорда бўш пуллар ҳосил бўлади.

**Тўртинчидан**, турли махсус (пенсия, суғурта, хайрия) ва ижтимоий фондларнинг маблағлари. Бу фондларда пулларни ҳосил бўлиши ва ишлатилиши хар хил вақтда юз беради. Бу маълум миқдорда пул маблағларини бўш қолиб, қарз фондига айланиши учун имкон беради.

**Бешинчиdan**, аҳоли пул даромадлари ва жамғармалари. Фуқароларнинг истеъмолчи сифатида қимматбаҳо товарлар олиш, уй қуриш ва маросимлар ўtkазиш учун пуллар ишлатилгунга қадар бўш бўлади.

**Олтинчидан**, тадбиркорлар, катта пулдорлар қўлидаги пуллар.

Булардан ташқари: давлат бюджетидан узоқ муддатли қарз бериш учун махсус маблағ ажратилади. Ундан ташқари МБ қўшимча эмиссия туфайли молия-кредит муассасаларига кредитлар бериши мумкин.

Маълум вақт мобайнида бўш пуллар унинг эгаларига хеч қандай даромад келтирмайдилар, шунинг учун кам миқдордаги фоиз билан ҳам қарз бериш фойдали бўлиб қолади. Натижада ана шу бўш пуллар ссуда капиталига айлантирилади. Бунда банклар муҳим рол ўйнайди. Улар юқори фоиз билан муҳтож бўлган бизнесменлар, тадбиркорлар ва бошқаларга ўз мақсадларини амалга ошириш учун қарз беради. Ҳозирги шароитда хўжаликни молиялаштиришда қарз маблағлари улуши ошиб бориши тенденцияси кузатилмоқда. Уларнинг улуши айниқса капитал қуйилмалар ҳажмида кўпайиб бормоқда. Бундай

тенденция Япония, Италия, Францияда яққол күзга ташланди. Масалан: Япония фирмалари ишлаб чиқарышни кенгайтириш учун сарфланган маблағларнинг 4/5 қисми четдан жалб қилинган, яъни қарз олинган маблағлар ташкил қиласди.

## **6. Кредит турлари ва тамойиллари. Фоиз ва унга таъсир этувчи омиллар**

Кредитнинг ўзига хос қоидалари борки, улар маҳсус тамойилларда ифода этилади.

**Биринчи тамойил** – кредитнинг маълум муддат учун берилиши. Бундан қарз олинганида албатта унинг қандай муддатга берилиши кредит битимида келишиб олинади. Кредит битими банк билан қарз оловчи ўртасидаги битим бўлиб, унда кредитнинг қандай муддатга берилганлиги, унга қандай ҳақ тўлашиши ва қайтаришлик кафолатлари қайд этилади.

**Иккинчи тамойил** – кредит учун ҳақ тўлаш зарурлиги, бунинг учун қарздордан фоиз ундиради. Фоиз – бу қарз хақидир. Унинг микдори берилган қарзга нисбатан фоиз хисобида белгиланади.

**Учинчи тамойил** – қайтаришлик, яъни кредитни албатта қайтариб бериш шарт

**Тўртинчи тамойил** – кредитнинг кафолатланиши. Ўзгалар омонатига хиёнат қилиб бўлмайди, шу сабабли кредитнинг қайтарилишини кафолатлаш банкнинг иши. Бу тамойил йўлида банк қарздор мол – мулкини гаровга қўйишни талаб қиласди. Кенг маънода кредит турлари хилма-хил, уларга турли жиҳатдан ёндашиш мумкин.

I. Қарз оловчининг асосий гурухларига кўра: корхоналар, аҳоли, давлат кредити;

II. Кўзланган мақсадга кўра: истемол, қишлоқ хўжалиги, савдо, инвестиция, бюджет кредитлари;

III. Берилган вақтига кўра: қисқа (1 йилгача), ўртacha (1 йилдан 5 йилгача), узоқ (5 йилдан ортиқ) муддатли кредитлар.

IV. Функция қилиш соҳасига кўра, кредит икки турга бўлинади: айланма капиталини ташкил этиш, тор маънода кредит деб юритилади ҳамда асосий капитал сабаб олиш учун сарфланадиган, одатда уни ссуда деб юритилади.

V. Кредитни қайтариш таъминланганлигига кўра икки турга бўлинади: таъминланмаган ёки бланкали (овердрафт, контокоррент) ва таъминланган кредит;

VI. Кредит бериш усулига кўра: компенсацион яъни ўз маблағларини тўлдириш учун ҳисоб счётига (варакасига) ўтказиладиган ва тўлов тўғридан-тўғри қарзни қайтариш, хақ тўлаш топширилган кредит;

VII. Кредит қайтарилишига кўра: тўлаш муддати узайтирилган, бўлиб тўланадиган, ҳамда бирданига тўла қайтариладиган кредитларга бўлинади. Қарз ҳажми ва муддатини чекланиши даражасига кўра лимитланган ва лимитланмаган кредитларга бўлинади. Кредитнинг қайси тури бўлмасин, қандай шаклда берилишидан қатъий назар, кредит беришнинг асосий тамойилларига риоя қилиниши керак. Улар қуидагилар:

1. Белгиланган муддатда қайтариб берилиши. Бу фақат кредитнинг тамойилигина эмас, балки унинг хусусияти, мохиятини ифодалайди. Уни пул беришнинг бошқа шакллари субсидия, дотация кабилардан фарқи ҳам шунда, қайтариш бўлмаса кредит муносабатлари ҳам бўлмайди.

2. Муддатлилиги. Кредит беришнинг бу тамойили аввалги тамойил билан чамбарчас боғланган. Кредит шартномаси тузилаётган пайтда қайтариш шарти билан бирга муддати ҳам кўрсатилади. Қарз маблағларидан фойдаланганлиги учун тўланадиган ҳақ ҳам унинг муддатига боғлик.

3. Кредитдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тамойили. Қарз олиб, бироннинг маблағини ишлатиб тургани учун маълум миқдорда фоиз тўланади. Суда капитали бозорида фоиз даражаси муҳим рол ўйнайди, бозордаги вазиятни белгилайди. Процент ставкаси шакланишига бозор омиллари, энг аввало, талаб ва таклиф, ундан ташқари Марказий банк ҳисоб ставкаси, банклараро кредит бозоридаги процент ставкаси, депозитлар ставкаси таъсир этади. Депозитлар бўйича ставка қанча юқори бўлса, кредит учун ҳам шунча юқори бўлади.

4. Моддий жихатдан таъминланганлиги. Қарз олувчи ҳам, қарз берувчи ҳам қарзга олинган маблағни қайтаришга ишонч, яъни реал имконияти борлигини ифодалайди. Агар кредит бериш учун реал товар моддий бойликлар захираси ҳисобига олинса, шунинг ўзи кредитнинг таъминланганини билдиради. Агар кредит мавсумли харажатларни қоплаш учун берилса, бу харажатлар реал моддий бойликлар қийматига кириши кўзда тутилади. Кредит савдо битимлари учун берилса, шартнома тузалиб, қарз эгасига қайтарилиши ҳисобга олинади.

Кредит беришда гаров олиш алоҳида ўрин тутади. Кафолатли шартнома асосида кредит жисмоний шахслар, дехқон хўжаликлари, фермерлар, ижарачиларга берилиши мумкин. Бундай шартномага кўра кафолатчи қарзни қайтаришига кафил бўлади. Қарз шартномаси сугурта компаниялари жавобгарлиги асосида ҳам тузилиши мумкин.

5. Мақсадлилиги. Кредит қатъий равишда аниқ мақсад учун берилади. Банк кредит беришда қарз олаётган уни нима мақсадда олаётгани, ундан қандай фойда олиши мумкинлигини таҳлил қиласди.

6. Кредит беришга табақалашган холда ёндашиш. Бу тамоил турли қарз олувчиларга индивидуал тарзда ёндашишни ифодалайди. Банк қарз бериб, қайтариб олмаслик хатарини хисоблаб чиқиб, ҳар томонлама таҳлил этиб мазкур масалани ҳал этади. Кредит турлари ва тамоиллари. Фоиз ва унга таъсир этувчи омиллар.

Кредитнинг тарихий ривожланиш жараёнида турли шакллари келиб чиқиб, уларнинг энг асосийлари тижорат ва банк кредитларидир. Тижорат кредити – бу корхоналар, тадбиркорлар ва бошқа хўжалик субъектларининг бир-бирига товар шаклида берадиган кредитдир. Бунда товар қарзга берилади. Кўпинча тижорат кредити вексел (қарз мажбуриятномаси) билан ҳужжатлаштирилади. Тижорат кредити чекланган тарзда қўлланилади. Уни кенг қўлланишга қуидагилар тўсқинлик қиласди:

а) қарз берувчининг резерв маблағи, резерв фонди чекланганлиги;

б) товар шаклидаги кредитни ишлатишнинг чекланганлиги. Масалан корхона материал қарз олган бўлса, уни фақат ишлаб чиқариш воситаси хом-ашё сифатида ишлатиши мумкин, уни иш хақи тарзида ишлата олмайди;

в) қарз ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарадиган корхоналардан уларни ситеъмаол қиласидиганларга берилиши мумкин эмас. Тижорат кредитининг бу чекланганлиги банк кредити ёрдамида ҳал этилади.

**Банк кредити** – бу кредит муассасалари (банклар, фонdlар, ассоциациялар) томонидан ҳар қандай хўжалик субъектлари (тадбиркорлар, корхоналар, ташкилотлар ва бошқалар)га пул шаклида – ссуда тарзида берилади. Банк кредити қисқа (1 йилгача), ўрта (1 йилдан 5 йилгача) ва узок (5 йилдан ортиқ) муддатга берилиши мумкин. Кредит фақат товар муомаласи (айланиши)га хизмат кўрсатиб қолмай, капитал жамғарилишга ҳам хизмат қиласди. Банк кредити битимлар ҳажми, муддати, йўналиши бўйича

чекланмаганлиги жиҳатидан тижорат кредитидан фарқ қилиши, уни кредитнинг асосий ва устун шаклига айлантиради. Кредитнинг улардан ташқари қуидаги шакллари мавжуд.

**Истеъмол кредити.** Истеъмол кредити аҳоли эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган. У товар ёки пул шаклида бўлиши мумкин. Бу кредит энг аввало узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарларини сотиб олиш учун берилади. Одатда бу кредит учун белгиланадиган фоиз юқори бўлади. Ҳозирги пайтда имтиёзли кредитлар ҳам берилмоқда. Масалан, АҚШ да банклар истеъмолчиларга кредит карточкалари беради, уларга нархи 2500 долларга қадар товарлар харид этилади, харид пули банкларга савдо шахобчалари берган счётга қараб тўланади. Бундай кредит ғоят имтиёзли бўлади, унинг фоизи бошқа қарз фоизидан анча кам бўлади, ҳатто фоизсиз ҳам бўлиши мумкин. Талабаларга ўқиш хақини тўлашлари учун маҳсус таълим кредитлари берилади. Бундай қарзни талаба ўқишни тугатиб пул топгач узади. Ҳозирги пайтда, уй-жой қуриш, олий ўқув юртларида ўқиш учун имтиёзли кредит бериш кенг қўлланилоқда.

**Ипотека кредити:** кўчмас мулк (ер, бино, уй-жой кабилар)ни гаровга қўйиб олинадиган кредит. Одатда ипотека кредитидан асосан қишлоқ хўжалигида асосий фондларни янгилаш учун йирик қўйилмаларни қоплаш учун фойдаланилади.

**Давлат кредити:** Давлат бир томондан қарз олувчи, иккинчи томондан қарз берувчи сифатида майдонга чиқади.

Бунда давлат кредити пайдо бўлади. Давлат аҳолидан, фирма, корхоналар, ташкилотлар, банклардан қарз олади. У давлатнинг қарздорлик гувоҳномаси бўлиб, у вақти келганда қарзни узиш ва фоиз тўлашни кафолатлайди. Уларни марказий ва маҳаллий хокимиятлар чиқарадилар. Қарз ва унинг фоизи бюджет маблағи хисобидан қопланади. Давлат қарзни энг аввало бюджет танқислигини қоплаш учун олади. Кредит муносабатларида давлат факат қарздор вазифасини ўтамай, қарз берувчи ролини ҳам бажаради. Давлат ўз маблағлари хисобидан банкда қарз фондини ташкил эзатади, хазинадан қарз беради. Хазина қарзи давлат бюджетидан, корхона ва фирма, ташкилотларга уларнинг молиявий санцияси (соғломлаштириш) учун сарфланади.

Бу қарз ҳам маълум муддатга, қайтариб бериш ва фоиз тўлаш шарти билан берилади. Фоиз ғоят имтиёзли бўлиб даромад олишникузламайди. Айрим ҳолларда Давлат ўз қарзидан воз кечиши ҳам мумкин.

**Хўжаликлараро пул кредити хўжалик юритувчи субъектларни бир-бирига берадиган кредит.** Бундай ҳолда кредит корхона, ташкилотлар томонидан акция, облигация, кредит билетлари ва бошқа қимматбаҳо қофозлар чиқариш орқали берилади. Бу операциялар корхоналарнинг марказлаштирилмаган молиялаштириш (акция чиқариш) ва кредитлаш (облигация ва бошқа қимматбаҳо қофозлар) тизими деган ном олган.

**Халқаро кредит** бу ссуда капиталининг халқаро миқёсидаги харакатидир. Халқаро кредит товар ёки пул (валюта) шаклида берилади. Қарз берувчилар ва қарз олувчилар банклар, хусусий фирмалар, давлат органлари, хукуматлар, йирик корпарациялар, халқаро ва регионал ташкилотлар бўлиб, уларнинг кредит бериш шартлари бир-бирини килан жиддий фарқ қилиши мумкин.

Ривожланган бозор хўжалигида ссуда капитали бозори вужудга келади. Бу бозорда алоҳида товар-капитал олди-сотди қилинади. Бунда пул қўшимча фазилат фойда келтириш лаёқатига эга бўлади. У ишлатиб туришга берилар экан, эгасига аввалги миқдорига қараганда белгиланган фоиз даражасида кўпайиб шартлашилган муддатда қайтиб келади. Бозорга чиқарилган пулнинг нархи фоиз (процент) бўлади. Бу унинг маълум эҳтиёжни қондириш учун пулнинг хоссасидан фойдаланганлиги учун бериладиган хақ бўлади. Фоиз даражаси ёки миқдори аввалдан белгиланади. У ссуда проценти ҳамда банк процентидан иборат. Мижозлар одатда ўз пулларини банкка қўяр эканлар унга фоиз олишади. Бу банкнинг пул эгаларига тўлайдиган фоизи бўлиб, уни банк проценти деб аталади.

У юқори бўлса пулни банкда сақловчи мижозлар кўпаяди, камайса аксинча.

**Даромад(процент) суммаси 100%**

**Банк процент =**

**Карз миқдори**

Айтайлик мижоз ўз пулини банкка қўйиб қарзга берган капитали 50000 сўм бўлсин. 5000 сўм даромад олсин у ҳолда йиллик банк проценти 10%ни ташкил этади. Банкдан қарз олувчи ссуда проценти тўлайди. Ҳар бир ссуда олувчини олган қарзи унга қанчага тушиши қизиқтиради. Уни қуйидагича ҳисоблаб чиқиш мумкин:

$$r=kr \times r^2 \times t;$$

$r$ -ссуда учун тўланган умумий фоиз;  
 $kr$ -қарз миқдори;  
 $r^2$ -фоизнинг йиллик миқдори;  
 $t$ -кредит берилган вақт.

Айтайлиик, “Замин банк” фермерга 200 минг сўм, 14% йиллик процент хисобидан ярим йилга қарз берди. Фермер хўжалиги кредит учун қанча хақ тўлаши керак? Ссуда фоизи қуидагича бўлади:

$$r=200*14*6/12=14000.$$

Демак, фермер 200 минг сўмни 340 минг сўм қилиб қайтариши керак. Одатда ссуда фоизи банк процентига нисбатан юқори белгиланади. Бу банк харажатларини қоплаш ва даромад олиш имконини беради.

Банкнинг оладиган проценти билан берадиган проценти ўртасидаги фарқ маржа дейилади. Бу ерда шундай савол туғилади, қандай манба хисобига тўланадиган процент қопланади?

Қарзга олинган пул капитла сифатида ишлатилади, яъни фойда олиш назарда тутилади. Пул эгаси мулқдор сифатида шу пулни ишлатиб олинган фойданинг бир қисмини талаб қиласди. Шундай қилиб, процент қарз пулинни ишлатиб олинган даромаддан қопланади.

Қарз пули истеъмол учун ишлатилса, фоиз даромаднинг бир қисми бўлмайди (чунки даромаднинг ўзи йўқ), у қарздорнинг келажакда истеъмол учун ишлатиладиган маблағидан қопланади. Агар тадбиркор 200 минг сўм олиб ишлаб чиқариш ёки савдога ишлатса 14000 сўм процент тўласа уни фойдасидан қопланади, агар истеъмолчи мебел харид қиласа 14000 сўмни иш хақидан тўлайди.

Банкнинг ялпи фойдаси унинг амалга оширган барча операциялардан олинган даромади бўлиб, унинг харажатлари (банк ходимларига иш хақи, амортизация, банк биносини сақлаш харажатлари, концелярия харажатлари ва бошқалар) қопланганидан қолган қисми банкнинг соф фойдаси хисобланади.

Соф фойдани банкнинг ўз капиталига нисбатан банк фойдаси нормасини ифодалайди. Банк фойда нормаси икк омилга: тадбиркорларнинг фойда нормаси ва ссуда проценти даражасига боғлиқ.

Профессор П.Самуэльсон ва В.Нордхаус “Экономикс” да шундай ёзишганди: “Агар фирма максимал фойда олмоқчи бўлса,

шундай процентни танлаши лозимки, фойда нормаси процент ставкасига қарaganда юқори бўлиши керак”.

Банкларда қўйилган омонатларга белгиланган процент, аҳоли пулини қанча миқдорда банкка қўйиши ёки қимматбаҳо қофозлар шаклида ва нақд пул шаклида сақлашини белгилайди.

Суда капиталига талаб ва таклиф асосида мувозанатлашган ссуда фоизи белгаланади.


Одатда бозор ва ўртacha процент нормаси фарқланади. Бозор фоизи нормаси бозордаги маълум вақт мобайнида белгиланган фоиз бўлиб, у бозор коњюктурасига боғлик. У иқтисодиётдаги ўзгаришга: юксалиш ёки тушкунликка тушибга қараб тебраниб турди. Ўртacha фоиз нормаси узоқ муддат давомида унинг ўзгариш харакатини ифодалайди.

Суда капиталига бўлган талаб ва таклифга қатор омиллар таъсир қиласиди:

- Ишлаб чиқари ҳажми;
- Жамғарилган пул ҳажми-яъни жамиятдаги барча синфлар ва табақалар жамғармаси;
- Ишлаб чиқаришнинг цикллик тебраниши;
- Ишлаб чиқаришнинг мавсумий шароитлари;
- Инфляция суръати;
- Давлат томонидан фоиз ставкасини бошқарилиши;
- Халқаро омиллар

Фоиз ставкаси қанча юқори бўлса, нақд пул ҳолида жамғариб сақлаш шунча қимматга тушади. Шунинг учун пулни банкда сақлашга интилиш кучаяди. Фоиз ставкаси паст бўлганда, аксинча ликвидлиги энг юқори 100% бўлган нақд пул шаклида сақлашга интилиш кучаяди. Шу билан бирга қарз олувчилар учун аксинча процнет ставкаси юқори бўлса пулга талаб шунча кам, аксинча бўлса юқори бўлади.

### **Пулга бўлган умумий талаб ва фоиз ставкаси мувозанати куйидаги расмда кўрсатилаган**



Пулга умумий талаб ( $D_m$ ) билан унинг таклиф  $S_m$  ўртасидаги мувозанат пул бозорида фоиз ставкасини ( $r$ ) белгилайди.

Капитал бозорида пул капиталнинг мувозанат нархи яъни тўланган фоиз бир томондан капиталнинг меёрий унумдорлиги (меъёрий даромад)нинг пасайиши, иккинчи томондан бой берилган имкониятлар, меъёрий харажатлар хуллас бозор қонуниятлари асосида шаклланади.

Фоиз ставкасини белгилашда қарз беришнинг хатарлик даражаси ҳам катта рол ўйнайди. Иқтисодий фаолиятдаги хавф-хатарнинг мавжуд бўлиши, бу бозор иқтисодиётига хос. Ўз пулини қарзга берар экан унинг эгаси доимо таваккал қиласди. Чунки ҳисобга олинмаган омиллар ёки ҳисобга олинган тақдирда ҳам сиёсатнинг ўзгариши, солиқлар ва бошқаларни ўзгариши содир бўлиши мумкин. Ссуда берилаётганда хавф-хатар қанча юқори бўлса, фоиз ставкаси шунча юқори бўлади. Бу айниқса қимматбаҳо қофозлар бозорини таҳлил қилганда аниқроқ намоён бўлади. Чунки қимматбаҳо қофозларни ишончлилиги, даромадлилиги доимо банк фоизига тескари мутаносибдир.

Бозор иқтисодиётида иқтисодий ечимларнинг муқобиллиги, яъни пул эгасининг улар орасида ўзи учун энг оптималини танлаш имкониятига эга эканлиги мазкур иқтисодиёти афзаллигини яна бир бор кўрсатади. Фоиз белгилашда вақт омили жуда муҳим рол ўйнайди. Пул эгаси ўз пулини шу кундаги эҳтиёжига сарфламай қарзга бераяпти. Уни нима мажбур қиласди?

Иқтисодиёт назарияси шуни таъкидлайдики инсон доимо ҳозирги кундаги неъматлардан фойдаланишни, келажакдаги истеъмолдан юқори баҳолайди. Бу халқ мақолаларида ҳам ўз ифодасини топган: “Осмондаги турнадан, гулдаги читтак яхши”, “Ютганим ўзимники, чайнаганим гумон”. Қандай тизим бўлишидан қатъий назар, инсоннинг ана шу фазилати ўзгармас экан. Инсонни ҳозир қондириши мумкин бўлган эҳтиёжини кейинга қолдирмасдан қондиришга, неъматлардан фойдаланишга интилади. Бунга сабаб энг аввало инсоннинг хаёти чекланган, ўлим хақ унинг қачон юз беришини билмаймиз. Турли неъматларни истеъмол қилишни кейинга суриш билан улардан умуман фойдаланмаслигимиз мумкинлиги хавфига йўл қўяшимиз, чунки келажакда нима бўлиши номаълум. Бундан келиб чиқадики пул эгасининг ана шу хатарга йўл қўйиб ўз ресурсларини бошқа бировга беришни тадқирлангандахина у қарз берар экан. Таниқли иқтисодчи П.Хейне фоиз бу инсонлар

бошқалар пули ҳисобига ресурслардан ҳозирда фойдалангани, яъни ўзи ишлаб даромад олиб, кейин шу ресурсларни солтиб олиш ўрнига ҳозирда фойдаланиши имконига эга бўлгани учун хақ дейди.

Фоиз даражасига булардан ташқари қуидагилар таъсир кўрсатади:

- Қарзга олинадиган пулни ишлатишдан олинадиган наф;
- Қарз тўлаш муддати ва шарти;
- Қарз қандай пул билан (эркин конвертланадиган валютадами ёки оддий валютада) бўлиши.

## **7. Кредит ва банк тизими. Пул мультипиликатори.**

Пул муносабатларининг ривожланиши банкларни юзага келтирган. Банк иқтисодий муносабатларининг пул юзасидан бўладиган алоқаларига хизмат қилувчи муассасадир. Пул билан боғлиқ хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар кўп, аммо уларнинг марказида банклар туради. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунида банк нима деган саволга қуидагича жавоб топиш мумкин:

**Банк** – тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб хисобланадиган фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсdir.

Ўзбекистондаги банк тизими Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, акциядорлик комерция банклари ва хусусий банклардан иборат.

Банклар пул оламини харакатга келтирувчи матор-юрак, пул билан бўладиган жами хисоб-китобларни бажаради. Ҳамма пул тўловлари (трансферлар) банклар орқали ўтади. Банклар қуидаги ишларни амалга оширади:

- пул ва қимматбаҳо буюмларни омонатга олиб, сақлаб беради;
- пул билан бўладиган хисоб-китоб операцияларини, хусусан пул тўлаш ишларини бажаради;
- чет эл валютасини сотади ва сотиб олади;
- ўз қўлидаги пулни қайтаришлиқ, фоизлик ва муддатлилик шартлари билан унга муҳтожларга қарз (ссуда)га беради, яъни кредит билан шуғулланади;
- ўз пулига акция сотиб олиб, уни бошқа соҳага жойлаштиради;
- бизнес юзасидан маслаҳат беради ва ҳоказо.

Кредит тизими кенг маънода банк ва бошқа муассасалари

уларнинг кредит операцияларини бажариш услублари, ташкил этишнинг ҳуқуқий шакллари мажмуини ифодалайди. Кредит ва банкларнинг келгусида ривожланиши молия-кредит муассасаларининг умумлашуви, кенгайиши кредит тизимида янги функция ва вазифаларни вужудга келишига олиб келади. Кредит тизимининг асосий функцияси бўш пул маблағларини тўплаб ссуда капиталига айлантириш. Ундан ташқари омонатлар қабул қилиш ва улар бўйича турли счёtlар очиш, акция ва облигациялар чиқариш, моддий бойликларни сақлаш, тўлов операцияларида воситачилик қилиш ва шу каби вазифаларни бажаради. Кредит тизими корхона, ташкилотларнинг пули билан турли операциялар ўтказишини ўз зиммасига олади. Шундай муомала воситалари яратди, улар аввалига олтин кейинчалик кредит пуллари, сўнгра нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўлиб, улар бир-бирининг ўрнини алмаштиради.

Молия капиталининг муҳим бўғинига айланиш билан кредит тизими жамиятхўжалик хаётининг ҳамма соҳаларига кириб боради. Ҳозирги даврда иқтисодий такрор ишлаб чиқаришда у марказий ўринда туради десак хато қилмаймиз. Банк тизими кредит тизими негизи сифатида ўзининг марказлашуви билан инсоннинг энг моҳирона ва мукаммал ижод намунасидир. Кредит банк тизими турли мамлакатларда умумий томонларга, шу билан бирга албатта ўзига хос ҳусусиятларга ҳам эга. Кредит тизими кредит меҳанизмига таянади.

Кредит механизми хўжалик механизмининг таркибий қисми бўлиб, у ўз ичига кредитлаш шароитларини, усулларини, кредитни бошқариш кабиларни олади, бошқача айтганда кредит меҳанизми-бу кредитни ташкил этишнинг шакли, услугидир. Кредит меҳанизми ёрдамида банк тизимининг кредит сиёсати амалга оширилади. Кредит механизмининг муҳим элементларидан бири кредит шартномаси бўлиб, у кредит муносабатларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ҳисобланади. Иккинчиси кредитга лаёқатлилигидир. Кредит беришда унга асосий эътибор қаратилади, чунки банк ўз фаолияти натижаси учун тўлиқ жавобгар бўлади. Кредит тизими ўз ичига икки бўғин: банк ва маҳсус молия-кредит тизими олади. Кредит тизими таркибини қуидаги схема орқали тасвирлаш мумкин.

Кредит-молия операцияларининг асосий массасини наорат қилувчи, кредит тизимининг ҳал қилувчи асосий бўғини – бу банк тизимиdir. Банк тизими иқтисодий цивилизациянинг энг олий ютуқларидан биридир. Инсон уни ихтиро қилиш билан иқтисодиётга таъсир этишнинг нозик, таъсирchan воситасини топди: кўп

иқтисодчилар банкларни инсоннинг нерв тизимига қиёслайдилар. Ташкил этиш харакатерига қараб, банк тизими бир бўғинли ҳамда икки бўғинли бўлиши мумкин. Ривожланган мамлакатлар учун икки бўғинли банк тизими характерли. Бунда биринчи бўғин мамлакатда пул муомаласини ташкил этувчи ва назорат қилувчи Марказий банк бўлса, иккинчи бўғинни мустақил ва марказий банкка бўйсунувчи тижорат ва маҳсус банклар ташкил қиласди.

Бир бўғинли тизимда Марказий ва тижорат банклар бир мавқеида бўлиб, тенг ҳуқуқли агентлар тарзда иш юритади, ёки ҳамма банклар давлат банки бўлади. Бундай бир бўғинли тизим кам тарақкий этган ёки тоталитар давлатларга хос. Банклар тизими иш тартиби, бажарадиган операцияларга лицензия, яъни рухсат олишга кўра икки: универсал ва маҳсус банкларга бўлинади. Универсал тизимда тижорат банклари ҳамма кредит-молия хизматини бажаради.

Бундай тизимга Германия банк тизимини кўрсатиш мумкин. Маҳсус тизимда тижорат банклари нисбатан тор доирадаги операцияларни бажарадилар. Соф тарзда бундай тизим йўқ, лекин, АҚШ банк тизими унга яқинроқ. Ҳозирги замон банк тизими кўпроқ универсал тизим томон бораяпти. Сабаб бунда банк хатари камроқ. Ҳозирги пайтда Япония, Австралия банклари шу тизимга ўтишмоқда. Мамлакатимиз банк тизими икки бўғинли бўлиб, таркиби қуйидагича:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва муассасалари.
2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.
3. Халқ банки.

Акция, пай асосида, шунингдек чет эл вакиллари иштирокида тузилган тижорат банклари, уларнинг ваколатхоналари.

Бундай тизимга Германия банк тизимини кўрсатиш мумкин. Маҳсус тизимда тижорат банклари нисбатан тор доирадаги операцияларни бажарадилар. Соф тарзда бундай тизим йўқ, лекин, АҚШ банк тизими унга яқинроқ. Ҳозирги замон банк тизими кўпроқ универсал тизим томон бораяпти. Сабаб бунда банк хатари камроқ. Ҳозирги пайтда Япония, Австралия банклари шу тизимга ўтишмоқда. Мамлакатимиз банк тизими икки бўғинли бўлиб, таркиби қуйидагича:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг муассасалари.
2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.

3. Халқ банки.

4. Акция, пай асосида, шунингдек чет эл вакиллари иштирокида тузилган тижорат банклари, уларнинг ваколатхоналари.

Банклар (жумладан чет эл банклари) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади. Ана шундай банкларга “Саноат қурилиш банки”, “Агра банки”, “Қишлоқ қурилиш банки” “Капитал банк” “Микрокредит банк” ва бошқалар, ҳаммаси бўлиб Республикамизда 30 дан ортиқ тижорат банклари мавжуд. Умуман банк тижорат ташкилоти бўлиб у асосан омонатларни қабул қиласди. Қимматбаҳо қоғозлар чиқаради ва уларни бошқаради. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида халқаро майдонда истиқбол йўналишларини кўзда тутиб, республика ташкил бўлган биринчи йилдан бошлиб халқаро ташки иқтисодий фаолият Миллий банки барпо қилди. Бу банк биринчидан экспорт товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш учун эл валютасида кредитлар беради. Давлат зоёmlари ва кредитларидан самарали фойдаланишга қаратилган хизмат кўрсатади. Иккинчидан, халқаро валюта кредит бозорлари операцияларида иштирок этади. Учинчидан, хукуматлараро битимларнинг тўлов шартларини ишлаб чиқишида қатнашади ва бошқа вазифаларни бажаради.

Банклар фойда олиш мақсадида бўш пул маблағларини тўплаб унга муҳтожларга қарз бериш билан шуғулланадиган муассаса. Республикамизда қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” қонунда банк тушунчаси қуйидагича таърифланади. Пул маблағларини жалб қилиш ҳамда уларни қайтаришлиқ, тўлашлик ва муддатлилик шартлари асосида ўз номидан жойлаштириш учун тузилган муассаса банкдир, банк ҳуқуқий шахсdir.

Банк сўзи олмонча “die Bank”-курси сўзидан келиб чиқсан. Айримлар итальянча “Banko” сўзидан келиб чиқса дейишади у ҳам шу маънени беради.

Банклар энг аввало хусусий тижорат тузилма сифатида бозор инфраструктурасининг таркиби сифатида вужудга келган. Давлат банклари тижорат банкларига қараганда анча кейин вужудга келган. Банклар ривожланиш жараёнида кўп босқичларни босиб ўтган. Дастребаки банклар эрамизгача 2300 йилда қадимги халдейрлар (жанубий Мессапотамия яшаган) давлатида савдо шерикчилик кўринишида ташкил этилиб, ссудага пул бериш ва пул кўчириш (ўтказиш) операциялари билан шуғулланган. Лекин ҳақиқий банклар

ривожланиши Бобиллар (милоддан аввалги 2000-йилнинг бошларида жанубий Месопатамияда вужудга келган) давлати вужудга келиши билан боғлиқ. Кейинчалик Африка, Миср, Римда ва бошқа жойларда ривожлана бошлади. Сўнгра банк ривожи асосан Англияда юз берди.

Давлат банклари XIX асрга келибгина ташкил топа бошлади. Франция давлат банки (1800 йил Напалео I томонидан ташкил этилган), 1816 йил Австрия, 1825 йили Белгия миллий банки кейинчалик Рус давлат банки, Италия миллий банки, вужудга келиб, тижорат банклари билан биргаликда иш юрита бошладилар.



Республикамиз мустақилликка эришгач биринчи навбатда Марказий банк ташкил этилди.

Умуман олганда банк ривожида икки тамойил мавжуд: бир томондан, универсаллашув, иккинчи томондан, ихтисослашув. Тижорат банклари одатда универсал характерга эга бўлиб, ўзларининг хўжалик мавқеига кўра акционерлик типидаги

корпорациялар ҳисобланади. Улар Марказий банкдан маҳсус лицензия олиб, унга мувоғиқ куйидаги вазифаларни амалга оширади:

- Аҳоли, уй хўжаликлари ва фирмалардан омонатларни қабул қилиш, яъни муддатсиз депозитларни жамғариш ва бу банкларга ёзилган чекларни тўловга қабул қилиш;

- Кредитлар бериш;
- Қимматбаҳо қофозлар билан операциялар ўтказиш;
- Турли хизматлар кўрсатиш;
- Банкларро операциялар ўтказиш;
- Валюта операцияларини бажариш.

Кейинги пайтларда кредит йўналишидан фойдаланиш кенгайиб бормоқда. Бунда мижоз учун ссуда ҳисоби очилади ва кредит лимити белгиланади. Қарздорларнинг ҳисобида пул қолмаса, лимит доирасида банк автоматик тарзда унинг ҳисобига пул ўтказади, лимитдан ортиқча бериладиган қарзга юқори фоиз олинади.

Ишонч операциялари ўтказилганда. Мижоз ўз мулки қимматбаҳо қофозларни бошқаришни банкка топширади.

Воситачилик операцияларини мижознинг топшириғига қўра бажаради.

Умуман олганда банк операциялари актив ва пассивга бўлиниб, пассив операциялар маблағларни жалб этиш бўлса, актив операциялар маблағларни жойлаштиришdir.

АҚШ кредит тизимида деярли 14 минг тижорат банклари иш олиб боради. Хозирги пайтда 500 млн. доллардан ортиқ активларга эга бўлган банклар 4,4% бўлиб, уларнинг активлари 74%ни ташкил этади. Улар орасида 230 млрд.\$ активга эга бўлган “Ситикорпорейшн”, Чейз Манхетген корпорейшн (106 млрд. доллар), Бэнк Америк 97 млрд. доллар ва бошқалар, нафақат АҚШ, балки бутун дунёда етакчи ўринда, Ситикорпорейшн эса жаҳонда биринчи ўринда туради.

Республикамизда энг нуфузли банклар бўлиб, ташқи иқтисодий алоқлар билан шуғулланувчи Миллий банк, ҳамда Халқ банки ҳисобланади. Миллий банк жаҳонадги энг йирик 500 банкдан бири ҳисобланади.

**Тижорат банклари** тўла мустақил, лекин улар пул эмиссия қилиш хукуқига эга эмас. Реал жалб қилган ресурслари миқёсидағина кредит бера олади. Ихтисослашган банклар алоҳида соҳаларда кредит-пул операцияларини ўтказади.

**Жумладан, Миллий банк** республика хукумати томонидан

қонунга мос равища рўйхатдан ўтказилади ва Марказий банк аъзоси ҳисобланади. Асосий йўналиши ташқи иқтисодий фаолиятга хизмат кўрсатиш.

**Инвестиция банклари.** Халқ хўжалигининг турли тармоқларини энг аввало саноат, савдо, транспортни узоқ муддатли кредитлаш билан шуғулланади, қимматли қофоз чиқаради ва инвесторлар ўртасида жойлаштиради. Уй-жой қурилиш банки ахолининг уй-жой қурилишини молиялаштириш билан шуғулланади.

**Замин банки.** Кўчмас мулкни гаровга олиб, узоқ муддатли кредитлар беради.

**Инновация банки.** Илмий техникавий лойихаларни сотиш билан боғлиқ бўлган операцияларни кредитлайди. Шунга ўхшаш бошқа маҳсус банклар ҳам у ёки бу ихтисослашган хизмат турини кўрсатади. Тижорат ва маҳсус банклар фаолиятини, Марказий банк назорат қиласи.

Кредит тизимида маҳсус молия-кредит муассасалари ўзига хос ўрин тутади. Номи ўзи кўрсатиб турибдики у алоҳида ўзига хос мижозларга хизмат кўрсатади. Кўрсатилган хизмати бир, икки турда бўлиб, кўпинча маҳсус тавсифга эга бўлади. Маҳсус молия-кредит институтларига икки томонлама назорат хос. Бир томондан қарз бериш, ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш туфайли Марказий банк талабларига бўйсунади. Айрим пайтлари турли мамлакатларда қабул қилинган норматив хужжатлар бир-бирига қарама-қарши бўлиб ҳам қолади. Бу уларнинг иш фаолиятини қийинлаштиради.

Молия кредит иститутларининг ўзига хос тури почта-жамғарма муассасаларидир. У майда омонатчиларни жалб қилишда катта рол ўйнайди. Бунда мижозларга почта бўлимлари орқали хизмат кўрсатилади. Почта аҳоли маблағларини йиғади, ҳамда қарзлар беради. Одатда йирик банклар майда мижозлар билан ишлайди. Шунинг учун кейинги пайтларда кўп мамлакатларда почта-жамғарма муассасалари орқали кредит-ҳисоб операцияларини амалга ошириш кенгайиб бормоқда.

Маҳсус молия-кредит муассасалари тизимида лизинг, факторинг фирмалари ҳам ўзига хос ўрин тутади. Одатда лизинг, факторинг операцияларини тижорат банклари ҳам амалга оширади. Лекин улар йирик мижозлар билан ишлайди. Факторинг фирмалари мижозларининг бошқаларга берган қарзларини ундиришни ўз зиммасига олади ва шу қарз устидан мижозга универсал молия

хизмати кўрсатиш мумкин. Бунда бухгалтерия ҳисоботи, корхонани зарур хом ашё ва бошқа ресурслар билан таъминловчи ва харидорлар билан хисоб-китоб хизматларини ҳам амалга оширади. Ахборот, реклама, хуқуқий ва бошқа хизматлар кўрсатади. Мижоз фақат ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Конференциал факторингда эса айрим операциялар қарзни тўлаш, пул олиш хуқуқлари чегаралangan бўлади. Лизинг фирмалари товарларни ижарага бериш билан шуғулланади. Лизинг ибораси “For lease” сўзидан олинган бўлиб “Ижараг олмоқ” деган маънени билдиради. Бунда товар кўчмас мулк, асбоб ускуна ва бошқа товарлар бўлиши мумкин, эгалари ўз мулк эгалигини сақлаб қолади. Лизингни оддий ижарадан асосий фарқи шундаки, бунда ижарага берилган асбоб-ускуналар шартнома муддати тугагандан сўнг, уларни қолдиқ қиймати асосида сотиб олиш кўзда тутилади. Лизинг компанияларда лизинг операцияларини ўтказиш учун ўз маблағлари етишмайди шу сабабли, кўпчилик лизинг операцияларида жалб қилинган маблағлар кенг қўлланилади. Бунда одатда банкнинг узоқ муддатли ссудаларидан фойдаланилади.

Ломбардлар кўчириб бўладиган мол-мулк эвазига кредит беради. Дастрраб ломбардия судхўрлик кредити тарзида юзага келган. Кўпгина мамлакатларда ломбардларни давлат тасарруфига олиш тенденцияси бормоқда. Кейинги пайтда ломбардлар мол-мулкни сақлаш, ҳамда гаровга қўйилиб белгиланган муддатда қайтариб олинмаган мулкни сотувчи комиссион воситачилик асосида сотишни ҳам амалга оширади. Кредит бирлашмалари-хусусий шахслар гурухи ёки майда кредит муассасалари томонидан ташкил этилади. Улар икки типда бўлиши мумкин:

1. Жисмоний шахслар гурухи томонидан касби ёки территориал жиҳатига қараб, қисқа муддатли истеъмол кредити бериш мақсадида ташкил этилади.

2. Мустақил майда кредит муассасалари ихтиёрий тарзда бирлашуви туфайли ташкил этилади. Уларнинг маблағлари пайчилик, аъзолик бадаллари ва заёмлари чиқариш билан шаклланади. Уларнинг асосий операциялари омонатларини жалб этиш, заёмлар чиқариш, ўз аъзоларига қарз бериш, векселларни хисоб-китоб қилиш, савдо воситачилиги, комиссион операциялар, маслаҳат ва аудиторлик хизматлари кўрсатишдан иборат.

**Ўзаро кредит бериш жамияти.** Улар ўз характеристи жиҳатидан тижорат банкларига яқин. Улар асосан майда ва ўрта бизнесга хизмат кўрсатади. Уларнинг аъзоси жисмоний, юридик шахслар бўлиши

мумкин. Жамият капитали унга аъзо бўлиб кириш бадалларидан ташкил топади.

**Молия компаниялари.** Турли-туман муассасалар одатда товарлар олди-сотисига кредит беради. Савдо фирмаларига насияга сотилган товар учун, саноат фирмалариға қарзга сотилган товари учун кредит бериш билан шуғулланади. Баъзи компаниялар алоҳида турли мақсадлар учун кредит бериш билан шуғулланади.

**Суғурта компаниялари.** Асосан суғурта полисларини сотиш билан шуғулланади. Ўз маблағларини саноат компаниялари облигациялари, акциялар, ҳамда давлат қиммат баҳо қоғозларига қўядилар.

**Пенсия фондлари.** Энг аввало фонд маблағларини ташкил этиш ва пенсия бериш билан шуғулланади. Ўз маблағларини асосан саноат компаниялари акцияларига қўяди.

**Инвестицион компаниялар.** Ўз мажбуриятларини майда мижозлар ўртасида жойлаштириб турли тармоқлар қиммат баҳо қоғозларини сотиб олиш билан шуғулланади.

**Кредит ширкатлари.** Бу ширкатлар ўз аъзолари: кооператорлар, ижара корхоналари, кичик ва ўрта бизнес, жисмоний шахсларга кредит ҳисоб-китоб хизматларини қўрсатиш мақсадида ташкил этилади. Уларнинг капитали пайлари ва кириш бадаллари ҳисобига ташкил топиб, ширкатдан чиққанда қайтарилмайди. Асосий пассив операциялари омонатларини жалб этиш заёmlарини жойлаштиришдир.

Кредит ширкатларининг ўзига хос тури қишлоқ хўжалик кредити жамиятидир. Унинг таъсисчилари Марказий, тижорат, маҳсус банклар, хукумат, жисмоний, юридик шахслар бўлиши мумкин. Улар фаолиятининг асосий йўналиши қишлоқ хўжалигига кредит, ҳисоб-китоб хизматларини қўрсатиш. Унинг мижозлари дехқон хўжаликлари, фермерлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари. Бу қишлоқ хўжалик кредити жамиятлари фаолиятининг хусусияти шундаки, уларга солиқ имтиёzlари берилади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида маҳсус молия кредит муассасалари ортиб бораяпти. Улар ниҳоятда катта маблағларни жалб этиш билан бирга капиталларни самарали жойлаштиришга ҳам эришиб, умуман иқтисодиётни ривожлантиришга катта таъсир қўрсатаяпти. Ҳозирги пайтда АҚШда ана шу муассасаларнинг активлари тижорат банклари активларидан деярли икки барбар кўп. Республикаизда ҳам бундай муассасалар ташкил этишда анчагина муваффақиятлар қўлга киритилди.

Нима сабабдан пул массаси тез қўпаяди. Бу нима хисобига, қандай тарзда юз беради, деган савол туғилади. Давлат банкининг эмиссия (яъни нақд пул чиқариш) фаолиятидан қатый назар пул массаси ҳажми тижорат банклари кредити ҳисобига қўпаяди. Банклар ссуда берганда пул массаси қўпаяди, аксинча мижозлар олган қарзни камайтирганда пул массаси камаяди.

Битта алоҳида банк пул яратади олмайди лекин банклар биргаликда бундай имкониятига эга бўлади.

Бу жараённи мисол билан қўйидагича тушунтириш мумкин. Айтайлик банк “А”нинг активлари 200000 сўм бўлсин, банк бу активларнинг бир қисмини резерв тарзда Марказий банқда сақлаши лозим. Унинг миқдори тебраниб туради. У жорий харажатларни қоплаш, лекин асосийси мажбурият бўйича тўловга қобилиятсизлик хатарини камайтиришга қаратилган. Унинг минимал миқдори қонуний тарзда белгиланади, бу муҳим тартибга солиш вазифасини бажаради. Ҳозирги пайтда Марказий банк томонидан мажбурий резерв нормаси ўрнатилади. Резерв нормаси қўйидагича ҳисобланади:

### Банкнинг мажбурий резервлари

Резерв нормаси =

Банкнинг муддатсиз омонатлари  
бўйича мажбуриятлари

Агар банкнинг омонатлари 200000 сўм бўлиб, ундан 20000 бирлик мажбурий резервларни ташкил этса, резерв нормаси 0,1 ёки 10%ни ташкил этади.

Бу нормани ҳар бир мамлакатда МБ давлат юритадиган пул-кредит сиёсатидан келиб чиқиб белгилайди. Зарур резервлардан ортиқ маблағларни банк ссудага беради.

Агар резерв даражаси 20% деб олсақ, банк “А” 40000 сўмни резерв фондида сақлайди, 160000 сўмни мижозларга ссуда бериш мумкин. Банк кредит берилганда бу суммани мижознинг жорий счётига ўтказади. Натижада 160000 сўм янги пул пайдо бўлди. Банклар томонидан янги пул ҳосил бўлишига ягона тўсқинлик қиласидиган нарса бу МБ резерв (захира) фондлариидир.

Мисолимизни жадвалда ифодаласак қўйидаги кўринишида бўлади:

<b>Банк</b>	<b>Марказий банк мажбуриятлари</b>	<b>Мажбурий резервлар</b>	<b>Резервдан ортиқ</b>	<b>Ссудага бериш мүмкин бўлган пул</b>
А	200000	40000	160000	160000
Б	160000	32000	128000	128000
В	128000	25600	102000	102000
Г	102000	20480	81920	81920
Д	8192 ва ҳоказо	16384	6553	65536

Вужудга келтирилган умумий кредит пул миқдори 800000

“А” банкдан ссуда олган тадбиркор ўз сотиб олган товарларига чек билан тўлайди. Бу чекни товар сотган банкка ўтказади. “Б” банкда янги 160000 пул вужудга келди. Энди бу пулни 32000 сўмни резервга ўтказиб, қолган 128000 сўмни қарзга бериш мүмкин. Бу банкдан қарз олган мижоз олган пулини турли юридик шахслар ва жисмоний шахсларга товар ва кўрсатган хизматлари учун тўлайди. Улар бу пулларни “В” банкка қўядилар. “В” банкнинг депозитлари 128000 сўмга қўпайди. Бу банк ўз навбатида 25600 сўмни резервга қўйиб 102400 сўмни кредитга беради. Кейинги босқичда 102400 сўмни “Г” банкка қўйиб, уларнинг депозитларини шунча сўмга қўпайтиради. Ўз навбатида бу банк ҳам 20480 сўмни резервга қўйиб, 8192 сўмни кредитга бериш мүмкин. Бунинг натижасида банклар томонидан яратилган янги пулнинг миқдори 472321 сўмгача этади.

“Г” банкнинг активи	“Г” банкнинг пассиви
Резерв 20480	Депозитлар 102400
Суда 81920	-----
Жами 102400	Жами 102400

Мантиқий фикр юритадиган бўлсак, банклар томонидан янги пул яратилиш жараёни маълум бир чегарагача давом этади. Мана шу жараённи банк депозитлари кўпайишининг мультиплликатор самараси деб аташади. Биз кўрдик-ки, 200000 сўмни юзага келиши бутун банк тизимларида депозитларни бир неча марта ўсишига олиб келади.

Шундай қилиб банк тизими пул таклифини мультиплликатор самарасидан ёки банк мультиплликатори кўрсатади. Мультиплликатор сўзма-сўз таржима қилинса, кўпайтириувчи дегани. У қуйидаги формула ёрдамида хисобланади.

$$M = \frac{1}{r} * 100\%$$

бу ерда  $M$  – пул мультиликатори;  $r$  – МБ қўйилиш керак бўлган талаб этилган резерв (захира) нормаси;

агар,  $r=20\%$  бўлса, у ҳолда  $M=1x100/20=5$ ; яъни ҳар бир сўмимиз депозитларни 5 сўмга қўпайишига олиб келади. Кўриниб турибдики резерв нормасининг камайиши депозитларнинг ўсишига, пул массасини камайишига олиб келади.

Мисолимиз бўйича резерв нормаси  $20\%$  дан  $10\%$  га туширилса, мультиликатор  $10$ га тенг бўлади, аксинча  $25\%$ га кўтарилса мультиликатор  $4$ га тенг бўлади.

Реал хаётда банк депозитлари қўпайиши-мультиликатори самарасидан анча фарқ қиласи. Сабаби банкдан олинган ссуданинг ҳаммаси ҳам банкка қайтиб бормайди. Улардан бир қисми муомалада нақд пул тарзида айланниб юриши мумкин. Буларнинг ҳаммаси банкларнинг ссуда бериш имкониятларини камайтиради.

Бунда банкдан резервдан ташқари нақд пулга айланган маблағ ҳам чиқиб кетади. У пул мультиликаторини ўзгартиради. Агар нақд пулга айланган қисмини “с” билан белгиласак, у ҳолда юқоридаги формуламиз қўйидагича бўлади:

$$m = \frac{1*100}{r+c}$$

Агарда ана шу пулга айланган миқдори  $30\%$  ташкил қиласи десак, у ҳолда пул мультиликатори  $=1x100:(20+30)=2$  га тенг бўлади.

Демак ҳар бир сўм қўшимча депозитлар аввалига ўхшаб  $5$  эмас, балки  $2$  сўм янги кредит пули хосил қиласи.

Пул мультиликаторидан фойдаланиб, умумий пул массаси миқдорини қўпайтириш ёки камайтиришни хисоблаб чиқариш қийин эмас. Бизнинг мамлакатимизда бу услубни иқтисодиётни тартибга солишка қўлланишини ҳали бошланғич босқичда. Бозор иқтисодиётида эмиссияга қарганда резервлар миқдорини ўзгартириш билан пул муомаласини тартибга солиш афзалроқ.

Бу ерда шуни эслатиб ўтиш керакки, резерв тарзида МБ да маълум миқдорда пулни сақлаш мажбуриятлари бўйича тўлов қобилиятызлиги хатарини камайтирса ҳам банклардан мижозларнинг омонатига қўйган пулларини ёппасига олиш учун харакат

қилишларининг олдини олмайди. Резервнинг етишмаслиги молиявий саросималикни келтириб чиқариши мумкин.

**Молиявий саросималик** – бу мижозлар омонатига қўйган пулларни шу вақтнинг ўзида олишга уринишлари, қарздорларда эса талаб қилинган миқдорда пулнинг йўқлиги сабабли уларнинг саросимага туширишдир. Бу банкларни ва улар билан боғлик компанияларнинг ҳам банкрот бўлишига олиб келиши мумкин.

АҚШда охирги 50 йилдан ортиқ вақт мобайнида молиявий саросималик юз бермаган. Бу банк резерви билан боғлик эмас. Чунки банк мижозлари молиявий барқарорлик хақида овозалар тарқалса ҳам ўз омонатларини олиш учун саросимага тушиб шошилмайдилар. Сабаби, уларнинг омонатлари, депозитларни суғурталаш федерал корпорацияси томонидан суғурталанган. Агар банк бирон сабаб билан ёпилса, унинг мижозлари бир неча кун ичида конвенсация олишни мўлжаллашлари мумкин.

Агар суғурта фонди маблағлари етмаса, хукumat зарур пулни эмиссия қиласи. Маълумки, ҳамма банкларда активлар суммаси банкнинг ўз капиталидан бир неча марта юқори, унинг коэффициенти 15:1 гоҳида 25:1 гача етади. Ундан ташқари активлар умумий суммасида муддати узайтирилган кредитлар мавжудки, уни тўланиши умуман шубҳали.

Тижорат банкларининг қисқа муддатли ресурслари портфелидан узоқ муддатли кредитлар беришга харакати ҳам хатарли.

Умуман олганда хатар даражаси 25% ошмаслиги, энг яхши вариант ҳисобланади.

Банк ишида молиявий хатарларни суғурталаш бутун бир тизими мавжуд. Бу борада бизнинг мамлакатимизда ҳам дастлабки қадамлар қўйилмоқда.

## **8. Марказий банк ва унинг асосий вазифалари**

Кредит тизимида бош ролни Марказий банк ўйнайди. Марказий банк банклар банкидир. Марказий банк тижорат банклари ичида XVIII-XIX аср, капитализмнинг дастлабки босқичидаёқ ажralиб турган. Давлат факат Марказий банкга пул эмиссиясини топширган. Баъзи Марказий банклар бошидаёқ давлат муассасаси тарзида ташкил этилган. Масалан, Немис федерал банки, Австралия Резерв банки иккинчи жаҳон урушидан сўнг миллийлаштирилган Франция, Англия, Япония, Канада, Голландия банклари.

МБ, Давлат банки ҳисобланади, лекин баъзи мамлакатларда тижорат-акционерлик банки тарзida иш юритади. Бунда бош акционер бўлиб давлат майдонга чиқади. Масалан: Швецария банкилари бунга мисол бўла олади.

МБ, энг аввало давлатнинг пул-кредит сиёсатини амалга оширади. МБ қатор вазифаларни бажаради, улар ичида қуидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: Тижорат банкларини рўйхатга олади. Улар рухсатнома беради. Ана шундан кейингина банк ўз фаолиятини бошлиши мумкин.

МБ тижорат банкларини фаолиятини мувофиқлаштиради ва тартибга солади. МБ фаолиятининг таркибий қисми мониторинг – ссуда берилган пулни олинган мақсад бўйича ишлатишни назорат қилиш, олинган маблағларни муддатида қайтариш имконини кучайтиришга хизмат қиласи.

Тижорат банклари барқарорлигини таъминлаш мақсадида қатор мажбурий нормативлар ўрнатади:

1. Устав фондини минимал миқдорини белгилайди.
2. Банкнинг ўз маблағлари билан банк активлари ўртасида нисбатини, баланс ликвидлигининг кўрсаткичини белгилайди.
3. МБ да сақланадиган мажбурий резерв нормаларини белгилайди.
4. Тижорат банклари ўртасида корреспондентлик счёtlари орқали ҳисоб-китоб ишларини ташкил этади.

Тижорат банклари МБ га молиявий ҳисбот топширади. Марказий банк Молия вазирлиги билан ҳамкорликда суғурта ва резерв фонdlарини ҳосил қилиш тартибини ишлаб чиқади.

МБнинг асосий актив операциялари – бу қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ва ссуда беришdir.

Давлатнинг қимматбаҳо қоғозлари бу хазина векселлари, облигациялар бўлиб, улар даромадларнинг муҳим манбай ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида облигациялар даромад манбай сифатидагина эмас, кўпроқ тижорат банклари резервлари миқдорига таъсир этиш ва бу билан мамлакатдаги пул массаси миқдорига таъсир этиш воситаси сифатида ҳам майдонга чиқади.

Активларни жойлаштиришни бошқа йўли – бу ссуда бериш. МБ хукуматига қарз беради.

Маълумки, ЯММ нинг ярми ва айрим ҳолларда ундан кўпроғи мамлакатларнинг давлат бюджетларида жамғарилади. Шунинг учун МБ хукумат, муассаса ва ташкилотларнинг, миллий ҳокимият-

ларининг ҳисоб варагаларини юритади. Уларда маблағларни жамлайди ва тўловларни бажаради. Банк давлатга қисқа ва узок муддатли ссудалар шаклида ёки давлат облигацияларини сотиб олиш йўли билан кредит беради. МБ тижорат банкларига ҳам ссуда беради. МБ ҳамма банкларга қарз олиш учун тенг шароит яратиши керак. Ссуда асосан уч мақсадга қаратилади: резерв мажбуриятларини бажариш, мавсумий ссудалар, ҳамда молиявий аҳволи бекарор банкларга шу ҳолатдан чиқиб олиш учун ёрдам кўрсатиш.

Бундан ташқари МБ активларида чет эл валютаси бўлиб, халқаро валюта бозорларида доллар, марка, иенада шу кабилар билан валюта интервенцияси ўтказиш воситаси сифатида фойдаланади. МБ давлат топшириги бўйича олтин ва чет эл валютаси билан операциялар ўтказади.

Ўзаро талабнома ва мажбуриятларини ҳисобга олишда, яъни клирингга асосланган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар МБнинг муҳим вазифасидир.

**МБнинг пассив операциялари.**

1. Ҳукуматнинг олди-берди операцияларига хизмат кўрсатади, ўз депозитларини ҳамда заҳираларини банклар ва ахолига қимматбаҳо қоғозлар сотиб тўлдириб туради.

2. Тижорат банклари резервларини сақлайди.

МБ нуқтаи назаридан тижорат банклари резервлари – бу унинг тижорат банклари олдидаги мажбуриятлари бўлиб, МБ учун пассив операциялар ҳисобланади.

3. Банкнота чиқариш, бошқача айтганда пул эмиссия қиласи. Улар муомилага киритилгач қўлдан қўлга ўтиб унинг эгаларини товарлар ва хизматлар билан таъминлаш мажбурияти тарзда юзага чиқади.

МБ ҳар қандай миқдорда пул эмиссия қилиш мумкин. Лекин у ўз вазифасини чиқарган пулларини иқтисодий ривожланишга мос товар ва хизматлар билан таъминланган бўлсагина бажариши мумкин. Банкнотлар ўз капитали. Бу банкнинг а) мулки, б) счёtlари, в) фоиз шаклида олган фойдасидир.

### **МБнинг соддалаштирилган баланс схемасини қўйидагicha ифодалаш мумкин**

<b>Активлари</b>		<b>Пассивлари</b>	
1	Валюта резерви а) олтин в) чет эл валютаси	1	МБ нинг ўз капитали

2	МБ кредитлари	2	Тижорат банклари омонатлари
3	Қимматбаҳо қофозлар	3	Муомаладаги банкнотлар
4	Инкасация чеклари	4	Чет мамлакатлари операциялари бўйича мажбуриятлари
5	Қимматбаҳо қофозларни сақлаш	5	Хукумат депозитлари
6	Бошқа активлар (бино, иншоот кабилар)		

Давлатнинг кредит-пул сиёсатини юритар экан, МБ мақоми бўйича кимга бўйсинади деган савол туғилади. Бунга иқтисодчиларнинг фикри бир хил эмас. Айрим иқтисодчилар фикрича банкнинг кимга бўйсимишининг аҳамияти йўқ.

Иккинчи груп иқтисодчилар, МБ мустақил бўлиши керак, бўлмаса сиёсатдонлар инфлция оқибатни ўйламай пул босиб чиқариш имкониятига эга бўладилар, деган нуқтаи назарни илгари суришади.

Учинчи груп иқтисодлар ҳар қандай ҳукумат пул ва солиқ-бюджет сиёсатини юритиш имкони эга бўлиши, бунинг учун МБ мустақил бўлиш керак эмас дейишади.

Реал ҳаётда айрим мамлакатларда МБ ҳукуматга тўғридан тўғри бўйсунмайи. Масалан: АҚШ, Германия, Швецария, Австрия, Япония ва бошқалар. Айрим мамлакатларда масалан: Англияда МБ тўғридан-тўғри ҳукуматга бўйсинади.

Мамлакатимизда МБ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси олдида ҳисобдор, бошқарувчи ва ижро этувчи давлат хокимияти идоралари олдида мустақил.

Давлат пул-кредити сиёсатини МБ амалга оширади:

а) пул муомаласини тартибга солади;

б) кредит ҳажми, фоиз ставкалари даражаси ва бошқаларни белгилайди.

МБ пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг асосий усуллари қўйидагилар.

1. Очиқ бозордаги операциялари;

2. Захира (резерв) меъёрини ўзгартириш;

3. Ҳисоб (учёт) ставкаларини ўзгартириш.

Уларнинг ҳар бирининг ўзгариши пул массасининг ўзгариши устидан, яъни пул таклифи устидан назоратнинг энг мослашувичан ва сезгир куролидир.

Агар МБ га муомалада пул массасини кўпайтириш зарур бўлса,

у қимматбаҳо қоғозлар бозорида давлатнинг қисқа муддатли облигацияларини сотиб олишни бошлайди. Тижорат банклари, ўз активларидаги хукуматнинг қимматбаҳо қоғозларини ўzlари учун мақбул шароит асосида сотишга тушадилар. Бирмунча муддат ўтгач облигациялар сотишдан тушган пуллар тижорат банкларига чеклар ёки депозитлар шаклида келиб тушади. Бу маблағлардан бир қисми резервга қўйилиб, қолганларини банклар кредитга бериш мумкин.

Шундай қилиб, МБ давлатнинг қисқа муддатли облигацияларини сотиб олиш билан муомаладаги пул таклифини кўпайтиради.

АҚШда 80-йилларнинг иккинчи ярмида инфляция пасайгач ФРС йилига 20-30 млрд.доллар атрофида давлат облигацияларини сотиб олган, 2-4 млрд.доллар атрофида сотган. Агар МБ инфляцияга қарши пул массасини кўпайтиришнинг олдини олишга харакат қилса, у давлат қарз мажбуриятларини сотишни бошлайди. Тижорат банклари ўzlарига фойдали тарзида давлатнинг қисқа муддатли облигацияларини сотиб оладилар, маълум муддат ўтгач чек тижорат банкларига тўлов учун тақдим этилади.

Шундай қилиб, МБ давлатнинг қисқа муддатли облигацияларини сотиш билан пул таклифини камайтиради.

МБнинг қимматбаҳо қоғозлар бозорига доимо таъсир кўрсатиши туфайли давлат облигацияларининг тўлов муддатлари ҳар хил бўлишидан қатъий назар, тезда пул массасини камайтириш имконини беради.

Захира (резерв) нормаларини ўзгартириш. Тижорат банклари МБ да ўз ҳисобларида захира маблағларини ушлаб туриш керак. АҚШ да унинг миқдори банк активларининг 3% дан 20% гача етади. Республикамизда ҳам мавжуд шароитдан келиб чиқиб, резерв нормаси белгиланади. Бу мажбурият резерв нормасидан келиб чиқиб белгиланади. Табиий бу норма паст бўлса, банкларнинг судага бериш мумкин бўлган резервдан ортиқча маблағлари кўпаяди. У ўз навбатидан пул мультипликатори амал қилиш натижасида пулни кўпайишига олиб келади. Аксинча норма юқори бўлса муомаладаги пулни камайишига таъсир кўрсатади. Айтайлик МБ директорлари кенгаши резерв нормасини 10% дан 20%га кўпайтиришга қарор қилса, демак банк ҳар бир доллар маблағдан 20 центини МБ да сақлаб, қолганини суда беришга ишлатиши мумкин. Ана шундай тарзда захира нормасини ўзгартириш билан пул массасига таъсир этилади. Бу усул нисбатан қўпол, шунинг учун ундан иложи борича кам фойдаланилади.

Ҳисоб (учёт) ставкасини ўзгартириш ёки қайта молиялаштириш. МБнинг асосий вазифаларидан бири тижорат банкларига ссуда бериш. Тижорат банклари белгиланган судага олинадиган процент тўловлари ҳисоб ставкаси дейилади. Ҳисоб ставкаси орқали МБ кредит ресурслари ҳажмига таъсир кўрсатади. Ҳисоб ставкаси камайиши билан тижорат банклари томонидан МБ кредитга талаб ўсади, аксинча бўлса талаб камаяди. Чунки тижорат банклари олган кредитларини ўз мижозларига ссудага беради. Мижозлардан олинадиган хақ албатта ҳисоб ставкасига боғлиқ бўлади. Ҳисоб ставкасини пасайтириш билан иқтисодий фаоллик кучаяди. Сабаби пул таклифи ўсиб, қарз олиш имконияти ортади. Агарда мамлакатда пул массасини камайтириш зарур бўлса, МБ ҳисоб ставкасини оширади, натижада кредит қимматлашади, фаоллик сусаяди. Ҳисоб ставкасини ўсиши инфляцияга қарши кураш олиб бориш усули сифатида ҳам қўлланади.

Ҳисоб ставкасини ўзгартириш ҳам эҳтиёткорлик билан қўлланилади, сабаби, кутилмаган қўшимча ўзгаришларга олиб келиши мумкин. МБ иқтисодий вазиятга қараб “арzon” (юмшоқ) ёки “қиммат” (қаттиқ) пул сиёсати юритади.

“Арzon” пул сиёсати. Агар иқтисодиётда фойдаланилмаган ишлабчиқариш қувватлари, ишсизлик мавжуд бўлса, МБ шу сиёсатни юритади, кредит олишни осонлаштиради. У қуйидагилар:

1. Очиқ бозорда давлат қимматбаҳо қоғозларни банклар ва ахолидан сотиб олинади.
2. Резерв (захира) нормаси камайтирилади.
3. Ҳисоб ставкаси пасайтирилади.

Натижада пул таклифи қўпаяди, фоиз ставкаси пасаяди. Бу инвестицияни ўсиши ва амалий фаолиятининг кучайишига олиб келади.

“Қиммат” пул сиёсати. Агарда мамлакатда инфляция юз бераётган бўлса, “қиммат” пул сиёсати юритилишига тўғри келади. Бу сиёсат кредитни қиммат қилиб, уни олишни қийинлаштиради. Пул таклифини қисқартириш чора-тадбирлари кўрилади:

1. Очиқ бозорларда давлат қимматбаҳо қоғозлар сотилади.
2. Захира (резерв) нормалари оширилади.
3. Ҳисоб ставкаси кўтарилади.

Пул таклифи қисқариши натижасида фоиз ставкаси кўтарилади. Бу ўз навбатида инвестицияни қисқаришига, инфляцияни чеклашга олиб келади. Шундай қилиб МБ мамлакатнинг банк-молия соҳасига, унинг ҳолатига бевосита таъсир қилиб, бутун иқтисодиётга ўз таъсирини кўрсатади.

Кўпчилик иқтисодчилар пул-кредит сиёсатини миллий барқарорлаштириш сиёсатининг ажралмас қисми деб ҳисоблашади. Унинг афзалиги шундаки, фискал сиёсатга нисбатан мослашувчанлиги ва тез орада таъсир кўрсатиши, сиёсий босим кўрсатиш фискал сиёсатга нисбатан қийинлиги билан ҳам ажралиб туради. Ундан ташқари қатор иқтисодчилар пул таклифининг ўзгаришини иқтисодий фаоллик даражасини белгилайлиган хал қилувчи омил деб ҳисоблашади. Аммо, уни камчиликлари ҳам бор. Жумладан, “Киммат” пул сиёсати кутилган натижани бериши, лекин “арzon” пул сиёсати бундай натижани бермаслиги ҳам мумкин, яъни таклиф қилган пул мижозлар томонидан фоиз нормасининг паст бўлишига қарамай ссудага олинмаслиги мумкин. Бу камчиликларга қарамай, пул-кредит сиёсати ва унинг кредит тизими орқали амалга оширилиши мамлакат иқтисодий хаётида муҳим рол ўйнайди.

## **Асосий таянч тушунчалар**

**Молия** – пул фондларининг харакати, яъни уларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланиши билан боғлиқ равища вужудга келадиган муносабатлар.

**Молия тизими** – молиявий муносабатлар ва турли даражада уларга хизмат қилувчи молиявий муассасалардир.

**Давлат бюджети** – давлат харажатлари ва уларни молиявий таъмирлаш манбаларининг тартиблаштирилган режаси.

**Бюджет тақчиллиги** – бюджет харажатларининг даромадлар қисмидан ортиқча бўлиши натижасида вужудга келган фарқ.

**Давлат қарзлари** – бюджет тақчиллигини қоплаш мақсадида давлат томонидан жалб қилинган молиявий ресурслар.

**Солиқлар** – жамиятда вужудга келтирилган соғ даромаднинг бир қисмини бюджетга жалб қилиш шакли.

**Солиқ ставкаси** – солиқ суммасининг солиқ олинадиган суммага нисбатининг фоиздаги ифодаси.

**Фискал сиёсат** – бу давлат бюджети даромадлари ва харажатлари таркибий қисмини ўзгартириш орқали миллий иқтисодиётга таъсири тушунилади.

**Дискрецион фискал сиёсат** – бу миллий ишлаб чиқариш реал хажмларини ўзгартириш, бандлик даражасини ушлаб турish ва инфляция устидан назоратни ўрнатиш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида солиқлар билан бирга, давлат харажатларини онгли равища манипуляция қилиш тушунилади.

**Недискрецион фискал сиёsat** – бу солиқ интизомининг мустақил барқарорлаштирувчи бир қатор лаёқатлари, яъни унинг мамлакатдаги иқтисодий фаолиятини қандайдир бошқарувчи органларнинг бевосита аралашувларисиз тартибга солиш имкониятини берувчи айрим хусусиятлари тушунилади.

**Лоффер эгри чизиги** – давлат бюджети даромадлари ва солиқ ставкаси ўртасидаги боғлиқликнинг тасвирланиши.

**Кредит** – иқтисодий категория бўлиб, у вақтинча ўз эгалари қўлида бўш турган пул маблағларини ифодалайди.

**Тижорат кредити** – бу корхоналар, тадбиркорлар ва бошқа хўжалик субъектларининг бир-бирига товар шаклида берадиган кредитидир.

**Банк кредити** – бу молия муассасалари (банклар, фондлар, ассоциациялар) томонидан ҳар қандай хўжалик субъектлари (тадбиркорлар, корхоналар, ташкилотлар ва бошқалар)га пул шаклида – ссуда тарзида берилади.

**Ипотека кредити** – кўчмас мулк (ер, бино, уй-жой кабилар)ни гаровга қўйиб олинадиган кредит. Одатда ипотека кредитидан асосан қишлоқ хўжалигида асосий фондларни янгилаш учун йирик қўйилмаларни қоплаш учун фойдаланилади.

**Давлат кредити** – давлат бир томондан қарз оловчи, иккинчи томондан қарз берувчи сифатида майдонга чиқади.

**Хўжаликлараро пул кредити** – хўжалик юритувчи субъектларни бир-бирига берадиган кредити. Корхона, ташкилотлар акция, облигация, кредит билетлари ва бошқа қимматбаҳо қофозлар чиқариш орқали берилади. Бу операциялар корхоналарни марказлаштирилмаган молиялаштириш (акция чиқариш) ва кредитлаш (облигация ва бошқа қимматбаҳо қофозлар) деган ном олган.

**Халқаро кредит** бу - ссуда капиталининг халқаро миқёсидаги харакатидир. Халқаро кредит товар ёки пул (валюта) шаклида берилади. Қарз берувчилар ва қарз оловчилар банклар, хусусий фирмалар, давлат органлари, хукуматлар, йирик корпорациялар, халқаро ва регионал ташкилотлари бўлиб, уларнинг кредит бериш шартлари бир-биринидан жиддий фарқ қилиши мумкин.

## **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Молиянинг иқтисодий мазмунини тушунтиринг ва унинг иқтисодий вазифаларини баён қилинг.

2. Жамият ва давлат молия тизимлари асосий бўғинларининг тавсифини беринг. Молия тизимида давлат бюджетининг ўрни қандай?

3. Ўзбекистон давлат бюджети маблағларининг шаклланиш ва тақсимланиш хусусиятлари тўғрисида мулоҳаза юритинг.

4. Давлат бюджети миллий даромадини тақсимлаш ва қайта тақсимлашда қандай рол ўйнайди? Бунда қандай усуллардан фойдаланилади?

5. Бюджет тақчиллиги нима? Ижобий ва салбий бюджет тақчиллигини тушунтиринг.

6. Солиқларнинг иқтисоий моҳиятини тушунтиринг ва унинг турларини асосий вазифаларини кўрсатинг.

7. Давлат фискал сиёсати моҳиятини ва унинг миллий иқтисодиётга таъсир этишини тушунтиринг.

8. Ўзбекистонда бюджет ва солиқ тизимини ислоҳ қилиш қандай йўналишларда амалга оширилиши кўзда тутилган?

9. Кредитнинг моҳияти, вазифалари ва манбаларини айтинг. Кредитнинг судхўрликдан фарқи нимада? Қандай кредит турларини биласиз?

10. Банк фоизи билан ссуда фоизи нимаси билан фарқланади?

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси. Т.: Ўзбекистон, 2003.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон - буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

3. Каримов И.А. Бизнинг бош мағсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

4. Каримов и.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/И.А.Каримов, - Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йўналишларига бағишлиланган вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

6. Каримов И.А., Энг асосий мезон – хаёт ҳақиқатни акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009, - 24 б.

7. Шодмонов Ш., Алимов Р.Ү., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002.
8. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси – Т.: Ўқитувчи, 2002.
9. Джумақулов Т.Т., Сафарова З.Т. Использование трудов И.Каримова в преподавании экономической теории и его вклад в её развитие: Учебное пособие. – Т.: Изд-во мет.лит-ры им. Абу Али ибн Сино, 2002.
10. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси иккинчи китоб: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2003.
11. Тарасевич Л.С., Гребенников П.И., Леусский А.И. Макроэкономика: Учебник М: Юрист-Издат, 2003.
12. По, А. Самуэльсон, Вильям Д. Норд Хаус. Экономика: Пер. с англ. – М.: «Лаборатория Базовых знаний» 2000.
13. Экономическая теория: Учеб. Для студ. Высш. Учеб. Заведений. Под. Ред. В.Д.Камаева. -7-е изд, перераб и доп. – М.: «Гуманитарное издательство цент ВЛАДОС» 2002.
14. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Москва., 1962. Стр. 332
15. Mill J.S. On the Definition of Political Economy; and on the Method of Investigation Proper to it. In: Essays on Some Unsettled Questions of Political Economy. L., p 133-137
16. Walras L. Elements of pure Economics. Translated by Jaffe W.Homewood, Richard D.Irwin, 1954. pp. 88-89.
17. Ўлмасов А., Вохобов А. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.
18. Шодмонов Ш.Ш., Фофуров У. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.
19. Слагода В.Т. Основы экономической теории: учебник. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2009. – 272с.
20. Гукасян Г.М., Маховикова Г.А., Амасова В.В. Экономическая теория, 7-е изд. – СПБ.: Питер, 2010. 240с.
21. Борисов Е.Ф. Экономика: учеб. – М.: Проспект, 2009, 320с.
22. Воробьев Е.М. Экономическая теория. Курс лекций. М.: Эксмо, 2008, 272с.
23. Лачанов Ю.Н. Новая экономическая теория – новая классика: Революционный прорыв во всех представлениях ЛКИ, 2008, 104с.
24. Экономическая теория: учеб. Под. Ред. И.П.Николаевой. – 2-е изд., Перераб. И. доп. – М.: Проспект, 2009, 576с.

## **11-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ**

### **РЕЖА:**

1. Давлатнинг миллий иқтисодиётни тартибга солишдаги роли ҳакида турли хил назария ва қарашлар.
2. Микроиқтисодий сиёсат.
3. Давлатнинг иқтисодиётдаги роли. Иқтисодий сиёсатнинг мақсади ва вазифалари.
4. Давлатнинг иқтисодий сиёсатини асосисй йўналишлари. Глобал иқтисодий сиёсат.
5. Иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг ўзаро боғликлари.

### **1. Давлатнинг миллий иқтисодиётини тартибга солишдаги роли ҳакида турли хил назария ва қарашлар**

Миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги кўп омилли кўрсаткич бўлиб, бунда самарадорликнинг эришилган даражаси кўп жиҳатдан иқтисодиётдаги давлат ёки бозор тизимининг тутган ролига боғлиқ бўлиши мумкин. Чунки анча юқори самарадорликка, биринчидан, бозорнинг тартибга солиш усуслари орқали; иккинчидан, иқтисодиётни фақатгина ягона марказдан онгли равища марказлашган бошқариш йўли билан; учинчидан, такрор ишлаб чиқариш жараёнида давлатнинг аралашуви ва бозор усусларини уйғулаштириш орқали эрилишилади. Ҳозирги даврда Республикамизнинг миллий иқтисодиёти ривожи учун кўпроқ учинчи йўл характерли хисобланади.

Кишилик жамиятининг ilk давлариданоқ давлатнинг иқтисодиётга аралашуви муаммоси пайдо бўлди. Товар ишлаб чиқишини ривожланиши ва пулнинг пайдо бўлиши судхурлик муаммосини туғдирди. Судхурлик ўзининг юқори фоизлари билан товар ишлаб чиқарувчиларни (солиқ тұловчиларни) хонавайрон қилиб, давлатни қашшоқлашишига олиб келди. Бу ўз навбатида давлатни ўзини ва солиқ тұловчиларни химоя қилишга мажбур қилди. Қадимги Бобилда қабул қилинган Эшнунн ва хаммурапи қонунлари бунга мисол бўла олади.

Буюк жугрофий кашфиётлар даврида Ғарбий Европа мамлакатларининг мустамлакаларни босиб олиш сиёсати ҳам

давлатни иқтисодиётга аралашувини зарур қилиб қўйди: биринчидан, мустамлака ахолисини итоатда ушлаб туриш; иккинчидан, мустамлакаларини бошқа давлатлардан ҳимоя қилиш зарурати пайдо бўлди.

Бу хол иқтисодий назариянинг «меркантилистлар» оқими таълимотида ўз аксини топди.

Юқоридаги иккала ҳолда ҳам давлатнинг иқтисодиётга фаол аралashiши асослаб берилган.

Иқтисодий тафаккур тарихидан биринчи марта давлатнинг иқтисодиётдаги роли масаласи А.Смит томонидан илмий асосда кўриб чиқилган. Унинг "Халқлар бойлигининг табиати ва сабабаларини тадқиқ қилиш ҳақида" (1776 йил) деган китобида бозор усуллари орқали иқтисодиётнинг ўз-ўзини тартибга солишнинг зарурлиги таъкидлаб ўтилган. А.Смитнинг фикрича хусусий товар ишлаб чиқарувчилар бозори давлат назоратидан тўлиқ озод бўлиши зарур. Ана шундагина ишлаб чиқарувчилар истеъмолчилар талабига мос равишда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имконига эга бўлади. Бунда бозор воситасида тартибга солиш, ҳар қандай четдан аралashiшсиз ишлаб чиқарувчиларни бутун жамият манфаатлари учун ҳаракат килишга мажбур килади.

А.Смит давлатнинг иқтисодий жараёнларига ҳар қандай аралашуви охир оқибатда фақат вазиятни ёмонлаштиради деб хисоблайди. Масалан, давлат томонидан белгиланган ташқи савдо тартиб - қоидалари миллий истеъмолчиларга фақат заарар келтириши мумкин. Ҳақиқатдан ҳам импортга бож тўлови (пошлинаси) миллий ишлаб чиқарувчиларга устунлик бериб, уларнинг чет эл шерикларига нисбатан рақобатлашув қобилиятини оширади. Аммо бу охир оқибатда ишлаб чиқаришнинг анча юқори харажатлари ва паст сифатини сақлаб қолишига олиб келади. Бунда паст сифатли ва нархи қиммат товарларни сотиб олишга мажбур бўлган миллий истеъмолчилар ютқазади.

А.Смитнинг "Тинч қўйиш" назарияси, 1923 - 1933 йилларда бозор иқтисодиётига асосланган деярли барча мамлакатларни қамраб олган иқтисодий инқироз даврида танқидга учради. Иқтисодий таназзул ва оммавий ишсизлик давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашувини кучайтиришни тақазо қилди.

Давлатни иқтисодиётдаги ролини ошириш масаласи Джон М.Кейнснинг "Иш билан бандлилик, процент ва пулнинг умумий назариялари" номли китобида ўз аксини топди (1936). Бу китобда

муаллиф давлат фискал (хазинавий) ва кредитли тартибга солиш воситаларидан фойдаланиб, жамиятнинг ялпи талабини рағбатлантиришни ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаши зарурлигини исботлайди.

Амалда гап давлатнинг узлуксиз равишда кризисга қарши сиёsat ўтказиши, иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини тугатиш ва саноат циклининг ўзгаришини йўқотиш хақида кетади. Кейнс назарияси анча тугалланган назария сифатида АҚШда амалга оширилди.

Урушдан кейинги даврда Кейнс назариясидаги кўрсатмалар у ёки бу даражада бозор иқтисоди амалда устун бўлган барча мамлакатларда фойдаланилди. Шу билан бирга давлатнинг иқтисодиётдаги ролининг янада кўпроқ ошиб бориши рўй берди. Ҳозирги даврда давлат томонидан тартибга солишни муҳим мақсади сифатида нафақат циклига қарши тартибга солиш ва иш билан бандлиликни таъминлаш, балки иқтисодий ўсишнинг юқори даражасини ва яхлит такрор ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштиришни рағбатлантириш тан олинади.

XX асрнинг 70-йилларига келиб, иқтисодий назариянинг монетаризм ва унинг «рейгономика», тэтчеризм каби қўринишларида давлатнинг иқтисодиётга аралашуни чеклаш ғояси олга сурилди. Бу давр талаби эди. Иқтисодиёт анча жонланди. Лекин бозорнинг ўз ўзини бошқаришидаги камчиликлар натижасида 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бу муаммога бошқача кўз билан қарашга мажбур қилди. Лондон шаҳрида 2 апрель куни бўлиб ўтган жаҳоннинг энг ривожланган 20 та мамлакати раҳбарларининг саммитида бир овоздан давлат иқтисодиётга аралашуви керак деган фикр ўз тасдиқини топди. Бу эса, Президентимиз И.А.Каримов томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёsatнинг тўғрилигини тан олинганини билдиради.

## 2. Микроиқтисодий сиёsat

Иқтисодиётнинг қонун-қоидаларига амал қилиш иқтисодий сиёsat орқали юз беради, чунки буларни англаған ҳолда иқтисодиёт ривожига оид чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва булар иқтисодиётга таъсир этмай қолмайди. Иқтисодий сиёsat узи нима?

Иқтисодий сиёsat — бу иқтисодиёт субъектларининг уз фаолиятига оид йўл-йуриқлари ва саъй - ҳаракатларининг

мажмуасидир.

Ҳар бир иқтисодиёт иштирокчисининг, бу хонадонми, фирмами ёки давлатми бунинг фарқи йук, ўз манфаатлари бор. Бу манфаатлар амалиётда аник, мақсад шаклига киради, иқтисодий сиёсат эса уни амалга оширишга қаратилади. Хонадоннинг мақсади уз истеъмолини максимумлаштириш ва келажакни таъминлаш учун жамғарма ҳосил этишдир. Фирманинг мақсади эса фойдани максимумлаштириш ва иқтисодий жихатдан барқарорлигини таъминлашдир. Давлатнинг мақсади эса, миллий. Иқтисодиётнинг барқарор ўсишини ва шу асосда халқ. фаровонлигини таъминлашдан иборат. Мақсадлар каби уларни амалга ошириш воситалари ҳам фарқланади ва бу иқтисодий сиёсатда ҳисобга олинади. Хатто бир тоифадаги субъектларнинг ҳам мақсади бир хил эмас, чунки уларнинг иқтисодий мақоми фарқланади. Масалан, бой, уртаҳол ва камбағал хонадонлар, кичик, урта ва йирик фирмаларнинг муайян даврдаги аник, мавсадлари бир хил эмас, булар индивидуаллашган, чунки уларнинг ўзи мустакил ва ғоят қўпчилик.

Иқтисодий сиёсат З даражада бўлади, булар микро, макро ва мета (халқаро) сиёсатдир.

Микросиёсат хонадон ва фирмалар сиёсати ҳисобланади. Бу ғоят индивидуаллашган бўлади, бунга яхлитлик хос эмас. Хонадон сиёсати унинг асосий фаолияти истеъмолга ва жамгаришга оид бўлади. Бу сиёсат танлов тамойилига асосланади. Хонадон ўзининг индивидуал йўлини тутади, лекин унинг сиёсати объектив шароитга мослашиши зарур, чунки айрим хонадон объектив иқтисодий мухитни ўзгартиришга қодир эмас, уни ҳисобга олишдан бошка иложи йук. Айни пайтда унинг сиёсатида субъектив жихат ҳам бор, чунки хар бир хонадон ўзи билган йўлдан қолмайди. Хонадон сиёсатининг мақсади яхши яшаш бўлганидан у бунга эришишнинг энг маъкул йўлини белгилаб олади. Бу йўлдаги биринчи иш — бу куп пул топиш бўлса, иккинчиси пулни оқлона сарфлаш бўлади. Оддий меҳнаткаш хонадонининг асосий ресурси иш кучи бўлганидан уни яхширок, пулга сотиш, яъни яхши иш ҳақи берадиган жойга ўрнашиб олиш унинг сиёсатининг асосий йуналиши хисобланади, чунки пул топишнинг бирламчи шарти бандликдир. Хонадон сиёсатининг бошқа бир йуналиши ўз даромадини туғри сарфлаш сиёсати, яъни харажатлар сиёсатидир. Бу сиёсат энг аввал даромаднинг қандай қисми жорий истеъмолга юборилишини белгилайди, сунгра эса харид учун ажратилган пулга товарларнинг энг маъкул тўпламини танлаб

олишни мулжаллайди, танлов эса товарларнинг нархи ва нафлилигидан келиб чиқкан ҳолда уларни шундай комбинацияда (нисбатда) олишга қаратиладики, бу унинг харид қобилияти доирасида эҳтиёжларини максимал қондириши керак бўлади.

Хонадоннинг жамғариш сиёсати унинг даромад топиш имконияти, даромаднинг бир қисмини жамлаб пулдан пул чиқариш имкониятидан келиб чикади, жамғаришнинг муқобил усусларини танлашни кўзлайди. Жамғариладиган пул молиявий ёки моддий активларга айлантирилади. Хонадон сиёсатида пулга акция, облигация сотиб олиш, уни банкка қўйиш, қарзга бериш ёки туғридан-туғри бизнесга жойлаштиришни олдиндан белгилаб олинади. У пулини инвестициялаганда биринчидан, пулни инфляциядан асраб, жамғарма қадр-қийматини сақлаб қолиши, иккинчидан унинг кўпайиб қўшимча даромад келтиришини кўзлайди.

Оддий хонадондан фарқлироқ бой-бадавлат хона-дон сиёсати ёлланиб ишлашдан эмас, балки бизнесдан пул топишни кўзлайди, чунки унинг иш кучидан бошқа индивидуал капитали ҳам бор. Бунга бизнес турини эркин танлаш орқали эришилади.

Фирмалар сиёсати уз мақсадини аниқ, белгилаш ва унга эришиш йўллари ва воситаларини танлашдан иборатdir. Бу сиёсат мақсади фойдани максимумлаштиришни, бунга эришиб бўлмаганда фирма барқарорлигини таъминлаб, уни сақлаб қолиш ва бир маромда ривожлантиришни мўлжаллайди.

Фирма сиёсати фаолиятнинг турли соҳаларига тааллукли бўлади.

Фирманинг ишлаб чиқариш сиёсати нимани қанча ва қандай даврда ишлаб чиқаришни белгилайди. Фирманинг ўз мақсадига этиши ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ, чунки хар қандай қўламда ишлаб чиқариш фойдали бўлавермайди. Шу сабабли фирма ишлаб чиқаришнинг шундай ҳажмини танлаб оладики, бунда ўртacha харажатлар билан бозор нархи орасидаги фарқ энг катта бўлиб фойда максимумлашиши керак бўлади. Бунинг учун фирма ишлаб чиқаришни модернизациялаб, бозорга янги товарлар ва хизматларни таклиф этиш йўлидан боради.

Фирманинг тижорат сиёсати товарларнинг қандай миқдорда ва қайси бозорларда сотилишини, уларнинг кредитга берилишини, экспорт миқдори ва таркибини белгилайди, савдо-сотикда рақобатчилар ва партнёрлар билан қандай муносабатда бўлиш йўлини аниклайди.

Фирманинг нарх сиёсати бозорга қандай нарх билан чиқиши, нархнинг бозор шароитига қараб қандай ўзгартирилишини, нархлардан сийлов бериш тартиби кабиларни мўлжаллайди.

Фирманинг молия сиёсати солиқларни тўлаш тартибини, солиқлардан имтиёз ва давлатдан субсидия олиш йўлларини, кредит олиш, уни қайтариш, фоиз тўлашга оид ишларни, фойдани тақсимлаб, уни самарали ишлатиш чораларини, акция чиқариб сотиш, ўзга фирмалар акциясини, давлат облигацияларини сотиб олишга оид йўл-йуриқларидан иборат бўлади.

Фирманинг рақобат сиёсати рақобатда иштирок этиш ёки этмаслик, рақобат юз берганда унинг усулларидан қайси бирини қўллаш, қандай воситаларни ишга солишга қаратилади.

Вазиятга қараб сиёсатнинг у ёки бу йуналишига устуворлик берилади. Фирма сиёсати кисқа ва узок, даврга мўлжалланади, чунки шу даврларда турли мақсадлар олга сурилиб, уларга эришишнинг муқобил воситалари танлаб олинади. Фирма сиёсати, биринчидан, бозордаги вазиятга, иккинчидан, давлатнинг сиёсатига мослашиб боришни билдиради. Фирма сиёсати ҳам индивидуаллашган, бирок, сиёсатнинг умумий тамойиллари борки, уларга фирмалар ўз мақсадидан келиб чиқсан ҳолда ва билганича риоя этишади.

Фирма ўз сиёсатини белгилашда объектив ахборотга таянадики, бу ички ва ташқи ахборотлардан иборатdir. Ички ахборот фирманинг ўзидаги ҳолатни, ташқи ахборот эса ташқи муҳитдаги ҳолатни тавсифлайди. Фирмалар сиёсатини агар улар корпорациялар (акционер жамиятлар) бўлса олий бошқарув органлари (директорлар кенгashi, акционерлар мажлиси) ишлаб чиқади, уни амалга ошириш ишини менежерлар бажаради. Фирма оддий корхона бўлса, унинг сиёсатини эгасининг ўзи ёки унинг номидан менежерлар амалга оширади. Фирманинг сиёсатига к.араб унинг иши режалаштирилади. Шу мақсадда фирма стратегияси ишлаб чиқилиб, унда фирма сиёсати аниқ, чора-тадбирлар шаклига эга бўлади. Фирма сиёсатининг нақадар ўринли эканлигини унинг мониторинги (баҳо бериш) орқали аниқланади.

### **3. Давлатнинг иқтисодиётдаги роли. Иқтисодий сиёсатнинг мақсади ва вазифалари**


Ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаати бўлиб, буни давлат ифодалайди. Давлат эса фуқаролик жамиятининг умуммиллий сиёсий

институти бўлиб, унинг асосий функцияси шу жамиятни бошқаришdir. Жамиятдаги турли манфаатларни уйғунлаштириб, уларни ягона миллий манфаатга бирлаштирувчи куч ҳам давлат хисобланади, чунки бошқа сиёсий институтлар, чунончи партиялар, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари фақат уларда бирлашган кишилар манфаатини ифода этади, бу эса гурӯхий, яъни корпоратив манфаатларdir.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви икки йуналишда кечади. Биринчидан, иқтисодиётнинг давлат секторини ҳосил этувчи корхона ва ташкилотлар миллий иқтисодиётнинг бир бўлгани сифатида товар ва хизматлар яратиб бозор муносабатларида иштирок этади. Иккiiичидан, давлат умумий манфаатларни ифодаловчи куч сифатида миллий иқтисодиётни тартиблашда иштирок этади.

Давлатнинг турли идора ва ташкилотлари истеъмолчи сифатида бозордан ресурслар ва истеъмол товарларни сотиб олганда харидор сифатида бозор алоқаларида иштирок этади. Давлат фирмалари бозорга уз товар ва хизматларини таклиф этади ва бозордаги ресурсларга талаб билдиради. Хар икки ҳолатда давлат иқтисодиётнинг эл қатори субъекти вазифасини ўтайди. Бироқ, давлат бозорга нисбатан ташқи куч сифатида ҳам майдонга чиқиб бутун иқтисодиётни тартиблашда иштирок этади. Бунда давлат жамият номидан иш қўради. Давлат фирмалар ва хонадонлар ўртасида туриб уларнинг алоқаларини тартибга солади (20.1-раем).

Давлатнинг истеъмоли унинг буюртмалари орқали талабни ошириб, фирмалар учун бозор яратиб беради.



**20.1-расм.** Давлатнинг бозор алоқалари таъсири

Давлатнинг хонадонларга берадиган пул трансферлари уларнинг харид қобилиятини оширади, бу эса уз навбатида талабни ошириб фирмалар бозорини кенгайтиради. Давлат секторининг корхоналари ўз товар ва хизматларини бозорга чиқариб у ердаги таклифни оширадилар. 2008 йили Ўзбекистонда давлат секторининг корхоналари таклиф этган товар ва хизматлар янги ички маҳсулотнинг 20,6%ини ташкил этди.

Давлат сектори ҳамма учун зарур, лекин рентабеллиги пастлигидан фирмалар қўл урмайдиган товар ва хизматларни яратади. Аксарият ҳолларда давлат сектори ишлаб чиқариш инфратузилмаси, чунончи, ёқилга-энергетика, транспорт, йўл хужалиги, сув хўжалиги, алоқа каби соҳаларни қамраб олади. Уларнинг товар ва хизматлари эса миллий Иқтисодиётнинг ривожи учун сувдек зарур бўлади, шу сабабли шу соҳалар харажатини давлат ўз зиммасига олиб иқтисодий усишга ҳисса қўшади.

Давлат кўрсатадиган ижтимоий хизматлар бепул бўлганидан улардан ҳамма баҳраманд бўлади. Уларни истеъмол этиш фирмалар ва хонадонларни бир қатор ижтимоий сарфлардан озод қиласди, бу билан инсон омилининг ривожини таъминлаб иқтисодий усишга шароит ҳозирлайди.

Давлат ҳам иқтисодиёт субъекти, лекин бу оддий субъект эмас, балки бутун иқтисодиётни тартиблаб турувчи субъектдир. Миллий иқтисодиётни тартиблаб туришда фақат бозор кучлари эмас, балки давлат ҳам қатнашади. Бошқа субъектлар, масалан, фирмалар, факат ўз фаолиятини тор доирада, яъни корхона доирасида тартиблай оладилар. Макроиктисодий даражада турли субъектлар фаолиятини бозор механизми бир-бирига мувофиқлаштириб турсада у вақти-вақти билан лаёкатсиз бўлиб туради (биз буни олдин кўриб чиқсан эдик). Шу сабабли иқтисодиётни тартиблашда давлат фаол иштирок этади, лекин бу бозор қонун-қоидалари доирасида юз беради.

Хозирги бозор иқтисодиётини давлат тартиблаб туришини фақат бозорнинг лаёкатсиз бўлиб қолиши билангина изохлаш мумкин эмас, чунки иқтисодий алокалар ғоят кенг миқёсли ва мураккаб бўлиб, бозор кучлари хатто мукаммал ишлаган тақдирда ҳам уларни тўлат-тўқис тартибга кола билмайди. Агар 2008 йили ер юзида яратилган жами товар ва хизматлар 58,9 триллион долларлик (нарх паритетига кўра) бўлса, буларни яратишда барча континентлардаги миллионлаб фирмалар иштирок этган, деярли 3 млрд. киши меҳнат қилган.

Хозирги ишлаб чиқариш чукур ихтисослашган бўлиб товар ва хизматлар кўпчилик меҳнатининг маҳсулига айланади, уларнинг турлари кўпаяди. Истеъмолга тайёр товарларни яратишда кенг камровли иқтисодий алокалар талаб қилинади, корхоналар бирбирига ресурслар, бутловчи қисмлар ва хатто деталлар етказиб беради. Ишлаб чиқаришда техникавий мураккаб товарлар хиссасининг ортиб бориши аитилган алоқаларнинг мунтазам бўлишини талаб қиласдики, бу иқтисодиётнинг глобаллашуви жараёнида янада кучаяди. Корхоналарнинг ташки иқтисодий алокалари аҳамияти ғоят ошади ва буларни ўрнатишда давлатнинг иштироки талаб қилинади.

Иқтисодий алоқаларнинг глобализация даражасига чиқиш давлатнинг иқтисодиёт ролини оширса, корхоналарда бозорга қараб ўз фаолиятини ўзи тартиблашга интилиши бу ролни чеклайди.

Фан-техника тарақиётда корхоналарни микродаражада бошқаришнинг энг мукаммал воситаларини яратди. Бунга мисол қилиб бошқаришнинг компьютерлашувини, корхоналарнинг глобал ахборотлар тармогига чиқишини олиш мумкин. Бунинг натижасида корхоналар бозор ҳакида атрофлича ахборотга эга бўладилар, бундан фойдаланиб бозорни прогноз қиласдилар, ўз фаолиятини бозор талабига ўз вақтида мослаштира оладилар. Натижада ўз фаолиятини ўзи тартиблаш имкони кенгайиб боради.

Хуллас, давлатнинг ролини зиддий омиллар белгилайди. Иқтисодий алоқаларнинг глобал тус олиши давлатнинг ролини кучайтиrsa, ўзини-ўзи тартиблаш имкони бу ролни чеклаб туради. Шу сабабли давлатнинг иқтисодиётга аралашуви меъёрида бўлиши талаб қилинади.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашув меъёрм шундан иборатки, давлатнинг фаолияти бозор механизмининг ишлашига халақит бермаслига, аксинча бунга шароит яратиб бериши керак, зарур бўлганда бу механизм ишини тўлдириб туриши ҳам талаб қилинади.

Хозирги бозор иқтисодиётида тартиблашнинг бозор механизми билан давлат механизми биргаликда амал қиласди. Бироқ, уларнинг нисбати шароитга қараб турлича бўлади. Масалан, Италия, Австрия, Франция, Швецияда давлатнинг роли кучли бўлса, АҚШ, Япония ва Германияда бу нисбатан кучсиз.

Давлатнинг тартибловчи ролини иқтисодиётнинг умумий холати ҳам белгилайди. Иқтисодиёт ўсаётган пайтларда бозор кучлари ишлаб турганидан давлат иқтисодиётга камроқ аралашади. Аксинча,

иқтисодиётда флуктуация кечганда давлат иқтисодиётни унглаш учун унга фаол аралашади.

Давлат иқтисодиётга ўз сиёсати билан таъсир этади.

Давлатнинг сиёсати — бу макроиқтисодий сиёсат бўлиб, унинг муайян мамлакатнинг миллий иқтисодига тааллукли йўл-йўриклари ва улардан келиб чиқадиган саъй-харакатларидан иборатdir.

Давлатнинг сиёсати хар доим миллий бўлади, мамлакат ривожининг ички ва ташки шароитини хисобга олади. Сиёсатда энг аввал мамлакат иқтисодиётининг ҳолати, халқаро иқтисодий конъюнктурунинг миллий иқтисодиётта нечоғлиқ таъсир этиши, унда кутилаётган ўзгаришлар мамлакат зиммасига олган халқаро мажбуриятнинг қандайлиги, мамлакат иқтисодиётининг ресурслар билан таъминланиш даражасидан келиб чиқади, илгари амалга оширилган чора-тадбирлар берган натижа ҳам хисобга олинади. Давлат сиёсати давлат раҳбарларининг эрк-иродаси ва қатъиятлигига ва етилган иқтисодий муаммоларни нақадар идрок этишларига ҳам боғлиқ бўлади.

Давлатнинг сиёсати миллий манфаатлардан келиб чиқдан ҳолда маълум мақсадларни кўзлайди. Булардан асосийлари қуйидагилар:

1. Барқарор иқтисодий ўсиши таъминлаш. Бу ялпи ички маҳсулотнинг бир маромда ва етарли суръатлар билан ўсишига шароит ҳозирлашни билдиради, чунки ЯИМ қанчалик тез ўssa, мамлакат иқтисодий қудрати шунчалик ошади.

2. Миллий иқтисодиётнинг мустақиллигини таъминлаш, уни чет элга қарам бўлишига йўл қўймаслик. Иқтисодиёт қанчалик мустақил бўлса, шунчалик миллий манфаатларга қўпроқ хизмат қиласди.

3. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш. Бу иқтисодий оборотнинг узлуксизлигини, яъни такрор ишлабчиқаришнинг тухтовсиз давом этишини, иқтисодий фалажликка йўл қўйилмаслигини билдиради.

4. Миллий пул қадр-қийматининг барқарорлигини таъминлаш, мамлакатдаги пул муомаласининг меъёрида боришига эришиш, пулни иқтисодий алоқаларнинг мунтазам ишлаб турувчи воситасига айлантириш.

5. Аҳоли турмуш фаровонлигини муттасил ошириб, иқтисодиётнинг ижтимоийлигини тўлароқ юзага чиқаришга кўмаклашиш.

6. Миллий иқтисодиётни халқаро интеграцион жараёнлар ва глобализациада фаол иштирок этиб, халқаро иқтисодиётда ўз ўрнини

топиши, байналмилал иқтисодий муносабатларнинг тенг хуқуқли иштирокчисига айланишига эришиш.

7. Миллий иқтисодиётнинг истиқболини таъминлаш, яъни уни узок, келажакда ўсиб боришига шароит ҳозирлаш. Булар иқтисодий сиёсатининг стратегик, яъни узок, даврга мулжалланган мақсади ҳисобланади. Бироқ унинг кисқа вақтдаги тактик, яъни жузъий мақсадлари ҳам бор. Булар жумласига иқтисодий тангликдан чиқиб кетиш, нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, инвестицион фаолликни рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, новацияларни таъминлаш, янги ташқи бозорларга кириб бориш кабилар киради. Жузъий мақсадлар стратегик мақсадлардан келиб чиқади ва уларга хизмат килади.

Давлат сиёсати белгилаган мақсадларга қўйидаги воситалар билан эришилади. Биринчisi, иқтисодий воситалар бўлиб, булар жумласига солиқлар, субсидиялар, лицензиялар, экспорт квоталари, учёт ставкалари, давлат буюртмалари, давлат инвестициялари, трансферлар, турли иқтисодий санкциялар (жазолаш воситалари) кабилар киради. Иккинчisi, юридик воситалар. Бу иқтисодий фаолият тартиби ва қоидаларини, унинг давлат томонидан рағбатлантирилишини белгилаб берувчи қонунларни, уларга мос равишдаги қонун ости хужжатларни ишлаб чиқиши, уларни қабул қилиш ва жорий этишдан иборатdir.

Қонунчилик иқтисодиётнинг хуқуқий асосларини белгилаб беради, булар эса бозор иқтисодиётининг объектив иқтисодий қонунлари талабидан келиб чиқиши зарур. Иқтисодиётга оид юридик қонунларни парламент қабул қиласи. Хукumat эса уларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган қарорлар ва фармойишларни ишлаб чиқади. Тегишли давлат идоралари қонунларнинг амалга оширилишини назоратга олади. Учинчisi, сиёсий-маъмурий воситалар. Давлат ҳокимият сохиби бўлганидан ўз сиёсатига риоя этилишини ўз органлари кучи билан таъминлайди. Давлат олий сиёсий институт ҳисобланар экан, унинг қарорлари ва буйруқдарига ҳамма итоат этиши керак бўлади. Маъмурий усул ёрдамчи усул хисобланади, у бозор тизимида яхши натижа бермаганидан чекланган ҳолда қўлланилади.

#### **4. Давлатнинг иқтисодий сиёсатини асосисий йўналишлари. Глобал иқтисодий сиёсат**

Иқтисодиёт яхлит бўлар экан иқтисодий сиёсат ҳам ягонадир. Лекин давлат сиёсатининг аниқ, йўналишлари бор.

Монетар сиёсат — бу давлатнинг пул-кредит сиёсати бўлиб, пул муомаласини тартиблаш, товар ва пул массаси ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, иқтисодиётдаги пул оқимларини бошқариб туриш сиёсати хисобланади. Унинг мақсади нархларни ва шунга қўра миллий пул бирлиги харид қурбини, унинг валюта курсини барқарорлаштириш, охир-окибатда пулга талаб билан унинг таклифини мувозанатлаштиришдан иборат бўлади.

Монетар сиёсатнинг 3 та асосий жихати бор:

1. Қайта молиялаштириш ёки учёт сиёсати. Бунда давлат номидан марказий банклар учёт ставкасини ўзгартиради. Ставка ошганда пул қимматлашиб, унга талаб қисқаради. У пасайтирилганда пул арzonлашиб, унга талаб ошади.

Бу айни пайтда кредитнинг арzon ёки қиммат булишини билдиради. Бу эса иқтисодиётга кредит хисобидан юбориладиган инвестицияларни ўзгартириб, унинг ўсишига таъсир этади.

Масалан, Европа мамлакатларида қайта молиялаштириш ставкаси 2001 йил охирида 1,7% бўлса, 2009 йил охирида бу 1,0% га тушди. Бу билан кредит арzonлаштирилди, чунки коммерция банклари шунга қараб кредит учун ундириладиган фоиз ставкаларини белгиладилар.

2. **Очиқ, бозорда операциялар ўtkазиш сиёсати.** Бу давлат облигацияларини чиқариб фирмалар, банклар ва ахлига сотиш ва вақти келганда уларни қайтадан сотиб олишни билдиради. Бу облигацияларни олиш қулай бўлади, чунки уларга қатъий белгиланган фоизни давлат тўлайди, бу билан уларнинг даромадлилиги кафолатланади. Давлат облигациялари сотилганда пул уларга боғланиб қолади, натижада унинг муомаладаги миқдори қисқаради. Аксинча, улар қайтадан сотиб олинганда пул улардан бўшаб муомилага келади, у ердаги пул миқдори кўпаяди. Демак, бу усул билан ҳам пул миқдори тартибланади.

3. **Мажбурий резерв сиёсати.** Бу сиёсатга биноан марказий банклар бошқа банклар учун кредит ресурсининг мажбурий резервини киритади. Бу тартибга қўра банклар кредитга бериладиган пулнинг бир қисмини марказий банклар ихтиёрига беради. Бу резерв ошса, кредит пули қисқаради, агар у камайса, бу пул кўпаяди. Масалан, мамлакатда жами кредит ресурслари 80 млрд. доллар. Шундан 10% резервга ўtkазилса 72 млрд. долл. кредит учун пул

қолади. Борди-ю бу резерв 15% га чиқарилса, кредитга 68 млрд. долларлар қолади. Бу билан кредитга мулжалланган пулнинг таклифи ошади ёки қисқаради. Шунга қараб кредит олиш гоҳ ошиб, гоҳ қисқариб туради. Монетар сиёсатнинг айтилган йуналишлари шуни кўрсатадики, унда турли иқтисодий воситалар қўлланилади.

### **Монетар сиёсат 2 хил бўлади:**

**1. Қаттиқ сиёсат.** Бунда пул массаси қисқартирилади, унинг эмиссия (пул чиқариш) хисобидан ўсиши қатъий чегараланади. Натижада пул массаси қисқариб товар массасига тенглашади. Пулнинг қискариши талабни камайтиради, нархлар эса ўсмайди, пул бирлигининг харид курби барқарорлашади. Пул топишга интилиш иқтисодиётнинг жонланишига олиб келади. Бундай сиёсат биз илгари кўрганимиздек одатда иқтисодиётни тангликдан чиқариш ёки инфляцияни жадал бостириш учун қўлланилади.

**2. Юмшоқ монетар сиёсат.** Бунда давлат пул массасининг ортишига тускинлик қилмайди, пул эмиссияси хадеб чекланавермайди, натижада пул кўпайиб унинг арzonлашуви юз беради. Юмшоқ, сиёсат иқтисодиёт ўсиш палласида бўлганда кўпроқ қўлланилади, чунки пул массасининг ўсишига қараб товарлар массаси ҳам ўсади. Бунда товар-пул мувозанати пулни қисқартириш хисобидан эмас, балки товарларнинг кўпайиши туфайли таъминланиб туради.

**Фискал сиёсат.** Бу давлатнинг солик-бюджет сиёсатидир, унга биноан соликлар белгиланади, бюджет маблағлари аниқ, мақсадлар йўлида ишлатилади.

**Солқ сиёсати** соликлар воситасида бюджетга пул тўплашга қаратилади. Унга биноан солик, турлари аниқланади, солик, ставкалари, солик, солинадиган обьектлар, солик, имтиёzlари, солик ундириш тартиби белгиланади.

Соликлар давлатнинг иқтисодиётга таъсир этишида қўлланиладиган асосий воситадир. «Солик, тизими нафақат соликларни ундириш, балки биринчи галда, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозим».

Иқтисодиётни рағбатлантириш зарур бўлганда соликлардан имтиёзлар берилади. Бунда солик, камайтирилади, соликни ундириш мухлати чузилади ёки умуман солик, ундирилмайди. Натижада фирмаларга тегадиган фойда кўпаяди, улар фойдани реинвестиция қиласи, яъни қайтадан ишлаб чиқаришни ўстиришга юборади. Ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистонда фойдадан

тўланадиган солиқ, ставкаси 2004 йили 24%дан 2009 йилда 12% га туширадди. Ишлаб чиқариш қизиб кетганда унинг ўсишини секинлаштириш зарур бўлса соликлар оширилади. Бу усул капиталнинг эски тармоқлардан чиқиб янги истифболли тармоқларга кўчиб ўтишига ҳам ёрдам беради, чунки эски жойдаги юқори солик, харажатни ошириб, фойдани камайтириб юборади, янги жойдаги солиқкнинг камлиги фойдани оширади.

Фискат сиёсатда иқтисодиётни барқарорлаштириш ва устириш учун икки хил йўлдан борилади:

1. Илгари киритилган ва ҳозир амалда бўлган **иқтисодий стабилизаторларни** — воситаларни қўллашни давом эттириш. Давлат қонун йўли билан шундай тартибни ўрнатадики, унга биноан молия нормативлари (меъёрлари) жорий этилади. Булар шароит ўзгаришига қараб автоматик равишда амал қиласеради. Булар жумласига солиқ, ставкаларини, ишсизлик нафақаси миқдори, даромадларнинг инфляцияга қараб индексация қилиниши, ижтимоий ёрдам кўрсатиш нормативларини киритиш мумкин. Масалан, даромад солиги даромад миқдорига нисбатан 15% килиб белгиланса, даромад кўпайиши билан унинг миқдори ҳам автоматик равишда ошади. Даромадларни 80% индексациялаш тартиби ўрнатилган бўлса, нарх ошган тақдирда шу 80% даражада даромад ҳам кўпайтирилади. ,

2. Шароитта қараб янги нормативларни киритиш йўлидан бориш, бу **дискрецион** фискал сиёсат деб юритилади. Бу сиёсат доирасида янги солиқ, ставкалари жорий этилади, янги соликлар киритилади, бюджет маблашарини сарфлаш нормативлари ўзгартирилади. Дискрецион сиёсат ўзгарган шароитга мослашиш сиёсатидир. Иқтисодиёт бир маромда ўсиб бораётганда биринчи йўл, у тангликка йўлиқиб, ундан чиқиши керак бўлганда иккинчи, яъни дискрецион йўл устувор бўлади.

Фискал сиёсат бюджет орқали ҳам иқтисодиётга таъсир этади. Бюджет ҳисобидан давлат ишлаб чиқариш инфратузилмасига катта инвестицияларни юборади, миллий иқтисодиёт учун аҳамиятли иш (масалан, янги технологияни яратиш) билан шуғулланувчи корхоналарга субсидия берилади. Субсидия молиявий ёрдам сифатида қайтариб олинмайди, унинг ҳисобидан харажатлар қопланиб фойда кўпаяди, бу билан корхоналар рағбатлантирилади.

Бюджет сиёсати ижтимоий неъматларнинг яратилишини қанда қилмай ва керакли миқдорда пул билан таъминлаб туришга

қаратилади. Давлат бюджети баланслашган бўлиши, яъни даромадларга қараб харажатлар қилиниши зарур бўлади. Бюджет сиёсати шундан келиб чиқсан ҳолда бюджет дефицитига йўл бермасликни, дефицит юз берган тақдирда ҳам бу меъёрида бўлишига қаратилади. Бюджет сиёсати давлатнинг ички ва ташки қарзининг ҳом меъёрида булишини таъминлаши зарур.

### **Фискал сиёсат 2 хил бўлади:**

**1.Фаол фискал сиёсат.** Бу кўлланилганда дискремион воситалар ишга солинади, масалан, солиқлар камайтирилади, улардан сайланган тарзда бўлсада сийловлар берилади, бюджетдан трансферлар бериш кўпайтирилади, фирмалар субсидиялар олади. Буларнинг ҳаммаси иқтисодий фаолликка олиб келади. Фирмалар харажати қисқариб фойдаси ортади, ахрлининг трансферлар хисобидан харид қобилияти ошади. Хуллас, бу сиёсат фирмалар ва хонадонлар талабини оширади. Мана шундай йўл куп ҳолларда иқтисодиёт кийинчиликдан чиқиб ўзини ўнглаб олиши учун қўлланилади;

**2.Нофаол фискал сиёсат.** Бу сиёсат молиявий стабилизаторларни ўзгартирмай, уларни эркин ишлашига йўл беришга қаратилади, чунки бозор механизми яхши ишлаб турган бўлади. Иқтисодиётнинг узилишларсиз юксалиб бориши туфайли молия воситаларини ўзгартиришга ҳожат қолмайди. Демак, бу сиёсат иқтисодий ўсиш тухтовсиз бораётган кезларда иш беради.

**Инвестиция сиёсати.** Бу инвестиция ресурсларини шакллантириш ва уларни керакли соҳаларга юборилишини таъминлашга қаратилган сиёсатидир. Бу сиёсат инвестицион фаолликни оширишга ёки камайтиришга қаратилади. Бу давлатнинг структура (ишлаб чиқариш таркибини ўзгартириш) сиёсати билан боғлиқ, бу эса ишлаб чиқаришнинг эски соҳаларини чеклаб, янги, масалан, экспортга мулжалланган соҳаларини ўстиришни билдиради.

Инвестиция сиёсатига кўра янги истиқболли соҳаларга инвестиция килинган фойдадан умуман солик олинмайди ёки қисқартирилган миқдорда олинади. Янги соҳалардаги мол-мулқдан солик, олинмаган ҳолда эски соҳалардага мол-мулқдан солик кўпроқ олинади. Бу билан янги соҳаларнинг жадал ўсиши рағбатлантиради, эски соҳалар эса рағбатлантирилмайди.

Инвестиция сиёсати техника тараққиётини ҳам жадаллаштиради. Янги технологияларга пулни инвестициялаётган фирмаларга субсидиялар ажратилади, соликдан енгилликлар

берилади. Бу сиёсат фирмаларга тушадиган инвестиция юкини камайтиришни ҳам кўзлайди. Шу мақсадда бир қатор серкапитал, бино-барин катта инвестицияларни талаб қилувчи ва инвестициялар ўзини тезда оқламайдиган соҳаларни молиялаштиришни давлат ўз зиммасига олади. Бу билан фирмалар инвестициясини серфойда ишларга юборилишига кўмак берилади.

Бозор қоидаларига биноан инвестицияларни серфойда соҳаларга юборилиши давом этади. Бирок, давлат хусусий инвестицияларни умумиқтисодий аҳамиятга молик соҳаларга юборилишини ўз қўлидаги молия-кредит воситалари билан рағбатлантиради.

**Аграр сиёсат.** Бу давлатнинг кишлоқ хужалигини куллаб-кувватлашга қаратилган сиёсатидир. Мазкур сиёсат кишлоқ хужалигининг барқарор ўсишини, озиқ-овқат мустакиллиги ва хавфсизлигини таъминлашни кўзлайди. Унинг доирасида давлат қишлоқдаги ишлаб чиқариш инфратузилмасининг (сув хужалиги, йўл қурилиши, газ ва электроэнергия таъминотининг) харажатларини қисман ўз зиммасига олади, давлат ерни ижарага олиб ишлатилишини, ерни гаровга кўйиб кредит олишни хукукий жихатдан таъминлайди. Аграр сиёсатда (ер давлатники бўлган жойда) давлатнинг харид нархлари, давлат субсидиялари қаби воситалар қулланилади. Дехдонларни куллаб туриш учун ер солиғи енгил қилиб белгиланади. Масалан, 2008 йили Ўзбекистондаги ягона ер солиғи қишлоқ хужалиги маҳсулотларининг бозор кийматининг 3—5%идан ошмади. Бу солик дехдонларга оғирлик қилмади.

Кишлоқ хужалигига рентабеллик паст бўлганидан капитални у ердан чиқдб кетишига йўл қўймаслик учун давлат фермерларга субсидия бериб туради, унинг ҳисобидан харажатлар қисман қопланиб фермерлар меъёрдаги даромадга эга бўлишади ва қишлоқ хужалигини тарк этмайдилар. Фермерларни рағбатлантириш учун давлат қишлоқ хужалиги маҳсулотини уларга маъқул нархларда сотиб олади. Давлат нархлари бозор нархларига якин туради, уларга биноан маҳсулотни давлатга сотиш фермерлар учун қулай бўлади, чунки давлат хариди маҳрулотларнинг сотилишини ва қанда қилмай даромад олинишини кафолатлайди.

**Ташқии иқтисодий сиёсат.** Бу давлатнинг узаро фойдали ташқи алоказларни ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётини жаҳон хужалиги билан интеграциялашувини таъминлашга қаратилган сиёсатидир. Бу сиёсатнинг асосий мақсади миллий иқтисодиётнинг жаҳон хужалигидаги мавқенини мустахкамлашдир. Унга биноан

экспорт ва импорт, четга капитал чиқариш ва четдан капитал киритиш, иш кучи миграциясига дойр тадбирлар амалга оширилади. Бу сиёсатда божхона туловлари, экспорт-импорт лицензиялари ва квоталари каби воситалар қўлланилади. Айтилган воситалар **иқтисодий чегара** ҳосил этиб миллий иқтисодиётни химоя қиласди. Экспортни кўпайтириш зарур бўлса унга лицензиялар (рухсатнома) берилади, экспорт квотаси оширилади. Борди-ю импортни қискартириш маъкул бўлса, унинг квотаси камайтирилади, импорт учун бож тўлови оширилади, импортга лицензия бериш чегараланади.

Давлат сиёсати капитал чиқариш ва капитал киритиш тартибини ҳам белгилайди. Капитал киритиш зарур бўлса бу иш рағбатлантирилади. Капитал чиқиши маъкул бўлса давлат бунга шароит яратиб беради. Чет элга иш кучини чиқариш учун ҳам ёрдам берилади. Борди-ю мамлакатга арzon иш кучи керак бўлса, унинг четдан окиб келиши учун миграция коидалари (чегарадан утиш, яшаш ва ишлаш учун рухсат олиш ва х..к.) енгиллаштирилади. Давлат сиёсати халқаро иқтисодий ташқилотлар билан ҳамкорлик килишни ҳам мулжаллайди.

Давлат иқтисодий сиёсатининг самарадорлиги унинг мониторинги орқали аниқланади. Бунда иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция даражаси, экспорт ва импорт ҳолати, ташқи қарз миқдори, бюджет дефицити каби кўрсаткичларга қараб иқтисодий сиёсат натижаси баҳоланади.

Иқтисодий сиёсат доирасида давлатнинг турли дастурлари ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Дастурларда кўзланган мақсад, амалга ошириладиган чора-тадбирлар, улардан қутиладиган натижалар, уларни молиялаштириш манбалари аниқланади. Дастурлар миллий иқдисодиёт учун устувор бўлган муаммоларни хал этишга қаратилади. Булар жумласига танглиқдан чиқиш, озиқ-овқат, энергия таъминоти, технологияларни янгилаш, инфратузилмаларни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, қолоқ худудларни ривожлантириш каби дастурлар киради. Дастурларда белгиланган муаммоларнинг ҳал этилиши иқтисодий-ижтимоий ривожланишга туртки беради.

**Глобал иқтисодий сиёсат.** Бу халқаро сиёсат бўлиб, иқтисодий ресурслар, яратилган товар ва хизматларни дунё мамлакатлари ўртасида такримлаб, улардан самарали фойдаланишни мақсад қилиб қўяди. Бу сиёсатда четга капитални инвестиция сифатида чиқариб,

уни керакли серфойда сохаларга жойлаштириш учун узаро келишилган солиқлар, банк фоизлари, бож тўловлари, квоталар каби воситалар ишлатилади. Товарларнинг қимматлашиб кетишига йўл бермаслик учун уларга экспорт этилган чоғидаги солиқлар қўйиш билан чекланиб, улар импортига солиқ белгиланмайди ёки ғоят оз белгиланади. Бу икки-ёқлама солиқда тортишни бартараф этиш деб юритилади. Масалан, қўшилган қиммат солиғи ёки акциз солиқлари товарлар чиқарилган жойда ундирилиб, товарлар импорт қилинган ерда олинмайди. Ўзаро келишувлар асосида импорт қилинган технология ҳам соликдан озод килинади. Халқаро савдо-сотикда енгиллаштирилган божхона тўловлари қўлланилади, бу тўловлар ўзаро келишилган бўлади. Масалан, халқаро савдо ташкилоти аъзолари ўзаро савдо қилганда, бож тўловлари товар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги керак. Бу ташкилотга аъзо бўлмаган мамлакатлар билан савдо-сотик қилинганда оширилган бож тўловлар қўлланилади. Халқаро кредит бериш тартиби ҳам биргаликда белгиланади. Бунга кўра кредит квоталари, кредит муддати ва кредит учун фоиз ўрнатилади. Халқаро кредитда келишилган фоиз ставкаси либор деб юритилади. Либорни йирик Лондон банклари ўрнатади, бошқа халқаро банклар шунга қараб ўз фоизларини белгилайдилар. Масалан, 2009 йил учун либор 1,4% қилиб белгиланди. Бошқа банклар бундан бир оз юқори бўлган фоизлар билан кредит ажратишиди. Халқаро кредит сиёсатини йирик кредитор — қарз берувчи мамлакатлар банклари хукумат иштирокида амалга оширадилар. Булар Париж ва Лондон қарз берувчилар клубини ташкил этади. Бу кредит сиёсати кимга ва қанчадан қарз беришни, қайси қарзларни кечиб юборишни, қайси қарзларни тўлаш муддатини чўзишни белгилаб беради.

Йирик халқаро корпорациялар давлат иштирокида экспорт ва импорт квоталари ўрнатадилар. Буларга биноан қаерга қанча товарни экспорт қилиш, қаердан қанча товарни импорт қилиш, экспорт-импорт тартиби аниқлаб берилади. Интеграцион иттифоқларга кирган мамлакатларда, масалан, Европа иттифоқида, давлатлараро экспорт ва импорт учун қулай шароит яратиб берилади, бунда айrim мамлакатлар товарларини дискриминация қилиш, яъни камситишга йўл берилмайди.

Глобал иқтисодий сиёсатни трансмиллий, яъни миллатлараро корпорациялар, халқаро ташкилотлар, етакчи давлатлар хукумати, давлатлараро хукумат ва парламент белгилайди. Бунга мисол қилиб

Европарламент, Европа министрлар кенгаши қўллайдиган сиёсатни олиш мумкин. Бу сиёсатда ўзаро ва бошқалар билан бўладиган иқтисодий алоқаларни қайси йўналишда ва қандай тартибда бўлиши кўрсатилади. Глобал сиёсат умуман ёки айрим соҳаларга татбиқан қўлланилади. Трансмиллий корпорациялар фақат ўз фаолияти доирасидаги халқаро сиёсатни белгилайди. Масалан, ОПЕК ташкилоти нефтни қазиб олиш ва қайта ишлаш квоталарини, унинг нархини ўз сиёсатига биноан белгилайди. Бу ерда қабул қилинган нефть нархининг коридори ўрнатилади. Халқаро савдо биржалари жаҳон нархларини ўрнатишга доир сиёсатни қўллайдилар.

Халқаро Валюта фонди, Жаҳон банки, Европа Тикланиш ва Таррақиёт банки, Осиё Ривожланиш банки каби халқаро институтлар валюта режимини мустахкамлаш, кредитни ривожлантиришга қаратилган сиёсатни куллайдилар. Улар миллий валюта курсини барқарорлаштириш ва валюта рискини камайтириш учун, миллий иқтисодиётни ривожлантириб экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган кредит сиёсатини қўллайдилар.

Глобал иқтисодий сиёсат давлатлараро меҳнат миграциясига ҳам тааллуқли бўлади. Меҳнат миграциясини тартиблаш учун унга оид халқаро қоидалар ишлаб чиқилади. Турли мамлакат хуқумати ва парламентлари белгилаган миграция қоидалари бир-бирига яқин туради. Миграция оқимини назорат қилиш усуллари ҳам келишилади, миграцияга оид информациялар ўзаро алмаштирилиб турилади.

Глобал сиёсат табиий равишда глобализациянинг афзалликларидан фойдаланиш, унинг салбий жиҳатларини камайтиришга қаратилади.

## 5. Иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг ўзаро боғликлиги

Бозор иқтисодиётининг ижтимоийлиги иқтисодий сиёсатни ижтимоий сиёсат билан узвий алокада бўлишини талаб қиласди. Иқтисодиёт ижтимоий тарақиёт учун зарур бўлган товар ва хизматларни яратиб берса, ўз навбатида ижтимоий муаммоларнинг хал этилиши инсон капиталининг ривожи орқали иқтисодий ўсишга хизмат қиласди. Мана шундай боғланишнинг реал хаётда бўлиши иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг уйғунлашувини талаб қиласди.

**Давлатнинг ижтимоий сиёсати** — бу инсоннинг ҳаётий манфаатларини юзага чиқариш, инсонни ҳимоя қилиш ва камол топишига қаратилган сиёсатдир.

Унинг мақсади оммавий фаровонликни оширишга кўмак беришdir. Бу сиёсатда иш билан бандлик даражасини белгилаш, минимал иш хақини ўрнатиш, камбағаллик чегараларини аниклаш, тирикчилик минимумини белгилаш, ижтимоий ёрдам меъёрларини аниклаш каби усуллар қўлланилади. Унинг асосий йўналишлари бандлик, даромад ва ижтимоий ёрдам сиёсатидир.

**Бандлик сиёсати.** Бу меҳнатга лаёқатли ва ишлайман деган кишиларни иш билан таъминлаш, шу орқали уларга ўзини-ўзи боқиши учун имконият яратишни кўзлаган сиёсатdir. Шу сиёсатга амал қилган ҳолда давлат мамлакатда янги иш ўринларини яратиш, мавжуд иш ўринларидан тўлароқ фойдаланиб шу ерда банд бўлганларни кўпайтириш йўлини тутади. Янги иш ўринларини яратган фирмаларга соликдан сийловлар ёки субсидиялар берилади. Бир иш ўрнида икки смена ишлашни уюштириб 2 кишини банд қилганлар ҳам давлатдан молиявий ёрдам олади. Шунингдек, янги иш ўрнини яратиб, уни замонавий технологиялар билан жихозлаб шу ердаги иш унумини ва шунга кўра топиладиган даромадни оширишга эришган фирмалар ҳам рафбатлантирилади. Бандлик муаммосининг кескинлигига қараб уни хал этишнинг у ёки бу усулига устуворлик берилади. Кам ривожланган мамлакатларда ишсизлар ғоят қўп бўлганидан бандлик сиёсати ҳар қандай иш ўрнини, хатто унуми паст иш ўринларининг яратилишини кўзлайди, чунки бу ўринлар арzon туради. Аксинча, иқтисоди ривожланган мамлакатларда малакали меҳнатни банд қилувчи унуми юқори иш ўринларини, гарчи улар қиммат турса-да, яратишга эътибор катта бўлади. Ўзбекистондаги бандлик сиёсатида ҳам арzon иш ўринларини яратишга устуворлик берилади, деҳқон ва фермер хўжалигида, кичик бизнесда иш ўринларини яратишни давлат кредитлар билан рафбатлантиради. Ўзбекистон давлат бюджетида махсус бандлик фонди бўлиб, унинг ҳисобидан иш ўринлари яратилади, ишсизларга нафақа берилади ва ишсизлар янги касбларга ўргатилади. Давлат ҳисобидан молиялаштириладиган фондлар маблағлари ҳам янги иш ўринларини яратишга юборилади.

Ишсизликни камайтириш учун хукуматлар иш кучини четга чиқариш чораларини ҳам кўради. Меҳнат миграцияси хусусида давлатлараро келишувлар тузилади, давлат мана шу миграцияга хизмат қилувчи фирмаларни ташкил этиб уларни молиялаштиради.

Бандлик сиёсати ҳамма иш қобилияtlари борларни иш билан таъминлаб, 100% бандликка эришишни кўзламайди, чунки бу мумкин

эмас. Мазкур сиёсат ривожланган мамлакатларда тўла бандликни кўзлайди, бу эса меҳнат аҳлининг 94%и банд бўлишини билдиради. Иқтисод ривожланмаган мамлакатларда тўла бандликка эришиб бўлмаганидан ишсизлик муаммосини иложи борича юмшатиш кўзланади.

**Даромадлар сиёсати** давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим бўғини бўлиб, мазмунан даромадларнинг тақсимланишини тартиблашга қаратилган сиёсатdir. Бу сиёсатда ижтимоий солиқлар, ижтимоий дотациялар ва бюджет трансферлари каби воситалар қўлланилади. Бандликни, пенсия билан таъминлашни ва меҳнатнинг ижтимоий сурурталанишини таъминлаш учун фирмалардан улар ажратган меҳнат хақи суммасидан ижтимоий солиқлар ундирилади. Буларнинг бир қисми давлат томонидан ишсизлик нафақаси иш қобилиятини вақтинча йуқотганларга даромад қилиб берилади.

Даромад сиёсати солиқларни прогрессив, яъни даромад миқдорига қараб ошиб бориши тарзида белгилайди. Кўп даромад олган катта солиқ тулайди. Шу йўсинда йирилган пул давлат бюджетида тўпланиб муҳтожларга ёрдам сифатида тақсимланади.

Даромад сиёсати қарияларни пенсия билан таъминлашни ҳам кўзлайди. Шу ўринда 2 хил пенсия тизими уюштирилади. Биринчиси, ҳамжиҳатлик тизими бўлиб, бунга кўра ишлаётганлар даромадининг бир қисми олиниб, қарияларга давлат пенсияси сифатида берилади. Иккинчиси, жамғарилган пенсия тизими бўлиб, бунга кўра ҳар бир ходим ишлаган пайтидаги даромадининг бир қисмини пенсия жамғармасига ўтказиш орқали пенсия пулини ўзи тўплаб боради ва қариган пайтида олади. Бу жамғармага ажратиладиган пулнинг бир қисмини ишловчилар берса, иккинчисини эса фирмалар тўлайди. Олинадиган пенсия жамғарилган пулдан қўп бўлади, чунки тўпланган пул ишга солиниб йил сайин туғиб боради.

**Ижтимоий ҳимоя сиёсати.** Бу аҳолининг ночор қатламларига ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаб туриш сиёсатидир. Унга кўра ўзи ишлаб пул топишга қодир бўлмаган кишиларга бюджет ҳисобидан пул билан ва моддий шаклда ёрдам кўрсатилади. Даромади кам кишилар солиқлардан озод қилинади, уларга турли нафақалар бериб турилади, бир йўла ёрдам ҳам кўрсатилади. Мухтож кишиларга бепул озиқ-овкат ва кийим-кечак тарқатилади, бепул ёткхоналар ажратилади. Ижтимоий ёрдам миқёси муҳтожлар сонига ва давлатнинг молиявий имкониятларига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон давлатининг ижтимоий сиёсатида ҳам

мухтожларга ёрдам бериш катта ўрин тутади. Ижтимоий ёрдам сайланма тарзида аҳолининг муҳтож бўлмаган қатламлариға ҳам кўрсатилади. Фарб мамлакатларида уй-жой сотиб олиш учун банқдан олинган кредит фоизларнинг бир қисмини давлат тўлайди. Шунингдек, давлат даволаниш учун олинган кредит фоизини ҳам ўзи тўлаб беради. Ўзбекистонда давлат коммунал хизматларни аҳолига арzon нарҳда етказиб бериш учун уларни аҳолидан оладиган нархи билан хақиқий бозор нархи ўртасидаги фарқли бюджет ҳисобидан қоплайди, аҳолининг маълум тоифалариға, коммунал хизматлар нархи ошиши муносабати билан компенсациялар тўлайди. Ўзбекистонда 2004 йилда аҳоли учун ижтимоий аҳамиятли хизматлар нархидаги фарқни қоплаш учун бюджетдан 22,6 млрд. сўм ажратилди.

Давлат турли ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиб, уларни молиялаштиради. Булар орасида камбағалларга ёрдам бериш дастурлари алоҳида ўрин тутади. Бу дастурларда камбағалларга нафақа бериш, уларни уй-жой ва иш билан таъминлаш, уларга бепул тиббиёт хизматларини кўрсатиш, уларни янги касбларга тайёрлашга ургу берилади. Бу дастурларнинг амалга оширилиши камбағалликни йуқота олмайди, лекин унинг қисқартирилишига олиб келади.

Ижтимоий сиёsat жамиятдаги тенгсизликни хаддан ташқари ошиб кетишига йўл кўймаслиги керак. Бу сиёsat Ўзбекистонда аҳолини ошиб-тошиб кетган бой-бадавлатларга ва қашшоқ камбағалларга ажралишининг олдини олади. Даромадларни бойлар билан камбағаллар ўртасида қайта тақсимлаш орқали тенгсизлик қисқартирилади. Даромадларнинг бойлар қўлида тўпланиши маълум меъёрда бўлиши таъминланади. Даромадларнинг фарқланиш чегараси ҳам белгиланади. Бунга қўра бойлар ва камбағаллар даромади ўртасидаги фарқ илгари айтганимиздек 13-15 мартадан ошмаслиги керак. Айтилган тенгсизлик меъёри маъқул ҳисобланади, ижтимоий сиёsat шуни мулжалга олади.

Ижтимоий сиёsat даромадларни тартиблаш ва ижтимоий ёрдам уюштириш орқали жамиятдаги ижтимоий гармонияни, яъни турли гуруҳларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлайди. Бу билан ижтимоий низоларнинг олди олинади, ижтимоий тинчлик-хотиржамлик эса иқтисодий ўсиш учун шароит ҳозирлайди.

## Хуносалар

1. Иқтисодий сиёсат иқтисодиёт иштирокчиларини тутган йўл-йўриқлари ва қўллаган чора-тадбирлари сифатида микро, макро ва мета (халқаро) даражада бўлади. Микросиёсат - бу фирмалар ва хонадонларнинг сиёсати. Макросиёсат - бу давлатнинг миллий иқтисодиётга оид сиёсати. Метасиёсат турли давлатлар, халқаро компаниялар ва халқаро ташкилотларнинг жаҳон иқтисодиётига тааллукли сиёсатидир. Хонадон сиёсати ўз истеъмолини максимумлаштириш, келажак учун жамғарма ҳосил этиш ва ниҳоят жамғарма кадр-қийматини сақлаб қолишга қаратилади. Фирма сиёсати фойдани максимумлаштириш ва ўз мавқеини мустаҳкамлашни кўзлайди. Бу сиёсат таркибан ишлаб чиқариш, тижорат, нарх, молия ва рақобат сиёсатидан иборат бўлади.

2. Давлатнинг сиёсати унинг иқтисодиётдаги ўрнидан келиб чиқади. Давлат иқтисодиётнинг оддий иштирокчиси эмас, балки уни тартиблаб турувчи куч бўлиб, иқтисодиётга бозор қонун-қоидаларига тўсқинлик қилмайдиган, балки буларга шароит яратиб берадиган даражада аралашади. Бунга у ўз сиёсати орқали эришади. Бу сиёсатнинг мақсади умумиллий бўлиб, барқарор иқтисодий ўсишни, иқтисодий мустақилликни, иқтисодий хавфсизликни, миллий пул кадр-қийматининг барқарорлигини, халқ фаровонлигини, миллий Иқтисодиётнинг интеграциялашувини ва ниҳоят, миллий Иқтисодиётнинг келажагини таъминлашдан иборатdir. Давлат ўз сиёсатини иқтисодий, хукукий ва сиёсий-маъмурий воситалар ёрдамида амалга оширади.

3. Давлатнинг монетар сиёсати - бу пул-кредит сиёсати бўлиб, пул муомаласини тартиблишни кўзлайди. Бу таркибан қайта молиялаштириш ёки учёт сиёсати, очик бозор операцияларини ўтказиш сиёсати, мажбурий резерв сиёсатидан иборат бўлади. Бу билан иқтисодиёт керакли миқдорда пул билан таъминланади, яъни унинг етарли даражада монетизациялашувига эришилади. Монетар сиёсат қаттиқ ва юмшоқ бўлади. Қаттиқ сиёсат қўлланилганда пул эмиссиясига йўл берилмайди, пул массаси қисқартирилади. Юмшоқ сиёсат бўлганда пул массасининг ўсишига тўсқинлик қилинмайди, Иқтисодиётнинг пул билан таъминланиши кўпайтирилади.

4. Давлатнинг фискал сиёсати - бу солиқ-бюджет сиёсатидир. Унинг мақсади солиқлар воситасида давлат хазинаси - бюджетга пул ундириш ва бу пулни ижтимоий неъматлар яратиш учун сарфлашдан иборат. Солиқ давлатни иқтисодиётга таъсир этишининг асосий молиявий воситаси бўлиб, у фискал (пул ундириш) ва рағбатлантириш

функциясими бажаради. Фискал сиёсатда доимий молиявий стабилизаторлар ва шароитга мослашган дискрецион воситалар қўлланилади. Фискал сиёсат фаол бўлганда дискрецион воситалар ишга солинади. У нофаол бўлганда ишлаб турган стабилизаторлардан фойдаланилади. Давлатнинг монетар ва фискал сиёсати асосий бўлсада, булардан ташқари инвестиция, аграр ва ташқи иқтисодий сиёсатлар ҳам қўлланилади.

5. Метасиёсат халкаро сиёсат бўлиб, умумбашарий, яъни глобал тавсифга эга. Бу сиёсат моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини, шунингдек, яратилган товар ва хизматларни дунё узра самарали тақсимлашга қаратилади. Бу сиёсатда квоталар, бож тўловлари, экспорт-импорт солиқлари каби воситалар қўлланилади. Глобал сиёсатни дунёдаги етакчи мамлакатлар ҳукуматлари, халкаро банклар, молия корпорациялари, трансмилий корпорациялар амалга оширади. Бундан мақсад глобализация афзалликларидан фойдаланишдир.

6. Давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсати ўзаро боғланган. Ижтимоий сиёсат иқтисодий имкониятлардан келиб чиқади ва ўз навбатида инсон капиталини ўстириш орқали иқтисодий тараққиётга фаол таъсир этади. Бу сиёсат инсонга лойиқ турмуш даражасини бериш, уни камол топтиришга қаратилади, таркибан бандлик, даромад ва ижтимоий ҳимоя сиёсатларидан иборат бўлади. Бандлик сиёсати қўшимча иш ўринларини яратиб, ишсизликни камайтириш, кишиларга ишлаб пул топиш имкониятларининг яратилишини кўзлайди. Даромад сиёсати даромадларнинг тақсимланишини тартиблайди. Унга биноан даромадларнинг бюджетга олинган қисмидан муҳтоҷларга ёрдам ажратилади, даромадларга прогрессиви солиқ белгиланади, минимал иш ҳақи, минимал пенсия миқдори белгилаб қуйилади. Ишсизлик нафақаси ўрнатилади, ижтимоий ёрдам сиёсатига биноан ёрдамга муҳтоҷ аҳолига пул нафақалари, натурал трансферлар ажратилади. Ижтимоий сиёсат аҳолининг дифференциациясини ғоят чуқурлашиб, уни қарама-қарши қутбларга ажралиб кеитшига йўл бермасликни кўзлаган ҳолда уни эвида бўлишига қаратилади. Бу билан низоларга йўл берилмайди, аксинча, ижтимоий ҳамжиҳатлик ва тотувлик таъминланади.

## **Асосий таянч тушунчалар**

### **Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш (ИДТТС) -**

қонунчилик, ижро ва назорат қилиш характеридаги тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

**ИДТС мақсади** - иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий тизимни мустаҳкамлаш ва уни ўзгариб турувчи шароитга мослаштиришга қаратилади.

**Давлатнинг иқтисодий вазифалари** - иқтисодий тизимнинг амал қилишига шарт-шароит яратиш ва иқтисодиётни тартибга солиш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган чоратадбирлардан иборат бўлади.

**ИДТС усуллари** - тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий воситалари бирлиги.

**Бевосита усуллар** - иқтисодиётни тартибга солишнинг таъкиқлаш, рухсат бериш ва мажбур қилиш характеридаги маъмурий воситалари.

**Билвосита усуллар** - иқтисодиётни тартибга солишнинг иқтисодий восита ва дастаклари.

**Иқтисодий сиёсат** - бу иқтисодиёт субъектларининг уз фаолиятига оид йўл-йуриқлари ва сайди - ҳаракатларининг мажмуасидир.

**Микросиёсат** - бу фирмалар ва хонадонларнинг сиёсати.

**Макросиёсат** - бу давлатнинг миллий иқтисодиётга оид сиёсати.

**Мегасиёсат** - турли давлатлар, халқаро компаниялар ва халқаро ташкилотларнинг жаҳон иқтисодиётига тааллуқли сиёсатидир.

**Хонадон сиёсати** - ўз истеъмолини максимумлаштириш, келажак учун жамғарма ҳосил этиш ва ниҳоят жамғарма кадр-қийматини сақлаб қолишига қаратилади.

**Фирма сиёсати** - фойдани максимумлаштириш ва ўз мавқенини мустаҳкамлашни кўзлайди. Бу сиёсат таркибан ишлаб чиқариш, тижорат, нарх, молия ва рақобат сиёсатидан иборат бўлади.

**Давлатнинг иқтисодий сиёсати** - унинг иқтисодиётдаги ўрнидан келиб чиқади. Давлат иқтисодиётнинг оддий иштирокчиси эмас, балки уни тартиблаб турувчи куч бўлиб, иқтисодиётга бозор қонун-қоидаларига тўсқинлик қилмайдиган, балки буларга шароит яратиб берадиган даражада аралашади. Бунга у ўз сиёсати орқали эришади. Бу сиёсатнинг мақсади умумиллий бўлиб, барқарор иқтисодий ўсишни, иқтисодий мустақилликни, иқтисодий хавфсизликни, миллий пул кадр-қийматининг барқарорлигини, халқ фаровонлигини, миллий Иқтисодиётнинг интеграциялашувини ва

ниҳоят, миллий Иқтисодиётнинг келажагини таъминлашдан иборатdir. Давлат ўз сиёсатини иқтисодий, хукукий ва сиёсий-маъмурий воситалар ёрдамида амалга оширади.

**Давлатнинг монетар сиёсати** - бу пул-кредит сиёсати бўлиб, пул муомаласини тартиблашни кўзлайди. Бу таркибан қайта молиялаштириш ёки учёт сиёсати, очик бозор операцияларини ўтказиш сиёсати, мажбурий резерв сиёсатидан иборат бўлади. Бу билан иқтисодиёт керакли миқдорда пул билан таъминланади, яъни унинг етарли даражада монетизациялашувига эришилади. Монетар сиёсат қаттиқ ва юмшоқ бўлади. Қаттиқ сиёсат қўлланилганда пул эмиссиясига йўл берилмайди, пул массаси қисқартирилади. Юмшоқ сиёсат бўлганда пул массасининг ўсишига тўсқинлик қилинмайди, Иқтисодиётнинг пул билан таъминланиши қўпайтирилади.

**Давлатнинг фискал сиёсати** - бу солиқ-бюджет сиёсатидир. Унинг мақсади солиқлар воситасида давлат хазинаси - бюджетга пул ундириш ва бу пулни ижтимоий неъматлар яратиш учун сарфлашдан иборат. Солиқ давлатни иқтисодиётга таъсир этишининг асосий молиявий воситаси бўлиб, у фискал (пул ундириш) ва рағбатлантириш функциясини бажаради. Фискал сиёсатда доимий молиявий стабилизаторлар ва шароитга мослашган дискрецион воситалар қўлланилади. Фискал сиёсат фаол бўлганда дискрецион воситалар ишга солинади. У нофаол бўлганда ишлаб турган стабилизаторлардан фойдаланилади.

**Мегасиёсат халқаро сиёсат** - умумбашарий, яъни глобал тавсифга эга. Бу сиёсат моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини, шунингдек, яратилган товар ва хизматларни дунё узра самарали тақсимлашга қаратилади. Бу сиёсатда квоталар, бож тўловлари, экспорт-импорт солиқлари каби воситалар қўлланилади.

**Глобал иқтисодий сиёсат** - дунёдаги етакчи мамлакатлар ҳукumatлари, халқаро банклар, молия корпорациялари, трансмилий корпорациялар амалга оширади. Бундан мақсад глобализация афзалликларидан фойдаланишdir.

**Ижтимоий сиёсат** - иқтисодий имкониятлардан келиб чиқади ва ўз навбатида инсон капиталини ўстириш орқали иқтисодий тараққиётга фаол таъсир этади. Бу сиёсат инсонга лойиқ турмуш даражасини бериш, уни камол топтиришга қаратилади, таркибан бандлик, даромад ва ижтимоий ҳимоя сиёсатларидан иборат бўлади. Бандлик сиёсати қўшимча иш ўринларини яратиб, ишсизликни камайтириш, кишиларга ишлаб пул топиш имкониятларининг

яратилишини кўзлайди. Даромад сиёсати даромадларнинг тақсимланишини тартиблайди. Унга биноан даромадларнинг бюджетга олинган қисмидан муҳтожларга ёрдам ажратилади, даромадларга прогрессиви солик белгиланади, минимал иш ҳақи, минимал пенсия миқдори белгилаб қуилади. Ишсизлик нафақаси ўрнатилади, ижтимоий ёрдам сиёсатига биноан ёрдамга муҳтож ахолига пул нафақалари, натурал трансфертлар ажратилади. Ижтимоий сиёсат аҳолининг дифференциациясини ғоят чукурлашиб, уни қарама-қарши қутбларга ажралиб кеитшига йўл бермасликни кўзлаган ҳолда уни эвида бўлишига қаратилади. Бу билан низоларга йўл берилмайди, аксинча, ижтимоий ҳамжиҳатлик ва тотувлик таъминланади.

## **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Давлатнинг иқтисодиётдаги ролига турлича қарашларини баҳоланг?
2. Давлат асосий иқтисодий вазифаларини санаб чиқинг ва уларнинг қисқача тавсифини беринг?
3. Бозор иқтисодёти шароитида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлигини нима тақозо қиласди? Тартибга солиш ўз олдига қандай мақсад ва вазифаларни қўяди?
4. ИДТТСнинг бевосита ва билвосита усусларига тавсиф беринг. Тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий воситаларини санаб кўрсатинг.
5. ИДТТСда давлат сектори қандай рол ўйнайди? Давлат иқтисодий дастурлари қандай амалга оширилади?

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон - буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мағсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

4. Каримов и.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/И.А.Каримов, - Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йўналишларига бағишлиган вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

6. Каримов И.А., Энг асосий мезон – хаёт ҳақиқатни акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009, - 24 б.

7. Шодмонов Ш., Алимов Р.Ў., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002.

8. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси – Т.: Ўқитувчи, 2002.

9. Джумақулов Т.Т., Сафарова З.Т. Использование трудов И.Каримова в преподавании экономической теории и его вклад в её развитие: Учебное пособие. – Т.: Изд-во мет.лит-ры им. Абу Али ибн Сино, 2002.

10. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси иккинчи китоб: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма.\_ Т.: «Шарқ», 2003.

11. Тарасевич Л.С., Гребенников П.И., Леусский А.И. Макроэкономика: Учебник М: Юрист-Издат, 2003.

12. По, А. Самуэльсон, Вильям Д. Норд Хаус. Экономика: Пер. с англ. – М.: «Лаборатория Базовых знаний» 2000.

13. Экономическая теория: Учеб. Для студ. Высш. Учеб. Заведений. Под. Ред. В.Д.Камаева. -7-е изд, перераб и доп. – М.: «Гуманитарное издательство цент ВЛАДОС» 2002.

14. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Москва., 1962. Стр. 332

15. Mill J.S. On the Definition of Political Economy; and on the Method of Investigation Proper to it. In: Tssays on Some Unsettled Questions of Political Economy. L., p 133-137

16. Walras L. Elements of pure Economics. Translated by Jaffe W.Homewood, Richard D.Irwin, 1954. pp. 88-89.

17. Ўлмасов А., Вохобов А. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.

18. Шодмонов Ш.Ш., Фофуров У. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.

19. Слагода В.Т. Основы экономической теории: учебник. \_М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2009. – 272с.

20. Гукасян Г.М., Маховикова Г.А., Амасова В.В. Экономическая теория, 7-е изд. – СПб.: Питер, 2010. 240с.
21. Борисов Е.Ф. Экономика: учеб. – М.: Проспект, 2009, 320с.
22. Воробьев Е.М. Экономическая теория. Курс лекций. М.: Эксмо, 2008, 272с.
23. Лачанов Ю.Н. Новая экономическая теория – новая классика: Революционный прорыв во всех представлениях ЛКИ, 2008, 104с.
24. Экономическая теория: учеб. Под. Ред. И.П.Николаевой. – 2-е изд., Перераб. И. доп. – М.: Проспект, 2009, 576с.

## **12-МАВЗУ. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТИ**

### **РЕЖА:**

1. Аҳоли даромадлари ва унинг таркиби. Аҳоли турмуш даражаси ва унинг кўрсаткичлари
2. Даромадлар тенгсизлиги ва унинг даражасини аниқлаш.
3. Давлатнинг ижтимоий сиёсати. Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари.

#### **1. Аҳоли даромадлари ва унинг таркиби. Аҳоли турмуш даражаси ва унинг кўрсаткичлари**

Кишилар хар доим чекланган ресурслар шароитида ўз эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун маҳсулот ва хизматларни яратиб уларни истеъмол этишга интилиб келишган. Ишлаб чиқаришнинг истеъмолга хизмат қилиши умуниқтисодий, умуминсоний ҳарактерга эга. Бу барча иқтисодий тизимларда сақланиб қолади, бироқ ҳар-хил усулда ва даражада амалга ошади. Бозор тизими истеъмолни таъминлашнинг энг самарали усулларини яратади. Ҳозирги замон бозор иқтисодиётинг муҳим белиси бу унинг аниқ ижтимоий йўналишга эга бўлишидир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликга эришгандан кейин иқтисодиётни бозор тизимига асослаб аҳолининг даромадларини ошишига кенг йўл очиб бермоқда.

Аҳоли даромадлари дейилганда уларнинг маълум вақт оралиғида (масалан, бир йилда) пул ва натурал шаклда олган даромадлари миқдори тушунилади.

Аҳоли истеъмол даражаси тўғридан-тўғри уларнинг даромадлари даражасига боғлиқ бўладики, бу даромадларнинг аҳоли турмуш даражасидаги ролини белгилаб беради.

Аҳоли пул даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад, нафака, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулқдан фоиз, дивиденд, рента шаклда олинадиган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулқ, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишдан келиб тушадиган даромадларни ўз ичига олади.

Натурал даромад меҳнат ҳақи ҳисобига олинадиган ва уй хўжаликларининг ўз истеъмоллари учун ишлаб чиқарган маҳсулотлардан иборат бўлади.

Жамият аъзолари даромадлари даражаси улар турмуш фаровонлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланиб, шу билан бирга алоҳида шахсларнинг дам олиши, билим олиши, соғлигини сақлаши, энг зарур эҳтиёжларини қондириши имкониятларини белгилаб беради. Аҳоли даромадлари даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар орасида иш ҳақидан ташқари чакана нарх динамикаси, истеъмолчилик бозорининг товарлар билан тўйинганлик даражаси кабилар муҳим ўрин тутади.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: «мустакиллик йилларида одамларимизнинг тафаккури, дунёқараши, ҳаётга бўлган муносабати ҳам тубдан ўзгаради. Турмуш даражаси, оиласининг фаровонлиги, энг аввало, ўзига боғлиқ эканлигини тушуниб етаётган одамлар тобора қўпайиб бормоқда».<sup>1</sup>

Аҳоли даромадлари даражасига баҳо бериш учун номинал, ихтиёрида бўлган ва реал даромад тушунчаларидан фойдаланилади.

Номинал даромад – аҳоли томонидан маълум вақт оралиғида олинган пул даромадлари миқдори ҳисобланади.

Ихтиёрида бўлган даромад – шахсий истеъмол ва жамғарма мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлган даромад. Бу даромад номинал даромаддан солиқлар ва мажбурий тўлов суммасига кам бўлади.

Реал даромад – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдорини кўрсатади.

Аҳолининг номинал пул даромадлари турли манбалар ҳисобига шаклланиб, улардан асосийлари қўйидагилар ҳисобланади:

- а) ишлаб чиқариш омилларига олинадиган даромад;
- б) давлат ёрдам дастурлари бўйича тўлов ва имтиёзлар шаклидаги пул тушумлари;
- в) молия-кредит тизими орқали олинадиган пуд даромадлари.

Республикамизда меҳнатни рағбатлантириш иш ҳақини кўпайтириш натижасида аҳоли даромадлари муттасил ошиб бормоқда. Масалан, 2008-йилда ўртача иш ҳақи буджет ташкилотларида 1,5 баробардан зиёт, бутун иқтисодиёт бўйича 1,4

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишидаги маъruzаси. «Халқ сўзи», 2000 йил 2 феврал.

баробар ошди. Натижада 2008-йилда ўртача иш хақи миқдори 300 \$ дан ортиқ бўлди. Аҳолининг реал даромадлари эса жон бошига 23 % кўпайди. Бу тамойил кейинги йилларда ҳам давом эттирилади.

Аҳолининг ёлланиб ишловчи қисми оладиган даромадларнинг асосий қисмини иш хақи ташкил қиласди. Даромаднинг бу тури истиқболда ҳам, пул даромадлари умумий ҳажмининг шаклланишида ўзининг етакчи ролини сақлаб қолади.

Аҳоли пул даромадлари даражасига давлат ёрдам дастурлари бўйича тўловлар сезиларли таъсир кўрсатади. Бу манбалар ҳисобига пенсия таъминоти амалга оширилади ва турли хил нафақалар тўланади.


Аҳолининг молия-кредит тизими орқали оладиган пул даромадлари кўйидагилардан иборат: давлат суғуртаси бўйича тўловлар; шахсий уй қурилишига ва матлубот жамияти аъзоларига банк ссудалари; жамғарма банкига қўйилмалар бўйича фоизлар; акция, облигация баҳосининг кўпайишидан олинадиган даромад ва заём бўйича тўловлар; лотерея бўйича ютуқлар; товарларни кредитга сотиб олиш натижасида ташкил топадиган, вактинча бўш маблағлар; ҳар хил турдаги компенсастия тўловлар ва ҳ.к.

Президентимиз ўз асарларида мамлакатимизда меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини кўпайтириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган сиёsatни амалга ошириш бўйича қўлга киритилган натижалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Жамият аъзолари даромадлари даражаси улар турмуш фаровонлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланиб, шу билан бирга алоҳида шахсларнинг дам олиши, билим олиши, соғлигини сақлаши, энг зарур эҳтиёжларини қондириши имкониятларини белгилаб беради. Аҳоли пул даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулқдан фоиз, дивиденд, рента шаклда олинадиган даромадларни, қимматли қоғозлар, қўчмас мулқ, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишидан келиб тушадиган даромадларни ўз ичига олади.

Мамлакатимизда 2010 йилга қадар реал иш ҳақини 2-2,5 баробар ошириш бўйича қўйилган стратегик вазифага мувофиқ, 2008 йилда ҳам иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори 1,5 баробар кўпайтирилди (1.2.1-расм).


## Бюджет соҳасида фаолият юритувчи ходимлар иш хақининг ўсиши, марта



**1.2.1-расм**

Бунинг натижасида мамлакатимизда ўртача номинал ҳисобланган иш хақи миқдори ҳисбот даврининг сўнгги ойига келиб 2007 йилдаги 270,6 минг сўмдан 2008 йилда 418,1 минг сўмга қадар ошди. Пенсияларнинг ўртача миқдори эса ҳисбот даврининг сўнгги ойига 2007 йилдаги 62,3 минг сўмдан 2008 йилда 98,3 минг сўмга етди (1.2.2-расм).

### **2008 йилда ўртача номинал иш хақи ва пенсия миқдорининг ўсиши, минг сўм**




**1.2.2-расм**

Агар 2007 йилнинг декабрида ўртача ойлик иш хақи, хўжалик

субъектлари ва бюджет соҳаларини ҳисобга олганда, 210 АҚШ долларига тенг бўлса, 2008 йилда ўртacha иш ҳақи бюджет ташкилотларида 1,5 баробардан зиёд, бутун иқтисодиёт бўйича эса 1,4 баробар ошиши натижасида ўртacha иш ҳақи миқдори юқорида қайд қилингандек 300 АҚШ долларидан ортиқ бўлди. Аҳолининг реал пул даромадлари 2007 йилда 27 фоизга ортган бўлса, 2008 йил давомида 23 фоизга кўпайди (1.2.3-расм).

Шунингдек, Президентимиз ўз асарларида жорий 2009 йилда ўртacha иш ҳақи миқдорини бюджет соҳасида – ва шунга мос равища хўжалик юритувчи субъектларда ҳам – 1,4 баробар ошириш, инфляциянинг ўсиш кўрсаткичини 7-9 фоиз даражасида саклаб туриш кўзда тутилаётганлигини қайд этдилар.


### **Аҳоли реал пул даромадларининг ўсиши (ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)**



**1.2.3-расм**

Табиийки, иш ҳақи ва аҳоли реал даромадларининг аҳамиятли даражада ўсиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиши билан бир қаторда ташқи савдо ва экспорт соҳасидаги фаолиятнинг самарадорлигига ҳам боғлиқ. Ташқи бозорда конъюнктуранинг ёмонлашувига қарамасдан, ташқи савдо айланмаси 2007 йилдаги 15719,6 млн. долл.дан 2008 йилда 19077,0 млн. долл. ҳажмига қадар, яъни 21,4 фоизга ошди (1.2.4-расм).

## Ташқи савдо айланмаси ҳажмининг ўсиши, млрд. АҚШ долл.




1.2.4-расм

Ўзбекистонда аҳолининг пул даромадлари таркибида социал-трансферт даромадлари 12,7% ни ташкил қилади. МДХ мамлакатлари ичидаги фақатгина Белоруссияда бу кўрсаткич Ўзбекистоннидан юқори (18,8%), бошқа МДХ давлатларида эса бу кўрсаткич 8% дан ошмайди.

Аҳоли турмуш даражаси тушунчасини уларнинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши, ҳамда кишилар эҳтиёжининг бу неъматлар билан қондирилиши даражаси сифатида аниқлаш мумкин.

Кишиларнинг ҳаёт фаолияти учун зарур неъматлар тўплами меҳнат шароити, таълим, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат ва уй-жой сифати каби хилма-хил эҳтиёжларни ўз ичига олади. Кишилар эҳтиёжларини қондириш даражаси жамият аъзоларининг алоҳида олган ва оиласидан даромадлари даражасига боғлиқ. Турмуш даражасини мамлакат даражасида \бутун аҳоли учун\ ва табақалашган микро даражада \аҳолининг алоҳида гурухи учун\ қараб чиқиши мумкин. Биринчи ёндашув турли мамлакатларда аҳолининг турмуш даражасини аҳоли жон бошига тўғри келадиган ички миллий маҳсулот кўрсаткичи бўйича аниқлаб, қиёсий таҳлил қилиш имконини беради.

Масалан, аҳоли даромадларини даражасини миқдоран ва сифат кўринишида ошиб боришига ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суратлари ижобий аъсир кўрсатади. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот 1997-йилдан бошлаб барқарор суръатларда ўсиб бормоқда.



Аҳоли гурухлари бўйича даромадлар тақсимланиши динамикасини таққослаш, истеъмолчилик бюджети асосида амалга оширилади. Қатор истеъмолчилик бюджетлари мавжуд бўлади: ўртacha оила учун, юқори даражада мўл-кўл бюджет, минимал моддий таъминланганлар бюджети, нафақаҳўрлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий гурухлари бюджети, шулар жумласидандир.

Фаровонликнинг энг қуий чегарасини оила даромадининг шундай чегараси билан белгилаш мумкинки, ундан кейин ишчи кучини такрор ҳосил қилишни таъминлаб бўлмайди. Бу даража моддий таъминланганлик минимуми ёки кун кечириш даражаси \қашшоқликнинг бошланиши\ сифатида чиқади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўртacha даромад «ўртacha синф» деб аталадиган табақалар даромадлари бўйича аниқланади. Бундай гурух истеъмолчилик савати тўпламига уй, автомашина, дала ҳовли \дача\, замонавий уй жихозлар, сайр қилиш ва болаларини ўқитиш имконияти, қимматли қофозлар ва зебу зийнатлар киради.

Бозор иқтисодиёти аҳолининг юқори таъминланган ёки “бой” қатлами мавжуд бўлишини тақозо қилиб, уларга аҳолининг юқори сифатли товар \ва хизмат\лар харид қилишга лаёқатли бўлган жуда оз қатлами киради. АҚШда аҳоли бу қисмининг шахсий имконияти 8 -10 млн. доллар деб баҳоланади.

## 2. Даромадлар тенгсизлиги ва унинг даражасини аниқлаш

Дунёдаги барча мамлакатлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртacha даромадлар даражаси билан бир-биридан кескин фарқланади. Бу турли мамлакатлар аҳолисининг даромадлари даражаси ўртасида

тенгсизлик мавжудлигини билдиради. Шу билан бирга алоҳида олинган мамлакатлар ахолисининг турли қатлам ва гуруҳлари ўртача даромадлари даражасида ҳам фарқ мавжуд бўлади. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши даражаси ҳам даромадларидаги фарқларни бартараф қилмайди.


Ўз-ўзидан аниқки, иқтисодий ўсиш даромадларнинг қўпайишига олиб келади. Бунда бутун аҳоли даромадлари мутлоқ микдорда астасекин ўсиб боради. Даромадларнинг мутлоқ микдори қўпайиб борсада, ҳар доим ҳам даромадлар тенгсизлиги даражасига таъсир кўрсатмаслиги мумкин.

Даромадлар тенгсизлиги даражасини микдорий аниқлаш учун жаҳон амалиётида Лоренс эгри чизигидан фойдаланилади.

1-расм

**Лоренс эгри чизиги. Ордината ҳақида даромадлар ҳиссаси, %да.**

**Абцисса ҳақида аҳоли ҳиссаси %да**



“Оилалар улуши” ётиқ чизиқда, “даромадлар улуши” эса тик чизиқда жойлашган. Назарий жиҳатдан даромадларнинг мутлоқ тенг тақсимланиши имконияти \бурчакни тенг иккига бўлувчи\ чизиқда ифодаланган бўлиб, у оилаларнинг ҳар қандай тегишли фоизи даромадларнинг мос келувчи фоизини олишини кўрсатади. 20% оилалар барча даромадларнинг 20%, 40%-40%, 60%-60% даромадларни олишини билдиради ва ҳ.к.

Мутлоқ тенгликни ифодаловчи чизиқ ва Лоренс эгри чизиги ўртасидаги тафовут даромадлар тенгсизлиги даражасини акс эттиради.

Бу фарқ қанчалик катта бўлса, даромадлар тенгсизлиги даражаси

ҳам шунчалик катта бўлади. Агар даромадларнинг ҳақиқий тақсимланиши мутлоқ тенг бўлса, бунда Лоренс эгри чизиги ва биссектриса ўқи бир-бирига мос келиб фарқ йўқолади.

Бизнинг мисолимизда АБ ёйсимон чизик билан АБ тўғри чизик ўртасидаги фарқقا эътибор беринг. Ёйсимон чизик биссектрисадан қанчалик йироқлашса шунчалик даромадларда тенгсизлик кучли бўлади. Тенгсизликнинг ҳаддан ошиб кетишига йўл бермаслик учун унинг меъёри киритилган. Бунга кўра бойлар қўлида жаъми даромадларнинг 25-35 фоизи тўпланиши мумкин. Бошқа бир меъёрга кўра 10 фоиз бойлар ва 10 фоиз камбағаллар даромади ўртасидаги фарқ 13-15 мартадан ошмаслиги ошмаслики талаб қилинади. Ўзбекистонда бу фарқ турли йилларда 8-11 марта бўлиб, у меъеридан чиқиб кетмаган. Буни давлатнинг фаол ижтимоий сиёсати таъминлайди.

Даромадлар табакаланишини аниқлашнинг кўпроқ қўлланиладиган кўрсаткичларидан бир дицел коэффициенти ҳисобланади. Бу кўрсаткич 10% анча юқори таъминланган аҳоли ўртacha даромадлари ва 10% энг кам таъминланганлар ўртacha даромади ўртасидаги нисбатни ифодалайди.

Ялпи даромаднинг аҳоли гурухлари ўртасида тақсимланишини характерлаш учун аҳоли даромадлари тенгсизлиги индекси (Джини коэффициенти) кўрсаткичи қўлланилади. Бу кўрсаткич қанчалик катта бўлса, (яъни 1,0 га яқинлашса) тенгсизлик шунча кучли бўлади. Жамият аъзолари даромадлари тенглашиб борганда бу кўрсаткич 0 (ноль)га интилади.

Юқоридаги 1-расм асосида Жини коэфицентини аниқлаш мумкин. АБХ учбурчакни ажратиб олиб, штрихланган майдонни  $T$  деб белгилаймиз. Сху майдон  $T$  ни учбурчак майдони АБХ га нисбатан олак у ҳолда қуйидаги кўрсатгч ҳосил бўлади, уни Ж ҳарфи билан белгилаймиз.


## ЖқТ/АБХ

Иқтисодий назарияда бу кўрсатгич Жини коэфиценти (италия иқтисодчиси ва статистиги Коррадо Жини (1889-1965)) номи билан аталади. Бу коэфицент даромадлар нотенглигини даражасини ифодалайди. Ларенс эгри чизиги биссектрисадан қанча катта фарқ қиласа  $T$  майдон шунча катта бўлади, яъни Жини коэфиценти 1 га шунча яқин бўлади. 1990-йилларнинг бошларида бу коэфицент

Японияда 0,270, ГФР да 0,295, АҚШ да 0,329, Бразилиада 0,565, Бангладешда 0,3 ни ташкил этган. Республикамизда 1996-йили 0,350 атрофида бўлган. Ана шу коэффицентнинг ўзгаришига қараб, нотенглик ортаяптими ёки камаяяптими? Холоса чиқариб уни сабабини аниқлаш мумкин.

Ларенс эгри чизики билан боғлиқ даромадларнинг нотенглик даражасини аниқлашнинг энг қизиқарли усуллардан бири Шведсария иқтисодчиси профессор Вилл Фредо Паретога тегишли. У даромадлар тақсимланиши тадқиқ қилиб шундай қарорга келади. Энг кам даражада даромад оладиганлар аҳолибининг камчилигини ташкил этар экан. АҚШ да табака улуши ҳамма аҳолига нисбатан 13,5 фойизни ташкил этади. Энг юқори даромад оладиганлар ҳам унча кўп эмас. Улар энг бой табақани ташкил этади. Яъни улар ҳам 5-20 фойизи ташкил этади. Даромадларнинг асосий қисми ўртаҳол синфларга тўғри келади. Жамият доимо ўрта синфларга таянади. Даромадларнинг тақсимланишидаги бу боғланиш иқтисодий назариада Парето қонуни деб юритилади.

Аҳоли даромадга қараб гурухланишини даромадлар пирамидаси орқали тасаввур қилиш осон бўлади (2-расм)



Кўриниб турибдики, пирамиданинг асосий қисмини ўрта холлар эгаллаган. Ўрта холларга даромади тирикчилик умумий қийматидан

юқори бўлган, лекин ўртача даромадлардан ошиб кетмаганлар киради. Масалан, тирикчили минимуми ойига 250 \$ бўлсаю ўртача даромад 1400 \$ бўлса шулар ўртасидагилар ўрта холларга киради.

Даромадлар тенгсизлигида катта фарқлар мавжуд бўлишининг асосий сабаби, бозор тизимиға асосланган иқтисодиётнинг ўз хусусиятларидан келиб чиқади. Бизнинг республикада ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш, даромадлар тенгсизлиги муаммосини кескинлаштиради. Бу ерда асосий ролни мол-мулкка \уй-жой, кўчмас мулк, акстия ва бошқалар\ эга бўлиш омили ўйнай бошлайди. Даромадларнинг табақаланиш жараёни етарли даражада тез боради, минимал даражадан бир неча ўн баравар юқори даромадга эга бўлган ижтимоий қатлам шаклланади. Даромадларнинг табақаланиши мулкий табақаланишни келтириб чиқаради. Вақт ўтиши билан оилаларнинг тўплаган мол-мулки мерос қолдириши сабабли даромадлар табақаланишининг кучайиши руй беради. Ҳар хил оилалар учун турлича истеъмол муҳит яратилади. Ижтимоий тенглик ва даромадлар тақсимотида адолатликни таъминлаб беришнинг муҳити муаммолари келиб чиқади.

Бозор иқтисодиёти шароитида даромадлар тенгсизлигини келтириб чиқарувчи умумий омиллар ҳам мавжуд бўлади. Буларнинг асосийлари қўйидагилар:

- кишиларнинг умумий (жисмоний, ақлий ва эстетик) лаёқатидаги фарқлар;
- таълим даражаси ва малакавий тайёргарлик даражасидаги фарқлар;
- тадбиркорлик маҳорати ва таҳликага тайёргарлик даражасидаги фарқлар;
- ишлаб чиқарувчиларнинг бозорда нархларни ўрнатишга лаёқатлилиги (бозордаги ҳукмронлик даражасидан келиб чиқиб).

Бундай шароитда давлатнинг даромадларни қайта тақсимлаш вазифаси даромадлар тенгсизлигидаги фарқларни камайтириш ва жамият барча аъзолари учун анча қулай моддий ҳаёт шароитини таъминлашга қаратилади.

Даромадлар тенгсизлиги камайишининг таҳминан 80 фоизини асосан трансферт тўловлари тақозо қиласи. Аниқроқ айтганда давлат трансферт тўловлари энг паст даромад олувчи кишилар гурӯҳи даромадининг асосий қисми \70-75%\ни ташкил қиласи ва қашшоқликни юмшатишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади.

### **3. Давлатнинг ижтимоий сиёсати. Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари**

Давлатнинг ижтимоий сиёсати тегишли марказлашган даромадларни табақалашган солиқ солиш йўли билан шакллантириш ва уни бюджет орқали аҳоли турли гуруҳлари ўртасида қайта тақсимлашдан иборат. Давлат даромадларни қайта тақсимлашда ижтимоий тўловлар билан бирга бозор нархларини ўзгартириш (масалан, фермерларга нархларни кафолатлаш) ва иш ҳақининг энг кам даражасини белгилаш усуllibаридан фойдаланади.

Ижтимоий тўловлар – кам таъминланганларга пул ёки натурал ёрдам кўрсатишига қаратилган тадбирлари тизими бўлиб, бу уларнинг иқтисодий фаолиятда қатнашиши билан боғлиқ бўлмайди. Ижтимоий тўловларнинг мақсади жамиятдаги муносабатларни инсонпарварлаштириш ҳамда ички талабни ушлаб туриш ҳисобланади.

Аҳоли реал даромадлари даражасига инфляция сезиларли таъсир кўрсатиши сабабли даромадларни давлат томонидан тартиба солишнинг муҳим вазифаси истеъмолчилик товарларига нархнинг ўсишини ҳисобга олиш ва даромадларни индексациялаш, яъни номинал даромадларни нархлар ўсишига боғлиқликда ошириб бориш ҳисобланади.

Шахсий даромадни ҳимоя қилишда ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши аҳоли камбағал қатламини қўллаб-куватлаш ҳисобланади.

Амалий ҳаётда қашшоқликнинг ўзи ҳаёт кечириш минимуми ёрдамида аниқланади. Бу ижтимоий ва физиологик (жисмоний) минимумда ифодаланади. Ижтимоий минимум жисмоний эҳтиёжларни қондиришнинг минимал нормаси (меъёри) билан бирга ижтимоий талабларнинг минимал харажатларини ҳам ўз ичига олади. Физиологик минимум эса фақат асосий жисмоний эҳтиёжларни қондиришни кўзда тутади.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда аҳолининг ижтимоий ёрдамига муҳтоҷ қисмини аниқлашда турли хил мезонлар асос қилиб олинади. Улар жумласига даромад даражаси, шахсий молмулки миқдори, оиласвий аҳволи ва шу қабилар киритилади.

Ижтимоий сиёсат – бу давлатнинг даромадлар тақсимотидаги тенгсизликни юмшатишига ва бозор иқтисодиёти қатнашчилари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилишга йўналтирилган сиёсатdir.

Республикада бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий сиёсат аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга қаратилади ҳамда алоҳида йирик йўналишларда амалга оширилади. Бу йўналишлар И.А. Каримовнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида”<sup>1</sup> китобида тўлиқ баён қилиб берилган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимидағи энг асосий йўналиш – бу нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириб бориш ҳисобланади. Бунда республиканинг ўзига хос ёндашуви ишлаб чиқилиб, даромадлар нисбатини ўзгартириш, иш ҳақи, пенсиялар, стипендияларнинг, жамғарма банклардаги аҳоли омонатлари ставкаларининг энг оз миқдорини бир вақтнинг ўзида қайта кўриб чиқиши йўли билан амалга оширилади. Даромадлар нисбатини ўзгартиришда 1993 йил жорий этилган янги ягона таъриф сеткаси катта аҳамиятга эга бўлди. Бу барча тоифадаги ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдорларини тариф коэффициентлари орқали, энг кам иш ҳақи воситаси билан бевосита ўзаро боғлаш имконини берди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг иккинчи йўналиши - ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш бўлди. Бунга эришишда муҳими маҳсулотлар экспортини божхона тизими орқали назорат қилиш ва уларга юқори бож тўловлари жорий этиш, кундалик зарур товарларни меъёrlанган тарзда сотишни ташкил қилиш каби тадбирлар катта аҳамиятга эга бўлди. Миллий валюта жорий этилиши билан озиқ-овқат маҳсулотларини меъёrlанган тарзда сотишдан воз кечиш эркин нархларга ўтиш имкониятини яратади.

Иқтисодий ислоҳотларнинг ilk босқичида ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг учинчи йўналиши – аҳолининг кам таъминланган табакаларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб - қувватлаш борасида кучли чора-тадбирлар ўтказилганлиги бўлди. Бу йўналишда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қатламлари - пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам даромадли оилалар, ишсизлар, ўқувчи ёшлар ҳамда қайд этилган миқдорда даромад олувчи кишилар турли хил йўллар билан ҳимоя қилиб борилди.

Ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимидан ишончли ижтимоий

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995, 119-138 бетлар.

кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимиға изчиллик билан ўтиш – ижтимоий сиёсатни амалга оширишга, ижтимоий ҳимоя воситасини кучайтиришда сифат жиҳатдан янги босқич бошлишини билдиради.

Янгиланган ижтимоий сиёсат адолат тамойиллариға изчиллик билан риоя қилишга асосланиб, ижтимоий қўмаклашишнинг мавжуд усулларини ва пул билан таъминлаш манбаларини тубдан ўзгартиришни тақозо қиласиди. Бу сиёсат ижтимоий ҳимоя аниқ мақсади ва аҳолининг аниқ табақаларини қамраб олишни кўзда тутади. Ёрдам тизими фақат кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нисбатан қўлланилиб, шу мақсад учун давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, турли ташкилот ҳамда жамғармаларнинг маблағларидан ҳам фойдаланилади.

Ижтимоий қўмаклашишнинг янги тизимида болалар ва кам даромадли оилалар ёрдамдан баҳраманд бўлувчи асосий кишилар ҳисобланиб, улар учун ҳамма нафақа ва моддий ёрдамлар фақат маҳалла орқали етказиб берилади. Бу тизимда кам даромадли оилаларга бериладиган моддий ёрдам маҳалла орқали етказилади. Шу мақсадда маҳаллаларда бюджет маблағлари, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлик тузилмалари ва айрим фуқароларнинг ихтиёрий ўтказган маблағлари ҳисобидан маҳсус жамғармалар ҳосил қилинди.

Ижтимоий қўмаклашишнинг янги тизими меҳнатга рағбатлантирадиган омиллар ва воситалар янги тузилмаси пайдо бўлишини ҳам тақозо қиласиди.

Шундай қилиб, ислоҳотлар даврида давлат аҳолининг муҳтоҷ табақаларини қўллаб-қувватлаш билан бирга, ўз меҳнат фаолияти орқали оиласининг фаровонлигини таъминлашга интилевчи кишилар учун тенг шароит ва қулай имконият яратишга ҳаракат қиласиди.

### **Асосий таянч тушунчалар**

**Аҳоли даромадлари** – аҳолининг маълум вақт давомида пул ва натурал шаклда олган даромадлари миқдори.

**Номинал даромад** – аҳоли томонидан пул шаклида олинган даромадлари суммаси.

**Ихтиёрида бўлган даромад** – шахсий истеъмол ва жамғарма мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлган даромад.

**Реал даромад** – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб аҳолининг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий

нельматлар билан таъминланиши ҳамда улар эҳтиёжларининг бу нельматлар билан қондирилиш даражасидир.

**Лоренц эгри чизиғи** – даромадлар тенгсизлиги даражасини миқдорий аниқлашни характерлайди.

**Ижтимоий тўловлар** – кам таъминланганларга пул ёки натурал шаклда ёрдам кўрсатишга қаратилган тадбирлар тизими.

**Ижтимоий сиёsat** – бу давлатнинг даромадлар тақсимотидаги тенгсизликни иқтисодиёт қатнашчилари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилишга йўналтирилган сиёsat.

### **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Давлатнинг аҳоли даромадларини шакллантириш сиёсати деганда нимани тушунасиз? Ижтимоий адолатни таъминлашда бу сиёсатнинг роли қандай?

2. Аҳоли даромадлари тушунчасини ва унинг даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни санаб кўрсатинг.

3. Турмуш даражаси ва унинг тушунчасига изоҳ беринг. Турмуш даражасини қандай кўрсаткичлар характерлаб беради?

4. Даромадлар тенгсизлигининг асосий сабабларини санаб кўрсатинг ва уларга тушунтириш беринг.

5. Ўзбекистонда давлат ёрдам дастурлари тизимини ислоҳ қилиш ва уни ҳозирги даврдаги асосий йўналишларига ўзингизнинг фикрингизни билдиринг.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси. Т.: Ўзбекистон, 2003.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон - буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

4. Каримов и.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/И.А.Каримов, - Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

якунлари ва 2009 йўналишларига бағишлиланган вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

6. Каримов И.А., Энг асосий мезон – хаёт ҳақиқатни акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009, - 24 б.

7. Шодмонов Ш., Алимов Р.Ў., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002.

8. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси – Т.: Ўқитувчи, 2002.

9. Джумақулов Т.Т., Сафарова З.Т. Использование трудов И.Каримова в преподавании экономической теории и его вклад в её развитие: Учебное пособие. – Т.: Изд-во мет.лит-ры им. Абу Али ибн Сино, 2002.

10. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси иккинчи китоб: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2003.

11. Тарасевич Л.С., Гребенников П.И., Леусский А.И. Макроэкономика: Учебник М: Юрист-Издат, 2003.

12. По, А. Самуэльсон, Вильям Д. Норд Хаус. Экономика: Пер. с англ. – М.: «Лаборатория Базовых знаний» 2000.

13. Экономическая теория: Учеб. Для студ. Высш. Учеб. Заведений. Под. Ред. В.Д.Камаева. -7-е изд, перераб и доп. – М.: «Гуманитарное издательство цент ВЛАДОС» 2002.

14. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Москва., 1962. Стр. 332

15. Mill J.S. On the Definition of Political Economy; and on the Method of Investigation Proper to it. In: Tssays on Some Unsettled Questions of Political Economy. L., p 133-137

16. Walras L. Elements of pure Economics. Translated by Jaffe W.Homewood, Richard D.Irwin, 1954. pp. 88-89.

17. Ўлмасов А., Вохобов А. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.

18. Шодмонов Ш.Ш., Фофуров У. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.

19. Слагода В.Т. Основы экономической теории: учебник. \_М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2009. – 272с.

20. Гукасян Г.М., Маховикова Г.А., Амасова В.В. Экономическая теория, 7-е изд. – СПБ.: Питер, 2010. 240с.

21. Борисов Е.Ф. Экономика: учеб. – М.: Проспект, 2009, 320с.

22. Воробьев Е.М. Экономическая теория. Курс лекций. М.: Эксмо, 2008, 272с.

23. Лачанов Ю.Н. Новая экономическая теория – новая

классика: Революционный прорыв во всех представлениях ЛКИ, 2008, 104с.

24. Экономическая теория: учеб. Под. Ред. И.П.Николаевой. – 2-е изд., Перераб. И. доп. – М.: Проспект, 2009, 576с.

## **13-МАВЗУ. ЖАХОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

### **РЕЖА:**

1. Жаҳон хўжалигининг ташкил топиш босқичлари ва асосий белгилари.
2. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг шакллари. Жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши
3. Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти, шакллари ва объектив асослари. Қиёсий устунлик назарияси
4. Жаҳон хўжалиги алоқаларини халқаро тартибга солиш.
5. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши ва ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишлари.

### **1. Жаҳон хўжалигининг ташкил топиш босқичлари ва асосий белгилари**

Жаҳон хўжалигини тарихи жуда узок ва мураккабдир. Жаҳон хўжалигини боғловчи воситалардан энг биринчиси савдо бўлган. Савдо-сотик туфайли жаҳон хўжалиги доимо ривожланиб, тараққий қилиб борган. Жаҳон хўжалиги тарихан даставвал капиталистик жаҳон хўжалиги сифатида вужудга келди. Бу давр XIX аср XX аср бошларини ўз ичига олади. Бу даврда жаҳон хўжалигида ривожланган капиталистик давлатлар ҳукмронлик қилдилар. Дунё икки тоифадаги давлатлардан яъни мустамлакачилар ва мустамлаклардан иборат бўлди. 1917 йил Россияда Октябр инқилоби натижасида ахвол тамомила ўзгарди. Жаҳон хўжалиги Жаҳон хўжалиги икки ижтимоий-иқтисодий система хўжалигидан иборат бўлиб қолди. Собиқ СССР нинг иккинчи жаҳон урушида Германия устидан ғалаба қилиши натижасида жаҳон социалистик хўжалиги система қарор топди. Шу билан бирга мустамлакачилик ҳам емирилиб бархам топди.

Жаҳон социалистик хўжалиги 1990 йилга қадар жаҳон капиталистик хўжалигидан ажralган ҳолда ўзаро мухолифликда яшаб келди. Кейинги давр умумжаҳон хўжалигини тан олмай яшаш мумкин эмаслигини тобора яққол кўрсата бошлади. Айниқса, инсоният устидан ядро қуроли хавфини кучайиши, иқтисодий танглик, халқларни ўз эрки-мустақиллиги учун интилиш, ўзини энг юқори чўққисига эришди. Мана шулар оқибатида умуминсоний қадриятлар

ҳар қандай нарсадан устун эканлиги, инсонни соғ-саломат қолиш муаммоси, жахоншумул умуминсоний муаммоларни хал этиш масаласи вужудга келди. Буларни ҳал қилиш ўзаро мухолифлик билан ёки якка-ёлғиз кураш олиб бориш билан ҳал бўлмаслиги барча инсониятга аён бўлаб қолди. 1985 йилда сobiқ СССР да бошланган қайта қуриш 1991 йилга келиб жахон социалистик системасини барбод бўлишига ва СССР ни парчаланиб кетишига олиб келди ва сobiқ СССР таркибиға кирган республикалар мустақил давлатга айланди. 1991 йил 30 декабр Олма-Ота учрашувида сobiқ СССРнинг 11 республикаси мустақил давлатлар ҳамдўстлигини яратдилар. Ўзбекистон республикаси ҳам шу ҳамдўстликка кириши билан жахон хўжалигига ҳам бевосита кириб боришга муваффақ бўлди.

Жахон хўжалиги бир неча босқичга эга.

Жахон хўжалиги таркиби унинг таркиби унинг ривожланиши босқичларига қараб ўзгариб бормоқда. Масалан, жахон хўжалигининг биринчи босқичи жахон капиталистик хўжалик танҳо ҳукмронлик қилган даври билан характерланади. Бу давр мустамлакачи давлатларнинг хўжалиги, мустамлака давлатлар бойлиги ҳисобига ривожланганлиги билан характерланади. Жахон хўжалиги ривожланишининг иккинчи босқичи 1917 йилдан 1990 йилларгacha бўлган даврни ўз ичига олиб бу давр жахон хўжалигини бир-бирига қарама-қарши икки хўжалик яъни жахон капиталистик хўжалиги ва жахон социалистик хўжалиги ҳукмронлик қилганлиги билан характерланади. 1991 йилдан бошлаб жахон хўжалиги ривожланишида янги учинчи босқич бошланади. Бу босқич ҳозирги умумжахон хўжалигининг яхлитлиги билан характерланади.

Ҳозирги даврда жаҳон иқтисодий ривожланишининг энг муҳим характерли хусусиятларидан бири - турли мамлакатлар ва хўжалик регионлари ўртасидаги ўзаро боғликларнинг ўсиб бориши ҳисобланади.

Жаҳон хўжалигига ҳар бир ўзгаришлар (жаҳон бозоридаги нархлар ҳаракати ва алоҳида мамлакатнинг экспорт имкониятидан тортиб дунё иқтисодиётидаги таркибий силжишлар ва халқаро монополиялар фаолиятигача) дунёдаги барча мамлакатлар манфаатини ўзига тортади. Мамлакатнинг савдо, ишлаб чиқариш, валюта молия соҳаларидаги жаҳон тамойилларига боғлиқлик объектив реаллик ҳисобланади. Ҳозирги даврда ҳар қандай мамлакатни унинг иқтисоди қандай ривожланган бўлишидан қатъий назар, жаҳон хўжалиги алоқаларига жалб қилмасдан унинг тўла қонли иқтисодий ривожланишини таъминлаш мумкин эмас.

Шу сабабли Президентимиз И.Каримов «Мамлакатнинг жаҳон хўжалик алоқаларида, ҳалқаро меҳнат тақсимотида кенг миқёсда иштирок этиши очиқ турдаги иқтисодиётни барпо этишнинг асосидир»<sup>1</sup>, деб таъкидлайди.

Дунё бир-биридан мақсадлари, амал қилиш механизми билан фарқланувчи турли хил ижтимоий-иктисодий тузумлар, ҳалқаро гуруҳларга бўлинган. Жаҳон ҳамжамияти мамлакатларини туркумлаш ҳар хил мезонлар асосида амалга оширилади. Яқин вақтларгача бизнинг адабиётимиз социализм дунёси, капитализм дунёси ва учинчи дунё мамлакатлари деган тушунчани сингдириб келди.

Жаҳон ҳамжамияти мамлакатларини туркумлашга умумий асосда ёндашиб хўжалик тизимларининг хусусиятларига мос равища давлатларнинг учта гуруҳини ажратиб кўрсатиш мумкин: ривожланган, бозор иқтисодиётида ривожланаётган ва бозор иқтисоди мавжуд бўлмаган мамлакатлар. Ривожланганлик даражаси бўйича ҳам ўз навбатида учта гуруҳ фарқланади: кам, ўртacha ва юқори ривожланган мамлакатлар. Шимолий-Шарқий Осиё ва Лотин Америкасидаги янги индустрιал мамлакатлар (ЯИМ), юқори даромадли нефть экспорт қилувчи мамлакатлар (Саудия Арабистони, қувайт ва бошқалар) энг кам ривожланган мамлакатлар (ЭКВИ), шу жумладан энг камбағал мамлакатлар (Чад, Баенгладеш, Эфиопия), ҳар хил регионал иттифоқлар ва интернационал гуруҳларга ажратилади.

Бу барча турли-туманлик бир бутун яхлитликка ўзаро иқтисодий боғлиқликнинг ҳар хил жихатлари орқали тортилади. Ҳозирги хўжалик алоқаларининг чуқурлашиб бораётганлиги байналминаллашувининг кучайиши ҳамда фан-техника революциясининг кенг қамровли характери, алоқа ва коммуникация воситаларининг бутунлай янги роли шароитида миллий иқтисодиёт ўз-ўзини таъминлаш орқали самарали амал қилиш мумкин эмас.

Жаҳон хўжалик алоқаларининг тез ўсиши шундай давларга тўғри келадики, бу даврда ишлаб чиқариш омилларининг ҳаракати тезлашади, капитал миллий чегарадан ўсиб чиқади, ишчи кучи миграцияси кучаяди, ҳалқаро меҳнат тақсимотининг шакилланиш жараёни тезлашади. Бу шундан гувоҳлик берадики, хўжалик алоқаларининг байналминаллашувини кўп жиҳатдан ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш мантиқи тақозо қиласи, яъни у миллий чегарадан ўсиб чиқади ва объектив равища ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувини зарур қилиб қўяди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т.: «Ўзбекистон», 1998. 267-бет.

Миллий хўжаликлар ва улар ўртасидаги иқтисодий алоқалар негизида шакилланган жаҳон хўжалиги асосида халқаро меҳнат тақсимоти ётади.

**Халқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ) алоҳида мамлакатларнинг товар ва хизматларнинг маълум турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашувини ифодалайди.** Алоҳида мамлакатларнинг бундай ихтисослашуви маҳсулотлари устун даражада экспортга йўналтирилган **халқаро ихтисослашган тармоқларнинг** шаклланишига олиб келади.

Дастлабки вақтларда халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши асосан табиий шароитлардаги тафовутларга асосланган эди. Бинобарин, фақат саноат тўнтаришидан кейин, яъни ишлаб чиқарувчи кучлар байналминал хусусият касб этиб, миллий хўжаликлар доирасидан ташқарига ўсиб чиқа бошлагач, уларнинг негизидан барқарор меҳнат тақсимоти ва жаҳон бозори таркиб топади. Ҳозирги вақтда халқаро меҳнат тақсимоти турли ижтимоий тизимларни ўз ичидаги оловчи умумжаҳон хўжалиги доирасида ривожланмоқда.

Халқаро меҳнат тақсимоти ва айирбошлашда қатнашаётган мамлакатлар бир хил шароитда эмас. Бу ҳол уларнинг турли жўғрофий аҳволи, табиий ресурсларининг таркиби ва микдори, ривожланиш кўлами, даражаси ва иқтисодиётини тузилиши, ички бозорнинг ҳажми билан белгиланади.

Ана шу фарқлар сабабли айрим мамлакатларда бир хил товарларни ишлаб чиқаришдаги харажатлар даражаси ҳам турлича бўлади. Шунинг учун ҳар бир мамлакат ўзи нисбатан қулайроқ, камроқ харажат билан ишлаб чиқарадиган товарларни бошқа мамлакатларга сотишга ва аксинча, жаҳон бозоридан ўзидан ишлаб чиқариш учун харажат қўпроқ бўладиган ёки табиий ёхуд бошқа шароитларга кўра умуман ишлаб чиқариб бўлмайдиган товарларни сотиб олишга интилади.

Товарлар мамлакатлар ўртасида жаҳон нархлари асосида айирбошланади. Улар байналминал қийматга асосланади. Бунинг маъноси шуки, ижтимоий зарурий байналминал меҳнат сарфлари жаҳон бозорида эътироф қилинади.

Умуман олганда, жаҳон нархларининг ташкил топиши одатда, соғ ҳолида амалга ошмайди. Байналминал қийматнинг ҳосил бўлишига тўсқинлик қилувчи маҳсус омиллар жаҳон нархларига таъсир қиласида. Ташқи савдо ва валюта чеклашлари, валюталар

қийматининг ўзгариб туриши, халқаро монополиялар сиёсати, биржадаги чайқовчиликлар ва ҳаказолар шулар жумласидандир. Шу сабабли айрим мамлакатларнинг жаҳон бозоридаги рақобатлашув қобилиятидаги фарқлар, пировард натижада меҳнат унумдорлигининг миллий даражадаги фарқларини акс эттиради.

Ривожланган мамлакатларда кейинги ўн йилликларда янги технологик асосларга ўтиш жаҳон хўжалик алоқаларининг тез ўсиши билан бирга борди. Такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг байналминаллашуви ўзининг ҳар иккала шаклида: интеграцион (миллий хўжаликларнинг яқинлашуви, ўзаро мослашуви орқали) ва трансмиллий (халқаро ишлаб чиқариш мажмуасининг тузилиши орқали) шаклларида кучаяди. Жумладан, бутун дунёда регионал давлатлараро иқтисодий интеграциянинг қарор топиш тамойили кузатилади. Жумладан, ривожланган Европа интеграцион ҳамжамияти (ЕИ) доирасида товарлар, хизматлар ва ишчи кучининг эркин ҳаракати амалга оширилади. Шимолий Америка умумий иқтисодий ҳамкорлик АҚШ, Канада ва Мексика иқтисодиётининг интеграциясини кўзда тутади. Давлатлараро интеграциянинг кучайиши жанубий-шарқий Осиё, Ўрта Осиё, араб дунёси, Африка ва Марказий Америка мамлакатлари учун ҳам характерли бўлмоқда.

## **2. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг шакллари. Жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши**

Халқаро меҳнат тақсимоти халқаро иқтисодий муносабатлар, яъни турли мамлакатлар ўртасидаги хўжалик алоқалари негизида ётади. **Халқаро иқтисодий муносабатлар** қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- товар ва хизматлар билан халқаро савдо;
- капитал ва чет эл инвестицияларининг ҳаракати;
- ишчи кучининг миграцияси;
- ишлаб чиқарishнинг давлатлараро кооперацияси;
- фан ва техника соҳасидаги айирбошлаш;
- валюта-кредит муносабатлари;

Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланиши натижасида жаҳон бозори таркиб топади. Жаҳон бозорига **товар ва хизматларнинг халқаро ҳаракати** сифатида қараш мумкин. Жаҳон бозори ўзининг ривожланишида бир қатор босқичлардан ўтадики, улардан ҳар бири миллий хўжаликнинг халқаро иқтисодий муносабатларга жалб

қилинишининг маълум даражаси билан характерланади.

**Капиталнинг халқаро ҳаракати** - бу капиталнинг чет элда жойлаштирилиши ва фаолият қилиши. У чет элга қуидаги шаклларда чиқарилади:

- хусусий ёки давлат капитали шаклида. Капиталнинг халқаро ташкилотлар йўли билан ҳаракати кўпинча мустақил шакл сифатида ажратилади.

- пул ва товар шаклида. Жумладан, капитал чиқариш машина ва ускуналар, патентлар, нау-хай ҳамда товар кредитлари шаклида бўлиши мумкин.

- қисқа ва узоқ муддатли кредитлар шаклида;

- ссуда ва тадбиркорлик капитали шаклида. Ссуда шаклидаги капитал қуийлмалар бўйича фоиз, тадбиркорлик шаклидаги капитал эса фойда келтиради. Тадбиркорлик капитали тўғридан-тўғри ва портфелли инвестициялардан иборат бўлади. Тўғридан-тўғри инвестициялар шу капитал ҳисобига қурилган объект (корхона)лар устидан назорат қилиш ҳуқуқини беради, портфелли инвестициялар эса бундай ҳуқуқни бермайди. У одатда акция пакетлари ҳамда облигация ва бошқа қимматли қофозлар шаклида берилади.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг анча мураккаб жиҳатларидан бири **ишчи кучининг халқаро миграцияси ҳисобланиб**, у ўз ифодасини меҳнат ресурсларининг анча қулай шароитда иш билан таъминлаш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтишида топади.

Халқаро миграция жараёнини иқтисодий омиллар билан бирга сиёсий, этник, маданий, оиласвий ва бошқа характердаги омиллар ҳам тақозо қиласди.

Халқаро миграция иккита асосий таркибий қисмни ўз ичига олади: эмиграция ва иммиграция. Эмиграция-мамлакатлардан доимий яшаш жойига чиқиб кетишни, иммиграция-мамлакатга доимий яшаш учун кириб келишни билдиради.

**Фан-техника ютуқлари билан халқаро айирбошлиш** бир қатор шаклларда амалга оширилади. У илмий-техникавий ахборотлар, мутахасислар, фан соҳаси ходимлари билан айирбошлишни, тадқиқот ва янгиликларни лицензия асосида беришни, илмий-тадқиқот ишлари ўтказишни, умумий фан-техника ва технологияни ишлаб чиқариш бўйича қўшма тадбиркорликни ўз ичига олади.

Илмий техникавий ҳамкорликнинг муҳим шаклларидан бири инжиниринг ҳисобланади. Халқаро инжиниринг бир давлат

томонидан бошқасига саноат ва бошқа объектларни лойиҳалаштириш ва қуриш жараёнига керакли ҳисоб-китоб лойиҳаларини бериш ҳамда инженерлик-қурилиш хизмати кўрсатишдан иборат бўлади.

**Жаҳон инфратузилмаси.** Товарлар, ишчи кучи, молиявий воситаларнинг миллий чегаралар орқали тўхтовсиз ўсиб борувчи ҳаракати бутун жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши ва такомиллашувини тезлаштиради. Жуда муҳим транспорт тизими (денгиз, дарё, ҳаво, темир йўл транспорти) билан бир қаторда жаҳон иқтисодиётининг ривожланишида ахборот коммуникациялар тармоғи тобора кўпроқ аҳамият касб этиб боради. Муносиб умумжаҳон инфратузилмаси бўлмаса, ҳозирги ишлаб чиқарувчи кучларнинг байналминаллашувини ривожлантириб бўлмайди. Бундай инфратузилманинг айрим таркибий қисмлари жаҳон савдоси вужудга келаётган, жаҳон бозори ташкил топаётган вақтда пайдо бўлган.

Ҳозирги даврда биржалар, молия марказлари, йирик саноат ва савдо бирлашмалари мисли кўрилмаган тезлик билан оператив маълумотлар олишга ва уларни ишлаб чиқишига имкон берувчи энг янги техник воситалар билан жиҳозланган. Ривожланган мамалакатларда кенг тармоқли ахборот мажмуаси ташкил топмоқда, унинг таъсири амалда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларига ёйилмоқда.

Ҳозирги шароитда илмий ва тижорат ахборотлар айниқса қимматлидир. Шу сабабли турли ҳалқаро даражаларда маҳсус «маълумотлар банклари» ташкил топмоқда, булар илмий ва ишлаб чиқариш мақсадлари учун зарур ахборотни қидириб топишни анча енгиллаштиради. Жаҳон инфратузилмаси турли зиддиятларни бартараф қилиш орқали ривожланади.

Ҳалқаро айирбошлиш товарларда материаллашган шакллардан номатериал алоқаларга тобора кўпроқ ўрин бўшатади, яъни фантехника ютуқлари, ишлаб чиқариш ва бошқариш тажрибаси, хизматнинг бошқа турлари билан айирбошлиш ўсиб боради. Ҳисоб-китобларга кўра ҳозирги кунда хизматлар жаҳон ялпи миллий маҳсулоти (ЯММ)нинг 46 фоизини ташкил қиласди.

### **3. Ҳалқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти, шакллари ва объектив асослари. Қиёсий устунлик назарияси**

Ҳалқаро иқтисодий интеграция-бу мамлакатларнинг чуқур, барқарор ўзаро алоқаларнинг ривожланиши ва миллий хўжаликлар

ўртасидаги меҳнат тақсимоти асосида улар хўжалик-сиёсий алоқаларининг бирлашиш жараёнлариdir.

Халқаро иқтисодий интеграция жаҳон хўжалиги ривожининг тарихий жиҳатдан узоқ давр давом этган натижаси ҳисоблансада, Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, ҳозирги кунда ҳам мамлакатларнинг Жаҳон иқтисодиётiga интеграциялашув жараёнида ҳал этилмаган кўпдан-кўп муаммолар мавжудки, бизнинг Республикамиз учун бу ташқи иқтисодий ва валюта сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат<sup>1</sup>.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг **асосий шакллари** қўйидагилар:

- эркин савдо зоналари. Бу иқтисодий интеграциянинг энг оддий шакли бўлиб, унинг доирасида қатнашувчи мамлакатлар ўртасидаги савдо чеклашлари бекор қилинади. Бунга Европа эркин савдо уюшмаси ва МДҲ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро битим мисол бўла олади;

- бож иттифоқи. Иқтисодий интеграциянинг бу шакли эркин савдо зоналарининг фаолият қилиши билан бирга ягона ташқи савдо таърифлари ўрнатишни ва учинчи мамлакатга нисбатан ягона ташқи савдо сиёсати юритишни тақозо қиласи. Европа Иттифоқи (ЕИ) бож иттифоқига ёрқин мисолдир;

- тўлов иттифоқи. Бу миллий валюталарнинг ўзаро эркин алмашувини ва ҳисоб-китобда ягона пул бирлигининг амал қилишини таъминлайди. Европа ҳамжамияти, Жанубий-Шарқий Осиё ва МДҲ мамлакатлари учун тўлов иттифоқи пировард мақсаддир;

- умумий бозор. Бу иқтисодий интеграциянинг анча мураккаб шакли бўлиб, унинг қатнашчилариига эркин ўзаро савдо ва ягона ташқи савдо таърифи билан бирга капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракати ҳамда ўзаро келишилган иқтисодий сиёсат таъминланади. Бунга Европа иқтисодий иттифоқи ёки Европа умумий бозорини мисол қилиб келтириш мумкин. Унинг доирасида барча бож тўловлари ва импорт меъёр (квота)лари бекор қилинади, бошқа мамлакатлардан Европа бозорига товарлар кириши бир хил тартибга солинади, пул маблағлари ва ишчи кучининг чегарадан эркин ўтиши таъминланади ҳамда умумий муаммоларни ҳал этишда ягона сиёсат ўтказилади;

- иқтисодий ва валюта иттифоқи давлатлараро иқтисодий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишидаги маъruzasi. «Халқ сўзи», 2000 йил 2 феврал.

интеграциянинг энг олий шакли ҳисобланади. Бунда иқтисодий интеграциянинг барча қараб чиқилган шакллари умумий иқтисодий ва валюта-молиявий сиёsat ўтказиш билан бирга уйғунлашади.

Халқаро иқтисодий интеграция жараёнини объектив характердаги **бир қатор омиллар тақозо қиласы**, уларнинг ичидан қуидагилар асосий ўринни эгаллади:

- хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви;
- халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви;
- умум жаҳон фан-техника революцияси;
- миллий иқтисодиёт очиқлигининг кучайиши.

**Қиёсий устунлик назарияси.** Иқтисодий ривожланишининг миллий андозасидан жаҳон андозасига ўтиш ва халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланиши мамлакатларнинг халқаро иқтисодий муносабатларда қатнашиши миллий иқтисодий манфаатларга қандай даражада жавоб беради? – деган саволни қўяди. Бу саволга жавоб топишга иқтисод фани илгаридан қизиқиб келган. Жумладан, А.Смит халқаро меҳнат тақсимоти масаласини таҳлил қилиб, қандай товарларни экспорт қилиш ва қайсиларини импорт қилиш қулайлиги тўғрисидаги ўз қарашларини баён қилиш асосида «мутлоқ устунлик» назариясини илгари сурган. Д.Рикардо ўзаро фойдали савдо ва халқаро ихтисослашувнинг анча умумий принципларини шакллантириб, «қиёсий устунлик» назариясини ишлаб чиқкан. У нафақат миллий хўжаликлар ўртасидаги, балки миллий хўжалик ичидағи минтақалар, корхоналар ўртасидаги ҳар қандай меҳнат тақсимотининг устунликларини асослаб беради.

Мамлакатлар ўртасида халқаро савдо муносабатлари ўрнатилганда айирбошлиш қандай нисбатлар асосида рўй беради деган савол туғилади. Рикардонинг халқаро ихтисослашув устунликлари ҳақидаги хуросалари, бу муаммони чуқурроқ тадқиқ қилиш учун бошланғич нуқта бўлади. Жумладан, Дж. Милл ишлаб чиқариш харажатларининг турли нисбатлари ўртасида ўрнатиладиган алмашув мутаносиблиги товарнинг ҳар бирига жаҳон таклифи ва талаби ҳажмига боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Иқтисодий назарияда халқаро ихтисослашувнинг устунликларини асослаш Рикардонинг классик схемаси билан чекланмаган. XX асрда халқаро ихтисослашувнинг қонуниятларини кўплаб иқтисодчилар: жумладан, С. Хекшер, Б. Олин, Дж. Кейнос, В. Леонтьев ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинди. Халқаро ихтисослашувнинг қонуниятларини янада чуқурроқ тушуниш қиёсий

харажатлар таҳлили асосида кўп омилли андоза тузишга олиб келдики, унда товарлар ҳаракати билан бирга ишлаб чиқариш омилларининг давлатлараро эркин ҳаракати имкониятлари ҳисобга олинди. ўтказилган тадқиқотларда нафақат тармоқлараро, балки тармоқлар ичидаги минтақа ўртасидаги ихтисослашувнинг қонуниятлари, мамлакатнинг материал, капитал, меҳнат ва фан сифимили товарларга ихтисослашув сабаблари очиб берилди. Ихтисослашувга фан ва техника тараққиёти ҳамда технологик ўзгаришлар суръати ва ҳарактери таъсирининг хусусиятлари аниқланади.

#### **4. Жаҳон хўжалиги алоқаларини халқаро тартибга солиш**

Бутун жаҳон хўжалик ҳаётининг байналминаллашуви давлатлараро хўжалик алоқаларни тартибга солишнинг механизмини яратиш зарурлигига олиб келди. Ҳозирги даврда қандайдир тартибга солувчи тузилма амал қилмайдиган халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасини топиш қийин. Жумладан, молия, валюта ва кредит соҳаларида халқаро валюта фонди (ХВФ-МВФ), халқаро тикланиш тараққиёти банки (ХТТБ-МБРР), жаҳон савдоси соҳасида-тарифлар ва савдо бўйича бош келишув (ТСБК-ГАТТ) ни кўрсатиш мумкин.

Халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солиш миллий ташкилий шакллардан бошланади. Хўжалик ҳаётининг байналминаллашув жараёни дастлаб миллий давлатлар фаолиятини халқаро уйғунлаштиришга, кейин эса давлатлараро ва хақаро ташкилотлар тузилишига олиб келди.

Хукуқий маънода тартибга солиш халқаро тартибларни ўрнатишига, яъни миёрий нормалар ва қоидаларни аниқловчи келишувларни ишлаб чиқаришни ёки халқаро алоқаларнинг қандайдир соҳасини ҳал қилишда томонларга мажбуриятларга амал қилишни юклайди. Умумқабул қилинган стандартлар ва қоидаларни ўз ичига олувчи халқаро тартиблар ўз навбатида миллий тартибга солишга таъсир кўрсатиши мумкин.

Биринчи халқаро ташкилотлар 20-йилларда тузилган бўлсада, (Миллатлар лигаси-1919 й., Халқаро ҳисоб-китоблар банки 1929 й.) халқаро даражада жаҳон хўжалик алоқаларини кўп томонлама тартибга солувчи тузилмалар иккинчи жаҳон урушидан кейин шаклана бошлади.

1945 йил маҳсус халқаро уйғунлаштирувчи муассасалар –

Халқаро валюта фонди (ХВФ-МВФ) ва Халқаро тикланиш тараққиёт банки (ХТТБ-МБРР) ташкил топди. Ҳозирги даврда ҳам уларнинг иккаласи муҳим халқаро ташкилот ҳисобланади: жаҳон савдоси, халқаро кредит ва валюта муносабатлари соҳаларини давлатлараро тартибга солишининг тартиб-қоидаларини аниқлаб беради. Урушдан кейинги даврда тузилган тарифлар ва савдо бўйича бош келишув (ТСБК-ГАТТ) Европа иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти (ЕИХТ-ОЕЭС), НАТОнинг иқтисодий масалаларни уйғунлаштирувчи комитети (ИМУК-КОКОМ) халқаро иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш даврига тўғри келади.

Жаҳон савдосини эркинлаштириш кўп томонлама шартнома асосида ҳаракат қилувчи, халқаро савдо тартиб қоидаларини қайд қилувчи халқаро ташкилот (ТСБК-ГАТТ) доирасидаги фаолият билан боғлиқ. Ҳозирги даврда ТСБК жаҳон савдо оборотининг 4/5 қисмидан кўпроғини тартибга солади. ТСБК миллий ва регионал даражада вақти-вақти билан кучайиб борувчи протекционизмга қарши туради, миллий манфаатларни ўзаро келиштиришга ёрдам беради. Унинг фаолияти савдода камситмаслик, савдода тарифли ва тарифсиз чеклашларни аниқлашда тенг асосда маслаҳатлашиш каби принципларга асосланади. ТСБК фаолиятининг асосий шакли қатнашувчи томонларининг кўп томонлама савдо музокараларини ўтказиш ҳисобланади.

Аммо жаҳон савдоси рақобат кураши асосида боради, шу сабабли ўзаро мақбул қарорларни қидириб топишга ва савдони халқаро даражада тартибга солишга кўплаб қийинчиликлар билан эришилади.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг яна бир аҳамиятга молик соҳаси-бу валюта-молия соҳасидир. Халқаро молиявий муносабатларни уйғунлаштириш ХВФ (МВФ), ХТТБ (МБРР), иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРО-ОЭСР), халқаро ривожланиш уюшмаси (ХРУ-МАР), Халқаро молиявий корпорация (ХМК-МФК) ва шу кабилар доирасида амалга оширилади. Ҳарбдаги етти етакчи мамлакатларнинг ҳар йиллик кенгаши бу соҳада муҳим роль ўйнайди.

Валюта - молиявий соҳани халқаро уйғунлаштиришнинг кучайиши кўп жиҳатдан ХВФнинг фаолияти билан боғлиқ. У ўзининг низомига мувофиқ валюта курслари ва аъзо мамлакатлар тўлов балансларини тартибга солади, кўп томонлама тўлов тизимлари ва ривожланаётган мамлакатлар ташқи қарзоларини назорат қиласи,

аъзо мамлакатларга уларнинг валюта молия муаммоларини ҳал қилиш учун кредит берилади.

Ривожланаётган мамлакатларда таркибий қайта қуришларни молиялаштириш билан ХТТБ фаол шуғулланади. ХТТБ ва у билан бирга жаҳон банки таркибиға кирувчи Халқаро ривожланиш Уюшмаси (ХРУ-МАР), Халқаро молиявий корпорация (ХМК-МФК) ҳар хил инвестицион объектларни ўрта ва узоқ муддатли кредитлаш билан шуғулланади, лойихаларнинг молиявий-иктисодий асосларини тайёрлайди, ривожланаётган мамлакатлардаги таркибий қайта ўзгартиришга ёрдам беради.

Давлатлараро ташкилотлар ичидаги барча саноат жаҳатдан ривожланган мамлакатларни бирлаштирувчи ИҲРО муҳим роль ўйнайди. Унинг доирасида ички иқтисодий тадбирларнинг бошқа мамлакатлар миллий иқтисоди самарадорлигига таъсирини, уларнинг тўлов баланси ҳолатини ўрганиш амалга оширилади, миллий иқтисоднинг жаҳон хўжалиги тамойилларига тез мослашишини таъминлаш мақсадида макроиктисодий тартибга солиш бўйича тавсияномалар берилади. ИҲРО жаҳон хўжалиги доирасида кўп омилли функционал алоқаларни ўрганишни амалга оширади, валюта ва бюджет сиёсати, нархлар, савдо ва бошқа соҳалар бўйича илмий асосланган иқтисодий прогнозлар тавсия этади.

Шарқий-Европа минтақасида таркибий қайта қуришга молиявий таъсир кўрсатиш ва ёрдам ташкил қилиш мақсадида 1991 йил Европа тикланиш тараққиёти банки (БТТБ-ЕВРР) тузилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодий муносабатларини хақаро тартибга солиш тизимида доимий ўзгаришлар рўй бериб туради.

80-йилларда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий сабаблар тақозо қилган дунё сиёсий вазиятдаги ўзгаришлар, жаҳон хўжалик алоқалари тизимини кўп томонлама тартибга солиш шакллари эволюциясига олиб келди. Булар ичидаги собиқ социалистик мамлакатларда вазиятнинг ўзгариши, ташқи фаолиятида мустақил субъектларни ташкил қилувчи давлатлар сонининг кескин кўпайиши ҳамда дунё мамлакатлари ичидаги рўй берадиган ўзгаришлар муҳим ўрин тутади.

80-йилларнинг ўрталарида дунёда АҚШ, ғарбий Европа ва Япониядан иборат анча қудратли рақобатлашув марказ вужудга келди, бу ҳам жаҳон иқтисодий муносабатларини тартибга солишга ўз таъсирини кўрсатади.

Жаҳон хўжалик алоқаларини тартибга солишга халқаро ташкилотлар аъзолар таркибидаги ўзгаришларнинг ҳам таъсири бўлди. ХВФ, ХТТБ, ТСБКга Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги озод бўлган мамлакатлар ва кейин қатор собиқ социалистик мамлакатлар фаол кира бордики, бу ҳам жаҳон хўжалиги алоқаларини тартибга солишда маълум ўзгаришларга олиб келади.

Европа Иттифоқи (ЕИ) доирасида ягона бозорни бунёд этишга ҳаракат туфайли ягона умумевропа фуқаролиги, иқтисодий, валюта ва сиёсий иттифоқ таъсис этилади. Бу иттифоқнинг шартномада белгиланган вазифаларини бажариш учун бир қатор Европа муассасалари тузилди.

Европа Иттифоқининг ижроя органи

-Европа ҳамжамияти Комиссияси (ЕХК)дир. Унинг аъзоларини миллий хукуматлар тайинлайди, лекин улар ўз фаолиятларида мутлақо мустақилдир.

Иттифоқнинг қарорлар қабул қилиш органи:

-Вазирлар Кенгаши ҳисобланади. Унинг таркибида ички ишлар, молия, таъминот, қишлоқ хўжалиги каби Вазирлар кенгаши мавжуд бўлади.

Европа ҳамжамияти Комиссияси фаолиятини назорат қилиш, ҳамжамият бюджети ва қонунларини макуллаш ҳамда уларга ўзгартириш киритиш ҳуқуқи Европаламент зиммасига юклатилади.

Европа Иттифоқида 1999 йилдан бошлаб ягона пул-кредит сиёсати ўтказила бошланди. Шу муносабат билан ягона валюта-евро жорий этилди ва янги муассаса - Европа Марказий банки тузилиб, у миллий банклар билан бирга Европа банклар тизимининг асосини ташкил қиласди.

## **5. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши ва ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишлари**

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг шартшароитлари ва ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш имкониятлари Республика давлат мустақиллигини қўлга киритиши билан вужудга кела бошлади. Бундай вазиятда ташқи иқтисодий мажмуани бошқаришнинг ўзига хос тизимини шакллантириш, ташқи алоқаларни йўлга қўйиш борасида қоида ва тамойилларнинг ишлаб чиқиш, республиканинг жаҳон иқтисодий тизимиға қўшилиш йўлларини белгилаш тақозо этилади.

Республика ташқи сиёсатини амалга оширишнинг асосий тамойиллари тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик негизида қурилса, унинг қоидалари икки томонлама ва кўп томонлама шартнома муносабатларида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш, халқаро иқтисодий иттифоқлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга асосланади<sup>1</sup>.

Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимоти ва жаҳон хўжалик алоқаларида иштирок этишнинг асоси очик турдаги иқтисодиётни вужудга келтиришdir. Шу сабабли республикамиз мустақилликка эришгандан кейин қисқа давр ичида 80 дан кўп давлат билан дипломатия муносабатларини ўрнатди, дунёning 20 дан ортиқ давлатида дипломатия элчихоналарини очди, кўпгина халқаро ташкилотлар - БМТ иқтисодий муассасалари, жаҳон банки, халқаро банк, халқаро валюта фонди, халқаро молия корпорацияси, иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот каби бошқа халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди. Республика аъзо бўлиб кирган дастлабки иттифоқ - Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (1991 йил тузилган) ҳамда Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда Туркия, Эрон ва Покистон томонидан тузилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) дир.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш талабларидан келиб чиқиб, ташқи иқтисодий фаолият билан шағулланиши зарур бўлган барча муассасалар (ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги, ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, божхоналар хизмати ва бошқалар) амалда янгидан ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасидан тортиб, бошқарувнинг маҳаллий даражаси ва корхоналаргача бўлган хўжалик субъектларида тегишли ташқи иқтисодий бўлимлар тузилди. Дунёning бир қанча мамлакатларида савдо уйлари очилди ва савдо-саноат палаталари барпо этилди.

Ташқи савдо билан бирга иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа шакллари ҳам сезиларли даражада ривожланди. Республика худудида хорижий сармоя иштироқидаги (фаолият кўрсатаётган) корхоналарнинг экспорти ҳажми мамлакат умумий экспортининг 24,8 фоизини ташкил қиласи (2002 йил 14,8%). Бундай корхоналарнинг асосий қисми саноат тармоқлари (50,1%) савдо ва умумий овқатланиш (29,9%) соҳаларида тўпланган.

Дастлабки даврларда республикамизда ташқи савдо икки йўналиш бўйича: МДҲ мамлакатлари билан хукуматлараро битимлар

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари». Т.: «Ўзбекистон», 1998. 266-267 бетлар.

ва хорижий мамлакатлар билан эркин муомаладаги валютада ҳисобкитоб қилиш асосида амалга оширилди.

2008 йил республикамиз ташқи савдо айланмаси 19077,0 млн. АҚШ долларининг ташкил этиб, унинг 37,8 фоизи МДҲ мамлакатлари, 68,0 фоизи узок хорижий мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Хорижий мамлакатларга маҳсулот экспорти ҳажми тўхтовсиз кўпайиб бориб 2008 йилда 11572,9 млн. долларни ташкил қилди, унинг асосий қисми (65,3) узок чет эл давлатлари ҳиссасига тўғри келди<sup>1</sup>.

Ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Кейинги йиллар мобайнида экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулот салмоғининг барқарор ўсиш тенденцияси ва хом ашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2008 йилда умумий экспорт ҳажмида хом ашё бўлмаган товарларнин улуши 71%дан зиёдни ташкил этди. Айни вақтда Ўзбекистон учун анъанавий экспорт хом ашёси бўлган пахта толасининг бу борадаги улуши 2003 йилдаги 20%дан 2008 йилда 12%га тушди.<sup>2</sup>

Ташқи иқтисодий фаолиятда Марказий Осиё давлатларининг кўп томонлама алоқалари ва ҳамкорлигини ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги ягона иқтисодий макон тўғрисида тузилган шартнома самара бера бошлади. Уларнинг саноатини интеграциялаштиришга қаратилган дастур ишлаб чиқилди.

МДҲ мамлакатлари билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ташқи сиёсатнинг асосий ўйналишларидан биридир. Ўзбекистон Ҳамдўстлик давлатлари муассасалари - Давлатлараро иқтисодий кўмита, Давлатлараро банк ва бошқа муассасаларни ташкил этишда фаол қатнашмоқда. МДҲдаги мамлакатлар (Россия, Украина, Белорусь, Молдова ва бошқалар) билан икки томонлама ташқи сиёсий, савдо-иктисодий ва бошқа шартнома ҳамда битимлар имзоланиб, улар кучга кирди.

Республика ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этиш учун қулай шароит яратишга, ҳамда зарур бўлган ташкилот ва муассасалар тузишга катта аҳамият берилмоқда. Булар жумласига таваккалчилик хатарлари

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизори, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон. 2009 16-17 бетлар.

келтириладиган заарни қоплайдиган «Ўзбекинвест» миллий суғурта компаниясини, турли қўшма суғурта компанияларини, Вазирлар Маҳкамаси хузурида БМТ билан биргаликда ташкил қилинган инвестицияларга кўмаклашувчи хизматни, Давлат мулк кўмитаси хузуридаги кўчмас мулк ва хорижий инвестициялар агентлиги кабиларни киритиш мумкин. Бу муассаса ва ташкилотлар ҳамда республикада вужудга келтирилган хукуқий-меъёрлар хорижий инвестиция фаолияти учун қулай шароитларни яратиб, уларнинг хукуқларини ҳимоя қиласи ва сарфланган сармоясини кафолатлайди. Шу сабабли республикамиз иқтисодиётига факат 2008 йил давомида 1 миллиард 700 миллион АҚШ доллари микдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Бу 2007 йилдагига нисбатан 46% кўп демакдир. Энг муҳими, хорижий инвестицияларнинг 74%-ни тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этди. Жаҳон инқирози давом этаётганига қарамасдан, 2009 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳажми 1 миллиард 800 миллион долларга қўпаяди, бунинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри инвестициялардир.<sup>1</sup>

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши БМТнинг республикада амалга ошираётган иқтисодий, таълим, соғлиқни саклаш, маданият, фан соҳаларида амалга оширилаётган лойиҳаларида ҳам намоён бўлади.

Евropa Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатлар билан иқтисодий ва савдо соҳасидаги ҳамкорлик, НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги шериклик» дастурида мамлакатимиз иштироқи унинг жаҳон хўжалиги қўшилишнинг навбатдаги йўналишидир. Жумладан, Евropa Иттифоқи билан Республикализ ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим (1996 йил июн) ташки иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишидир;

Республика иқтисодиётининг алоҳида тармоқларида чет эл инвестициялари ва кредитларидан фойдаланиш қуйидаги маълумотлар билан характерланади.

Тармоқлар	йиллар	
	2007	2008
• Ёқилғи-энергетика	45,5	18,6
• Металлургия	0,8	2,4

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон. 2009 18-19 бетлар.

• Енгил	6,4	7,2
• Озиқ-овқат	4,0	4,8
• Соғлиқни сақлаш	2,0	2,1
• Транспорт ва алоқа	25,6	25,5
• Геология ва қазилма бойликларни излаш	-0,1	28,1
• Таълим	3,5	1,6
• Бошқалар	12,1	9,7

Ўзбекистоннинг Халқаро валюта фонди ва жаҳон банки билан ҳамкорлиги ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишдаги навбатдаги йўналишдир. Бу йўналишда ХВФ билан тизимли қайта қурилишларни маблағ билан таъминлаш, тизимли ва макроиктисодий сиёsat соҳасидаги тадбиркорларни қўллаб –куватлаш Дастурлари маъқулланди.

Жаҳон банк ташкилотлари - Халқаро тикланиш ва тарақиёт банки (ХРТБ), Халқаро ривожланиш уюшмаси (ХРУ), Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ва Инвестицияларни кафолатлаш халқаро агентлиги (ИКХА) билан ҳамкорлик Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий стратегиясини амалга оширишда муҳим рол ўйнайди. Хусусан ХРРБ йўли билан ўзбекистонга пахта етиштириш усулларини замонавийлаштириб, унинг жаҳон бозорига чиқишига кўмаклашиш ва унумдорликни ошириш учун асос яратиш мақсадида 66 млн. доллар, муассасавий ислоҳатларни давом эттириш учун 120 млн. доллар маблағ ажратилди. Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ҳам Ўзбекистонда бир қатор лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этмоқда.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий ва савдо фаолиятида Осиё ривожланиши Банки (ОРБ) ҳамда жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) билан ҳамкорлик истиқболли йўналишлардан ҳисобланади.

Шундай қилиб. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишида дунё мамлакатлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳал қилувчи ўринга эга бўлиб, бу миллий иқтисодиётнинг байналминаллашувини кучайтиради ҳамда иқтисодий тараққиётини юқори босқичга кўтаришнинг асосий ташқи омиллари ҳисобланади.

### **Асосий таянч тушунчалар**

**Халқаро меҳнат тақсимоти** - алоҳида мамлакатларнинг товар ва хизматларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашуви.

**Халқаро иқтисодий интеграция** - жаҳон мамлакатлари ўзаро иқтисодий алоқаларининг чуқурлаштириш ва барқарор ривожланиши ҳамда миллий хўжаликлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти асосида улар хўжалик алоқаларининг бирлашиш жараёни.

**Ишчи кучининг халқаро миграцияси** - меҳнат ресурсларининг анча қулай шароитда иш билан таъминланиш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтиши.

**Эмиграция** - ишчи кучининг мамлакатдан доимий яшаш жойига чиқиб кетиши.

**Иммиграция** - ишчи кучининг мамлакатга доимий яшаш учун кириб келиши.

**Эркин савдо зоналари** - иқтисодий интеграциянинг энг оддий шакли бўлиб, унинг дорасида савдо чеклашлари бекор қилинади.

**Бож иттифоқи** - ягона ташқи савдо таърифлари ўрнатишни ва учинчи мамлакатга нисбатан ягона ташқи савдо сиёсати юритишини тақозо қиласи.

**Тўлов иттифоқи** - миллий валюталарнинг ўзаро алмашинуви ва ҳисоб-китобда ягона пул бирлигининг амал қилиши.

**Умумий бозор** - бунда унинг қатнашчилари ўзаро эркин савдони амалга ошириш ва ягона ташқи савдо сиёсати ўтказиш билан бирга капитал ва ишчи кучининг эркин харакати таъминланади.

**Иқтисодий ва валюта иттифоқи** - иқтисодий интеграциянинг энг олий шакли бўлиб, бунда иқтисодий интеграциянинг барча қараб чиқилган шакллари иқтисодий ва валюта-молиявий сиёsat ўтказиш билан бирга уйғунлашади.

## **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Ҳозирги даврда жаҳон иқтисодий ривожининг энг муҳим ўзига хос хусусияти нимадан иборат? Жаҳон хўжалигининг миллий иқтисодга таъсири қандай?

2. Жаҳон ҳамжамияти мамлакатларини туркумлаш қандай мезонларга асосланади? Уларни туркумлашга ҳозирги даврда ёндашувларга асосланиб давлатларнинг асосий гурухларини ажратиб кўрсатинг.

3. Халқаро меҳнат тақсимоти қандай тамойилларга асосланади? Унда табиий шароитдаги тафовутлар қандай роль ўйнайди?

4. Жаҳон нархлари қандай қийматга асосланади? Жаҳон нархларига таъсир кўрсатувчи омиллар тавсифини беринг.

5. Халқаро иқтисодий муносабатлар нима учун турли шаклларга эга бўлади? Уларнинг асосий шаклларини санаб кўрсатинг.

6. Жаҳон инфратузилмаси таркибий қисмларининг тавсифини беринг ва уларнинг ҳар бирининг аҳамиятини кўрсатинг.

7. Халқаро меҳнат тақсимотини мутлоқ ва қиёсий устунлик назариясидан фойдаланиб таҳлил қилинг. Қиёсий ишлаб чиқариш харажатлари нима?

8. Халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солишни нима зарур қилиб қўяди?

9. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларнинг устувор йўналишларини кўрсатинг.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2003.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон - буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

3. Каримов И.А. Бизнинг бош мағсадимиз-жамиятни демократлашириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

4. Каримов и.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/И.А.Каримов, - Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йўналишларига бағишланган вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

6. Каримов И.А., Энг асосий мезон – хаёт ҳақиқатни акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009, - 24 б.

7. Шодмонов Ш., Алимов Р.Ў., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002.

8. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси – Т.: Ўқитувчи, 2002.

9. Джумақулов Т.Т., Сафарова З.Т. Использование трудов И.Каримова в преподавании экономической теории и его вклад в её развитие: Учебное пособие. – Т.: Изд-во мет.лит-ры им. Абу Али ибн Сино, 2002.

10. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси иккинчи китоб: Олий

ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма.\_ Т.: «Шарқ», 2003.

11. Тарасевич Л.С., Гребенников П.И., Леусский А.И. Макроэкономика: Учебник М: Юрист-Издат, 2003.

12. По, А. Самуэльсон, Вильям Д. Норд Хаус. Экономика: Пер. с англ. – М.: «Лаборатория Базовых знаний» 2000.

13. Экономическая теория: Учеб. Для студ. Высш. Учеб. Заведений. Под. Ред. В.Д.Камаева. -7-е изд, перераб и доп. – М.: «Гуманитарное издательство цент ВЛАДОС» 2002.

14. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Москва., 1962. Стр. 332

15. Mill J.S. On the Definition of Political Economy; and on the Method of Investigation Proper to it. In: Essays on Some Unsettled Questions of Political Economy. L., p 133-137

16. Walras L. Elements of pure Economics. Translated by Jaffe W.Homewood, Richard D.Irwin, 1954. pp. 88-89.

17. Ўлмасов А., Вохобов А. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.

18. Шодмонов Ш.Ш., Фофуров У. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.

19. Слагода В.Т. Основы экономической теории: учебник. \_ М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2009. – 272с.

20. Гукасян Г.М., Маховикова Г.А., Амасова В.В. Экономическая теория, 7-е изд. – СПБ.: Питер, 2010. 240с.

21. Борисов Е.Ф. Экономика: учеб. – М.: Проспект, 2009, 320с.

22. Воробьев Е.М. Экономическая теория. Курс лекций. М.: Эксмо, 2008, 272с.

23. Лачанов Ю.Н. Новая экономическая теория – новая классика: Революционный прорыв во всех представлениях ЛКИ, 2008, 104с.

24. Экономическая теория: учеб. Под. Ред. И.П.Николаевой. – 2-е изд., Перераб. И. доп. – М.: Проспект, 2009, 576с.

## **14-МАВЗУ. ХАЛҚАРО САВДО. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ВА КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ**

### **РЕЖА:**

1. Халқаро савдонинг мазмуни, тузилиши ва хусусиятлари.
2. Тўлов баланси, унинг тузилиши ва тақчиллиги.
3. Халқаро валюта-кредит муносабатлари ва валюта тизимлари.
4. Валюта курси ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар.

### **1. Халқаро савдонинг мазмуни, тузилиши ва хусусиятлари**

Хозирги жаҳон ривожининг характерли белгиси ташки иқтисодий алоқаларнинг, аввало жаҳон савдосининг тез ўсиши ҳисобланарди, лекин бугунги куннинг энг долзарб муаммоси — бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий окибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йулларини излашдан иборат.

Жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири, ундан қўриладиган зарарнинг даражаси ва қўлами биринчи навбатда шу дав-латнинг молиявий-иктисодий ва банк тизимларининг нечоғлик барқарор ва ишончли эканига, уларнинг ҳимоя механизmlари қанчалик кучли эканини кўрсатди.

Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислоҳот ва модернизация модели узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини қўйиб, энг аввало, «шок терапияси» деб аталган усуллардан четдан туриб, шуни жорий этишга қаратилган уринишлардан ҳам воз кечиб, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган тасаввурлардан воз кечиб ўзига хос “**ўзбек моделини**” деб аталмиш, ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўли танланган<sup>1</sup>.

Аввало, халқаро иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми ҳисобланган **жаҳон савдоси ташки савдо обороти, экспорт ва импорт** каби кўрсаткичлар билан характерланишини кўриб чиқамиз.

Экспорт-товарларни чет эллик мижозларга сотиш бўлиб, бунда мазкур мамлакатларда ишлаб чиқарилган товар мамлакатдан ташқарига чиқарилади.

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чораллари./Ўзбекистон, Тошкент, 2009. б.7.

Кўплаб мамлакатлар, чекланган ресурс базасига ва тор ички бозорга эга бўлиб, ўзларининг ички истеъмоли учун зарур бўлган барча товарларни етарли самарадорлик билан ишлаб чиқариш ҳолатида бўлмайди. Бундай мамлакатлар учун экспорт керакли товарларни олишнинг асосий йўли ҳисобланади.

Жаҳон савдосида товарларнинг **экспорт таркиби** фан-техника революцияси ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви таъсири остида ўзгаради. Ҳозирги даврда жаҳон савдосининг экспорт таркибида қайта ишловчи саноат маҳсулотлари етакчи ўринга эга бўлиб, унинг ҳиссасига жаҳон товар айрибошлишининг 3/4 қисми тўғри келади. Озиқ-овқат, хом-ашё ва ёқилғи улуши факат 1/4 қисмини ташкил қиласди.

**Хизматлар экспорти** товарлар экспортидан фарқ қиласди. Чет эллик истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш, чет эл валюталарини олиш билан боғлиқ бўлиб, у миллий чегарада амалга оширилади масалан, чет эл компанияси вакилларига почта, телеграф хизмати кўрсатиш, чет эл фуқароларига сайёхлик хизмати кўрсатиш ва ҳ.к.

Ўзбекистоннинг ташқи савдосида хорижий давлатларнинг салмоғи қуйидаги маълумотлар билан характерланади.

### **Хорижий ва МДҲ давлатларининг Республика ташқи savdosidagi salmoғi, % xisobida<sup>1</sup>**

11-жадвал

	Ташқи савдо айланмаси			Шу жумладан:					
				Экспорт			Импорт		
	2002	2005	2008	2002	2005	2008	2002	2005	2008
<b>МДҲ давлатлари</b>	32,0	35.8	48,9	27,6	31.8	34,7	36,9	41.1	42,7
<b>Хорижий давлатлар</b>	68,0	64.2	51,1	72,4	69.2	65,3	63,1	59.9	57,3

**Капитал экспорт қилиш** ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Капитал экспорти кредит бериш ёки чет эл корхоналари акцияларига мақсадли қўйилмалар каби шаклларда амалга оширилиб, капитал чиқарилган вақтда экспорт қилувчи мамлакатдан маблағлар оқимини тақозо қиласди ва шу орқали тасарруфидаги бўлган ресурслар

<sup>1</sup> www.statistic.uz

ҳажмини қисқартиради. Бошқа томондан, капитал экспорти чет давлатларнинг мазкур мамлакатдан бўлган қарзларини кўпайтиради. У жаҳон бозорига товарларнинг кейинги экспорти учун қулай шароит яратади ва чет эл валютасида фоиз ёки дивидент шаклида барқарор даромад олиш омили ҳисобланади.

Импорт экспортдан фарқ қилиб чет эллик мижозлардан товарлар хизматлар сотиб олиб, уларни мамлакатга келтиришни билдиради. Товарлар экспорти ва импорти суммаси ташқи савдо айланмаси ёки товар айланмаси беради. Қандайдир мамлакат ишлаб чиқарувчи мамлакатдан товарни ўз истеъмоли учун эмас, балки учинчи мамлакатга қайта сотиш учун олган тақдирда реэкспорт рўй беради. Реэкспорт билан реимпорт узвий боғлиқ. Реимпорт истеъмолчи мамлакатдан реэкспорт товарни сотиб олишни билдиради.

Экспорт ҳажми билан импорт ҳажми ўртасидаги фарқ соғ экспорт деб аталади. Ўзбекистон 2008 йил якунига кўра 19077 млн. АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришди. Агар мустақилликнинг биринчи йилларида пахта толаси умумий экспорт ҳажмининг 50 фоиздан кўпрогини ташкил этган бўлса, ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 9,2 фоиздан ортмайди. Айни пайтда пахтадан тайёрланган ип-калава ва газламалар, шунингдек пластмасса ва кимёвий маҳсулотлар, автомобиллар, хизматлар ва бошқа маҳсулотлар экспорти кескин равишда ўсди. Ташқи савдо айланмасининг ярмидан кўпроғи иқтисодий ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади- 65,3 фоиз.

Ўзбекистонда ташқи савдо айланмаси ва унинг таркиби қуйидаги маълумотлар билан характерланади.

### **Ўзбекистонда ташқи савдо айланмаси ва унинг таркиби, (% ҳисобида)<sup>1</sup>.**

*12-жадвал*

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2000</b>	<b>2002</b>	<b>2005</b>	<b>2008</b>
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	100,0	100,0	100,0	100,0
<b>Экспорт</b>	52,5	52,4	56,9	60,7
<b>Импорт</b>	47,5	47,6	43,1	39,3

<sup>1</sup> Экономика Узбекистана// Информационно-аналитический обзор за 2003 г. – Ташкент, 2004.; Социально экономическое положение Республики Узбекистан за 2007// Госкомстат Республики Узбекистан. Ташкент, 2008. -С. 169; Экономика Узбекистана// Информационно-аналитический обзор за 2006г. Ташкент, 2008. -С. 127.; Социально экономическое положение Республики Узбекистан за 2008// Госкомстат Республики Узбекистан. Ташкент, 2009.

<b>Экспорт - жами</b>	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан:				
<b>Товарлар</b>	86,3	84,1	87,8	89,6
<b>Хизматлар</b>	13,7	15,9	12,2	10,4
<b>Импорт - жами:</b>	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан:				
<b>Товарлар</b>	91,5	89,4	89,6	94,3
<b>Хизматлар</b>	8,5	10,6	10,4	5,7

Халқаро савдо бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга:

1. Иқтисодий ресурсларнинг ҳаракатчанлиги мамлакатлар ўртасида, мамлакат ичидағы қараганда анча паст бўлади. Масалан, ишчилар мамлакат ичидаги вилоятдан вилоятга, ҳудуддан ҳудудга эркин ўтиши мумкин. Мамлакатлар ўртасидаги тил ва маданий тўсиқлар ҳақида гапирмагандан ҳам, иммиграцион қонунлар ишчи кучининг мамлакатлар ўртасидаги миграциясига қаттиқ чеклашлар қўяди. Солик қонунчилигидаги, давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа тадбирларидағи фарқлар ва бошқа қатор муассасавий тўсиқлар реал капиталнинг миллий чегара орқали миграциясини чеклайди.

2. Ҳар бир мамлакат ҳар хил валютадан фойдаланади. Бу мамлакатлар ўртасида халқаро савдони амалга оширишда муайян қийинчиликлар туғдиради.

3. Халқаро савдо сиёсий аралашув ва назоратга маҳкум бўлиб, бу ички савдога нисбатан қўулланиладиган тадбирлардан характери ва даражаси бўйича сезиларли фарқланади.

Халқаро савдо тўрт кўринишида юритиш мумкин:

1. Эркин савдо йўлида
2. Протекционизм
3. Дефицит бозорини тулдириш
4. Қисман чеклаш йули билан

Қиёсий харажатлар назариясига кўра эркин савдо туфайли, жаҳон хўжалиги ресурсларни самарали жойлаштиришга ва моддий фаровонликнинг юқори даражасига эришиши мумкин.

**Протекционизм, яъни эркин савдо йўлидаги тўсиқлар** халқаро ихтисослашувдан олинадиган нафни камайтиради ёки йўққа чиқаради.

**Эркин савдо йўлида** жуда кўп тўсиқлар мавжуд бўлади. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

- **бож тўловлари** импорт товарларга акциз солиқлари

ҳисобланади, у даромад олиш мақсадида ёки ҳимоя учун киритилиши мумкин;

– **импорт квоталари** ёрдамида маълум бир вақт оралиғида импорт қилиниши мумкин бўлган товарларнинг максимал ҳажми ўрнатилади;

– **таърифсиз тўсиқлар** дейилганда лицензиялаш тизими, маҳсулот сифатига стандартлар қўйиш ёки оддий маъмурий тақиқлашлар тушунилади;

– **экспортни ихтиёрий чеклашлар** савдо тўсиқларининг нисбатан янги шакли ҳисобланади. Бу ҳолда чет эл фирмалари ўзларининг маълум мамлакатга экспортини «ихтиёрий» чеклайди.

Мамлакатлар халқаро савдо ёрдамида ўзларининг давлатлараро ихтисослашувини ривожлантириши, ўзларининг ресурслари унумдорлигини ошириш ва шу орқали ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини кўпайтириши мумкин. Алоҳида давлатлар, энг юқори нисбий самарадорлик билан ишлаб чиқариш мумкин бўлган товарларга ихтисослашиши ва уларнинг ўзлари самарали ишлаб чиқариш ҳолатида бўлмаган товарларга айирбошлиш ҳисобига ютиш мумкин.

Бу ерда «мамлакатлар нима учун савдо-сотик қиласди?» деган савол туғилади. Биринчидан, иқтисодий ресурслар дунё мамлакатлари ўртасида жуда нотекис тақсимланади: мамлакатлар ўзларининг иқтисодий ресурслар билан таъминланиши кескин фарқланади. Иккинчидан, ҳар хил товарларни самарали ишлаб чиқариш ҳар хил технология ёки ресурслар уйғунлашувини талаб қиласди. Бу икки ҳолатнинг халқаро савдога таъсирини осон тушунтириш мумкин. Масалан, Япония кўп ва яхши тайёрланган ишчи кучига эга, малакали меҳнат ортиқча бўлганлиги сабабли арzon туради. Шу сабабли, Япония тайёрлаш учун кўп миқдорда малакали меҳнат талаб қилинадиган турли-туман меҳнат сифимли товарларни самарали ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Австралия эса аксинча, жуда кенг майдонларига эга бўлган ҳолда етарли бўлмаган миқдорда инсон ресурслари ва капиталга эга.

Қисқача айтганда, ҳимоя қилинадиган тармоқлар савдо тўсиқларини киритишдан оладиган фойда, бутун иқтисодиёт учун анча катта йўқотиш ҳисобланади.

## 2. Тўлов баланси, унинг тузилиши ва тақчиллиги

Тўлов баланси - мамлакат резидентлари (уй хўжаликлари, корхоналар ва давлат) ва чет элликлар ўртасида маълум вақт оралиғида (одатда бир йилда) амалга оширилган барча иқтисодий битимлар натижасининг тартиблаштирилган ёзуви.

Иқтисодий битимлар - қийматнинг ҳар қандай айирбошланиши, яъни товарлар, кўрсатилган хизматлар ёки активларга мулкчилик ҳуқуқининг бир давлат резидентларидан бошқа давлат резидентлари ўтиши бўйича келишувлар. Ҳар қандай битим икки томонига эга бўлади ва шу сабабли тўлов балансида икки томонлама ёзув тартибига риоя қилинади. Битта битим тўлов балансининг дебет ва кредит қисмларида ўз ифодасини топади.

Кредит - қийматнинг мамлакатдан чиқиб кетиши бўлиб, унинг ҳисобига мазкур мамлакат резидентлари чет эл валюталарида қопловчи тўловлар эквивалентини олади. Дебет - қийматнинг мазкур мамлакатга кириб келиши бўлиб, унинг ҳисобига резидентлар чет эл валюталарнинг сарфлайди. Тўлов балансида кредитлар умумий суммаси дебетларнинг умумий суммасига teng бўлиши зарур.

Тўлов балансидаги барча битимлар ўз ичига жорий ва капитал билан операцияларни олиши сабабли у учта таркибий қисмдан иборат бўлади:

1. жорий операциялар ҳисоби:
2. капитал ҳаракати ҳисоби:
3. расмий захираларнинг ўзгариши.

## **Тўлов балансининг тузилиши**

<b>I. Жорий операциялар ҳисоби</b>	
1. Товар экспорти	2. Товар импорти
Ташқи савдо баланси қолдиғи	
3. Хизматлар экспорти (чет эл туризмидан даромадлар ва ҳ.к. - кредитли хизматлар)	4.Хизматлар импорти (туризм учун чет элга тўловлар ва ҳ.к. - кредитли хизматлар)
5. Инвестициялардан соф даромадлар (кредитли хизматлардан соф даромадлар)	
6. Соф трансферлар	
Жорий операциялар бўйича баланс қолдиғи	
<b>II. Капитал ҳаракати ҳисоби</b>	
7. Капитал кириши	8. Капитал оқиб чиқиши
Капитал ҳаракати баланси қолдиғи	

## Жорий операциялар ва капитал харакати биланси қолдиғи

### III. Расмий захираларнинг ўзгариши.

Мамлакатнинг ташқи савдо баланси (тўлов баланси) мазкур давлатнинг чет эллик шериклари билан халқаро иқтисодий муносабатларнинг ҳолатини ифодалаб, унинг кредит-пул, валюта, бюджет-солик, ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш ва давлат қарзларини тартибга солиши учун индикатор бўлиб хизмат қиласади.

Жорий операциялар ҳисоби ўз ичига товар ва хизматлар экспорти («+» белгиси билан), импорт («-» белгиси билан), инвестициялардан соф даромад ва соф трансферларни олади. Товарлар экспорти ва импорти ўртасидаги фарқ савдо балансини ташкил қиласади.

Товар экспорти кредит сифатида чиқиб, миллий банқда чет эл валюталари захираларини вужудга келтиради. Импорт эса («дебет» графасида «-» белгиси билан) мамлакатдаги чет эл валюталари захирасини қисқартиради.

Инвестициялардан соф даромадлар (чет элдан соф омилли даромадлар) кредитли хизматлардан олинадиган соф даромад ҳисобланиб, у чет элларга қўйилган миллий пул капитали ҳисобига келади. Агар чет элга қўйилган миллий капитал мазкур мамлакатга қўйилган чет эл капиталига қараганда фоиз ва девидентларнинг кўпроқ хажимини келтирса, бунда инвестициялардан олинадиган соф даромад ижобий, акс ҳолда эса салбий бўлади.

Соф трансферлар хусусий ва давлат маблағларнинг бошқа мамлакатларга ўтказилган суммасини билдиради (пенсия, совфа, чет элга пул ўтказишлар ёки чет мамлакатларга инсонпарварлик ёрдамлари). Бундай тўловлар мамлакатда мавжуд чет эл валюталари захирасини камайтиради.

Макроиқтисодий моделда жорий операциялар ҳисоби қолдиғи қўйидагича ифодаланади.

$$\begin{array}{ccccccccc} X & - & M & = & X_n & = & Y & - & (c+1+G) \\ \text{экспор} & & \text{импорт} & & \text{соф} & & \text{ЯИМ} & & \text{Абсорбаци} \\ T & & & & \text{экспорт} & & & & \text{я} \end{array}$$

Абсорбация - ялпи ички маҳсулотнинг мазкур мамлакатдаги уй хўжаликлари, корхоналар ва давлатга реализация қилинадиган қисми.

Импортга тўловлар экспортдан олинган даромаддан ортиқча бўлса, бу мамлакатнинг жорий операциялар бўйича баланси

тақчиллигини билдиради. Бу тақчиллик чет эл қарзлари ёрдамида, ёки активларнинг бир қисмини чет элликларга сотиш йўли билан молиялаштирилади ва бу капитал ҳаракати ҳисобида акс этади.

Экспортдан олинадиган даромад импортга сарфлардан ортиқ бўлса жорий операциялар ҳисоби ижобий қолдиққа эга бўлади.

Капитал ҳаракати ҳисобида активлар билан амалга ошириладиган барча халқаро битимлар ўз ифодасини топади. Булар чет элликларга акциялар, облигациялар, кўчмас мулк ва ҳ.к. сотишдан олинадиган даромадлар ҳамда чет элдан активлар сотиб олиш натижасида вужудга келадиган сарф харажатлар.

$$\begin{array}{lcl} \text{Капитал} & = & \text{Активлар} \\ \text{ҳаракати} & & \text{сотишдан} \\ \text{баланси} & & \text{тушумлар} \end{array} - \begin{array}{l} \text{Четдан активлар} \\ \text{сотиб олишга} \\ \text{сарфлар} \end{array}$$

Чет эл активларини сотиш чет эл валюталари захираларини кўпайтиради, уларни сотиб олиш эса камайтиради. Капитал ҳаракати ҳисоби ҳам тақчилликка ва ижобий қолдиққа эга бўлади.

Тўлов балансининг тақчиллиги Марказий банк (МБ) расмий захираларини қисқартириш ҳисобига молиялаштирилиши мумкин. Расмий захираларнинг асосийлари қуйидагилар:

- чет эл валюталари;
- олтин;
- мамлакатнинг ХВФдаги кредит улуси;
- қарз олишнинг маҳсус ҳукуки (SDR) ва ҳ.к.

Баланс тақчиллиги расмий захиралар ҳисобига молиялаштирилганда, ички бозорда чет эл валюталари таклифи ортади, миллий валюталар таклифи эса нисбатан камаяди ва унинг айирбошлаш курси нисбатан ўсиб миллий иқтисодиётга инқизорлизи таъсир кўрсатади.

Аксинча, тўлов балансининг актив қолдиғи МБ расмий валюта захираларининг ўсиши билан бирга борганда ички бозорда чет эл валюталари таклифини камайтиради, миллий валюта таклифи эса нисбатан ортади ва унинг айирбошлаш курси пасайиб, иқтисодиётга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

МБ томонидан чет эл валюталарининг бундай сотилиши ва сотиб олиниши расмий захиралар билан операциялар дейилади. (Бу МБнинг очиқ бозордаги операциялари билан бир хил эмас). Расмий

захиралар билан операциялар натижасида жорий ҳисобдаги қолдик суммаси, капитал ҳаракати ҳисоби ва захиралар миқдорининг ўзгариши «нол»ни ташкил қилиши зарур.

Мамлакат узок давр давомида жорий операциялар бўйича тақчилликни бартараф қилишни кечиктириши ва ўзининг расмий валюта эҳтиёжларини тўлиқ сарфлаши, натижасида тўлов баланси кризиси келиб чиқади. Мамлакатда ташқи қарзларни тўлаш ҳолатида бўлмаганлиги сабабли, чет элдан кредитлаш имконияти мавжуд бўлмайди.

Иқтисодиёт субъектларининг давлат ва МБ сиёсатига ишончсизлиги тўлов баланси кризисини, чукурлаштирувчи омил ҳисобланади. Миллий валюта қадрсизланишининг кутилиши чет эл валюталарига чайқовчиликка қаратилган талабни рағбатлантиради. Бу МБ нинг миллий валюта қадрсизланишининг олдини олишга қаратилган ҳаракатини анча қийинлаштиради, чунки унинг расмий валюта эҳтиёжлари бир вақтда тўлов балансининг тақчиллигини молиялаштириш ва чет эл валюталарига ўсиб борувчи чайқовчилик талабини қондириш учун етарли бўлмай қолади. Бундай ҳолда валюталарнинг, «хуфёна бозори» вужудга келиб, ривожлана бошлади.

Республикамизда давлат бюджети тақчиллиги ижобий характерга эгалиги, ташқи савдо айланмасида ижобий сальдога эришилганлиги (2008 йил 4068,8 млн. АҚШ доллари миқдорида) ва олтин-валюта захираларимизнинг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги «...мамлакатимиз тўлов балансининг барқарорлигини таъминлашда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қиласи ва ташқи иқтисодий шерик сифатидаги Ўзбекистонга бўлган ишончни ортиради»<sup>1</sup>.

Бугун кенг қўламда тарқалиб бораётган жаҳон молиявий инқизозининг асосий сабабларидан бири ташқи қарз ва уни узиш муаммолари билан боғлик.

Шуни айтиш керакки, кўплаб давлатларнинг ташқи қарз масаласидаги пухта ўйланмаган сиёсати уларнинг иқтисодиётини заиф, ташқи омилларга қарам, хатарли вазиятлар олдида ҳимоясиз ва ночор аҳволга солиб кўйганини қўриш, кузатиш қийин эмас. Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёти даврида қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узок

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. «Халқ сўзи».2000 йил 17 февраль. № 37.

муддатли ва имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этиш тамойилига доимо амал қилиб келмоқда.

Қарзни ўз вақтида қайтара олишга қатъий ишончимиз ва кафолатимиз бўлмаган пайтларда муайян лойиҳаларни кредитлаш бўйича айрим таклифлардан воз кечиш лозим бўлди.

2007—2008 йиллар давомида ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ҳажми 2,5 баробардан кўпроқ ошганининг ўзи ҳам буни тасдиклаб турибди.

Умуман, 2009 йилда мамлакат иқтисодиётига киритиладиган хорижий ва ички инвестицияларни ҳисобга олганда, капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг камида 25 фоизини ташкил этади.

### **3. Халқаро валюта-кредит муносабатлари ва валюта тизимлари**

Жаҳон молиявий инкиrozи 2008-2009 йилларда Америка Кўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида руй берган танглик холатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқиёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инкиrozга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларнинг бозор қиймати халокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлик, ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

Шу сабаларни тахлил қилишдан олдин пулнинг жаҳон хўжалигига амал қилиши ва турли халқаро иқтисодий алоқаларга (ташқи савдо, ишчи кучи ва капитал миграцияси, даромадлар, қарзлар ва субсидиялар оқими, фан-техника айирбошлиш, туризм ва ҳ.к.) хизмат қилиши билан боғлик иқтисодий муносабатлар-халқаро валюта-кредит муносабатлари деб аталадиган назарияни ўрганиб чиқишимиз керак. У пулнинг **халқаро тўлов муносабатида амал қилиш** жараёнида вужудга келади. **Валюта**-бу мамлакатлар пул бирлиги (масалан, сўм, доллар, фунт стерлинг ва ҳ.к.). Ҳар бир миллий бозор ўзининг миллий валюта тизимига эга бўлади. Бунда миллий ва халқаро валюта тизимини фарқлаш зарур. **Миллий валюта тизими**-валюта муносабатларининг миллий қонунчилик

били белгиланадиган, мазкур мамлакатда ташкил қилиниш шаклини ифодалайди.

Халқаро валюта тизими-халқаро валюта муносабатларининг давлатлараро битимларда хуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган шакли.

Унинг **таркибий элементлари** қуйидагилар ҳисобланади: асосий халқаро тўлов воситалари (миллий валюталар, олтин, халқаро валюта бирликлари-СДР, Евро), валюта курсларини белгилаш ва ушлаб туриш механизми, халқаро тўловларини баланслаштириш тартиби, валютанинг қайтарувчанлик шароити, халқаро валюта бозори ва олтин бозори тартиби, валюта муносабатларини тартибга солувчи давлатлараро муассасалар тизими.

Жаҳон валюта тизими ўзининг ривожланишида **учта босқичдан** ўтди ва уларнинг ҳар бирига халқаро валюта муносабатларини ташкил қилишнинг ўз типлари мос келади. **Биринчи босқич** 1879-1934 йиллар даврини ўз ичига олиб, бунда олтин стандарт сифатидаги пул тизими устунликка эга бўлган. Иккинчи жаҳон уруши охири (1944 й.) дан 1971 йилгача олтин – девизли (Бреттон-Вудс тизими деб номланувчи) тизим устунликка эга бўлган. Бу икки тизим қайд қилинадиган валюта курсларига асосланган. Ҳозирги даврда амал қилувчи жаҳон валюта тизими 1971 йилда ташкил топган бўлиб, бу тизим **бошқариладиган сузиб юрувчи валюта тизими** номини олди. Чунки давлат кўпинча ўз валюталарининг халқаро қийматини ўзгартириш учун валюта бозорининг фаолият қилишига аралашади.

**Олтин стандарт** тизим қайд қилинган валюта курсининг мавжуд бўлишини кўзда тутади. Банклар ўzlари чиқарган банкнотларни олtinga алмаштирган. Халқаро тўловларни мувофиқлаштириш воситаси бўлиб, олтинни эркин чиқариш ва киритиш хизмат қилган. Мамлакат, учта шартни бажарса олтин стандарт қабул қилинган деб ҳисобланган. а) ўз пул бирлигининг маълум олтин мазмuni ўрнатади; б) ўзининг олтин заҳираси ва пулнинг ички таклиф ўртасидаги қаттиқ нисбатни ушлаб туради; в) олтиннинг эркин экспорт ва импортига тўсқинлик қилмайди. Олтин стандарт пул бирлигининг олтин мазмuni нисбатига асосланади. Олтин стандарт шароитида, турли мамлакатлар пул бирлигининг нисбати уларнинг расмий олтин мазмuni бўйича ўрнатилади.

Олтин стандарт барбод бўлгандан кейин, валюта соҳасини тартибга солишнинг ўзаро мақбул йўлини топишга ҳаракат қилинди. Янги жаҳон валюта тизими асосларини ишлаб чиқиш мақсадида, 1944 йил Бреттон-Вудса (АҚШ) иттифоқчи давлатларининг халқаро

конференцияси чақирилди. Бу конференцияда ўзаро боғлиқ валюта курсларини тартибга солиш тизимини яратиш ҳақидаги келишувга эришилди ва бу кўпинча Бреттон - Вудс тизими деб аталади. Мазкур тизим олдинги олтин стандартдан кескин фарқ қилмайди. Унинг асосида олтин - *валюта стандарт* (АҚШ доллари) ётади ва бу ерда резервлар сифатида *олтин ва доллар чиқади*.

Долларнинг олtingа алмашиниши расман тўхтагандан кейин, валютанинг қайд қилинган курси, **сузиб юрувчи курсига ўрин** бўшатади. Халқаро валюта тизимида бу ўзгариш 1976 йил Кингстон (Ямайка) даги келишувга биноан хукукий жиҳатдан мустаҳкамланади. Қоғоз пул тизимига ўтиш билан, қоғоз пуллар олtingа алмаштирилмайди. Беқарор курслар шароитида валюта курси ҳам ҳар қандай бошқа баҳо каби талаб ва таклифнинг бозор кучлари билан белгиланади.

#### **4. Валюта курси ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар**

Ҳар қандай валюта тизимининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири валюта курси ҳисобланади. **Валюта курси бир мамлакат валютасининг бошқа мамлакат валютасидаги ифодаланишини кўрсатади**.

Валюта курсларига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар ичидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- миллий даромад ва ишлаб чиқариш харажатлари даражаси;
- миллий истеъмолчиларнинг реал харид қилиш лаёқати ва мамлакатдаги инфляция даражаси;
- валюталарга талаб ва таклифга таъсир кўрсатувчи тўлов баланси ҳолати;
- мамлакатдаги фоиз ставкаси даражаси;
- валютага жаҳон бозоридаги ишонч ва ҳ. к.

Назарий жиҳатдан валюта курсларининг тебранишини тушунтириш, харид қилиш лаёқатининг паритет (турли мамлакатлар пул бирликлари қийматининг бир-бирига нисбати) назарияси ёрдамида берилади. Бу назарияга кўра, курслар нисбатларини аниқлаш учун, икки мамлакат истеъмолчилик товарлари «савати» нархларини таққослаш талаб қилинади. Масалан, агар Ўзбекистонда бундай «сават», айтайлик 25 минг сўм, АҚШда эса 100 дол. турса, 25 мингни юзга бўлиб, 1 дол. нинг баҳосини ҳосил қиласиз, бу 250 сўмга тенг. Агар Ўзбекистонда муомаладаги пул массасининг

кўпайиши оқибатида, товарлар баҳоси икки марта ошса ва барча шароитлар тенг бўлганда долларнинг сўмга айирбошлаш курси икки марта ошади. Валюта курси валюта бозорида жуда кўп омиллар таъсири туфайли шаклланади. Бу омилларни шартли равища 3 гурӯхга бўлиш мумкин: узоқ муддатли, қисқа, ўрта муддатли.

Айрим иқтисодчилар эса муддат жиҳатидан эмас, салмоғига кўра: фундаментал ва техник-психологик омилларга бўлишади. Бунда техник-психологик омиллар қисқа муддатли омилларга тўғри келади.

**Фундаментал омилларга:**

а) узоқ муддатли: мамлакат иқтисодиётининг умумий ҳолати, меҳнат унумдорлиги даражаси, ЯММ ўсиш суръати, пул тизими;

б) ўрта муддатли: тўлов баланси ҳолати, бюджет тақчиллиги даражси, узоқ муддатли капитал қўйилмалар ҳолати, инфляция суръати, пул-кредит эмиссияси, реал процент ставкалари, шу валютага бўлган ишонч, давлатнинг иқтисодиётини тартибга солиш сиёсати ва бошқалар киради.

Техник-психологик ёки қисқа муддатли омилларга бозорда кутилаётган ўзгаришлар, миллий ва халқаро миқёсда истеъмолчиларнинг таъби, диди ўзгариши, даромадларнинг ўзгариши, йирик банкирларнинг фикри, валюта дилерларининг фикри, сиёсатчилар ва бошқалар киради.

Бу омиллар бир-бири билан мураккаб тарзда боғланиб, у ёки бу омил асосий рол ўйнаши мумкин.

Валюта курсининг ҳар қандай тебраниши икки оқибатга олиб келади: Экспортни ёки импортни қулай қилиб қўяди. 1. Четга экспорт фойдали ёки аксинча бўлиши мумкин. 2. Импорт товарлари қимматлашуви ёки арzonлашуви мумкин. Экспорт-импорт кўламига қараб мамлакат иқтисодиётини валюта курсига боғланиши кучаяди.

Мамлакат яратган маҳсулотига қараганда кўп харажат қилар экан. Миллий валюта курси тушиб кетади. Ҳар бир мамлакат албатта ташқи ва ички мувозанатга эришиш муаммолари билан тўқнаш келади. Ташқи мувозанат деганда, валюта курсини барқарорлаштириш ташқи ҳисоб-китобларни баланслаштириш кўзда тутилади. Ички мувозанатда эса ялпи талабни тўла бандликка мос келадиган даражада бўлишини таъминлаш назарда тутилади. Бир вақтнинг ўзида ташқи ва ички мувозанатни сақлаш ҳар бир мамлакат учун қийин.

Энди бугунги кунда тарқалиб бораётган жаҳон молиявий инқирозининг асосий сабабларидан ҳам бири — бу банклар

ликвидлиги, яъни тўлов қобилиятининг заифлиги билан боғлик муаммонинг кескинлашуви, кредит бозоридаги танглик, содда қилиб айтганда, пул маблағларининг етишмаслиги билан изоҳланади.

Мамлакатимизда эса биргина тижорат банкларининг активлари миқдори, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолат-лари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ шаклланган захираларни ҳисобга олган ҳолда, 13 триллион 360 миллиард сўмдан ошади. Бу аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг жалб қилинган депозитлари ҳажмидан тахминан 2,4 баробар кўп демакдир.

Банк активлари ҳажмининг сезиларли даражада ошганини ҳисобга олиб, бугунги кунда республикамизда аҳолининг банклардаги барча депозитларини давлат томонидан юз фоиз кафолатлаш таъминланмоқда.

Шу борада 2006 йилда ташкил этилган «Микрокредитбанк»нинг фаолияти хусусида алоҳида тўхталиш жоиз. Мамлакатимиз ҳудудларида 78 та филиали ва 270 дан зиёд мичибанки фаолият кўрсатаётган мазкур банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғини кредитлар билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

2007—2008 йиллар давомида ушбу банк активлари миқдори 3,5 баробар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш ҳажми 4 баробарга ошди ва бу мақсадларга 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Президент фармони асосида «Микрокредитбанк» устав жамғармасини 72 миллиард сўмга ошириш ва унинг ҳажмини 150 миллиард сўмга етказиш ҳақида қабул қилинди.

Тижорат банкларимизнинг ташқи мажбуриятлар бўйича тўловларининг ҳолати ва ҳажми масаласи бўйича банк тизими жаҳон молиявий инқизозининг салбий таъсири ва оқибатларидан ишончли тарзда ҳимояланганини кўрсатади.

Ўзбекистон ўзининг ишончли ва тўлов қобилиятига эга ҳамкор эканини, мамлакатимизда чет эл сармоясини жалб этиш бўйича ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратилганини амалда исботламоқда.

Банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш ишлари ҳам 2009 йилда устувор вазифа бўлиб қолади.

Банк тизимини ривожлантириш ва мустақкамлаш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда ва бу ўзининг ижобий

натижаларини бермоқда. Бироқ, бу борадаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш керак. Нега деганда, айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги кўп жихатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ.

Хозирги кунда биринчи навбатда банклар, уларнинг муасассалари капиталлашув даражасини ошириш бўйича бошланган ишларни охирига етказиши, ўз низом жамғармаси микдорини белгиланган кўрсаткичларга олиб чиқиши лозим. Банкларда омонатларнинг кўпайишига, уларнинг банк тизимиға жалб этилишига нималар тўсқинлик қилаётганини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш ва бу борада қўшимча чора-тадбирлар кўриш керак. Бу ўринда гап ахоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини банк секторига жалб қилишда таъсирchan ва узоқ муддатли рағбатлантириш омилларини ташкил этиш, иқтисодиётнинг реал секторига кредит ажратишни кўпайтириш учун банкларнинг имкониятини кенгайтириш ҳақида бормоқда.

Банклар зиммасига инвестиция фаолиятини кенгайтириш вазифалари юклангани сабабли уларнинг ишини тубдан қайта ташкил этиш лозим. Биринчи навбатда, бу борада инвестиция лойиҳаларини экспертиздан ўтказиш ва молиялашни ташкил этиш бўйича тижорат банкларининг маҳсус хизматларини мустаҳкамлаш зарур.

“Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва хатарларига муносиб қарши туриш, унинг иқтисодиётимизга салбий таъсирининг олдини олиш имконини беради.

Айни пайтда бу дастур инқироздан сўнг Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимиизда турган устувор вазифаларни муваффакиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратади”<sup>1</sup>.

Хозирги пайтда кўп мамлакатлар жаҳон молиявий инқироз таъсиридан азоб чекмоқда. Хозирги вақда бир қатор етакчи таҳлил ва экспертлик марказлари глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чораллари./Ўзбекистон, Тошкент, 2009. б.54.

юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида куйидаги хуносаларга келмокда.

**Биринчидан**, молия-банк тизимида инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо хажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талафотлар содир булиши мумкинлиги ўз тасдифини топмоқда.

**Иккинчидан**, авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ килиш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбахо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади.

**Учинчидан**, молиявий-иктисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади. Яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлик, мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада — мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлиқ даражасига боғлик.

**Тўртинчидан**, жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиши, унинг оқибатларини енгиллаштириш қўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлик<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда молиявий-иктисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганини ва зарур ресурслар базаси мавжуд.

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чораллари./Ўзбекистон, Тошкент, 2009. б.5.

Ташқи бозорда конъюнктурунинг ёмонлашувига қарамасдан, 2008 йилда ташқи савдо айланмаси 21,4 фоизга ошиди, айни вақтда товарлар ва хизматлар экспорти 28,7 фоизга ортди. Натижада ташқи савдо балансида ижобий сальдо ҳажми сезиларли даражада ўсди. Бу эса ишончли тўлов баланси ва иқтисодиётимиз барқарорлигининг муҳим кўрсаткичи бўлмоқда.

Ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Кейинги йиллар мобайнида экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулот салмоғининг барқарор ўсиш тенденцияси ва хом-ашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушкининг камайиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2008 йилда умумий экспорт ҳажмида хом-ашё бўлмаган товарларнинг улуши 71 фоиздан зиёдни ташкил этди. Айни вақтда Ўзбекистон учун анъанавий экспорт хом-ашёси бўлган пахта толасининг бу борадаги улуши 2003 йилдаги 20 фоиздан 2008 йилда 12 фоизга тушди<sup>1</sup>.

Таъкидлаш керакки, ташқи савдо муносабатларимиз географияси, аввало, ривожланиб бораётган Осиё қитъаси бозорлари билан савдо айланмасининг ўсиши хисобига сифат жихатидан ўзгармокда.

Бу кўрсаткичларнинг барчаси, аввало, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатдош тайёр маҳсулот улушкининг изчил ошиши, биринчи навбатда, иқтисодиётимизнинг ўсиб бораётган салоҳияти ва имкониятларидан далолат беради. Шу билан бирга, бундай холат экспортимизнинг хом-ашё ресурслари нархи тез-тез ўзгариб турадиган жаҳон бозори таъсирига боғлиқлигини камайтиришда муҳим йўналиш бўлиб хизмат қиласди.

Жаҳон иқтисодий инқирози давом этаётган хозирги шароитда бундай ўзгариш айниқса муҳим аҳамиятга эга. Нега деганда, бугунги кунда экспорт асосан хом-ашё етказиб беришдан иборат бўлиб, дунё бозоридаги нарх-наво ўйинларига ҳаддан ташқари боғланиб қолаётгани айрим мамлакатларда валюта тушумларини камайтирадиган, молиявий барқарорликнинг ёмонлашувига олиб келадиган, иқтисодиётни издан чиқарадиган жиддий факторга айланмоқда.

Бизнинг кейинги йилларда экспорт соҳасида қўлга киритган ютуқларимиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда биз учун

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чораллари./Ўзбекистон, Тошкент, 2009. б.17.

мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва узоқ истиқболга мүлжалланган ишлар натижасидир.

Навоий аэропорти базасида эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этиш, шунингдек, Навоий шахрида янги барпо этилган аэродромни халқаро оператор — Кореянинг «Кореан Эйр» компанияси бошқарувига бериш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши туфайли олдимизда катта истиқболлар очилади. Халқаро интермодал логистика марказининг ташкил этилиши ундан нафақат Жануби-Шарқий Осиёни Европа билан боғлайдиган қитъалараро транспорт-экспедиция узели сифатида фойдаланиш имконини беради. Айни пайтда у Навоий вилояти ва қўшни ҳудудларда янги, юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш учун зарур шароитлар яратади.

Молиявий ва иқтисодий инқироздан чиқа бошлаган Япония, Германия ва Франция иқтисодиёти яна жонланаётганига қарамай, АҚШ, Россия ва Европа Иттифоқига аъзо бўлган айrim давлатлардаги ҳолат ишсизликни камайтириш ва молиявий етишмовчиликлар масаласида ҳануз жиддий муаммолар сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда.

Тан олиш керак ҳажми бўйича унча йирик бўлмаган минтақа, аниқроғи, Болтиқбўйи давлатлари саналмиш Латвия, Литва ва Эстония иқтисодиёти танглиқдан ҳаммадан кўра кўпроқ заарар кўрди. Банк соҳасидаги банкротлик ва ҳар учала мамлакат валюталарининг жуда тез девальвацияга учраётгани бутун Европа бўйлаб тикланиш истиқболларига таҳдид солаётгани аниқ. Қолаверса, бу мамлакатлар жаҳон сиёsat саҳнасидаги энг жозибадор минтақада жойлашганликлари билан ажралиб турадилар. Масалан, биргина Литванинг иқтисодий ҳажми 2009 йилнинг иккинчи чорагида ўтган йилнинг шу даври билан таққослагандага 22,4 фоиз пасайиб кетганини эълон қилинди.

Ўз навбатида Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги аксарият ривожланаётган мамлакатларнинг ҳам ўзларига келишлари учун ҳали анча вақт бор.

Тўғри, баъзи давлатларда ўта муҳим тармоқларга муайян вақтгача давлат аралашувини кучайтириш чораси қўлланилди. Аммо

бу бозор иқтисодиёти ва либерализмдан воз кечилишини англатмайди. Ҳаттоқи энг кучли либерал иқтисодиётга ва хусусий бизнесга эга дейилаётган АҚШда ҳам йирик ва асосий банклар ҳамда молиявий ташкилотлар давлат қарамоғига олинаётгани, ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқлари, жумладан, автомобиль ишлаб чиқарувчи компаниялар ҳамдир.

### **Асосий таянч тушунчалар**

**Экспорт** – товарларни чет эллик мижозларга сотиш бўлиб, бунда мазкур мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар мамлакатдан ташқарига чиқарилади.

**Импорт** – чет эллик мижозлардан товарлар (хизматлар) сотиб олиб, уларни мамлакатга киритиши.

**Реэкспорт** – қандайдир мамлакат ишлаб чиқарувчи мамлакатдан товарларни ўз истеъмоли учун эмас, балки учинчи мамлакатга қайта сотиш учун сотиб олиши.

**Реимпорт** – истеъмолчи мамлакатдан реэкспорт товарларни сотиб олиш.

**Халқаро валюта тизими** – халқаро валюта муносабатларининг давлатлараро битимларда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган шакли.

**Валюта курси** – бир мамлакат валютасининг бошқа мамлакат валютасида ифодаланган баҳоси.

**Тўлов баланси** - мамлакат резидентлари (уй хўжаликлари, корхоналар ва давлат) ва чет элликлар ўртасида маълум вақт оралиғида (одатда бир йилда) амалга оширилган барча иқтисодий битимлар натижасининг тартиблаштирилган ёзуви.

**Иқтисодий битимлар** - қийматнинг ҳар қандай айирбошланиши, яъни товарлар қўрсатилган хизматлар ёки активларга мулкчилик ҳуқуқининг бир давлат резидентларидан бошқа давлат резидентларига ўтиши бўйича келишувлар.

### **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Ички ва ташқи савдонинг ўхшашликлари нимадан иборат? Уларнинг фарқи-чи? Халқаро савдо қандай қўрсаткичлар билан тавсифланади?

2. Нима учун халқаро савода сунъий тўсиқлар мавжуд бўлади? Уларнинг тавсифини беринг.

3. Протекционистик сиёсатнинг ижобий ва салбий томонлари қандай? Уларни таққосланг.

4. Халқаро савдода иқтисодий интеграциянинг аҳамияти қандайлиги ва унда Ўзбекистоннинг иштирок этиши имкониятларини аниқланг.

5. Халқаро валюта тизими니 тушунтиринг. Ҳар бир тизим қандай устунлик ва камчиликларга эга?

6. Давлат валюта курсларини барқарорлаштириш учун қандай усуллардан фойдаланади? Чет эл валюталарига талаб ва таклифга қандай омиллар таъсир кўрсатади?

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2003.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон - буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

3. Каримов И.А. Бизнинг бош мағсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

4. Каримов и.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/И.А.Каримов, - Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йўналишларига бағишлиган вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

6. Каримов И.А., Энг асосий мезон – хаёт ҳақиқатни акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009, - 24 б.

7. Шодмонов Ш., Алимов Р.Ў., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002.

8. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси – Т.: Ўқитувчи, 2002.

9. Джумақулов Т.Т., Сафарова З.Т. Использование трудов И.Каримова в преподавании экономической теории и его вклад в её развитие: Учебное пособие. – Т.: Изд-во мет.лит-ры им. Абу Али ибн Сино, 2002.

10. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси иккинчи китоб: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма.\_ Т.: «Шарқ», 2003.

11. Тарасевич Л.С., Гребенников П.И., Леусский А.И. Макроэкономика: Учебник М: Юрист-Издат, 2003.
12. По, А. Самуэльсон, Вильям Д. Норд Хаус. Экономика: Пер. с англ. – М.: «Лаборатория Базовых знаний» 2000.
13. Экономическая теория: Учеб. Для студ. Высш. Учеб. Заведений. Под. Ред. В.Д.Камаева. -7-е изд, перераб и доп. – М.: «Гуманитарное издательство цент ВЛАДОС» 2002.
14. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Москва., 1962. Стр. 332
15. Mill J.S. On the Definition of Political Economy; and on the Method of Investigation Proper to it. In: Essays on Some Unsettled Questions of Political Economy. L., p 133-137
16. Walras L. Elements of pure Economics. Translated by Jaffe W.Homewood, Richard D.Irwin, 1954. pp. 88-89.
17. Ўлмасов А., Вохобов А. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.
18. Шодмонов Ш.Ш., Фофуров У. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик). – Т.: “Шарқ” 2006.
19. Слагода В.Т. Основы экономической теории: учебник. \_М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2009. – 272с.
20. Гукасян Г.М., Маховикова Г.А., Амасова В.В. Экономическая теория, 7-е изд. – СПБ.: Питер, 2010. 240с.
21. Борисов Е.Ф. Экономика: учеб. – М.: Проспект, 2009, 320с.
22. Воробьев Е.М. Экономическая теория. Курс лекций. М.: Эксмо, 2008, 272с.
23. Лачанов Ю.Н. Новая экономическая теория – новая классика: Революционный прорыв во всех представлениях ЛКИ, 2008, 104с.
24. Экономическая теория: учеб. Под. Ред. И.П.Николаевой. – 2-е изд., Перераб. И. доп. – М.: Проспект, 2009, 576с.

## МУНДАРИЖА

<b>1. Жўраев Т.Т.</b> Миллий иқтисодиёт ва унинг макроиктисодий ўлчамлари .....	3
<b>2. Жўраев Т.Т.</b> Ялпи талаб ва ялпи таклиф назарияси .....	28
<b>3. Жўраев Т.Т., Аллаберганов З.Г.</b> Иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик .....	42
<b>4. Жўраев Т.Т., Мустафақулов Я.Б.</b> Истеъмол, жамғарма ва инвестициялар .....	58
<b>5. Жўраев Т.Т.</b> Умумиқтисодий мувозанатлик .....	73
<b>6. абабекова Д.</b> Иқтисодий бекарорлик ва цикл назариялари .....	94
<b>7. абборова Ж.</b> Бандлик ва ишсизлик .....	128
<b>8. ихмонов С.</b> Бозор иқтисодиёти ва унинг белгилари .....	152
<b>9. Жўраев Т.Т.</b> Пул муомаласи ва инфляция .....	166
<b>10. арипов А.</b> Жамиятнинг молия ва кредит тизими .....	182
<b>11. ихмонов С.</b> Иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг роли .....	234
<b>устамов Б.</b> Аҳоли даромадлари ва давлатнинг ижтимоий сиёсати .....	262
<b>ўраев Т.Т.</b> Жаҳон иқтисодиёти ва унинг ривожланиши .....	278
<b>Жалолова Д.</b> Халқаро савдо. Халқаро валюта ва кредит муносабатлари .....	298

# **ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ НАЗАРИЯСИ**

**(Маъruzалар матни)**

Босишга рухсат этилди 8.01.2010. Бичими 60x84 1/16.  
“Times New Roman” гарнитураси. Нашр босма табоги 20,0.  
Офсет қофози. Офсет босма усулида босилди.  
Тиражи 500. Буюртма № 155.